

Жаҳон

АДАБИЁТИ

Адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик журнал

Alisher Navoiy Xose Ortega i Gasset **Janni Rodari** Anna Axmatova **Jeymys Joys** Jonatan Svift **Jorj Bayron** Ryunoske Akutagava **Fransua Rable** Edgar Allan Po **Vilyam Shekspir** Frans **Tomas Eliot** **Martti Larni** **Artur Rembo** **Gi de Mopassan** **Ivan Bunin** **Aflotun Dante Aligeri** **Chan Chhol** **Roa Bastos** **Mario Vargas Losa** **Isay Kalashnikov** **Anton Chexov** **Taduesh Dolenga Mostovich** **Fyodor Dostoyevskiy** **Andreys Pumpurs** **Fridrix Nitshe** **Viktor Gyugo** Ivo Andrich **Marsel Prust** **Mo Yan** **Aleksandr Veselovskiy** Ann Fillip **Abdulla Qodiriy** Roxelio Sinan **Moris Meterlink** Hermann Hesse **Oktavio Pas** Migel Otero Silva **Onora de Balzak** **Rikardo Miro** **Arastu** Tomas Mann **Ernest Heminguey** **G'afur G'ulom** **Gabriela Mistral** **Zahiriddin Muhammad Bobur** **Tetsuo Miura** **Erkin Vohidov** **Aleksandr Pushkin** Boris Pasternak **Premchand** Uolter de la Mer **Miguel de Servantes** **Emil Zolya** **Muxtor Avezov** **Abdulla Oripov** **Iohann Gyote** Mixail Bulgakov **Nelli Zaks** Bernard Shou **Mark Toutant** **Yan Parandovskiy** **Chingiz Aytmatov** **Oskar Uayld** **Li Munyol** **Xose Marti** **Semben Usmon** **Homer** **Jaloliddin Rumi** **Grem Grin** **Emili Dikinson** **Oybek** **Lev Tolstoy** Migel de Karron **Herta Myuller** **Avetik Isaakyan** **Jan-Mari Leklezio** **Gabriel Garsia Markes** **Sharlotta Bronte** **Grant Motevosyan** **Lesya Ukrainka** **Rabindranat Tagor** **Sofokl** **Aka-uka Grimmlar**

Жамоатчилик кенгаши:

Муҳаммад АЛИ
Наим КАРИМОВ
Иброҳим ҒАФУРОВ
Низом КОМИЛОВ
Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ
Абдухалил МАВРУЛОВ
Муҳаммадҷон ХОЛБЕКОВ
Хуршид ДЎСТМУҲАММАД
Абдураҳим МАННОНОВ
Муҳаммадҷон ҚУРОНОВ
Муҳаббат ТУЛАХЎЖАЕВА
Баҳодир КАРИМОВ
Муҳиддин ОМОН

МУАССИСЛАР: РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ
ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

Бош муҳаррир Шуҳрат РИЗАЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Жалолiddин САҒОЕВ
Амир ФАЙЗУЛЛА
Назира ЖЎРАЕВА
Отабек САҒАРОВ
Дилдорхон АЛИЕВА
Алимурод ТОЖИЕВ
Алишер ОТАБОЕВ
Жамила АСҚАРОВА
Даврон РАЖАБОВ
Шаҳноза НАЗАРОВА
Шоҳрух АБДУРАСУЛОВ

МУНДАРИЖА

- 3** Ш.М.МИРЗИЁЕВ. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий олами юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир.

НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

- 9** Алишер Навоий. Эл парио хурни дегай. (*Рус ва инглиз тилларига Е.Аксельрод, А.Обид тарж.*)

НАСР

- 14** Л. КОССЕ. 31 август. Роман. (*Рус тилидан Р. Умматов тарж.*)
143 Д. БУЦАГТИ Қўчки. А.МОРАВИА. Май ёмғири. Ҳикоялар. (*Италян тилидан А.Умаров тарж.*)

ПУБЛИЦИСТИКА

- 81** М.ТОИР. Европа саёхати: ҳайрат ва шукроналик.

ДРАМА

- 113** Ж.П.САРТР. Ёпиқ эшик ортида. (*Рус тилидан Ш.Назарова тарж.*)
153 А. ВАМПИЛОВ. Ўрдак ови. (*Рус тилидан М.Хайруллаев тарж.*)

ЭССЕ

- 129** Я.ПАРАНДОВСКИЙ. Сўз кимёси. (*Рус тилидан М.Акбаров тарж.*)

ЗОМИН МАВЖЛАРИ

- 179** Зомин семинари иштирокчилари ижодидан намуналар.

ЖАҲОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ

- 193** М.ТЎЛАХЎЖАЕВА. Қулги ортидаги дард.

- 199** Тарихда бу кун
202 Муқоламизда
204 Тақвим
206 Журналнинг русча ва инглизча мухтасар мазмуни

Ш.М.МИРЗИЁЕВ

АДАБИЁТ ВА САНЪАТ, МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ХАЛҚИМИЗ МАЪНАВИЙ ОЛАМИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИДИР

Шу йилнинг 3 август куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев мамлакатимизнинг ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашув ўтказди. Ушбу учрашувда маданият ва санъат соҳасида юзага келган кўплаб муаммолар ўртага ташланди, айти пайтдаги ижодий жараёнлар муҳокама қилинди.

Мазкур йиғилишида маданият, оммавий ахборот воситалари адабиёт ва санъат соҳасини тўздан ислоҳ қилиш мақсадида амалга ошириладиган кенг миқёсли ишлар хусусида сўз борди, ёш истеъдодлар тарбияси, маданиятимиз ва адабиётимизни ривожлантириш мақсадида янги зоя, ташаббус ва таклифлар билдирилди.

Қўйида Президентимизнинг ушбу маърузаларидаги айрим мулоҳаза ва фикрларидан кўчирмалар берилмоқда.

* * *

Инсон қалбини, унинг дарду ташвишларини, халқнинг орзу-интилишлари, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини бетакрор сўз, оҳанг ва рангларда тараннум этишни ўз ҳаётининг маъно-мазмуни деб биладиган сиз, мухтарам ижод аҳлининг меҳнати нақадар машаққатли, масъулиятли ва шарафли эканини барчамиз яхши биламиз.

* * *

Биз ҳозирги вақтда йирик бир лойиҳа – Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш бўйича катта ишларни бошлаб юбордик.

Бу марказ аввало халқимизнинг яратувчилик даҳоси билан бунёд этилган ноёб меросни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, юртимиздан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур уйғотиш, халқаро миқёсда динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни йўлга қўйиш, бугунги мураккаб даврда ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини очиқ бериш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадларни кўзда тутати.

* * *

Яқинда “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилдик. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази, Фанлар академияси қошида Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази тузилди.



* * *

Тошкент шаҳрида Адиблар хиёбони бунёд этилаётгани, у ерда адабиётимизнинг буюк намояндаларига бағишлаб ёдгорлик мажмуалари ўрнатилаётгани, шунингдек, Наманган вилоятида улкан маърифатпарвар Ибрат домла, Жиззах шаҳрида атоқли ижодкорлар Ҳамид Олимжон, Зулфия ва Шароф Рашидов, Хоразм вилоятида оташнафас ҳофиз Комилжон Отаниёзов, Нукус шаҳрида Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Ибройим Юсупов, Фарғона, Қашқадарё ва Андижон вилоятларида Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф хотираларини абадийлаштириш ишлари олиб борилаётганини қайд этиш лозим.

* * *

Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ.

* * *

Албатта, биз халқимизнинг маънавий камол топишида маданият намояндаларининг улкан хизматлари борлигини доимо миннатдорлик билан эътироф этамиз. Юксак идеаллар йўлида фидойилик кўрсатиб яшаш, ўзлигимизни англаш, ғурур ва ифтихор, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш учун бел боғлаб майдонга чиқиш – сиз, ижод аҳлига хос эзгу фазилат эканини ҳаммамиз яхши биламиз ва буни юксак қадрлаймиз.

* * *

Юртимиздаги бугунги ижодий муҳитни кузатсак, у қандайдир турғунликка тушиб, бир жойда депсиниб тургандай, кўпчилик ижодкорларимиз ўз ташвиш ва муаммолари билан ўралшиб қолгандай таассурот қолдиради. Ҳолбуки, маданият ва санъат арбоблари ҳамиша жамиятнинг энг олдинги сафларида бўлиши, ўз асарлари, фаол гражданлик позицияси билан одамларни эзгу мақсад ва марралар сари бошлаши, илҳомлантириши керак эмасми?

* * *

Азал-азалдан халқ ижод аҳлига жуда катта ҳурмат ва ишонч билан қараши сизларга яхши маълум. Русча ибора билан айтганда, уларга “властители дум”, яъни “жамият тафаккурининг эгалари” деган юксак баҳо бериб келиниши албатта бежиз эмас. Чунки, сизларга Яратгanning ўзи шундай ноёб истеъдод ва салоҳият ато этганки, бундай хусусият, бундай фазилат ҳар кимга ҳам насиб этмайди.

* * *

Дейлик, 15-20 йилдан кейин Ўзбекистоннинг маданий ривожланиши қандай кечади, бугун биз яшаётган Интернет ва юксак технологиялар асрида адабиёт ва санъат, маданиятимизнинг ўрни ва таъсирини нафақат сақлаб қолиш, балки қандай қилиб уни кучайтириш мумкин, деган тўғри ва одилона саволлар барчамизни, биринчи навбатда, халқимизнинг энг илғор вакиллари бўлган ижод аҳлини ўйлантдириши зарур эмасми?

* * *

Айни пайтда, адабий-бадий жараёнларда кўзга ташланаётган салбий тенденциялар, хусусан, маданият соҳасида тижоратлашув, шахсий манфаатнинг биринчи ўринга чиқаётгани, ғоявий-бадий жиҳатдан саёз асарларнинг бозори чакқон бўлиб бораётгани ташвиш уйғотмасдан қолмайди. Афсуски, ижодий уюшмалар томонидан бундай ҳолатларга принципиал баҳо берилмаяпти, уларни баргараф этиш бўйича ҳар томонлама асосланган амалий таклифлар ўртага қўйилмаяпти.

* * *

Замонамизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари бўлган мана шундай қурувчи ва муҳандислар, дала заҳматкашлари ҳақида, жонқуяр муаллим ва шифокорларимиз, жасур ҳарбийларимиз, навқирон ёшларимиз эришаётган ютуқ ва марралар ҳақида сизлар ёзмасангиз, Ватанимиз тарихининг бадий солномасини сизлар яратмасангиз, ким яратади? Агар биз истеъдод ва маҳоратимизни шу муқаддас замин, шу олижаноб халқимиз учун сафарбар этмасак, ҳазрат Навоий айтмоқчи, бу ҳунарни асраб нима қиламиз, қаерга олиб кетамиз уни?

* * *

Биз бугун китобхонлик маданиятини ошириш, илмий, бадий, сиёсий адабиётларни кўпайтириш масаласига алоҳида эътибор беряпмиз. Аммо бу ишларни ҳар томонлама пухта ўйлаб амалга оширишимиз, бошлаган олижаноб ҳаракатимизни обрўсизлантиришга йўл қўймаслигимиз шарт.

* * *

Барчамиз, айниқса, бу ерда йиғилган ижодкор зиёлиларимиз, бизнинг қандай буюк ва шонли ўтмишимиз, қандай улуғ аждодларимиз борлигини яхши биламиз ва бу билан ҳамиша фахрланамиз. Мисол учун, биронта жангда энгилмаган буюк саркарда Соҳибқирон Амир Темурни оламизми, алгебра фанига асос солган Ал-Хоразмийни оламизми, Колумбдан 500 йил олдин Американи кашф этган Беруний бобомизни оламизми, ўрта асрларда тиббиёт фанининг пойдеворини яратган Ибн Синони оламизми, астрономия соҳасида беқиёс кашфиётлар қилган Мирзо Улуғбекни оламизми – жаҳон цивилизацияси ва маданиятига улкан ҳисса қўшган бундай улуғ аждодларимизнинг ҳар бири ҳақида соатлаб гапиришимиз мумкин.



Лекин, холисона айтганда, кейинги пайтда ана шундай улуғ зотлар, улар қаторида Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳовуддин Нақшбанд, Бурҳониддин Марғиноний, Абу Мўъин Насафий каби азиз-авлиёларимиз, Алишер Навоий, Бобур каби шоир ва мутафаккирларимиз хотирасини кино экранларида акс эттириш учун бирон-бир арзийдиган иш қилдикми? Тан олиш керакки, йўқ.

* * *

Биз учун ҳеч қачон кун тартибидан тушмайдиган яна бир ўта муҳим масала борки, унга алоҳида тўхталиб ўтишни зарур деб биламан. У ҳам бўлса, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз, фарзандларимиз тарбияси билан боғлиқдир.

Буюк бобомиз Абдулла Авлоний айтганидек, **бу масала биз учун ҳақиқатан ҳам ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир** ва ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган, таъбир жоиз бўлса, масалаларнинг масаласидир.

Шу маънода, бугунги кунда юртимизда тобора кенг тарқалиб бораётган **“Ўз болангни ўзинг асра!”** деган даъват фақат куруқ шиор бўлиб қолмасдан, ҳар бир ота-она, ҳар бир фуқаронинг қалбига, юрагига чуқур кириб бориши, амалий ҳаракатга айланиши учун ижодий ташкилотларимиз ҳам ўз масъулиятини жиддий равишда қайта кўриб чиқишлари давр талабига айланмоқда.

Биз бир нарсани ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур. Агар “оммавий маданият” таҳдиди фақат четдан – Ғарбдан кириб келади, десак, қаттиқ адашамиз. Бу бало, афсуски, ўзимиздан, ўз орамиздан ҳам чиқиши мумкин. Мен бу гапларни осмондан олиб айтаётганим йўқ. Юртимизда нашр этилаётган айрим газета-журналлар, китобларни, суратга олинаётган баъзи клип ва киноларни, эфирга берилаётган кўшиқ ва рақсларни кузатиб, соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам шундай хулосага келиши табиий.

* * *

Энг ёмони, бадий ижод соҳасида жаҳолат кўринишлари кучайиб бормоқда.

Биз “жаҳолат” деганда одатда диний жаҳолат, ақидапарастликни тушунамиз. Лекин бугунги ҳаётий жараёнлар жаҳолат ҳамма соҳада ҳам учраши, агар унга қарши ўз вақтида кураш олиб борилмаса, ўта оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Биз бугун жаҳолат деган балого ақтисодиёт соҳасида ҳам, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият тизимида ҳам, қўйинги, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида дуч келяпмиз ва бу иллат кўл-оёғимизда бамисоли кишан бўлиб турибди. Бу кишандан халос бўлмасдан туриб, тараққиёт ва ривожланиш ҳақида ҳеч қандай сўз бўлиши мумкин эмас.

* * *

Албатта, бундай муаммолар санъатни муқаддас деб биладиган устоз ижодкорларимизни ҳам қийнаётгани табиий. Шундан келиб чиққан ҳолда,

“Ўзбекконцерт” қошида “Ўзбекистон халқ артистлари” клубини ташкил этсак, нима дейсизлар?

* * *

Эстрада санъатидаги камчиликларнинг асосий сабаблари ҳеч кимга сир эмас. Кўпчилик қўшиқчилар масъулиятни унутиб, ўз устида ишламай қўйган, изланиш, маҳоратини ошириш, янги ижодий ғоялар билан яшаш, санъат дунёсига, мухлисларга ҳурмат каби тушунчалар уларга бегона бўлиб қолган, десак, қанчалик аччиқ бўлмасин, бу ҳам ҳақиқат.

Шундай санъаткорлар ҳам борки, унвон олгунича тинимсиз елиб-югуради, ҳол-жонингизга қўймайди. Унвон олдимиз, тамом, сувга тушган тошдек жим бўлиб кетади. Улардан унвонга яраша, халқнинг эътиборига яраша ижод қани, деб сўраш ўринлими ёки йўқми? Ижодкорнинг талаби билан бирга бурчи ҳам бўлиши керак эмасми?

* * *

Афсуски, бугун телевидение орқали берилаётган баъзи клипларни оила, фарзандлар даврасида томоша қилиб бўлмай қолди. Ҳар бир ҳаракатида ғарбга тақлид сезилиб турадиган, очиқ-сочиқ кийинган ёшларни кўриб, нахотки шулар ҳам бизнинг фарзандларимиз, бизнинг миллатимиз вакиллари бўлса, деб ўйлаб қоласан киши.

* * *

Ўзбекистонда адабиёт ва санъат, маданият, оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маърифат бизнесга айланмаслиги шарт ва биз бунга ҳеч қачон йўл қўймаймиз.

* * *

Маънавий ҳаётимизни янги, юксак босқичга кўтариш, авваламбор, Бастакорлар, Рассомлар, Театр арбоблари ва Журналистлар ижодий уюшмаларининг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мамлакатимиз ижодкор зиёлиларининг салоҳиятини рўёбга чиқариш, муносиб иш ва турмуш шароитини яратиб беришга хизмат қиладиган **“Илҳом” жамоат фондини** ташкил этиш бўйича қарор лойиҳаси тайёрланганини маълум қилмоқчиман.

* * *

Бугун маърифатли дунёда шундай анъана мавжудки, йирик компаниялар, банклар, фирмалар маданий ташкилотларга ҳомийлик қилишни ўзлари учун шараф деб биладилар. Баъзан, қани эди, бизда ҳам шундай ҳомийлар кўпайса, деб орзу қиламан.

Аждодларимиз ўз даврида яратган илмий ва ижодий мактабларнинг ву-жудга келишида аввало ана шундай маърифатпарвар ҳомийларнинг ҳиссаси хал қилувчи аҳамият касб этгани яхши маълум. Шундан келиб чиққан ҳолда,



яна бир таклифни ўртага ташламоқчиман. Юртимиздаги етакчи ижодий ташкилотларнинг “дўстлари клублари”ни ташкил этсак, уларга йирик корхона, банк ва компанияларни ҳомий сифатида бириктириб қўйсак, шартнома асосида уларнинг доимий ҳамкорлигини йўлга қўйсак, нима дейсизлар?

* * *

Яқин келгусида Зомин ва Паркент туманларининг сўлим ва хушманзара, илҳомбахш ҳудудларида ижодкор зиёлиларимиз учун замонавий ижод уйлари – коттежлар қурилиши режалаштирилмоқда. Бу коттежлар ижодий иш учун маълум муддатга ижарага берилади. Уларга йўлланма билан борадиган адиб ва санъаткорларимиз ҳам ижод қилади, ҳам ёшларга маҳорат сирларидан сабоқ беради, деб умид қиламиз.

* * *

Маълумки, бир вақтлар Ўзбекистон Миллий университети қошида Олий адабиёт курси ташкил этилган эди. Ҳозирги вақтда унинг фаолияти нима учундир тўхтаб қолган. Сабабини суриштирсак, ушбу курс битирувчиларига тегишли давлат гувоҳномасини бериш масаласида муаммо бўлган экан. Мен ўйлайманки, бу курс ёш истеъдод эгаларини тарбиялаб вояга етказишда жуда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда бу масалани ўрганиб, тегишли таклиф киритишини сўрайман.

* * *

Ижод аҳлини қийнаб келаётган муаммолардан бири – бу уй-жой масаласи билан боғлиқ. Мана шу долзарб муаммони ечиш учун Тошкент ва Нукус шаҳарларида, барча вилоятлар марказларида имтиёзли кредит асосида “Ижодкорлар уйлари” барпо этилиб, бу уйлардан адиблар, рассомлар, актёр ва режиссёрлар, композиторлар, маънавият тарғиботчилари, оммавий ахборот воситаларининг фаол вакиллари, шу жумладан, истеъдодли ёш ижодкорларга квартиралар ажратилади.

* * *

Миллионлаб одамларнинг эътиборида бўлган, маданият, адабиёт ва санъат деган муқаддас даргоҳга қадам қўйган ҳар бир ижодкор, ҳеч шубҳасиз, аввало ўз халқининг қалбига қулоқ солиб, унинг дардига дармон бўлишга интилади. Сизларнинг барчангизни мен ўз ижодий фаолияти билан мана шундай ҳаётий эътиқодга умрбод амал қилиб келаётган фидойи инсонлар, деб биламан.

Мен шу ўринда аввал билдирган бир фикримни яна такрор айтмоқчиман. **Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улўғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади.**

NAVOIY SABOQLARI



Алишер НАВОИЙ

(1441–1501)

ЭЛ ПАРИЮ ХУРНИ ДЕГАЙ...

*Эл парию хурни дегай гумон қилганча хўб,
Лек эрур хури парийзодим менинг юз онча хўб.*

*Давр ичинда фитна ҳам кўп, хўб ҳам беҳад, валеқ
Бўлмагай мингдин бир ул сарфитнаи давронча хўб.*

*Кун била тун юз била хаттингча хўб эрмас яқин
Бўлса бу гулшанда бўлгайлар гулу райҳонча хўб.*

*Хуснига ушишоқ агар менча ҳалок эрмас, не айб
Ким, киши ул юзни кўрмайдур мени ҳайронча хўб.*

*Хуснидин тўймоғ эмас мумкинки, беҳад хўб эрур,
Тўйгай эрдим, бўлса эрди Юсуфи Канъонча хўб.*

*Эй кўнгул, Фарҳоду Мажнун бўлгай эрди бизча зор,
Бўлса эрди Лайлию Ширин бизинг жононча хўб.*

*Буки тарки шиқ этарлар ваъда ёлгон қилса ёр,
Қилса бўлмас, бўлса ёр ул ваъдаси ёлгонча хўб.*

*Эй кўнгул, хуру парий васфин эшиттим, гўйиё
Ҳеч қайси одамийлиғда эмас инсонча хўб.*

*Эй Навоий, кўйининг хори кўзумга гулча бор
Ким, эрур оллимда кўйи равзаи ризвонча хўб.*

“Наводир уш-шабоб”, 43-газал

ЛУҒАТ

Хўб – 1) яхши; 2) гўзал; 3) афзал

Сарфитна – фитна кўзготувчи, фитна бошловчи

Хатт – лаб устидаги туклар



Ушшоқ – ошиқлар

Хор – тикан

Равзаи ризвон – жаннат боғи

Кўй – кўча, маҳалла

Ғазалнинг насрий баёни

Дилнавоз ЮСУПОВА шарҳи

1. Халқ пари ва хурни гўзал деб тасаввур қилади, лекин менинг хури паризодим улардан юз қатла чиройлироқдир.

2. Бу замонда гўзаллар ҳам, улар ҳақидаги фитналар ҳам кўп, лекин уларнинг ҳеч бири менинг фитна кўзғатувчи ёрим ҳақидаги фитналарнинг мингдан бирига ҳам тенг келолмайди.

3. Гўзалликда кун билан тун сенинг юзинг ва лабларинг устидаги тукларингдек бўлолмайдилар, нари борса уларга гулшандаги гул билан райҳон яқин (тенг) келиши мумкин.

4. Ёримнинг хусини кўрган ошиқлар мендек ҳалок бўлмасалар, не ажаб, чунки улар ёримнинг юзида мендек телбаи хайрон кўрган гўзалликни қайдан кўрсинлар?

5. Ёримнинг гўзаллигига чегара йўқ, қанча тикилсам ҳам, унинг хуснига тўя олмайман, агар у Юсуфи Канъондек бўлса, тўйган бўлар эдим (у ҳатто Юсуфдан ҳам гўзал).

6. Эй кўнгил, агар Лайли билан Ширин бизнинг ёримиз каби гўзал бўлсалар эди, Фарҳод билан Мажнун ҳам ишқ йўлида биздек зор бўлар эдилар (уларнинг зору нолонлиги менинг изтиробларим олдида ҳеч нарса эмас).

7. Агар ёр ёлғон ваъда қилсаю, ваъдасини бажармаса, унинг ишқини тарк этадилар, ахир у ваъдаси ёлғон менинг ёримдек яхши бўлса, унинг ишқини қандай тарк этиш мумкин?

8. Эй кўнгил, хуру парилар тавсифини эшитдим, уларнинг ҳеч бири (қанчалик гўзал бўлмасинлар) одамийлик бобида инсон фарзандига тенг келолмайдилар.

9. Эй Навоий, унинг кўчасидаги тикан кўзимга гул бўлиб, ёрнинг маскани эса жаннат боғидек бўлиб туюлади.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Ушбу ғазал мавзу жиҳатидан ошиқона бўлиб, услубан таъриф тавсиф йўналишидаги ғазаллар сирасига киради. Унда бошдан охиригача ёр гўзаллиги тараннум этилган. Ғазалдаги ёр хусн жиҳатидан хуру париларга, унинг макони эса жаннат боғига муқояса қилинади, баъзи ўринларда ҳатто улардан устунроқ кўйилади.

Маълумки, хурлар бу жаннатда яшайдиган гўзал қизлар бўлиб, улар жисмоний ва маънавий камчиликлардан холи деб қаралади. Парилар ҳам гўзалликда хурлар каби бўлиб, ғайб оламидаги мавжудотлар-

дир. Улар ўзларининг гўзаллиги ва латофати билан одамларни мафтун этиб, ақлдан оздирадилар. Уларни оддий кўз билан кўришнинг имкони йўқлиги сабабли одамлар уларни ўз тасаввурларида гавдалантирадилар. Ҳазалнинг матлаъсида шоир “эл гумон қилғонча хўб” деганда шу ҳолатга ишора қилар экан, ўз ёрени хуру парилардан ҳам гўзалроқ паризод деб таърифлайди.

Ҳазалнинг иккинчи байтида айтилишича, бу замонда гўзаллар ҳам, улар ҳақидаги фитналар ҳам кўп, лекин уларнинг мингдан бири ҳам фитна кўзғовчи ёрга тенг келолмайди, яъни лирик қаҳрамон ошиқ бўлган гўзал ҳуснда шунчалик мафтункорки, замон аҳли орасида турли фитналарга сабаб бўлади ва “сарфитнаи даврон” таърифи билан эсланади. Навоий бу ўринда сўз ўйини воситасида ёрнинг ҳам фитнагарлар, ҳам хўблардан эканлигини айтиб, биринчи мисрадаги “давр”, “фитна”, “хўб” сўзларини иккинчи мисрада ўз ёрига нисбатан қўллайди ва бетақрор ташбеҳлар яратади. Учинчи байтда ёрнинг юзи нур таратиши жиҳатидан кун, яъни қуёшдан, лаблари устидаги туклари қоралиги жиҳатидан тундан устун қўйилади, уларга ташбеҳ сифатида фақат гулшандаги гул ва райҳон яқин келиши мумкинлиги таъкидланади.

Кейинги байтларда ёр гўзаллиги билан боғлиқ таърифу тавсифлар кучайиб боради. Шоир ўз ёрени мумтоз адабиётдаги гўзаллик тимсоли Юсуф алайҳиссаломдан ҳам малоҳатлироқ деб ҳисоблайди. “Унинг ҳусни Юсуфи Канъондек бўлганида, тўймоқ мумкин эди” деб ёзар экан, машҳур ривоятга ишора қилади. Ушбу ривоятга кўра, Юсуф алайҳиссалом Мисрда подшоҳ бўлган пайтларида етти йил қаҳатчилик бўлади, халқ Юсуф алайҳиссаломдан озиқ-овқат сотиб олиб кун кўради. Ахийри озиқ-овқат ҳам тугаб, одамлар кўчаларда очликдан ўла бошлайдилар. Шунда Юсуф алайҳиссалом юзларидан ниқобларини очиб, халққа кўриниш берадилар. Халқ тўрт ойгача у зотнинг гўзалликларидан беҳуш бўлиб, очлик нималигини унутади. (“Қисаси Рабғузий”да келтирилишича, Юсуф алайҳиссаломга Аллоҳ томонидан бу оламдаги гўзалликнинг юздан тўқсон тўққизи ато этилган экан). Байтда ана шу ҳодисага ишора борлигини кўраимиз.

Навбатдаги байтда ошиқнинг ўз ёрига садоқати тасвирланган. Ишқ одобига кўра, маъшуқа қанчалик ситамкор ва жафокор бўлмасин, ёлғон ваъдалар бериб, ошиқни қийнамасин, ҳақиқий ошиқ унинг ишқини тарк этмайди, балки аксинча унга садоқат ва фидойилик билан жон фидо қилишда давом этаверади.

Ҳазал мақтаъсида ёр кўчасининг тиканлари шоирга гул бўлиб, унинг яшаш маскани жаннат боғи бўлиб туюлиши тасодифий эмас, зеро ривоятларга кўра, жаннатнинг атрофи тиканлар билан ўралгандир.

Ҳазалда қўлланилган тимсоллар уни бевосита мажозий маънода ҳам талқин қилишга имкон яратади: унда гўзаллиги таърифланган ёрни пири комил тарзида ҳам, Пайғамбаримиз (с.а.в.) ва айни пайтда Мутлақ муҳаббат мазҳари деб ҳам тушуниш мумкин.

Умуман олганда, Алишер Навоийнинг “хўб” радифли ушбу ғазали юксак бадиияти ва чуқур мазмунга эга эканлиги билан туркий ғазалиётнинг нодир намуналари сирасига қиради.

Ҳазалнинг русча таржимаси ҳақида икки оғиз сўз. Ҳазал рус тилига



аслиятдаги каби 9 байт ҳажмида ўғирилган. Таржимон Елена Аксельрод ғазалга хос қофияланиш тизими ва радифни сақлаб қолишга интиланган: “хўб” радифини “она красивей всех” тарзида ўғирган ва ғазалнинг сўнгига қадар такрорий ибора сифатида қўллаган. Таржима билан танишган китобхон унда ғазалнинг асосан зоҳирий маъноси очиб берилганлигига гувоҳ бўлади. Талмиҳ қилинган тимсоллар: Ширин, Лайли, Мажнун, Фарҳод, Юсуф (а.с.) билан боғлиқ моҳият имкон даражасида китобхонга етказишга эришилган. Лекин баъзи ўринларда мумтоз адабиётга хос анъанавий образлар: “гул”, “хатт” ва бошқалар таржимасида хатоликка йўл қўйилган, хусусан, учинчи байтда ёрнинг лаблари устидаги туклар маъносини билдирувчи хатт сўзи “глаза” (кўзлар) тарзида ўғирилган.

Ғазалнинг русча таржимаси

Таржимон – Елена АКСЕЛЬРОД

*Есть где-то пери, говорят, она красивей всех.
Любовь моя милей стократ, она красивей всех.*

*Красавиц много, но она весь мир ввела в соблазн,
Нет в мире без нее услад, она красивей всех.*

*Ее лицо, как ясный день, глаза ее, как ночь,
Ланиты, как тюльпан, горят – она красивей всех.*

*Пускай мне возразит иной – мол, краше лица есть,
Но ясно говорит мне взгляд – она красивей всех.*

*Красой насытиться нельзя, красе предела нет,
Юсуф прекрасней был навряд – она красивей всех.*

*Коль были бы Ширин, Лейли прелестны, как она,
Меджнун грустил бы и Фархад – она красивей всех.*

*Пусть солгала и не пришла – прекрасно эта ложь.
Прошу ей все, ей нет преград, она красивей всех.*

*Я слышал, гурии добры, но гурия моя
Добрей, отрадней всех отрад, – она красивей всех.*

*О Навои, в ее саду шипы, как лепестки,
А улица ее, как сад, – она красивей всех.*

Ғазалнинг инглизча таржимаси

Таржимон – Аъзам ОБИД

*People assume peri and houri must be so fascinating,
But my own angel is a hundred times more captivating.*

*There are many instigations, many beauties nowadays,
None of them can make a thousands of all plots my love's creating.*

*Day and night are not as fine as your face and upper lip hair,
At most - with them in the garden – flowers, basil are equating.*

*It's not a wonder if the lovers don't die of belle's glory like me
On the goodliness of her face would they not be concentrating?*

*I can't be fed up with her beauty since it is unlimited,
I would be surfeited with it if it were like Joseph-plating.*

*Hey soul, if Leila and Shirin were as fine as our sweetie,
Farhod and Mejnun would be like us in the plight of devastating.*

*If a beloved gives her false word, she would be left unattended,
Could a man ignore his sweetheart, if – like mine – she's exhilarating?*

*Hey soul, I heard the description of peris and houris oftentimes,
None of them – in humanity like a human – is stimulating.*

*Hey Navoi, thorns in her street are like flowers in my eyes,
And her place in front of me is like paradise – illuminating.*





Лоранс КОССЕ

(1950 йилда туғилган)

31 АВГУСТ

Роман¹

*Рус тилидан
Рустамжон УММАТОВ
таржимаси*

Сўзбоши ўрнида

Граф Спенсер насл-насабига кўра аслзодалар сулоласидан бўлса-да, хийла камбағаллашиб қолгандики, қиролича хонадони билан қудалашув унинг тушига ҳам кирган эмас. Ана шунақа оддий оилада балоғатга етиб, валиаҳд шаҳзодага узатилган инглиз қизини сўнги уч юз йил ичида Букингеи саройи ҳам кўрмаганди. 1981 йили уч асрлик “анъана”га нуқта қўйилди: йигирма ёшли нозанин Диана Елизавета Иккинчи ҳазрати олияларига келин бўлиб, тахт вориси билан битта ёстиққа бош қўйди.

– Мен, Диана Спенсер, ушбу дақиқадан ўзимни Чарльз Филипп Артур Георгга ўз ихтиёрим-ла бахшида этаман, – деди у никоҳ чоғи...

Диана шаҳзода Чарльзнинг портретини ётоқхонаси деворига осиб қўйганида ҳали ўн икки яшар сочи жамалак қизгина эди. Дегандики:

– Ё балерина бўламан, ёхуд Уэльс маликаси мақомига эришаман.

Ажабо, Худонинг марҳамати билан ақл бовар қилмас фантастик орзу (бундан бўлакча баҳолаш амри маҳол) саккиз йил деганда рўёбга чиқди.

Унаштирилган чоғи Диана болалар боғчасида мураббия эди. Спенсерлар шажараси бенуқсон, Диананинг таржимаи ҳоли чашмадаги оби зилолдай беғубор бўлиб, келинбола қиролича хонадонига талабга бемалол жавоб берарди. Никоҳ маросими Вестминстер аббатлигида нишонланиб, мисли йўқ тантаналар билан кечди. Бундай олиймақом тўйлар тансиқ ва ўзига хоски, Чарльз ва Диана иштирокидаги ўша шоуни камида етти юз эллик миллион телетомошабин кўргани овоза бўлганди.

Икков гўё бир жуфт булбул, бутун дунё ҳавасда. Шаҳзода ва малика икки ҳафталик саёҳатга йўл оладилар. Шоҳона шароитлар, мукамал “Британия” яхтасида йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Ўртаер денгизда тўйгунча сузиб, Шотландияга қайтишди. Келин-куёв илк бор журналистлар қамалида:

Мухбир: – Қалай, оилавий ҳаёт сизга ёқдими?

Диана: – Ёқди, мен уни ҳаммага тавсия қиламан.

Уч ойдан сўнг келинбола юкли бўлиб, 1982 йилнинг июнида тўнғич шаҳзода

¹ Журнал варианты. Манба: Лоранс Коссе. 31 августа. Москва, “Иностранка”, 2006.

Уильям дунёга келди. Сарой муҳитига аста-аста кўникаётган Диана она бўлгач, яна ҳам очилиб, гул-гул яшнаб кетди, у мафтункор, мағрур ва масрур эди.

Лекин бахтлимиди? Шаҳзода Уильямнинг икки ёшлигини нишонлаш баҳонаи сабаб бўлиб, гўё оила бахтиёр экани элга кўрсатиб қўйилди. “Намойиш” асносида Букингем соҳиблари, жумладан, ёш шаҳзода ва малика ҳам жилмайиб туришди, бу табассумлар фото ва телевидение томонидан муҳрланди. Ушбу “бахтиёрлик” дақиқаларида Диана фарзанд кутаётганди, 1984 йил кузида иккинчи ўғил – Гарри таваллуд топди.

Таассуфки, шаҳзодалар туғилган оиланинг кўрғони дарз кетиб, тобора нурай бошлаганди. Аввалбошданоқ Чарльз гўзал рафиқасига ҳеч исигани йўқ.

Боз устига икковнинг ўртасида учинчи шахс (Дианага агёрами ё кундошми?) бор, исми – Камила Паркер Боулз. Аслида бу аёлнинг иштироки янгиликмас, у шаҳзоданинг ҳаётига бурунроқ кириб келган. Лекин маликанинг суйанган тоғи бўйнидаги бу гуноҳини лоақал яширмасди, ўзини оқлаш ё узр-маъзур хусусида эса гап бўлиши ҳам мумкин эмас! Узунқулоқ сўзларга ишонилса, шаҳзода Камиллага шахар ташқарисидан алоҳида жой олиб берган, бу – Диананинг ётоғидан ўн олти километр нарида холос. Гўё бу ҳам кам экан: эри ўзи иқрор бўлиб, “Камила – умрбод қалбим ардоғи” деворган-да, сариқ матбуот буни илиб олиб, жиртагини чалаверган. Диананинг кўзи – кўрмас, қулоғи – кармас, эл оғзига элак тутиб бўлмаса...

Оддий қизни маликаликка юксалтирган бомурувват қисматнинг бемурувватлиги озгина бўлармиди? Дианага яна бир зарба: ўзини дунёга келтириб, улғайтирган граф Спенсер оиласи вайрон бўлди – ота ва онаси ажралишди, никоҳлари бузилди...

У ёқда – у ғалва, бу ёқда – бу ғалва. Диана нима қилсин? Арзини кимга айтсин? Уни ким тушунади? Эри хиёнат билан бахтиёр. Алам, рашк, эзилиш...

– Ҳаммаси мени ўлдириб қутулади, – дерди у.

Малика жонига қасд қилишга чоғланди, йўлларини топди. Лекин энг сўнги лаҳзада ўзини қўлга олди. Ўғилларини етим қолдирмайди! Йўқ, қисматга қасд қилиб яшайди. Қирол саройига муносиб эканини, асл малика бўлганини, тож-тахтга чинакам ворис тарбиялашни кўрсатиб кўяди.

Уильям ва Гарри унинг орзу-умидлари тимсолига айланди. Оммавий тадбирларга, спорт клубларига қатнай бошлади, мурувват ва хайрия ишларига бош қўшди. Малика Диана ажойиб она эди: ўғлонларини ёнига олиб, бемор ва ногиронлар ҳолидан хабар оларди. Шаҳзодаларга бу инсонийлик сабоғи эдики, улар саройдан ташқаридаги дунёни, ғариблар ва йўқсиллар оламини қалб кўзлари билан кўраддилар, ҳис этардилар.

Кимсан малика Диананинг қўл бериб сўрашгани, зоти олиялари билан сурагга тушиш, ҳатто унинг саломига алик олганлари ҳам дардли кишиларга мадад, шифо эди...

Малика ОИТСга ва моховга қарши кураш жамғармаларининг раҳнамолигини зиммасига олди. Қизил хоч жамиятининг тадбирлари усиз ўтмасди. Бугинамас, Диана уруш шароитида пиёдаларни тутдай тўкувчи миналарни тақиқлаш ташаббусини кўтарди. Ҳарбий ҳаракатлар давом этаётган минтақаларга бориб, миналаштирилган жанг майдонларидаги аҳволни ўз кўзи билан кўрди. Зобитлар ва аскарлар қалбига ҳалимлик билан таъсир қилди. Бу инсонпарварликки эмас, улуғ жасорат эди, албатта.

Диана ўз интилишлари эри томонидан қўллаб-қувватланишини истайди. У эса парвойи фалак, бефарққина эмас, аксинча, хавотирда. Ди хонимнинг шуҳрат топаётгани, арбоб сифатида Бирлашган қироллик ҳудудидан ташқарида ҳам танилиб бораётгани унга ҳуш келмасди.

Диананинг қайноғаси Эндрю (1986) уйланди. Бу Дианага юпанч эди, негаки, оёқлари Сара меҳридарё аёл чиқиб, унга ҳамдард ва ҳамкор бўла бошлади...

Малика Цицерон ва Демосфен каби антик минбар соҳибларининг китобларини ўқиди. Қайнонасида олдинги марҳум қирол (қайнбуваси) Георг Олтинчи дудуқ бўлса-да, қийналиб талаффуз қилган оддийгина сўзлари билан ҳам қалбларга йўл тополганини эшитди. Шу ҳавасда устозлар ёллаб, ўз нутқини камолга етказди, тавозе, одоб, минбар маданияти дарсларини ўқиди. Либоси қоматига ярашган, зар-зар кокиллари чеҳрасини бегаган, жозибали овози жонон пиёладай жаранглаувчи Ди хоним шундай сўзлардики, издиҳом ҳузурланиб, сарҳуш ҳолга тушарди. Миллион-миллион мухлисларнинг эркасига айланди, уни ҳамма суярди, йигитлар ҳам...

Ди хонимнинг ҳаётига янгилик бош суқди. Нима, алданган аламзада ўч олмоқ қасдидами? Ким билсин... Эри севмаган сулувни севгувчилар йўқ эмас-да... Бирови чин ошиқ эди, юрагини унинг пойига ташлади. Бошқаси маликалик мақомидан наф кўрмоқчи, ичида ишқмас, ғараз қутқуси бор.

Алқасос дунё деганлари ҳақ, хиёнат-хиёнатни чақирадики, эр-хотинни шайтон жиловлаб олди-да, бири-биридан олислаб кетаверди. Бу оралиқ ахийри тубсиз жарга айланди, 1992 йили шаҳзода ва малика жисман, қалбан ва руҳан бегоналашиб бўлишганди. Диананинг қиролича оиласидагилар, дейликки, қайнонаси билан муносабати салом-аликдан нарига ўтмасди.

Ўша йили (1992) маликанинг падари граф Спенсер инфаркт хуружидан қазо қилди. У ёруғ дунёда ишониши мумкин бўлган ягона суянчиғидан айрилиб қолганди.

1993 йили Букингем саройи икковнинг ётоғи бўлиниб, минбаъд тўшаклари алоҳида эканини расман эълон қилди. (Ажабо, шундай эълон ҳам бўларкан-да!) Бу ҳаммаси тамом дегани бўлиб, қалтис хотиманинг илк аломати эди.

Табийки, шундан сўнг сариқ матбуотга Худо бериб қолганди. Обьективини милтиқ мисоли ўқталган папарацци маликанинг ҳар бир қадамини таъқиб қилибгина қолмасдан, оҳунинг изига тушган овчидай қувлаб юрарди. Ди хоним безор, улар эса беор: Диана бир гал биттасининг устига бостириб борди-да, шартта мотоциклининг калитини юлқиб олди. Барибир, фотограф уммондаги хилват оролдан, тупконнинг тагидан ҳам уни топиб оларди.

Сариқ матбуотнинг хиралиги жонидан ўтган хорижий актёрлардан бирининг шундай кинояси бор:

– Ашаддий папараццининг зўри ҳожатхонанинг остидан ҳам ўзига жой топа олади...

Ҳар томонлама сиқилиб, писта пўчоғига жо бўлғудай ҳолга етказсалар-да, малика мағрур эди, гапини букмасди, дилида неки борини хаспўшламасдан дангал айтарди. Матбуот, телерадио минбаридан папараццига тоб-тоқати қолмаганини, қиролича хонадонда бегона эканини гапираверарди, тап тортмасди. Эрининг келажакда давлат бошқаришга лаёқатсизлиги хусусидаги фикрини ҳам яширмади.

– Уйдаги ва кўчадаги таъқибу тазйиқларга чидолмайман, – деворди бир сафар.

Саройдаги шов-шувларни илантириш учун ўзини томдан ташлайдиган сураткашларга Диана нақд “ўлжа”, тайёр “ем” эди. Уларга муқаддас нарса йўқ, оиланинг сирини, сарой асрорларини оламга ёйишдан пул топади. Маликани нозик бир вазиятда, ё кийинаётган, ё ечинаётган ҳолда суратга туширса – бахт. Папараццининг усули пасткашликдан ҳам тубан эди...

Лекин нафсиламрини айтганда, монархиянинг минг йиллик обрўси хавф остида. Қиролича булғанган чойшаб хусусида бош вазирга ва архиепископ Кантерберийскийга мурожаат қилди. Шунингдек, зоти олияларининг расмий номаси ҳам бўлиб, ўғил ва келинга ажралаш тавсия этилганди.

Никоҳ 1996 йил августда бекор бўлди: энди Диана “Уэльс маликаси” бўлиб қолса-да, “ҳазрати олиялари” рутбасидан маҳрум. Лекин қиролича ғазнасида 28 миллион доллар миқдоридан моддий марҳамат олди.

Ота-онаси кексайган чоғида кўрган ажрашиш кулфати ёш жонида Диананинг бошига келганди. Бундай бўлишини у ҳеч қачон устаган эмас.

– Ҳаётимнинг энг қора куни! – дея йиғлайди у.

– Биз, мен ва укам Гарри, – дейди тўнғич шаҳзода Уильям, – сиз қандай бўлсангиз, шу ҳолингизда севамиз. Рутбангиз бўлмаса, ҳечқиси йўқ, сиз бизга ҳазрати онажонсиз...

* * *

Диана фақат маликаларгина кийишга ҳақли расмий либосларининг бир қисмини кимошди бозорига чиқарди. Шоҳона сарполар савдосидан тушган уч миллион долларни хайрияга ва савобли ишларга харжлади. Тақдирга тан бергач, боши очиқ аёлга айлангани ҳам истиқболли имконият туюла бошлади. Ҳаётини янгича изга солиб, катта-катта қадам босмоқ учун йўлга чиқди. Дастлаб Америка Қўшма Штатларига борди, Нью-Йоркда, Чикагода тантаналар билан қаршилашди...

Тақдир уни Додий ал-Фойд билан учраштирди. Бунинг ҳидини олган папараццининг патагига қурт тушди. Сураткашлар икковнинг етган ерига бориб, игнадай тирқишга ҳам камерасини тўғриларди.

Додий ал-Фойд (уни Эмод ҳам дейишарди) Лондонда истиқомат қилувчи мисрлик миллионер Муҳаммад ал-Фойднинг ўғли бўлиб, Дианага уйланмоқчи эди. Диана ва Додий француз Ривьерасида ўн кун дам олгач, 1997 йил 30 августда Парижга келишди. Уларнинг изидан исковучдай эргашган папарацци ўша куни ҳам эртадан кечгача кўз очирмаганди. Додийнинг отасига қарашли “Ритц” меҳмонхонасига киргачгина бу жазавадан оз-моз қутулишди. Аммо ташқарида қолган “пойлоқчилар” хушёр, улар ҳамиша сергак туришга одатланганки, ўзаро маслаҳатлашиб иккига бўлинади. Биринчи гуруҳ Парижнинг 16-округи томон йўл олди, чунки, ўша ҳудудда Додийнинг хусусий уйи бор. Иккинчи тўда эса ўрнидан кимирлагани йўқ – “Ритц” остонасида “соқчилик”ни давом эттиради.

Ярим тунда меҳмонхона кўриқчилари қарғадай кўз тиккан расмчиларни чалғитмоқчи бўлишди. Шу режага кўра ичкаридан бир хилдаги машиналар чиқаверди – биттасининг рулида Диананинг ҳайдовчиси ўтирарди ва ҳаммаси ҳар ёққа жўнаворди. Папараццининг ошиққани уларга эргашди, шохидамас, баргида юрадиган энг олғирлар ўрнидан жилгани йўқ...

Диана ва Додий ана шу олғирларнинг қурбони бўлди: мотоциклдаги фото-мухбирлар қора “Мерседес”ни кува бошлади. Бирдамлик майдонида таъқибчилар машина билан тенглашди. Хатарли қувлашмачоқ Сена дарёсининг ўнг тарафда соҳил ёқалаб давом этарди. Жорж Помпиду трассасининг мазкур қисмида соатига 50 километрдан юқори суръатда юриш мумкин эмас. Бироқ анави “думлар”дан қутулишининг бўлак иложи бўлмагач, на чора! Рулдаги Анри Поль оёқлари остидаги тезлик тепкисига зўр берди, сим-сиёҳ “Мерседес” ўқдай учди, тезлик кўрсаткичи “160” рақами устида ликилларди. (Газеталарда тезлик бир юз саксондан юқори бўлгани ва ҳайдовчи ичиб олгани ҳам ёзилган. Шунингдек, машина ижарага олинган бўлиб, Анри Поль “Ритц” отелининг ходими экан.)

Алқисса, “Мерседес” жонли чақмоққа айланган эдики, ана шу мислсиз шиддат билан Альма тоннелига кириб борди. Тоннель шаклан шундайки, бошланиши нишаблик, пастга тушгач, аввал сал-пал чапга, кейин хиёл ўнгага бурилади. Қарама-қарши йўналишларни ва автоҳаракат қаторларини айириб турувчи ўттизга яқин темир-бетон устуннинг ўн учинчиси...

Негадир малика ўтирган автомобиль бошқарувдан чиқиб, худди ўша... 13-зилдай устунга жуда қаттиқ урилган, бир неча бор думалаган ва сирпаниб бориб, йўлнинг ўртасида тўхтаган. Темирнинг даҳшатли ғижирлаши, резина ғилдиракларнинг чийллаши, бомба суронидай машъум гумбурлаш... Ўша атрофда ҳаракатланаётган машиналар бари тошдай қотади.

Фалокат 31 август куни соат 00.25 дақиқада содир бўлганди. “Мерседес” мажақланиб, бир уюм металлга айланган. Сигналнинг сими туташиб қолгани боис узлуксиз сирена қулоқни азоблаб, юракларда акс садо берарди. Додий ал-Фоид билан Анри Поль ўша ондаёқ ҳалок бўлган, малика Диана билан тансоқчи Тревор Рис-Жонснинг пажмурда танасида ҳаёт нишонаси йўқ.

“Мерседес”нинг тирқишларидан қон томади. Ичкарида икки инсон ўлиб ётибди. Яна иккиси жон талашмоқда. Уларга ҳамманинг раҳми келади, биргина фотомухбирларга шафқат бегона.

Бу расмчилар ана шундай аянчли фожиа устида ўзининг ашаддий ўлаксахўр эканини ўз қилмиши билан исботлади. Жабрдийдаларга ёрдам қўлини чўзиш етти фотографдан бирортасининг эсига келгани йўқ. Улар ўлжа устидаги калхат мисоли фақат нафснинг қулига айланган эдики, сурат олишни ва сурат сотишни ўйларди холос.

Диананинг қўли юзини тўсиб, папараццининг ғайриодатий “санъати”га халақит қиларди. Улардан бири (унинг Ромуальд Рат экани ёзилганди) маликанинг қўлини четга суриб, қонга беланган чеҳрани очди ва суратини олаверди. Шунақа фотосуратлар ўша кунлардаёқ олтин баҳосида сотилгани маълум.

Воқеа жойида ҳозир бўлган сураткашлар дарҳол қўлга олиниб, муваққат ҳибсхонага топширилди...

Автоҳалокатдан ўн дақиқа ўтгач, “тез ёрдам” етиб келди. Қутқарувчилар узоқ ва қаттиқ тер тўкишди, олдин Дианани, кейин бошқа йўловчиларни жуда катта қийинчиликлар билан машинадан чиқариб олдилар. Улар Питье-Сальпетриер госпиталига етказиб борилганда тунги соат икки эди. Тансоқчи Тревор Рис-Жонс оғир яраланган, яқин орада ҳушига келиши амри маҳол бўлса-да, мунтазам ва малакали муолажалар ёрдамида яшаб кетишига умид бор.

Собиқ ҳазрати олияларининг аъзойи баданида бешикаст жой йўқ ҳисоби. Бошидан кучли зарба еган, тан жароҳатлари саноқсиз, кўплаб суяклари синган, кўкрак қафаси эзилиши оқибатида ички қон кетиш бошланган. Жарроҳлар ҳарчанд саъй қилдилар, аммо қонни тўхтатишнинг чораси топилгани йўқ. Тонгги соат тўртда Ди хонимнинг юраги уришдан тўхтади.

Эрталаб Франция президенти Ж.Ширак ва бош вазир Л.Жоспен шифохонага ташириб буюриб, марҳума хотирасига сўнги эҳтиром бурчини адо этдилар...

Кейин 6 сентябрь келди. Кунига шанба эди. Лондон, Буюк Британия ва аҳли дунё Дианани абадият ошёнига жўнатди. Эрталабки соат ўндан замин куррасидаги миллион-миллион одам телеэкранларга термулди. Майдондаги издиҳомнинг нигоҳи қиролчица оиласи аъзоларида. Шаҳзода Чарльз Филипп Артур Георг шу ерда. Қачонлардир Диана Спенсер деган қиз ўзини шу йигитга бахш айлаганди. Ўн уч яшар Гаррининг боши букик – кенжа шаҳзода тобут пойига гул кўяди: оппоқ атиргуллар ва шундай битик – “Митту” – “Онажонимга”...

Диана башоратга, турли-туман сеҳр-жоду ва сирларга ишонувчан эди. Айтишларича, мистикага муккасидан кетгани шунчаларки, ана шунақа “Билим соҳиблари” (экстрасенс, кароматгўй, иситма-совутма қилувчилар) даврасида тез-тез бўлар, уларсиз туролмас экан. Спиритик сеанслар асносида неча бор йўглаб, неча бор қулганини кузатишган. Алапхусус, Рита Роджерсга ихлоси зўр бўлиб, фожиадан 19 кун бурун ҳам унинг ҳузурига келган, Додий бирга эди. Ританинг фолида нималар кўринган, маликага не башоратларни айтган – буниси номаълум...

* * *

Диана ҳалокати билан боғлиқ қидирув-тергов ҳужжатларида оқ “Фиат” қайта-қайта тилга олинган. Додий ал-Фоид ва Ди хоним ўтирган “Мерседес” ана шу “дардисар-машина”га сидирилиб ўтгач, ҳалокат содир бўлгани айтилади.

Аммо ўша “Фиат-уно” қани? Арвоҳдай ғойиб бўлган, 1997 йилда топилмаганди, ҳамон топилганича йўқ.

Умуман, “Фиат”нинг айби борми? Хўп, айбдор бўлса, бу исботланганми-йўқми? Гувоҳлар ва ашёвий далиллар-чи? Шофёри нега қочиб кетган? У ҳибсга олинадими? Полиция “дардисар-машина”ни нега қидирмайди?.. Бу каби жавобсиз саволларнинг адоғи йўқ.

Йигирма йилдирки, бу жумбоқ қалам аҳлининг фантазиясини жунбишга келтиради. Бир талай асарлар яратилди: бирида ҳақиқат унсурлари борга ўхшайди, бошқаси куракда турмайди, тутуруқсиз тахминлар ва уйдирмалардан иборат чўпчакларни ҳам ёзаверишган...

Кези келгани учун таъкидлаймизки, Диана Спенсер қироличага келин бўлган куниданоқ ўзи хоҳламаса-да, журналист ва ёзувчиларнинг қаҳрамонига айланган. Диана ҳақидаги илк китоб 1992 йил июнь ойида чоп этилган. Асар маликанинг иштироки ва ҳамкорлигида яратилган бўлиб, кейинчалик ўзи бу ишдан афсус чекканди...

Альма тоннелидаги автоҳалокатдан сўнг ўқувчиларнинг *Ledy Dies* образига қизиқиши авж олиб, бу эҳтиёжга жавобан муаллифларнинг илҳом ва ижоди хуружга келди. Унинг болалиги, тўй тантанаси, ўқиган газеталари, уст-боши, ҳатто ич кийимлари, эри билан муносабати, лаб бўёғи, кулгани ё йиғлагани, Додийнинг феъл-атвори, икковнинг ошиқ-мошиқлиги, 31 август автоҳалокати, Лондондаги ҳазрати олиялари... Эҳ-ҳе, нималарни ёзишмади дейсиз...

Диана мавзусида қалам тебратиш эпидемияга айланаёзганди. Кен Уорфга ҳам шу “хасталик юқиб”, китобини “Кўз қорачиғидай асралган асрорлар” деб номлади. 2002 йили чоп этилган ушбу хотиранома бестселлерга айланиб кетди, бунинг муболағаси йўқ. Кен Уорф 1987–1993 йиллар давомида Дианага тансоқчи бўлиш билан бирга, яқин сирдош ҳам эдики, малика анчайин пардали гапларни ундан яширмасди.

“Кўз қорачиғидай асралган асрорлар” қиролича оиласидан ташқари, аксарият британияликларнинг ҳамиятига теккан, ҳатто ғазаблантирган эди. Шунингдек, асар муаллифини сотқинликда айбловчилар ҳам оз эмасди. Ахир, малика ишонч билдириб, пинҳона гапларни ошкор этган бўлса, у эса ўша сирларни оламга дoston қилса, бу валинеъмат беканинг хотирасига хиёнат эмасми?..

Кен Уорф бу каби маломатларни ўзига олмайди. Унинг фикри батамом бўлакча: эмишки, у ҳақиқат ва ёлғонни бир-биридан ажратиб, китобхонларнинг кўзини очиб қўймоқчи бўлган ва шу воситада марҳума бекасининг безовта руҳи олдида ҳурмат бажо этган. Унингча, “Кўз қорачиғидай асралган асрорлар” меуаргина эмас, муҳим тарихий ҳужжат бўлиб қолиши керак.

Балки муаллиф ҳақдир, эҳтимол ноҳақ. Лекин тарихи шохидки, машҳурлар қисмати ҳамиша шундай: уларнинг таваллудидан – қазосигача, бешигидан – тобутигача тинч қўймайдилар. Ўша бешикни ёки тобутни шундай кавлаштирадиларки, пул ясамагунча тинмайдилар, тинчимайдилар.

Бунинг мисоллари саноксиз, лекин қуруқ бўлмаслиги учун биттагинасини келтирамиз. 1812 йил 23 июнь кунин Неман дарёси соҳилида Наполеоннинг оти ҳуркиб кетган. Бор воқеа шу холос, лекин икки асрдан ошибдики, муаллифлар шу эпизодни маҳкам ушлаб олишган. “*Ие, от бўлгандан кейин ҳуркади-да*”, – дейдиган биров йўқ...

Француз романавис адибаси Лоранс Коссе хоним Альма тоннелидаги фожиага бутунлай бошқача – мантиқ ва адолат нуқтаи назаридан ёндошган. Шунинг учун ҳам “маликаномалар” орасида “31 август” ўқтам ўринлардан бирини эгаллайди. “Фиат-уно” ҳайдовчиси қочиб кетмаса ва яширинмаса илож йўқлигига муаллиф бизни ишонтиради.

Тоннелда оддий официант жувоннинг пайдо бўлиши мутлақо тасодиф эди. “Мерседес”нинг унга суйканиб ўтиши ҳам шу тасодифнинг мантиқий давоми



холос. Уни қидириб, бутун Франция полицияси оёққа турган, папарацци иско-вучдай пойлаб юрибди. Кимсан маликанинг ва мисрлик миллионернинг ҳаётини захарлаган, ахийри, бу икковнинг бошини еган фотоографлар учун Лу деган аёл ким экан! Уни ҳам ана шу сураткашлар адо қиладики, ўлдирмай қўймайди-да.

Йўқ, оқ “Фиат-уно” ҳайдовчиси ўлимдан, полициядан кўрқаётган эмас. Малика Диана расмчи балосидан қандай қочган бўлса, Луиза Ориган ҳам бу мараздан шундай қочади. Ана шу жиҳатдан қаралса, бу икки аёл – Диана ва Луиза кул-фатдош бўлиб чиқади...

Ҳатто бу икков тақдирдош эканини сезиш қийинмас. Малика Диананинг дўсти деб сифатланаётган Додий ҳали унинг эри эмас. Уларнинг “дўстлиги” на дунёвий ва на диний маънода қонунлашмаган эдики, бу муносабат ўша ножўя ҳолича абадий хотималанди.

Қаранги, асар қаҳрамони Луизанинг “оиласи” ҳам шунинг ўзгинаси: Ивон деган йигит унинг ҳаётига қандай асоссиз кирган бўлса, ўшандай изсиз чиқиб кетади. Хуллас, иккала аёлнинг пешонасида оила йўқ, икковнинг охириги “муко-фоти” ҳам аён...

Муаллиф алоҳида айтмаса-да, рамзий ишорани топиб олиш қийинмас: оила – муқаддас, уни кўз қорачиғидай асраш шарт...

“31 август”нинг яна бир фазилати шуки, асар кўз ўнгимизда Парижни яққол намоеън этади. Роман ана шу жиҳати билан шаҳар ва атрофининг ўзига хос бадиий харитасига айланган. Китобхон қаҳрамонлар ёнида Франция пойтах-тида гўё саёҳат қилади.

Лоранс Коссе Париждаги “Галлимар” – “Gallimard” нашриётининг синалган ва ишончли муаллифларидан бири. “31 август” романи адабанинг шон-шуҳратини яна ҳам ошириб, оламга машҳур қилиб юборди. Асар қисқа муддатдаёқ бир қатор Европа тилларига таржима қилинганди. Мана энди у ўзбек китобхонларининг ҳам мулкига айланди.

Таржимон

*Августнинг сўнги санаси:
Кутурган довул еларди.
Биз томон инглиз кемаси
Долгани эзиб келарди.*

Денгизчилар қўшиғи

БИРИНЧИ БЎЛИМ

1. ТЎҚНАШУВ ВА ТУНГИ ВАСВАСА

“Чатоқ, – ўзини даккилади Лу, – қочворганим жудаям чатоқ!” Тўхтаса бўларди, лекин тўхтамади-да. У моторни ўчирди ва суйанчиқнинг ёстикчасига бош қўйиб, кўзларини беҳол юмди. Ортида темир жаранг-лади, гараж эшиги шовқин билан ёпилди. Сукунат чўкди. Кўкси безовта гупиллаб, юраги ва томирлари (чаккасида, бўйнида, чап кўкраги остида) яна ва яна хуруж қиларди.

“Нахотки... бу тоннелда бошланди, нахотки? Шу забун ҳолимда Париж-дан машина ҳайдаб келдимми? Тагин ўқдай учиб... мени ёв қувладими?”

Унинг кўзлари очилди. Фаралар ҳамон ёник. Ўнгу сўлига аланглаб, вужуди қулоққа айланди: оёқ товуши, шовкин-сурон, шивир-шивир эшитилмасди. Фақат сокинлик, гаражнинг автомат эшиги жипс беркилган. Ҳеч ким йўқ. Биров изига тушган эмас. Эҳтимол, машинасининг рақамини ҳам ёзиб олишмагандир.

Мотоцикл ўз жойида – ўнг тарафда, блокли девор ёнида турибди. Ивон ухлаб қолган бўлса керак. Лу соатига қаради: ўн дақиқа кам бир. Балки Ивон яхталар ҳақидаги журналларга, чизма ва техник тафсилотларга кўмилганча бедор кутаётгандир. (Елканларни қанчалик чуқур ўргангани сайин шу қадар уларнинг шайдоси бўлиб бораётгани)

“Кошкийди шу бугун қорасини ўчирса. На ўзига, на сўзига тоқатим борми? Ухласа-ухламаса, гумдон бўлгани яхшироқ эди”.

Ҳозир кириб борса-да, уй бурунгидай бўм-бўш бўлса қанийди-я. Бунақа “орзу” унинг хаёлидан биринчи бор ўтиши эмас, аммо айти дамда инсон зотини кўрмаса-куймаса бас. Кимсасиз хонада бир амаллаб каравотига етиб олса ва чўзилса бўлгани. Яна жиндай кутади: унғача ваҳимаси ҳам босилади ва Ивон ҳам ухлаб қолса ажабмас.

Кўкқисдан чап тирсагида оғриқ сизди. “Демак, менгаям зарба тегибди-да. Қаттиқ урилгани йўқ эди-ку, ие, қаттиқ қанақа бўлади ўзи? Иккала машина ишқаланди, даҳшатли ғижирлаш эшитилди, мен қаёққадир, чамаси, ўнг тарафга оғиб кетдим. Ғалати-ку, унақада оғриқ нега ўнг қўлимдамас?”

Зарбадан салгина бурун, ҳа-ха, жиндай олдинроқ, рулни бурганди, бироқ қаёққа – бунисини эслолмайди. Афтидан, бурилиш иложсиз тарафга, яъни чапга. Сўнг мудҳиш ғижирлаш, унинг хаёлидан ўтди: “тамом бўлдим”. Сим-сиёҳ балойи азим ёндан келиб ишқаланди-да, Лу “тамом бўлдим” деган лаҳзанинг ўзида қора машина тўсатдан нарига учиб кетди. “Ўйловдимки... “Тамом”ни қачон айтувдим, ўша сониядами ё кейинроқми?” Мана ярим соатдирки, оний “томоша”нинг аввалию охирини тинимсиз кўз олдидан ўтказмоқда. Ҳаммаси лаҳзада бўлди: ажалнинг ўқидай елган машина тоннелга кираверишда ортидан келиб, ёнига шовкин билан суйқалди-да, дарҳол ажралиб, икки тарафга чайқала-чайқала метиндай устунга қарсиллаб урилди.

“Ўша сониядаёқ газни босдим”. Атрофда бўлак машиналар бормиди-йўқмиди? Бу саволга у жавоб беролмайди. Аммо ярим тундан санокли дақиқалар ўтганда холос, Лу уйига хотиржам қайтаркан, шаҳар кўчаларида қатнов озмунча эмасди, демак, тоннелда ҳам бошқа автомобиллар бўлгани аниқроқ.

Ана шу дақиқадан бери ўша “қора махлуқ”дан бошқа ҳеч нарса хаёлида йўқ: у бало-қазодай пайдо бўлди-да, аввалига бир туртди, кузовга зарб билан ишқаланиб, ўнг ёққа сапчиди ва гандираклаб бориб, кўз ўнгида зилдай устунга урилди, хамир мисоли эзилди. Унинг эсида қолгани фақат шуки, тормоз сурон солиб чийиллади, темир ваҳимали гумбурлади, куйинди хиди...

Лу машинада ким борлигини кўрганича йўқ: тезликни ошириб, ўқдай учаверди. Тоннелдан яшиндай чиқаркан, хаёлида биргина сўз – қочиш! Унинг миясида, аниқроғи, талвасанинг зўридан қақшаётган мускулларида, жон-жаҳди билан газ тепкисини эзгилаётган оёғида яккаю ягона тилак – фақат қутулмоқ!



У чуқур тин олиб, машинанинг эшигини очди. Ўз чамасида оёқларидан жони чиқиб бўлганди, аммо қаддини қийналмай тиклади. Бир қадамгина ортига тисарилди-ю, тошдай қотди-қолди: кузов бошдан-оёқ тирналган, чизғичда тортилгандай бир энлик “ҳошия” яраклаб турарди. Лу қўлини чўзди, лекин сийпалаб кўришга журъати етмади-да, “оҳорли безак”ни олд эшикдан ортки қанотгача қадамлаб кузатди. Ана шу ерда яна юраги увишиб олди: орқа чироқ тўкилиб битган, на пластмасса қобиғи ва на лампочка-сидан ном-нишон йўқ, фақат тарновчада санокли синиқларигина осилиб турибди. Липилловчи чироқ бут-бутун. Бампер ҳам шикастланмабди.

“Эсим борми ўзи: бу қанақаси... ахир, нега кутуламан деб хомтама бўляпман? Модомики, орқа фонарь тутдай тўкилган экан, тоннелда синиқлари қолган-ку! Чап тарафим шилинган, демак, эллик метр наридаги устунга урилган машинанинг ўнг қанотида ҳам шундай “жароҳат” қолгани аниқ”.

У яна бир муддат туриб қолди, вужуди гўё акашак. Сўнгра ўзини теткиб, юришга ва машинага қарамасликка уринди. “Йўқ, чап бера оламан. Эртага ҳаммасини тузаттираман, яшириниб юрармидим? Ортки фонарни янгилаш, ёнини бўятиш – шуям иш бўптими? Кампир шафтоли егунча...”

У учинчи қаватга оҳиста одимлай бошлади. Лифт чақириб, ҳаммани уйғотгандан кўра, шуниси ўнғайроқ. Уйининг эшигини очди, кириб ёпгач ҳам қоронғи коридорда бир зум тўхтади. Башарти, Ивон уйғонган бўлса, уни чақирарди. “Тик” этган товуш йўқ. Лу чироқни ёқди. Ҳамон жимжитлик. Полда Ивон эртанги Ле-Мюро сафарига ҳозирлаган лаш-лушлар сочилиб ётибди: спорт сумкаси, у икки кун уриниб тиккан елкан, юмшоқ печенье қутиси. Соат саккизда Ренан акасини олиб кетгани кириши керак, Лу уларга ҳамроҳ бўлишга ваъда берганди. У қатъий бош чайқади: “Йўқ, йигитлар, мен бора олмайман, эртага бошқа ишларим бор”. Лу ҳам лаш-лушлар ёнига сумкасини кўйиб, тўппа-тўғри ваннахонага йўл олди.

Кўзгудаги аксига боқиб, бир ҳайратланиб олди, қиёфаси ўзгармаган, бинойидай эди. Нигоҳини салгина ташвишли демаса, юз-кўзи аввалгидай. Ҳатто ваннадаги чироқ ҳам одатдагидан равшанроқ порларди. Чехраси моматалокмас, ҳеч ери тирналмаган, оғриётган тирсаги ҳам бут-бутун.

Лу ювина бошлади. Автоҳалокатда кимлардир жароҳат олган. Балки биров ҳалок бўлгандир. Қора машинанинг тезлиги бир юз элликдан ортиқ эдики, кам эмасди. Ўзини алдаш беҳуда, унинг “Фиат”ини пайқамасликлари мумкинмас, кўришган, албатта. Эҳтимол радарга тушгандир. Ҳали-замон қидира бошлайдилар. Орқа фонарь бўлақлари ўша ерда сочилиб ётибди, ахир.

Ҳовлиқма, ўзингни бос. Эртага машинани тўғрилаб беришади. Уста “stop”-чироқни алмаштиради, “ҳошия”га бўёқ суради, бунга ҳеч қанча вақт кетмайди. Эртанги оқшомгача заррача асорат қолмайди, “Фиат” яп-янги бўлади.

Лу радиони ёқиб, қандайдир мусиқага қулоқ тутди ва ўчириб қўйди... У Париж бўйлаб оҳиста бораётганди, тун илиққина, дам олиш арафаси, эртага августнинг сўнгги якшанбаси. Тоннелга қандай тезликда кирди? Соатига эллик километрча эди чоғи, у машинани учуриб ҳайдашга ишқибоз эмас. Ва шу тезликда ҳам жаҳаннамга гирифтор бўлди: анави қоп-қора рўдапо тиккасига бостириб келаверди, зарба, ғижирлаш, тормозларнинг чийиллаши, қасир-қусур – бари бир зумда ўтди ва ўзи ҳам бир зумда қочиб қолди.

Худога шукурки, Ивон эртага мотоциклини минмайди. Кетаётиб гаражга киришнинг унга даркори йўқки, хайтовур машинанинг ахволини ҳам кўрмайди. Уни жўнатади-да, бир соатдан сўнг ўзи... Лу ваннанинг четига ўтирди, юраги тагин хаприқа бошлаганди. Ивон кетгач, бир соат ўтиб... Эртага – якшанба-ку, йўқ, якшанба бўлди ўзи. Устахоналар душанбага борибгина очилади.

“Гап мундоқ, болалар, сизлар билан Ле-Мюрога борганим бўлсин. Уйда қанчалик камроқ бўлсам, шунчалик яхши”.

У тўшакка секингина чўзилди. Бу – унинг ётоғи. Негадир бизнинг ётоқ дегани тили бормасди. Ивон эса шунчаки “тўшак” дейди-қўяди. У дамани чиқармаса-да, Ивон бир ағдарилиб, алахлаб олди. Лу хайкалдай қотди. Шу топда йигитни кўрмаслик учун жонини беришга ҳам тайёр. “Қорангни ўчирсанг-чи, Ивон. Эртагача. Азизим, қаёққадир гумдон бўлақол, лоақал бир кеча, шугина кеча йўқолгин”. Лу унинг кўзини кўрмасди, юзини ҳам коронғиликда элас-элас туслаётганди. Ивон бир маромда пишиллаб бошлади. У қаттиқ уйқуда.

Лу безовта қилмаслик учун оҳиста ағдарилиб, кўкка қараб олди. Ўзига уқтирди: “ухлашинг зарур”. Эрталаб бир гап бўлар. Ҳозир ортиқча заҳмат: ўқдай учаётган хаёлининг тезлиги икки юз километрдан каммас, ўнг оёғи газни босади, қўллари рулга ёпишган, елкаси ва ўмрови, ҳатто қорин мускулларигача зўриқиб бўлди. “Нега, нима учун тўхтамай кетвордим? Тўхтасам бўларди. Ҳамиша тўхтар эдим-ку”. Унинг касб-кори табиатан ўзгаларга эътиборни талаб қиладики, шунга кўра ҳам тўхташга, ёрдам беришга тайёр эди. “Аммо мен газни босавердим. Ҳар ҳолда шуниси бегумонки, тўхташ хаёлимнинг кўчасигаям келгани йўқ. Қочавердим-да. Бироқ мен эмас, ё оёғим, ё ваҳима шундай қилди”.

Ҳар қанақасига ҳам бўлар иш бўлди, бўёғи кўчди. Кўз ўнгида машина мажақланиб кетди, Лу эса тўхташ ўрнига туёғини шиқиллатишга шошди. Унинг баҳонаси тайёр: “Мен жўрттага қилганим йўқ, бирон-бир ғаразни кўзламовдим, ақлим ишламай қолди, тушунапсизми? Бу менинг ихтиёримдан ташқари содир бўлди, ахир”. Унга қарши айблов ҳам шай: “Воқеа жойидан қочиб қолгансиз, автоҳалокат жабрдийдаларига ёрдам қилмагансиз”.

Бошқалар тўхташган, албатта. Энг асосий гувоҳ Лу эди, бироқ ягона гувоҳ эмас. Ёз кезлари кечиккан ҳайдовчилар аксарият йўлни Альма тоннели тарафга соладилар. Улар тўхташган, бунчалик мудҳиш ҳалокатни кўргач, тўхтамай кетишлари мумкин эмас-да. Ягона қочоқ “Фиат”ки, уни ана шуларнинг бари кўрган-билган.

Энг ёмони шуки, Лунинг тўхташи учун заррача монелик йўқ эди. Шу ҳақда ўйлагани сайин кўз олдида шундай ҳол яққол намоён бўлаверарди: ана, Лу биринчи бўлиб тўхтади, ёрдам сўраб хайқирди, ўзгаларни ҳам тўхтатди, хуллас, қўлидан келганича уринди.

Соат иккидан ҳам ошгандир. Ҳаяжоннинг зўридан Лунинг оёқлари қарахт, қимирлашга юраги дов урмасди. Қанийди шу тунда одам зотини кўрмаса. Уч ойдирки, Ивон билан ҳамхона, бироқ бу ҳаётга ҳануз кўниқолмасди. Йўқ, Ивонга эшигини ва бағрини очганига афсус чекмайди. Манави кори-ҳолга ва ўзининг шу топдаги ахволига армон қилади, холос. “Унга сим қоқиш менга ёқарди: бирга тушликка чиқамизми? Унинг кўнғироғи бундан ҳам ёқимли: икковлон тамадди қилайликми? Аслида эса Худонинг берган куни бирга овқатланардик. Эндиликда эса айни



масала ҳатто муҳокама қилинмайди, келишиб ўтириш ҳам йўқ: ҳаммаси ҳал этилган. Ҳар доим тушликни баҳам кўрамиз, нонуштани биргаликда қиламиз, ёнма-ён ухлаймиз. Уйғонган заҳотимдаёқ ёлғиз қолиш орзуси жунбишга келади”.

... У фақат рулни бурди холос, наҳотки, шу ҳам ўша автомобилни йўлдан чиқариб юборса? Биргина сония тўкнашдилар, тамом – машина соҳибининг ихтиёрига бўйсунмасдан, ўзини у ёқ-бу ёққа ура бошлагач, ҳайдовчи эпполмай қолди. Шунчаки ёни билан тўкнашди, бор-йўғи синган “stop”-чироқ ва тирналган “ҳошия”...

Дарвоқе, Лу рулни айнан чапга бурганига ҳам амин эмасди. Эҳтимол, аксинча, ўнгга буриб, учиб келаётган машинага йўл бермоқчи, уни ўтказиб юбормоқчи бўлгандир. Ҳа, шу боис ҳам орқа чироқ зарбага йўлиққан.

Шуниси ҳам борки, у рулни аниқ бурдимикан? Зарбадан бир сапчиди, эсида – рулга ёпишган кўллари қалтис ҳаракатланди, бу ниҳоятда тез бўлдики, рул шунақа буриладими?

Унинг дод солгиси келарди: “Менинг заррача айбим йўқ, ахир! Соатига эллик километргина тезликда уйимга кетаётгандим. Алалоқибат, икки соатдирки, кўзимни юмолмайман, миямда даҳшат чарх уради, аъзойи баданим қакшамокда. Ножўя ҳаракатим асло йўқ эди, ўриндикда бир сакратишди мени – бу жиноятим эмас-ку! Ўқдай учган машинани устимга солиб юборишди, мени ўлдириб кўйишларига пичоқ дами қолувди. Аслида даъвогар жабрдийда мен бўлишим керак!”

Соат уч. Тонгга қадар эшикка термулиб ётаверсинми, жандармлар тақиллатишини пойлайверсинми? Ҳеч-да, Лу ўрнидан туриб, хапдорини топди: “Могадон”. Энди ухлайди, жандармлар келса-келмаса, садқайи сар.

У емакхонанинг чироғини ёқди: Ивонни уйғотиб юборишдан кўркмасди. Башарти, йигит суриштиргудай бўлса, яшириб ўтирмайди: ухлолмаётганини ва эртанги режаси ўзгарганини очик айтади-кўяди. Лу ёндафтаридан бир варағини йиртиб олди-да, ушбунни ёзди: “Тонгги соат уч. Ҳали кўз юмолганимча йўқ. Жигар хуружими ё бошқами – билмадим. Эрталаб ухлашга уриниб кўраман. Хафа бўлма, сен билан Ле-Мюрога боролмайман”. Қоғозни жўмрак устидаги кўзгуга ёпиштириб қўйди.

Лунинг бахтига эртанги якшанбада Ивонга ўхшаш қайиқ-пойгага ашаддий ишқибозларнинг ўқув машқи бўлади, жуда жиддий, ҳатто мусобақа деса ҳам бўлаверади. Ивон уни бортга таклиф этмаган, томошабинлар қаторида қатнашуви керак эди.

2. ФОТОМУХБИРЛАР ҚОТИЛНИНГ ЎЗГИНАСИ

Ивон ўрнидан тураётиб, уни ҳам уйғотиб юборди. Лу уйғоқ эса-да, кўзларини жўрттага юмиб ётганди. Салдан сўнг лифт шовқин солди, кейин пастдан моторнинг гуриллагани эшитилди: бу – Ренаннинг машинаси.

Лу ортиқ ухлолмади. Уни топа олмасликларидан умид борми? Ҳозир бир неча соат бурунги ваҳимаси йўқ, тунги кўрқув хийла чекинган. Ортки фонар синиқларидан машина русумини тусмоллашлари қийинмас. Лекин бу ашёвий далил бўлолмайди. Тахмин ҳақиқат дегани эмас-да. Барча машиналарнинг орқа чироғи озми-кўпми ўзаро ўхшамайдими? Барибир, автомобилнинг русумини аниқлаш – бошқа, автоҳалокатга алоқадор муайян машинани топиш – бошқа.

Йўқ, аслида муҳими бу эмас, муҳими шуки, “Фиат”нинг рақамини ёзиб олишга кимдир улгурганмикан? Агарда шундай бўлса, бир кун ҳам ўтмайди, қуёш ботмасиданоқ полиция етиб келади. Тунги таҳликадан чамаси анча енгиллаб олган. Бу ерга топиб келсалар, бор гапни ошкора айтаверади: “ақлимни йўқотиб шошиб қолдим ва ура қочавердим. Шундан бўлак айбим ҳам йўқ, ўз ихтиёрим билан яқин орадаги комиссариатга бормоқчи ва бўлиб ўтган воқеадан хабардор қилмоқчи эдим”.

Боши тош осгандай оғир, ўрнидан туриб, деразаларни очди. Осмон шишадай тиниқ. Ойнинг сўнги яқшанбаси, ўттиз биринчи август.

Ивоннинг столида “Елканлар” газетаси очик, “Олд мачтага елкан боғлаш” сарлавҳаси кўриниб турибди. Ётоқхона остонасида бир парча битик: “Ухла, жоним Лу, уйкуга тўйиб, тўлишиб ол. Тузалиб қолгин. Тушдан сўнг қайтаман”.

Лу қоғозни чаккасига босди. У ёлғиз қолиб фикрлаш имконидан мамнун эди.

Шунда илк бор хаёлига келдики, аслида энг осон ва энг маъкул йўл полицияга бориш-ку. Бир амаллаб баҳона топарди: “Эсим бор-йўқ алфозда бош-учимни йўқотиб кўйдим, баъзан киши нега унақамас, бунақа қилаётганини билмай қоларкан. Уйга кириб, тўшакка йиқилганимча, ақлу ҳушим энди сал жойига келди”.

Лу совуқ сувни очди, юз-кўзини ювиб, жажжи радионинг қулоғини буради, бу нарса ҳамиша ваннахона тоқчасида турарди.

... Унинг шахзода Чарльз билан оиласи дарз кетгани 1992 йили маълум бўлганди, – дерди суҳандон. – Никоҳ бекор қилингани ҳақидаги қарор 1996 йил августда чиқди. Маликанинг яхтада тушган сўнги суратлари ҳаммага мангу эсдалик бўлиб қолди, яхта унинг дўсти миллиардер Додий ал-Фойдга қарашли эди.

Лу ҳушёр тортиб, юзини артди.

Аянчли можаронинг фожиона хотимаси, – давом этди радио. Лу таёқдай қотди. – Чорак кам тўққиз. Ахборотнинг махсус сони. Малика Диана бугун кечаси Париждаги автоҳалокатда дунёдан кўз юмди. Тун ярмидан ўтган маҳали Диана ва унинг дўсти Додий ал-Фойд ўтирган “Мерседес” Альма тоннелининг устунига урилди. Фожиа тафсилотларини Жан-Ив Арбелнинг репортажидан билиб оласиз.

Дарҳақиқат, – давом этди Жан-Ив Арбель, – ярим кечадан салгина ўтган бўлиб, соат нолу йиғирма дақиқа эди. Малика Диананинг автомобили номаълум сабабга кўра бошқарувдан чиқиб, ниҳоятда юқори тезлик билан тоннелнинг устунига урилган. Машинада француз ҳайдовчи Анри Поль, малика Уэльская, унинг дўсти мисрлик миллионер Додий ал-Фойд (яна бир исми – Эмод) ва тансоқчи Тревор Рис-Жонслар ўтиришган. Додий ал-Фойд ва Анри Поль воқеа жойида ҳалок бўлди. Врачлар малика Дианани қутқара олишмади, у тўрт соатдан сўнг оламдан ўтди. Ёлғиз тирик қолган киши тансоқчи бўлиб, шифохонага ётқизилди, аҳволи жуда оғир. Энди фожиона тун воқеаларининг тафсилотига ўтамиз...

“Шофёр ва уч йўловчи, – такрорлади Лу, – уч киши ҳалок бўлган, биттаси оғир жароҳатланган. Икков ўша ондаёқ, малика эса тўрт соат ўтгач...”

... Машина ҳали “Ритц” меҳмонхонасидан олислаб улгурмаганди, йўловчилар пайқашдики, мотоцикл минган беш ё олти папарацци уларнинг



ортдан эргашиди. Таъқиб қувлашмачоғи ана шундай бошланиб, Бирдамлик майдонида сураткашлар “Мерседес”ни қулаб етдилар.

Сенанинг ўнг соҳили бўйлаб ҳаракатланаётган машина тезликни оширади. Дастлабки тахминларга кўра, соатига бир юз қирқдан кам бўлган эмас.

Бир километрлик “мусобақа”дан сўнг “Мерседес” Альма тоннелига етиб боради. Афтидан, олдинроқда тоннелга ошиқмай кириб бораётган автомобилни ҳайдовчи жуда кечикиб кўрган. Эслатамиз, магистралнинг айни қисмида қоидага кўра соатига элик километрдан тез юриши тақиқланади. Ҳайдовчи ҳалиги дардисар-машинани ёнлаб ўтмоқчи бўлганда, “Мерседес”ни бошқаролмай қолган чоғи. Айрим шоҳидларнинг гувоҳлик беришича, “Мерседес” ўша автомобилни туртиб ўтган ва шундан сўнг сўл томонга отилиб, устунга қаттиқ урилган.

Дардисар-машина. Лу бу таърифни илк бор эшитиб турарди. Аммо қанақа машина? Бунисини била олишмаган, русуми ҳам, ранги ҳам айтилмади.

... Гувоҳларни ларзага солган кор-қол шуки, фотографлар бу фожиа лаҳзаларини ноинсоний хуруж ва ваҳшиёна жазави билан суратга олишган. Ўша дамда тоннелдаги автомобилчилар ўнга яқин бўлиб, уларнинг айтишларича...

“Ўнга яқин автомобилчи”, диққат билан қулоқ солди Лу. Демак, у ерда анча одам бўлган.

Радио эса давом этади:

Қутқарувчилар мажжақланган машинадан дастлаб маликанинг жуссасини чиқариб олишди. “Тез ёрдам” врачлари кўрдиларки, унинг бош суяғи ва бош мияси лат еган, ташиқи жароҳатлар бир талай бўлиб, суяклар кўп еридан сингани билиниб турарди. Кўкрак қафаси қаттиқ эзилган ва шунинг оқибатида қовурғалар синганки, Дай хонимнинг ўлимига айнан ана шу жароҳат зомин бўлгани тахмин қилинмоқда. Кўкрак қафасининг эзилиши билан ўта кучли ички қон кетиши бошланган ва тўхтамаган.

Лу ойнадаги ўз аксига назар солди: эгнида тунги футболка, сийнаси оппоқ газмол остида бўртиб турибди. Ана кенг елкалар, кўкрак қафасини зийнатлаган дўмбоққина кўш сийна, ҳар қандай синовга шай туюлса-да, гугурт қутисидай мўрт ва муваққат. Лу нигоҳини ундан юқорига қаратолмасди, на юзни, на кўзни кўришга бардоши етмайди... Пажмурда чехра, жонсиз кўзлар, қон-қушга беланган кокиллар...

Радио давом этмоқда:

Бугун тонг чоғи президент Ширак ва рафиқаси Питье-Сальпетриер шифохонасига ташириф буюриб, марҳума маликага сўнгги эҳтиром бурчини адо этишди. Бош вазир Жоспен жаноблари ҳам улардан кейиноқ етиб бориб...

Лу тоқчадан транзисторни олиб, ётоғига қайтди. Дерзани ёпиб, жойига чўзиларкан, ҳамон сўзлаётган суҳандонга қулоқ тутди:

... Бугун сураткаш-папарацциларга отилаётган ҳақли маломат тошларининг адоғи йўқ. Автоҳалокатнинг бош айбдори деб уларни ҳисоблашмоқда. Чиндан ҳам ҳайдовчи машинадаги ҳамроҳларининг ҳаётини хатарга қўйиб бўлса-да, хира пашиадай ёпишиб олган фото-мухбирлардан қутулиш учунгина тезликни шунчалар оширишга ноилож мажбур бўлган. Ди хоним ўзи неча бор ранжиб сўзлагандики, худди ана шу изидан қолмаётган, Худонинг берган куни таъқиб қилиб кўнгли тўлмаётган шилқим папараццилар унинг бахт косасига оғу соларди.

Спортклубнинг гимнастика зали малика учун ижарага олинган бўлиб, у ўқув машқларига қатнашиб турарди. Фотомухбир ўша жойга ҳам яширин камерасини қўйганки, бу қилмишида унга ҳамтовоги...

Лу радионинг унини ўчирди. Полиция хусусида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳозирча боши қотган, нима қилажагига ақли етмай турибди, бироқ полицияга бормади. Қочиш керак, аммо қаерга? Ла-Сьотга – онаси хузурига борса-чи? Асло! Ҳеч кимнинг остонасига бош урмаслиги керак. Мабодо, дардисар-машинанинг русумини аниқлағудай бўлсалар, унинг сохибини ҳам топишлари муқаррар. Башарти, Лу волидаси ё ёлғизгина дугонаси қошига бораркан, бир зумда тутиб келишади. Модомики, ҳеч ёққа кетмаса, ҳавога сингиши, ҳаётини мутлақ ўзгартириши лозим. Якшанба – ойнинг охири кунини: ҳамёнида ҳемири йўқ ҳисоби. Фақат банкоматдан чойчақага етгудай нимадир олиши мумкин. Шунисига ҳам шукур, шартга кетади-қўяди, кейин не қилажагини ана ўшанда ўйлаб кўради.

Кетгани-кетган, хуллас, “Фиат”ни ҳам устага обормайди. Ҳамма ашёвий далиллар нақд – ана гаражда тайёргина турибди. Луни топа олмасалар-да, машинаси шу ерда: керакли далил-исботлар қўлларига тушгач, соат нолдан йигирма дақиқа ўтган маҳали тоннель оғзида бўлган ҳайдовчининг шахси ҳам аниқланади, албатта.

Ҳаммадан бурун Ивонга маълум бўладики, “Фиат”нинг жароҳатини энг аввал угина кўради-да. Бу оқшомдаёқ ёки эртага – душанбада содир бўлади. Лу ғойиб бўлгач, Ивон хавотир ола бошлайди: гаражга тушиб, “Фиат”ни кўрган заҳоти не гаплигини фаҳмлайди. Энг яхши ниятда (ёмон ниятда эмас) тегишли жойга дарров хабар беради...

Унда нима қилсин? Ахир, машинани дала-тузга ташлаб кетолмаса...

Лу тикондай ботаётган тўшакда тагин бир ағдарилиб, кўзларини очди. Азбаройи ҳазар, машинани таъмирлатгани камхатаррок, кейин кетаверарди...

“Ибтидога қайтайлик-чи: башарти, радар рақамимни илғаб қолган бўлса, буни бир кундан сўнг биламан. Демак, ҳозирдаёқ хабар қилишлари керак эди. Чунки, фото ўша ондаёқ тайёр бўлади. Шу топгача негатив плёнкалар ювилиб, Альма тоннели ҳудудидаги барча ўтган-кетганининг суратини заррабинда кўриб бўлишган. Яхшиси шуки, яна бир кун сабр қиламан. Агар, эртанги тонгдаям полиция келиб, ҳибсга олмаса, аёнки, машинамнинг рақами уларга маълум эмас. На сурат, на гувоҳ йўқ. Қаттиқ кидирсалар ҳам, бир неча кунсиз тополмайдилар. Унгача дунё-дунё вақт борки, “Фиат”ни бемалол таъмирлатаман. Машинанинг яп-янги қиёфаси хитлантиргудай бўлса-чи? Баҳона қилиб кўраман: “Ярим тунда қайтганим тўғри, лекин бошқа йўлдан юрдим, Альма томонга қадам босганим йўқ”.

Лу тагин радионинг мурватини буради.

... Анри Поль Додийнинг доимий шофёримас, “Ритц” отелининг хизматчиси эди, “Мерседес” ижарага олинган. Миллионернинг ҳайдовчиси эса фотомухбирларни чалғитиш учун олдинроқ йўлга чиққан. Шифохонадаги соқчининг аҳволи оғир, батамом тилдан қолган. Питье-Сальпетриер касалхонасининг юрак-қон томир жарроҳлик бўлими Европа бўйича маълум ва машҳур саналади. Турли агентликларга мансуб етти фотограф воқеа жойида қўлга олинган, вазиятга аниқлик киритилгунга қадар муваққат ҳибсхонада сақланмоқда. Қиролича оиласи ушбу якшанба Шотландиядаги Балморал қасрида экан. Қиролича “ларзага тушибди”. Шаҳзода Чарльзнинг яқин соатларда Парижга етиб келиши кутилмоқда.

Соат ўн ярим. Лу ўрнидан туриб, жиндайгина сут ичди. Қорни очгандай, аммо кўнгли айниб турибди. Уй офтоб нурига тўлиб-тошганди. У тамаддихонага тўшалган плиталарга ўтириб, тиззаларини кучоқлаган кўйи ғужанак бўлиб олди, таслим бўлгани йўқ. Нимадир йўл топиши керак. Топмаса бўлмайди.

Бу шунчаки муваққат кор-ҳолмас, уч-тўрт ойда барҳам топмайди. Борлик умрингга татийди. Ҳаммасини барбод қилишади, аввалгидан ҳеч вақо қолмайди. Бу тамгадан сўнги нафасингча қутулолмайсан. Қанча умринг бўлса, ҳамиша малика Диананинг ҳаётига зомин бўлган шахс киёфасида яшайсан, вассалом. “Врачга, новвойга, эримга, ҳали ёруғ дунёни кўрмаган болаларимга – кимлигимни мутлақо ҳузурланиб ҳикоя қиладилар. Ҳамма мени оёқ учида кўрсатиб, бармоқларини бигиз қилади: Ди хонимни мана шу хотин ўлдирган, аварияга сабаб бўлгани холда парвойи фалак туёғини шиқиллатаверган”.

У ўрнидан туриб, иккита “Могодон” ичди ва яна жойига чўзилди. Йигирма тўрт соат ўтгач, ҳаммаси батамом бўлакча бўлади. Гараждаги машинадан ном-нишон қолмайди, ўзининг эса думини ҳам тутолмайдилар. Йигирма тўрт соат нима экан? Йигирма тўрт карра бир соат, холос-да.

* * *

– Ухлаяпсанми?

Бу Ивоннинг овози бўлиб, ундан денгиз ва сувга бўккан елкан хиди анқиб турарди.

– Кўнглим беҳузур, – ингради Лу кўзини очаркан.

– Сенингча, жигар хуружи эмасми?

– Уҳ-х-х-х, – инқиллади у овозига иложи борича хастаҳол тус бериб.

Ивон унинг томоғига кафтини босди.

– Ренан шу ерда, унга ловияли қовурдоқ ваъда қилувдим. Биз тўртинчи ўринни олдик, итдай очман. Айтганча, маликани эшитдингми?

– Қанақа малика, Ивон?

– Наҳотки сен? – ҳайрон бўлди Ивон. – Диана-да.

У французча талаффуз қилганди – Диана. Лу ҳам худди ўша оҳангда қайта сўради:

– Дианага нима қипти?

– Ҳали билганинг йўқми? – хитоб қилди йигит. – Ахир, ойдан тушган эмассан-ку. У шу кечаси ўлибди, аварияда ҳалок бўлган. Соҳилда ҳамманинг оғзида фақат шу гап.

Лу тўшакнинг кўзғолишидан Ивон ўрнидан турганини сезди.

– Майли, сенга халақит бермайман, жонгинам Лу, – ғулдиради у. – Афтидан бунинг сенга иссиғиям, совуғиям йўқ шекилли.

Ва ҳайратангиз товушда писанда қилди:

– Радио бу ёққа қандай кириб қолди, айтолмайсанми?

Лу кўзларини ярим очди:

– Қани? Ўзинг опкирганинг йўқмиди?

– Ҳеч қачон, ҳеч қаёққа, ҳеч ким ваннахонадан чиқариши мумкин бўлмаган радиони-я? Бу қоидага кўникканманки, асло ундай қилмайман. Шу боис уни зудлик билан ўз жойига қайтарганим бўлсин. Ухлайқол, Лулу.

“Даф бўла қолса-чи, – кўнглидан кечирди Лу. – Бир йўла икковиям кўзимдан йўқолсайди. Умуман, булар ҳеч қачон келмаса кошки-я. Вақт йигирманчи, лоақал йигирма бешинчи августга қайтганда борми...”

Димоғига пиёздоғ ҳиди урилиб, тамаддихонадан йигитларнинг қаҳқаҳаси эшитилди. Кейин ташқи эшик очилиб-ёпилди ва Ренаннинг машинаси сокин кўчада шовқин солиб жўнаб кетди.

Ана, “Ямаха”нинг овози, мотор жунбушга келди, олға учди ва мотоцикл олислаб, охири уни ўчди.

Лунинг хаёлида нимадир “лоп” этди: гаражга тушиши, қараб кўйиши... Қарайди? Нимани қарайди? У каравотнинг бир четига ўтириб, кўнишиб олди.

Ивон мотоциклини гаражнинг ўнг тарафига қўяди. Бу икки ғилдиракли арава сўл томонда турса нима қиларкан, а? У мотоциклини ортига тисариб оп чиқади, “Фиат”га қайрилиб қарагандир? Йўғ-е, ўзи билан ўзи овора бўлган, ё ортига, ёки деворни кўчирмаслик учун ёнига кўз солган. Гараждан чиққач, мотоциклини қайтарган ва эгарга ўтирган. Дарвоза автоматик ёпилгач... ортига ўгирилиш Ивонга зарилми?

Лу ваннани тўлдира бошлади. Радио бутунлай бошқа олам, унинг бу аёлга хусумати йўқ. Радио афт-ангорингизни намоёйиш қилмайди. “Уни эшитмаслигим мумкин эмас. Чунки, суҳандон дардисар-машинанинг русумини, ранг-рўйини айтади, уни топиш бўйича қидирув натижаларини эълон қилади”

Ивон кечки пайт қайтди.

– Ўрнингдан туrolдингми? Хийла тузукмисан?

Лунинг кўнглидан ўтди: унинг сўз оҳанги одатдагидай эмас. Аёл тунги футболкасида эди, унинг истикболига ўрнидан қўзғолмади.

– Оёқларимнинг жони йўқ. Қайларда юрибсан?

– Қайикқа борувдим, – деди Ивон, сувюқмас плаши билан асбоб тўла қопчиқ ва сумкасини оёқ остига қўйди. – Шверт¹ бўшаб кетган экан, Ренан эрталаб айтувди, шуни тузатиб келдим. Денгизда ҳеч ким йўқ, якшанба куни бунақаси бўлавермайди. Афтидан, бутун халқ телевизорга термулиб ўтирган шекилли.

– Тунги автоҳалокат туфайлидир-да, а? – Лу шундай оҳангда сўрадики, аслида ўзи бунга бефарқ бўлса-да, беназокат киз бўлиб кўринишни гўё истамасди. – Сенингча, бу кимнидир изтиробга соладиган воқеами?

– Бўлмаса-чи! – таъкидлади Ивон.

“У менга бўлакча тикилиб қолди. Ўзиям бугун ғалатироқ”.

– Тузукмисан? – сўради йигит. – Ғалатироқ кўринасан.

– Бошим айланяпти, – ғулдиради Лу, – жойимга ёта қоламан.

Ивон унинг тўшакка ёнбошлашига зехн солиб қараркан, Лунинг кўнглидан ўтди: “Врачнинг ўзгинаси-я”.

– Сени бунчалар ҳалак қиладиган бирон нарса еган эдингми?

– Қайдам, – деди Лу. – Тунда қайтган чоғим жудаям оч эдим, паштетни паққос туширдим, ҳозир ўшандан кўриб турибман.

Ивоннинг қошлари чимирилди.

– Шиша банкадаги қуён жигарими? – салмоқлади у. – Ахир, мен уни тушликда еб тугатгандим-ку. Уйда ёлғиз эдим, бу аниқ эсимда, аввалига

¹ Шверт (нем.) – қилич маъносини билдиради, елканли кемаларда (яхталарда) чайқалишга қарши қўлланувчи сувости мувозанат асбоби. (Таржимон изоҳлари.)

банкасини у-буга асқатар деб, асраб қўймоқчи бўлувдим, кейин ташлаб юбордим.

– Афтидан, каллам ҳам яхши ишламаётганга ўхшайди, Ивон.

“Мана энди унинг мендан шубҳалана бошлагани аниқ. У бир нимани сезди, мени кузатаверади”.

Парда ортидаги Ивон телевизорни ёқди. Лу бошини бирмас, икки ёстик остига яширди. Автоҳалокатдан бери йигирма соат ўтди. Ақлли инсонга аёнки, изқуварлар “Фиат”нинг рақамини билолган эмаслар. Умуман, “Фиат” эканини аниқлай олишганми? Даргумон. Хўп, боринги, буни билишган, гувоҳлар ҳам бир овоздан шаҳодат берсинлар: “жажжигина оқ рангли “Фиат” эди, ҳа, худди шундай эди”. Аммо ҳали аниқлаш лозим – қайси “Фиат”? Луиза Ориган бу тун ҳеч нимадан хавотир олмайди.

“Менга кераги, – жазм қилди Лу, – сабр ва қаноат. Тонггача бардош беришим зарур. Эртага эса Худо пошшо. Ивон уйда бўлмайди. Мен қўл қовуштириб ўтирмайман-да, банкка бориб, қанча пулим қолганини биламан, механикниям топаман”.

Бир, эҳтимол икки соат ўтиб, Ивон ҳам ётди. Лу “қилт” этгани йўқ. Йигит уни уйғотиб юбормаслик учун секингина сассиз-садосиз тўшакка чўзилди.

Лу диққат билан қулоқ солиб, Ивоннинг бир текис нафас олишини, қотиб ухлашини кутарди. Аммо уйку Ивоннинг хаёлида ҳам йўқ. Илгарилари боши ёстикқа етиши биланоқ тошдай қотадиган йигитнинг бугун уйкуси қочган. Лу унинг нафас олишига қараб, қандай шубҳалар, қанака тахминлар миясига ин қурганини аниқлашга уринарди.

“У билиб бўлди, – кўнглидан кечирди Лу, – унинг билишини пайқаганимни ҳам билиб ётибди. У шуни ҳам биладики, мен ўзимни ухлаганга солганман ва унинг уйғоқ эканини ҳам биламан. Аслида Ивон ўзим “ёрилишим”ни кутмоқда. Кўнгли тусаганича кутавермайдими, мен оғзимниям очмайман”.

Лу жиндай енгил тортиш илинжида қаддини ростларкан, кўнгли озиб кетди ва кун бўйи туз тотмагани эсига тушди. “Эй овқат орзуси, даф бўл!” Билъакс, ошқозони қистовга олиб, қорни қулдирашга тушади.

Унинг фикр-ёди пружина эдики, сиқилган ҳолидан аслига қайтди: ўйламасликка ҳарчанд уринса-да, яна ўша хилқатда – оламга дoston олтинсоч соҳибжамолда тўхтади. Унинг жисми жонсиз ва пажмурда, бугун башариятнинг диққат марказига айланган мархума маликани кимлар қуршамаган дейсиз: қондош-жондошлари, шифокорлар, Франция ва Англиянинг расмий доиралари, фотогафлар, телерадио мухбирлари, мотам-задалар, бекорхўжалар, текин томоша талабгорлари...

Мажақланган жасадни тонг отаргача “таъмирлаб”, оломонга сўнги бор кўрсатиш учун обдан “пардозлашган”. Лу бу машъум юмушнинг замонавий технологиялари ҳақида кўп ўқиган ва тасаввур қила олади. Иш устасидан кўрқар эмишки, мурдашунос мутахассислар ўликхонада қилни қирққа ёра олишлари Лунинг кўнглидан ўтди. Улар суяк ва мўғизларни тўғрилагач, керак ўринга қайтадан эт ёпиштирадилар, лахтак териларни омбирда тортиб жойига келтиргач, миттигина игналарда чоклашади. Юзидаги яра-чақаларни шам билан силлиқлайдиларки, алқисса, киёфа ўзгариб, ё танийсиз, ё танитайсиз. Даҳшат...

Ҳайтовур Ивон уйкуга кетди. Айни муддао: очлик Лунинг жонини азоблай бошлаганди. Жиндай бир нима кавшаб олмаса иложи йўқ.

У оёқ учида емакхона томонга ўтди ва музлатгични очди. Кўлига кирган маза-маграсиз қолдиқ гуруч ва бир бўлак пишлоқни зангори нур ҳошиясида тик турганча чайнашга бошлади.

Лу жойига қайтиб, ётишга чоғланаркан, Ивон бир сўз демасдан оғушига тортиди. Аёлнинг кўзларидан дувва ёш куйилди.

– Нима гап? – сўради йигит ва ҳикиллаётган бечорани юпатишга тутинди. – Хайрият, қорнинг очибдими, демак, тузалганинг шу.

– Ҳа, – бош ирғади Лу...

3. ДАРДИСАР-МАШИНА

– Негадир бугун жуда эрта отланиб қолдинг? – деди Ивон, у курсига ўтириб, кафтлари орасидаги финжондан қаҳва хўпларди, тунги пижамаси ҳамон эгнида.

– Фақат шу бугун холос, – оёқ устида қаҳва ичаётган Лу йўлга тараддудланиб бўлганди. – Ишим ўз вақтида бошланади, аммо унғача Янги кўприкдаги “Конфорамлар” да Анжела билан учрашамиз: олти тўқима оромкурсини иккита машинага юклаб, ишхона очилгунга қадар оп келишимиз буюрилган. – Лу кўшимча қилди: – Кечкурун вақтим бемалол, соат етти яримда қайтаман.

Ивон унга яна зехн солди:

– Рангингда-ранг қолмабди-ку. Тан-жонинг соғми ўзи, бу ахволингда ишга ярайсанми?

– Албатта. Ўтиб кетди, қутулдим.

Лу сумкасини олиб, қўл силкирган, ўзига фармон қилди: “Кулиб қўй!”

Пиллапояга қадам босгачгина эркин нафас олди. “Унинг эътибори, гамхўрлиги, ўқдай нигоҳи... “Пақ” этиб ёрилишимга бир баҳя қолди”.

Лу гаражга кираркан, кўнглида телбаларча умид уйғонди – қанийди машинаси бус-бутун бўлса. Йўқ, кузовнинг “жароҳати” ҳам, дабдала “stop”-чирок ҳам ўша-ўша, мўъжиза ўрнига яна жаҳаннам намоён. “Фиат”ни гараждан ҳар кунгидай тисариб олиб чиқди ва одатдаги йўлга тўғрилади: аввал Сабль, кейин Марэ кўчасидан, сўнгра Генерал Леклерк авенюси ва Севр кўпригидан ўтиб, Парижга боради.

Мана Марэ кўчаси – бу ерда Ивон кўриб қолишидан хавфсирамайди, у рулни қарши томонга – Версаль сари бурди.

Ўн беш километр юриб, Поршфонтен ва Версаль қасрини ортда қолдиргач, Сен-Сир йўлига ўтди. Осмон булоқ сувидай беғубор. Лу-нинг эсига тушди: қачонки у дафн маросимида борса, ҳамини ҳаво очик бўлаверади.

У машинасини Сен-Сирнинг марказига, кўҳна ва чиройли иморатлар ёнига қўйди. Лу буларни ибодатхонага ўхшатган кўйи олға интилди. Ўзини шунчалар эркин сезардики, чопқиллашни истаб қолди. Йўқ-йўқ, ўзгаларнинг диққатини тортиш ярамайди: у қадамларини секинлатди.

Лу йигирма метрча юриб, Париж миллий банкининг филиалига кўзи тушди, банкомати ҳам бор экан. Кредиткасини олиб, омадини синаб кўрди: пул машинаси минг франк ҳақидаги талабини рад этди. Энди уч юз сўрайди: банкомат буни маъкул топди. “Сираям ақлим етмайди, бу нарса рухсат этилган энг катта микдорни қандай аниқлайди? Ҳалироққа тагин бир уриниб кўраман”.



Биров изига тушган эмас чоғи. “Бу табиий ҳол-ку. Мени таъқиб этиш кимгаям зарил келсин”. Бироқ таъқиб кимга зарурлигини Лу ўзи яхши биларди. Жан-Жорес кўчасидаги оломон оралаб бораркан, Лу Ивонни учратиб қолишдан кўркаётганди.

Ўткинчиларнинг афт-ангорига шунчалар жавдирардики, ҳеч қачон бунчалар кўпчиликни учратмаганга ўхшарди. Шу топда улар билан ўзининг ўртасида тубсиз жар ётгандай туюлиб, кетди. Кўнглига нохуш бир гап келди: дардинг бедаво саратон бўлса-ю, бунга ўзингдан бўлак ҳеч ким парво қилмаса, ана ўшанда ўзгаларга шундай қарасанг керак.

Лу харид қилган егулигини тишлаб-тишлаб, иштаҳа билан еяркан, телефон маълумотномасидан олтита устахонанинг тайинини топди. Муайян русумдаги машиналарга ихтисослашмаган ягона таъмирхона – “Барча русумдаги автомобилларни тузатиш павильони” – энг олисда экан.

Сен-Сирдан чиқаверишда, шарқий темирйўл устидаги бу эски устахонада хизмат кенг кўламли бўлиб, цемент полига минг хил бўёқ чапланиб ётарди. Хира тортган ойналари ёруғ ўтказмайди, зал тўридаги қоғоз уюлиб кетган хона идора вазифасини бажарса керак.

Дафъатан бу ерда ҳеч ким йўқдай бўлса-да, Лу ичкарига қадам кўйгандаёқ олтмиш ёшлардаги чорпахил одам ортидан кириб келди.

– Хўш, нима хизмат? – талаффузига қараганда у ё рус, ё хорват эди.

– Икки жойини тузатадиган, унчалик жиддий эмас. Ўзингиз бир кўрасизми?

Лу “Фиат” ёнига етакларкан, бир дақиқа ўтар-ўтмас ёғиладиган саволларни ўйлаб, музлаб борарди.

– Бу кор-ҳол шу кеча рўй берди, – изоҳлади у. – Машинани кўчамдаги бежавотир жойда қолдирувдим, мана оқибатни кўриб турибсиз. Хайрмаъзурни насия қилиб қочворишибди.

– Бундан баттарларини ҳам кўрганман, – деди ҳалиги киши, Лунинг тусмоллашича, у устабошига ўхшарди.

– Ишонаман, албатта, – ошиқиб маъқуллади у.

– Бўпти-да, – деди рус-хорват, – чоршанбага қўлдан чиқади.

Лу жавобдан қоникмаганини яширолмади:

– Бугун-чи, сираям иложи йўқми?

– Кўнглингиздагидай бўлмайди. Орқадаги фонарь масаласи оппа-осон, Маньидаги эски эҳтиёт қисмлар дўконидан бугуноқ топамиз. Сизга чирок яп-янги бўлиши шарт эмасдир, тўғрими?

– Албатта, – ошиқди Лу. – Қанча арзон бўлса, шунчалик яхши.

– “Stop”ни оқшомга қадар алмаштириб қўяман, – давом этди устабоши.

– Аммо бўёқ масаласи икки кунни олади, агар, икки сидра суртилсин ва аслидай бўлсин десангиз, гап шу.

– Бироқ мен ишга қатнашим учун машина керак бўларди-да.

– Бу масалада муаммо йўқ, хоним, “Фиат”ингиз битгунча, бошқасини бериб туришим мумкин. Бироқ у “Мерседес” эмас-да...

“Мерседес”ни эшитибок Лунинг юзига қон тепди. Мезбон ихчамгина “Рено”ни кўрсатди. Мовий-бўзранг машина гижинглаб турарди.

– Ишхонангиз олис эмасми?

– Йўқ, – бош чайқади Лу, бўлак улов дарҳол қўлига кирганидан терисига сизмай қолганди.

– “Фиат”ни эртага кечки пайт олишингиз ҳам мумкин.

– Майли, чоршанба куни барвактроқ кела қоларман, – деди Лу ва ўз “сценарийси” бўйича юз карра “репетиция”дан ўтган ясама андишани актёрларча умидсизлик билан такрорлади: – Эсим курсин! Шу десангиз, хозиргина хаёлимга келди... Техпаспортни олмаганга ўхшайман-да.

– Ҳечқиси йўқ, хоним. Дарвоқе, “Рено”нинг бардачогилиям қараб кўярканмиз, ишқилиб, унинг техпаспорти жойидамикан? Юринг-чи, фамилиянгизни, телефонингизни ёзиб олайин.

Идорага киришгач, Лу дугонаси Анжеланинг рақамини айтди ва кўшиб кўйди:

– Бу мен ишлайдиган ресторан, уйимга қараганда ўша ердан топилишим осонроқ.

– Исмингиз, фамилиянгииз? – сўради устабоши.

– Луиза Леруа, – Лу кечқурун танлаб-танлаб, ана шу фамилияда тўхтаган.

– Луизани сўрайверасиз, у ерда менинг бўлак адашим йўқ.

* * *

У машинани учириб, устахонадан тобора олислаб боради. Шу топда ҳамма хузур ҳаворанг “Рено” рулидаги мадемуазель “Леруа”ники: ахир, елкасидан зилдай тоғ ағдарилган, буни жисму жонинг билан ҳис этишнинг роҳатига не етсин! Сўнгги бир кечаю бир кундуз мобайнида илк бор яйраб нафас олди.

Лу ўн дақиқа чамаси юргач, рулни Поршфонтен томонга бурди ва тўхтади, асосий йўл ёқасидаги хиёбонлардан бирида хотиржам ўтириб, ақлини обдан пешлаб олмоқчи эди. Аслида ишига бораверса ҳам бўларди. Аммо у ўтган тунда қандай қарорга келган эса, шундай қилишни маъқул кўрди: автоҳалокат тўғрисида ўсмоқчилайдики, дардисар-машина ҳақидаги миш-мишларга қулоқ тутуди, башарти, қочиб кетишига зарурат туғилса, унга ҳам шайланиб туради.

Лу машинадан тушиб, у ёқ-бу ёққа қаради ва истаганини топди: телефон йўл ёқасида экан, дарров ресторанинг рақамини терди.

– Анжела, ўзингми? – Лу овозига носоғлом оҳанг берди. – Дугонажон, мазам йўқ. Билолмадим, нимадир менга хил келмади... Йўқ, сенинг ресторанинда эмас. Бу кўргилик уйимда бўлгандир... кечаги тухум-дўлма ёқмадимикан деб...

Энди навбат газеталарга. Бу холи хиёбон Луга маъқул келди, ўзини дўппидай уйидагидан кўра хушхол ва эркин сезаётганди. Анали “оқсоқол”, аммо шинамгина “Рено”га ўтириб олади-да, газета ўқийди, ҳеч ким кўрмайди ҳам.

Автоҳалокатга “Либерасьон” – ўн бет, “Фигаро” – тўрт саҳифа бағишлабди.

Лу “Либерасьон”дан бошлади. Аввалига барча варақларга ошиғич кўз ташлаб чиқди: қани, дардисар-машина хусусида тишга босгудай гап борми? Мавзунинг етакчи “шапка”си шундай овоза қиларди: “Lady Dies”¹. У ўн саҳифанинг барига бирма-бир назар солди, аммо на “дардисар-машина” ва на “эллик километр тезликда бораётган автомобиль” тилга олинган эмас. “Қип-қизил жинниман-да”. У энди газетанинг ҳар бир устунини

¹ Lady dies – (инг.) хоним оламдан ўтди.

синчиклаб кўздан кечирдики, яна ҳеч нарса тополмади. “Либерасьон”ни умбалок ошган “Мерседес”мас, айнаи фожиада иштирок этувчи шахслар – малика, қиролича хонадони, фотомухбирлар, докторлар – жуда қаттиқ қизиқтириб қолибди.

Автохалокат ҳақидаги хабарлар иккинчи саҳифадан жой олганди. Лу ҳамма устунларни аввалидан охиригидан нуктасига қадар ўқиб чиқди, бирорта сўзни қолдиргани йўқ. Қуйироқда Альмадаги машъум хотиманинг чизматасвири илова қилиниб, ўртада қоп-қора хоч ва икки томонга йўналган кўрсаткич-стрелка. Расм остидаги чорбурчак ичида қуйидаги (тахминий) хулоса баён этилганди: “Мерседес” яшин тезлигида ҳаракатланмоқда. Йўл нишаб, аввал чапга, сўнг салгина ўнгга қайрилади, ўттизга яқин тўрт қатор цемент устун қатновни икки тарафга ажратиб туради. “Мерседес” ўша тезликда ўн учинчи устунга урилган ва тилка-пора бўлиб, тоннелнинг ўртасига думалаб тушган”.

Лу барини ўқиди... У кўзларига ишонмасди. Муаллиф тоннелга имиллаб кираётган ва “Мерседес”нинг йўлига монелик қилган машинани ҳам, икки ўртадаги тўқнашув ва орқадаги фонар майдаланиб кетганини ҳам буткул қаламга олмабди. Фақат ғарибона ва дудмол сатрлар: “Воқеа жойида ўндан зиёд одам ҳозир бўлиб, улар орасида Ди хоним ўтирган автомобилдан олдинда бораётган машиналардаги йўловчилар ҳам бор эди”.

Газетанинг кейинги бетида фотомухбирлар, малика ва шахзода, ворислар, қиролича, жудалик боис умумхалқ мотами ҳақида ёзилиб, “автохалокат устида олган суратлари миллион-миллион долларга баҳоланаётган папараццилар” ҳам туртиб ўтилганди.

Дардисар-машина тўғрисида яна жимжитлик.

Лу “Фигаро”ни қўлига олди. Автохалокат фожиаси газетанинг сўнгги саҳифасида муфассал шарҳланганди. Йирик ўлчамдаги суратларнинг бирида – “Мерседес”нинг дабдала сиёки, иккинчисида – маликанинг тобути фахрий соқчилар сафи оралаб эзгин бормоқда. Авария тафсилотлари қарийб “Либерасьон”дагининг такрори: “Тоннель марказида автомобиль бошқарувни йўқотди ва қарама-қарши йўналишларни ажратиб турувчи устунларнинг ўн учинчисига урилди. Зарб шунчалар шиддатли эдики, “Мерседес” тўнтарилиб, ўнгдаги деворга сапчиди ва сирпаниб бориб, тоннелнинг ўртасида тўхтади. Гудок кабелининг қисқа туташувидан сигнал чалинганича қолиб, хавфсизлик болишлари ишлаган эди”.

“Фигаро” ҳам шошилмай юрган машина хусусида сукут сақларди.

“Эҳтимол, – Лу умидворлик билан тахмин қилди, – ашъвий далиллар ва гувоҳлар йўқлиги туфайли ўша ҳалокат омилларидан саналувчи тошбақа-машинани қидирмай қўйишгандир”.

Бироқ фожиадан кейинги илк тонгдаёқ дардисар-машина ҳақида эълон қилинганди-ку. Демак, исбот топилмаса-да, барибир гувоҳлар бўлган.

“Рено”нинг радиоси йўқ эди. Лу Вирофле тарафга ўтди. Ўн бирга яқинлашиб қолган бўлса, “Монд” сотувга чиққунча орадаги уч-тўрт соатни уйда ўтказиб, радио эшитади.

Ўзи яшайдиган қаватга қўтарилгач, тагин оёғи лақиллай бошлади. Саббаби ўзига аёнки, Ивон уйда бўлиб, ёлғони фош бўлишидан кўрқаятганди.

Аммо уйда ҳеч ким йўқ экан. Бўм-бўш бўлса-да, бари бетартиб: нонушта дастурхони йиғилмаганди, финжонлар қўл ювгичда, тўшак ёзилганча қолганди, демак, йигит буларнинг барини чорак дақиқада басар қилган.

“Ногаҳон у қайтиб келса-чи?” Тўсатдан эшикни очиб, саволга тутса-я: “Пастдаги “Рено” кимники?” Лунинг қўрқадиган жойи йўқ, жўяли сабаб (“монолог”) тайёр: “Янгикўприкда оромкурсиларни олиб бўлувдик хамки...” деб бошлайди-да, барини дадил-дадил “тахлаб”, охирида “томи кетган”нинг йўлни кесиб ўтиши ва ўнг қанотни алмаштиришга мажбур бўлгани билан яқунлайди...

У қўлида “Либерасьон” ва “Фигаро” борлигини кўққисдан эслагач, хайҳотдай диванга таппа ўтириб қолди. Рўпарасида телевизор ўшшайиб турибди, итга – тор, мушукка – кенг каталакда унинг сиёки сўлоқмондай туюлиб кетди. Уни ёқишга аёлнинг юраги бетламасди. Лу шунисидан ҳадиксирардики, сенсация намойиш этиб қолишади. Уни ҳаваскор суратга олган ва тўппа-тўғри Биринчи каналга қўшқўллаб топширган. Бу шов-шувни шарҳлаётган сухандон ҳам ўқтин-ўқтин ҳансираб олади: “Экранга диққат билан қаранг, кичкина, оқ рангли “Фиат”ни кўздан қочирманг, ана у, кўрдингизми? Ҳеч нарса бўлмагандай кетиб бормоқда. Ўзингиз аниқ кўриб турибсизки, фожиа унинг шундоққина кўз олдида содир бўлди, хайдовчи эса тормоз бериш қаёқда, аксинча, газни босди, босаверди”.

“Ваҳимани бас қил, Лу. Ким кечаси суратга олади? Устига-устак тон-нелда ёруғлик танқис-ку”.

Лу газеталарни диванга ташлаб, ваннахонадаги радио сари йўл олди. Унинг овозини шунчалар пастлатдики, калит эшик кулфида ярим айлансаёқ эшитарди. Транзисторни қулоғига босганча ётоғига қайтиб, жойига чўзилди.

У “Франс-Инфо” тўлқинини бир соатча эшитиб ётди. Автоҳалокат ҳақида икки оғиз гап бўлди холос, зотан, энди у янгилик эмасди. Эшиттириш асосан “Франс-Инфо”нинг Лондондаги махсус муҳбири йўллаган репортаждан иборат. Бир кун аввал Диана ётган тобут Лондонга олиб борилган. Гулдаста ва гулчамбар тутган минг-минг англияликлар Букингем ва Кенсингтон қасри пойига тўпланишибди. Шаҳзода Чарльз Балморал қасрига қайтган. Якшанба куни кечки пайт Додий дафн этилган, мусулмонлар унга Лондоннинг бош жомеъ масжидида жаноза ўқишди. Бугуннинг – душанбанинг етакчи муҳокамаси расмчиларнинг фожиада айбдорлиги эди. Жамоатчиликнинг нуқтаи назари ягона – ҳамма сариқ матбуотни қатъий қораламоқда. Диананинг акаси эса сингисининг қотили айнан фотогафлар эканини комил ишонч билан таъкидлаган. Тунги фожиа чоғи ушланган етти нафар сураткаш ҳамон муваққат хибсхонада сақланмоқда, уларнинг кейинги тақдири тергов натижасига боғлиқ...

Лу радиони ўчирди. Унинг кўзлари юмилиб борарди: бу уйку истагиданмас, фожиани жиндайгина бўлса ҳам унутиш учун жон-жаҳди билан интилишидан эди. Ётоғидаги соатнинг кўнғироғини уч-у ўн беш дақиқага тўғрилаб, ечинмай узала тушди...

Соат жиринглади. Ўзига қолса, Лу атиги беш дақиқа ухлаганди. Демак, боши ёстикқа тегар-тегмас кўзи юмилган экан-да. Эсига тушди – “Монд”. Энди “Монд”ни ўқийди.

У газетани Вирофледанмас, қайсидир бўлак жойдан олишга аҳд қилди. Бўзчининг моксидай бориб-келавериш жонига тега бошлаганди. Ҳар қадамингда хавфсираб аланглайверсанг, меъдангга урадики, сени пайқаб қолишганми-йўқми, юрган-турганинг камера кузатувида эмасмикан?..



Лу “Рено”га ўтириб, беш дақиқада Шавилга етиб борди. Иштаҳаси бўлмаса-да, икки-учта озиқ-овқат дўконига ва матбуот шохобчасига назари тушиб, Салангро кўчасида тўхтади. Барибир тамадди қилиб олиши керак. Негаки, кечкурун тўйгунча овқатланмайди, ахир, Ивоннинг наздида ҳали соппа-соғ эмас ва буни унутмаслиги лозим.

Пишган гўшт дўконидан киш лоррен¹ ва олма сотиб олди. Пирогнинг суви қочаёзганди, Лу уни бир амаллаб егач, олмани қолдириб, “Монд” сари йўл олди.

Тонги газеталарнинг мухбирларидан кўра “Монд”нинг репортёрларида вақт бемалол экан, улар кенгроқ ва мукамалроқ ёзишибди. Газетфуруш қайтимини узатгунчаёқ Лу “Монд”га бир сидра қараб улгурди: “Малика Уэльскаянинг мудҳиш ўлими. Вазият. Дунё қандай муносабатда? Фото-мухбирларнинг жавобгарлиги бўйича мулоҳазалар”.

Бир хилдаги бу гаплар Лунинг ҳиқилдоғига келгандики, газетани улоқтиришига сал қолди. Бироқ у дарҳол ўзини босди ва машинага ўтириб, автоҳалокат мавзусидаги олти бетнинг барини ўқиб чиқди. Сарлавҳаларга тез-тез назар солди: “Афсонавий никоҳ оқшоми”, “Букингем қасрини ларзага солган янгилик”, “Ўн миллион франкка тушган бўса”... У автоҳалокат тўла шарҳланган иккинчи саҳифага қайтди. “Қувлашмачок... Ярим тундан салгина оғувди... Алдамчи манёвр... Ҳийланинг ҳидини олишганди...” Лу бошдан-оёқ ёд бўлиб кетган фильмни такроран томоша қилаётгандай сезарди ўзини. Вандом ва Бирдамлик майдони, Сена соҳили бўйлаб... “Соҳил” сатрига егач, у мутолаани секинлаштириб, ҳар бир сўзга зехн сола бошлади. “Ўқдай учаётган машина бир километр юргач, Альма тоннелининг бўсағасига етди. Унинг йўлига ғов бўлган бошқа автомобиль Жорж Помпиду трассасидаги ушбу масофада чекланган тезлик (соатига 50 километр) қоидасига биноан ҳаракатланарди. Ана шу машинани четлаб ўтишга уринган “Мерседес” ҳайдовчиси бошқаришни уддалай олмаган”.

“Чак” этди: Лу манглайдан газетага тушиб, қоғоз юзига ёйилган тер томчисини кўриб турарди. Бу гап аниқ-тиниқ ёзилган, саҳифанинг қоқ ўртасида турибди: имиллаган ўша машина ҳалокатга сабабчи! Лу яна хатбошига қайтиб, такрор ва такрор ўқиди. “Монд” гапнинг индаллосини айтиб қўйганди: дардисар-машина асосий омил!

У бошини ўриндикнинг суянчиғига ташлаб, зўр-базўр чуқур нафас олди. Ҳали ҳам ғишт қолипдан кўчганича йўқ. Газета радионинг бир кун бурунги хабарини такрорлапти холос. “Бошқа автомобиль” ва “ана шу машина” дегани мавҳум гаплар холос-ку. Яна бир кун охирламоқда, демак, рулдаги шахс тагин бир кун ютади.

Ие, арғамчини узун ташлаб турган бўлсалар-чи? Машинанинг русумини эртага газетада босишлари ёки бугун оқшомдаёқ радиодан айтишлари ҳам мумкин. Лу чоршанбада “Фиат”ни олгани боришини эслаб, устабошининг сирли нигоҳини тасаввур қилди: “Мана, заводдан яп-янги чиққандай қилиб қўйдик. Менимча, узукка кўздай ярашди. Бир-икки қараган полициячи ҳам ҳеч нимани пайқолмайди”.

Ёки ундан ҳам баттар бўлса-чи? “Ҳа-ҳа, оқ “Фиат”ми? Ҳозир, бир дақиқада оп келамиз”. Машина қаёқда – сенга иккита полициячини рўпара қилишади.

Фотографлар тўдасига йўлиқсанг, ундан ҳам баттар.

¹ Киш лоррен – жизза ва қуймоқ қўшилган пирог, лотарингияликларнинг анъанавий таоми.

Лу “Рено”га ўт бериб, кўзлаган манзили бўлмаса-да, Шавиль бўйлаб бир мунча йўл босди. Дарахтларни, ўрмон ёқасини кўриб, Мэдонга етганини тусмоллади ва чеккага тўхтаб, ўриндикда тин олди.

У Вирофлега қайтган маҳали соат бешдан ўтганди. Одатига кўра “қўли кичиди”, яъни уйни саранжомлашга киришди. Ивон масаласи Лунинг юрагини ўйнатаверардики, асосан унинг изини қириб ташлашга жаҳд қилди. Астойдил фикрини жамлаб, аварияга дахлдор ҳеч нарсани эсламасликка уринган ҳолда супуриб-сидираверди. Аммо бу азмаи ўн сониягина кор келди-ю, кўз олдида яна мажақланиб битган бир уюм темир, пажмурда қурбонлар ва сурагга олгани кулай жой талашиб, бири-бирини туртаётган, машина эшикларини тортқилаётган фотограflарнинг қиёфаси намоён бўлди. Алалоқибат унинг асаблари дош бергани йўқ, ошхонани тозаларкан, радиони ёқиб, йигирма дақиқача кулоқ солди. Сўнгги ахборотнинг иккита лавҳасида муҳим янгилик йўқ. Ҳа, янгилик деса бўлгудай гап шу эдики, диктор Ди хоним дафн этиладиган кунни эълон қилди. Видолашув маросими олтинчи сентябрь – шанба кунини Вестминстер аббатлигида ўтади. Камида бир миллион кишининг иштироки кутилмоқда. Дунёнинг барча телеканаллари бу шов-шувни трансляция қилиш учун музокараларга ошиқади.

Лу қўлларини артиб, деразага кўз тикди, унинг хаёл куши шунчалар шиддатли парвозда эдики, шу топда ҳеч нимани кўрмасди. У йўлак деворидаги жавонни очиб, эскирган сафар сумкасини олди ва тун ярмида йўлга отланган кишига нелар лозим бўлса, ўшаларни жойлади. Улар унчалик кўп ҳам эмас: футболка, икки жуфт труси, жинси, пардозкути ва соч қуритгич. Пардозкутига икки юз франкни аввал кўйганди, кейин қўлига олди. Ахир, сумкачасини қолдириб кетмайди-ку, ўшанга солаверади пулини. Дарвоқе, Англия қироличаси кўз олдига келди: ўрта ёшлилар сумкасини ҳеч қўлидан қўймайди, гўё ип-нина билан билагига чашиб қўйилган. Зоти олияларига бундай юриш нечун зарур келганига Лунинг ҳеч ақли бовар қилмасди. Ўзининг сумкачаси эса осиб юришга мос, уйдан чиқишда доимо елкасига илиб оларди.

У сафарга шайлаган йўл сумкасини шкафнинг тўрига, анча-мунча лашлушлар ортига яшириб, эшигини зичлаб ёпди.

Одатдагидай соат етти яримда қайтган Ивон суриштирувни худди Лу кутган савол билан бошлади:

– Пастдаги “Рено” кимники?

Лу “сценарий” бўйича “монолог” ижросига киришди: ишга боргач, ўқчиди ва қайтар чоғи қандайдир “томи кетган”га йўлиқди, қанотини янгиламаса бўлмасди ва ҳоказо.

4. ОСМОН – УЗОҚ, ЕР – ҚАТТИҚ

Лу кўз очганда шуурини ягона фикр эгаллаб олганди: йўқ, фақат бу эмас, бундай эмас. Фақат шу авария бўлмасин, фақат менинг бошимга... Аммо ўзига далда берди: нега талвасага тушасан, остингдаги “Рено” йўлга шай, ҳозир ишхонангга борасан, сен нимадан кўрқасан, ўзи?

Ивон уй ичида эласлаб юрибди, унинг қўлида у ёққа-бу ёққа бориб келаётган радионинг овози Луга эшитилиб турарди. FIP канали йўлларда



машиналар тиқилиб, куйруқлар тумшукларга тиралиб қолаётганидан хабар берди. Монруждаги дўконигача атиги уч километр бўлса-да, Ивон ана шу тиқилинччи четлаб, беҳархаша ўтиб олиш ҳаракатига тушиб қолганди.

Лу унга эркаланиб, мушукдай суйкалди:

– Саҳархез қуш бўлиш бугун сенинг навбатинг шекилли, Ивон?

– Саҳархез қуш? – йигит унинг ёноғидан ўпди. – Соатни қара-чи! Вақт алламаҳал бўлди, кечикяпман. Камида ўн соатлик уйқуни урдинг, энди тетилиб қолгандирсан?

– Яхши, яхшиман, – бош ирғади Лу.

Соат саккиздан қирқ дақиқа ўтибди. Оддий иш куни, одатдаги (ёки навбатдаги) сешанба.

– Кутилмаган янгилик! – таъкидларди радио. – Ахборот оламида бугунги шов-шув шуки, “Ритц” отелининг хайдовчиси Анри Поль автоҳалокат чоғи ширакайф бўлгани тасдиқланди. Машинанинг тезлиги аниқ маълуммас: бир манбада 180 километр дейилса, бошқасида соатига 110 километрдан паст бўлгани айтилади. Аммо таҳлил натижаларига қараганда, хайдовчининг қонидаги алкоголь миқдори 1,75 грамм экан.

Ўша маст-аласт Анри гўё Луни машинасига ўтирғизиб, тоннель устунига “саваганди”.

“Бу янгиликнинг мен учун нимаям нафи бор?” Вирофледан то Биржадаги ерости қўналғасига етгунча ана шу савол “Рено” рулидаги аёлнинг миясини эговлаб борди. Осмон бўзариб, ҳаво тумтайиб турса-да, кун иссиқ. “Нимаям нафи бор?” Қон таркибидаги 1,75 грамм алкоголь аварияга сабаб бўлиши аниқми: ҳа ёки йўқ? “Ҳа, – нечанчи бор такрорлади Лу, – ҳа, шу боис уларга ҳалокатнинг бошқа айбдорини қидиришнинг кераги бўлмайди. Бундан чиқадиган хулоса шуки, ҳозиргача тутган ўз йўлида маҳкам тураверади. Кўзга ташланмаслик ва ўзини фош этмаслик! Қўнишиб олади-да, эҳтимолдаги момақалдиروқни кутади”.

... Анжеладан пиёздоғ ва ошкўк ҳиди анкиб турибди. Ҳа-а, Лу эслади: “У ҳар сешанбанинг таомномасидаги провансальча куён қовурдоқ пиширган”. Залнинг тўрида столларга стакан тераётган Мари-Но лукма солди:

– Машинани янгилабсанми, ўртоқжон?

– Қайдан била қолдинг? – ўзини бепарво тутишга уринди Лу.

– “Катр-Септамбр” метросида тўхтагандим, – бидирлади Мари-Но, – сенга эса яшил чирок ёнди. Машинам “кўз қисди”, лекин жуда хаёлчан экансан, мени кўрганинг йўқ.

– Тўғри, билолмадим, “Фиат”имга нимадир бўлиб, эрталаб ҳеч ўт олмади.

Кўзи ёшланган Мари-Но бурнини тортди.

– Пиёз ачиштиряптими? – сўради Лу.

– Аёл деган бунақа бағритош бўлмайди, – гапга тушди Мари-Но. – Шу кечасиям икки марта уйқим бузилди, у ҳеч хаёлимдан кетмаяпти.

– Бас қилсанг-чи! – жеркди Анжела.

– Кимни айтяпсан? – суриштирди Лу.

– Албатта, Дианани-да. Унга шунчалар уволим келадики... Сен-чи, сен ачинмайсанми?

– Нега? – маъқуллади Лу. – Нега энди ҳамма ачинганда, мен ачинмас эканман?

– Анжелага эса қизиғи йўқ, – афсус билан бош чайқади Мари-Но. – Биласанми, унинг фикри қандай? Кеча уззукун ягона сўзни такрорлайверди: номус, номус...

– Тўппа-тўғри! – ўзиникини маъкуллади Анжела. – Башарти, ўз қизим эрининг юзига оёқ қўйиб, набираларимни тирик етим қилса ва галдаги шайдоси билан “Ритц”дан чиқиб, йўлда балойи азимга йўликса... Мени фарзанд доғимас, иснод... номус ўлдиради.

Мари-Но ҳам бўш келмасди:

– Худди эртақ, ўйлаганим сайин эртаққа ўхшатавераман-да. Агарда бирортаси маликанинг ҳаётини фильм қилса, анави авария ажойиб хотима бўларди ўзиям. Нима дединг, Лу?

– Қайдам...

Лу шу топда ҳар бир сўзни юраги пўкиллаб айтарди. У ўзини нўноқ актрисага ўхшатарди: атрофидан турткилаб саҳнага чиқариб қўйилган-да, тўқиб-чатиб, йўқни йўндиришга мажбур. Энди унинг санамай саккиз деворадиган вақти ўтган. Ҳар битта сўзни тарозига солиши зарур: негаки, ҳаёт-мамонт ролининг ижроси гарданига тушган, сўзлари сохталиги аён, яна салгина янглишса, ҳуштакбозлик билан саҳнадан қувилади.

Хаёлини фақат автоҳалокат тафсилотлари чулғаган Мари-Но мавзуни давом эттиради:

– Билсаларинг, ўртоғим Сандранинг эри полицияда ишлайди-да, якшанбадан буён эр-хотин кўришмас эканлар, билмадим, йигит ўлгур ишдан қай маҳал қайтаркин... Хуллас, қидирув мана энди астойдил бошланибди. Ақл бовар қилмайди: эллик киши шуғулланаётган эмиш, эллик киши-я! Улар ҳаммасининг тагига етишмоқчи.

– Яна ниманиям тагига етарди? – қизикди Лу.

– Гап кўп, – қошини керди Мари-Но. – Аввало, сураткашларни топишади. Ўша жойда еттитасини ушлаган бўлсалар-да, бугун аёнки, улар кўпчилик экан. Тушуняпсанми? Қочиб қолган фотографлар авариянинг айбдори бўлиши мумкин-да. Қолаверса, дардисар-машинаям бор...

– У қанақаси? – Лу овозидаги титрокни яширолмади.

– Ие! – хитоб қилди Мари-Но. – Наҳотки, сен билмасанг? Тоннелга кираверишдаги қочоқ машина-да...

– Хўш-хўш? – бакрайди Лу.

– Нима хўш-хўш? Айнан ўша машина ҳалокатга сабаб бўлиши мумкин-да!

Лунинг саволи акс-садодай жаранглади:

– Ҳалокатга сабаб бўлиши мумкин?

– Худди шундай! – бош ирғади Мари-Но. – Ўша автомобиль “Мерседес”нинг йўлини қасддан тўсган бўлса-чи?

– Нега тўсиши керак? – бўшашди Лу.

– Дейликки, суратга тушириш қулайроқ бўлиши учун. Биляпсанми, Лу? Эҳтимол у, ўша оқ “Фиат”-да, қай бир газетанинг машинаси бўлиб, ичида фотомухбир ўтиргандир. Бир агентликнинг фотографлари ҳамкорликда ишлайди, бир-бирини роса қувватлайди-да. Ҳаммасининг қўлида уяли телефон, бетиним қўнғироклашиб туради: “Мерс” Альберт Биринчи номли сохилбўйи кўчасидан ўқдай учади, Альма тоннели оғзида “Фиат” унинг йўлига кўндаланг бўлган...

Лунинг эси оғаёзганди:



- Сенингча, шундай бўлиши чиндан ҳам мумкинми?
- Мен Сандра эридан эшитганларни айтдим холос, – деди Мари-Но. – Ўша машинани топиш учун жандармлар тоғни талқон қилишгайм тайёр эмиш.
- Уларнинг қўлидан нимаям келарди?
- Жандармерияда махсус бўлим бор: жиноят жойидан қочиб кетган автомобилларни аниқлайди. Ўзинг ҳам рулдасанки, бунақаси тез-тез бўп туради. Полициячилар барибир топишади, қолаверса, далилий ашё ҳам қўлга тушган.
- Ҳали шунақа дегин? – сўради эсанкираган аҳволдаги Лу.
- Сандранинг эри айтибдики, қандайдир из қолган эмиш, – жавоб қайтарди Мари-Но. – Икир-чикирларидан хабарим бўлгани йўқ, аммо қидирув-тергов эндигина бошланган, озгина вақт ўтса, ҳаммаси юзага чиқади.

* * *

Тушлик соатларидаги саф-саф хўрандалар “хуружи” босилгач, уч-тўртлар орасида қўли бўшаган Лу Тебу, Лаффит, Виктуар кўчалари бўйлаб оёғининг чигалини ёзмокчи бўлди. Рестораннинг пулдор мижозлари тасарруфидаги офислар ана шу батартиб ва босалобат кўчаларда жойлашган. Сиркори иморатлардан йирик суғурта компанияларининг вакиллари, молия корчалонлари, яна алламбало маклерлик, таъминот ва сайёҳлик агентликлари қўним топишган.

Османн хиёбонидаги газета шохобчасидан “Монд” ва “Фигаро” олиб, Андриен Уден номли майдонда тик турганича кўз югуртирди, аммо калласига ҳеч нарса киргани йўқ. Эҳтимол янги гап ёзилмагани ёки ўзини қизиқтирадиган мавзуда тишга босгудай маълумот чиқмагани учун шундай бўлгандир. Яна шунинг учундирки, унинг хаёлига ин қуриб олган ягона васваса бўлак ҳеч бир фикрга ўрин бермасди. Энди Лунинг ишончи комил: эҳтиётсизликка йўл қўйгани аниқ. “Фиат”ни киши билмас таъмирлатаётгани ва лоақал икки кунгагина дардисар-машинадан қутулгани учун кеча бир яйраб нафас олганди. Энди эса ўзини-ўзи тергов киларди: бу иши телбалик эмасми, кўра-била туриб тузоққа илиниб ўтирса-я!

Ҳа, гўё уни каламушдай бурчакка қамаб бўлдилар.

“Дейликки, эртага “Фиат”ни олиб, илгаригидай ҳар куни чопавераман, умуман, ўзимни шундай тутаманки, автоҳалокатга гўё заррача дахлим йўқ. Бироқ дардисар-машинанинг маркаси аниқланган ва газеталар оқ “Фиат-уно” хақида лоф урган захотиёқ изимга тушадилар, чунки, мен худди ўшанақа автомобилнинг ҳам эгаси, ҳам ҳайдовчисиман.

Яна битта йўли бор: машинани олмайман, ўша ерда ётганича-ётаверади. Бироқ бундаям ўз айбимни ўзим очаман: дардисар-машинанинг русуми эълон қилингач, дарҳол ташландиқ “Фиат” устабошининг эсига тушади. Тамом, мени тутиб, ҳибсхонага судраш полицияга иш бўптими?

Тағин аввалбошдан эслаб кўрамиз: хўп, машинани олдим ва ҳар доимгидай миниб юрибман, бунда ҳам исталган дақиқада қўлимга кишан уришлари мумкин-ку!

Шундай. Демак, “Фиат”ни оламан, лекин кўчага чиқармайман. Уни сотиб, қимматроқ бошқасини оламан-қўяман.

Буниси зўр! Аммо биласанми ўзи, дардисар-машинанинг русуми аниқлангач, полиция нима қилади? Ўттиз биринчи августдан кейин бозорга чиқарилган “Фиат-уно”ларни биттама-битта рўйхатга олишади-да.

Йўқ, ягона хавфсиз чора шуки, таъмирхонадан автомобилни олиб чиқаман-да, фариштадай бегуноҳ киши каби машинамни янгилаб, “Фиат”ни Сенага чўктириб юборавераман”.

Бироқ чўнтақларида шамол ғувиллаётган Лу унча пулни тушида ҳам кўролмасди. Прованс кўчасини ўнгу сўлига қарамай кесиб ўтдики, зўр-базўр тормоз босишга улгурган такси ҳайдовчиси томоқ йиртиб бақирди: “Жинни-пиннимисан ё жонингдан тўйдингми?”

Лу ишхонасига қайтаётиб, Шош кўчасидан ўтаркан, почтанинг ёнидаги банкоматга тўхтади. Ҳар куни банкоматдан иложи бор миқдордаги пулни олади, лекин сарфламайди, негаки, киссасида жиндай жамғармаси бўлиши зарур. У исталган дақиқада йўлга шай туриши лозим: эҳтимол уйига бо-ришга ҳам фурсат қолмаски, ўшанда асқатади...

* * *

Оқшом чоғи Вирофлега қайтаётиб, Севр кўпригида тикилинчга кириб қолди: бири-бирига тиралган машиналар деярли ўрнидан жилмасди. Тўсатдан ваҳима босган Лу елкасига сим-сиёҳ мушук миниб олгандай сапчиб кетди. Боягина кўзи тушган бар парча хабар шуурини эговлай бошлаганди, аммо қайси газетада кўргани эсида йўқ. Назаридан елдай ўтган санокли сатрлар ҳозир кўз олдида чарақлаб кетганди. “Диананинг тансоқчиси Тревор Рис-Жонснинг аҳволи ўта оғир, суяклари майдаланган, айниқса, юз қисми ниҳоятда кучли шикастланган. Ҳеч тилга кирмаяптики, терговчилар ҳали бир неча кунгача сабр қилишлари лозим бўлади”.

Яна бир неча кун! Кейин терговчилар сўроққа тутишади. Ўзига келгач, гапиролмаган тақдирда ҳам, ёзиши мумкин. У “ўлимга маҳкум” ўринда – ҳайдовчининг ёнида ўтириб, тирик қолган яккаю ягона гувоҳ. Ўша жойдан тоннелга кириб бораётган дардисар-машинани бемалол кўра олиши, рақамигача билиши эҳтимолга яқин.

5. “ДАРДИ БЕДАВО”

Устабоши остона хатлаган жувоннинг юзига қарагани ҳам йўқ. Агар узук-юлуқ минғирлаш сўзлашув ҳисобланса, у ким биландир телефонда суҳбатлашаётганди ва гўшакни шошмасдан жойига қўйди.

– Салом, – деди Лу.

– Салом, – “илтифот қилди” рус-хорват олдидаги қоғозга ажи-бужи қалам тортиб.

Бу муомалани малол кўрган аёл истар-истамас сўзлади:

– Машинамни олсам деб...

– Сабр, бир дақиқа сабр, – устабоши ўнг қўлини чўзиб, афтидан ички алоқа тугмасини босди ва гўшакка тўнғиллади: – Оқ “Фиат-уно”ни бу ёққа опчикқин.

Тўлов хужжати ҳам тайёр: у ҳозиргина ажи-бужи чизик тортилган қоғоз экан. Лунинг фаҳми етдики, маълумот сифатида олдинги сафар айтилган



Луиза Леруа номи ва Анжеланинг телефон рақами кифоя – хўжайиннинг ортик суриштиришга тоқати ҳам йўқ. У мижоз хоним узатган саккиз юз франкни индамай санаб оларкан, ичкари томондан “Фиат” оҳиста юриб, ойнаванд эшикка яқинлашиб келди.

Машина рулидаги механик эгилиб, бесўнақай махлуқдай эшикдан тушди. Лунинг қалбида ягона истак: ўлса-ўлсинки, бу ердан тезроқ кетса, аммо у ўзини мажбурлаб бўлса-да, таъмир ҳолатини кўздан кечиришга тутинди.

– Ортки чирок, бўёк, – ғулдиради аёл. – Ҳаммаси жойида.

Механик оғиз очгани йўқ. Лу унинг афт-ангорига назар солиб, ўзига қадалган қисик кўзларни кўрди. Қисик кўзлар ва америкалик ҳиндуларга хос башара.

Аёл машинанинг олд эшигини очди ва калитни бураётиб, бош ирғади:

– Бўпти, раҳмат, месье, яхши қолинг.

– Яхши борсинлар, хоним, – деди механик масхара оҳангида, унинг ҳозирги қиёфаси хизмати беминнат кишиларга ҳеч ярашмасди.

Лу ресторанда дугонасига икки бор “наштар уришга” мажбур бўлди. Негаки, Мари-Нодаги “Диана дарди” кечгача яна икки карра хуруж қилди: масалан, собиқ келини ўлгач, қиролича зоти олиялари пинҳона қувончга тўлибди ёки шанба оқшомида Анри Поль ичган коктейлга шубҳали бир бало қўшилган...

– Сен бир тасаввур қилсанг-чи, коктейлга джин ё виски, ёки яна алламбалони...

– Тағин бошладингми, ҳалиям меъдангга ургани йўқми, а? – тўнғиллади Лу. – Ахир ҳаммининг жонига тегиб кетдинг-ку! Билиб қўй, ўша авариянг Анжела каби мениям мотамзада қилган эмас.

Йўқ! Овора бўласизки, Мари-Нога бу “дарди бедаво” чилласида теккан, асло тузалмайди. Масалан, у ҳалитдан шанба кунга ишидан руҳсат олиб, ғамини еб қўйди. Негаки, телевизорга термулиб, Ди хонимнинг дафн маросимини томоша қилмоғига ҳеч ким монe бўлолмайди.

6. ЎЗ УЙИГА ОЁГИ ТОРТМАЁТГАН АЁЛ

Аммо олтинчи сентябрь – шанба куни эрталабки соат ўнда Лу телевизор қаршисига ўтирди. Мари-Но ва унга ўхшаш миллионлар каби у ҳам маликанинг дафн маросимини томоша қиларди. “Автоҳалокатга алоқаси йўқ қиз ҳам томоша қилган бўларди-ку. Мана, мен ҳам кўряпман” кўнглидан кечирди у.

Лекин намоёиш этилаётган мотам Лунинг ақлига ҳеч жо бўлмасдики, ўзини эси оғаётгандай сезарди. Ана шу йиғлай-йиғлай кўзлари қизарган сон-саноксиз инглизлар сўнгги йўлга кузатаётган аёлни ҳамма ҳатто сажда қилгудай даражада севарди. Лафет устидаги тобутда пажмурда ва жонсиз жисми маънос борувчи малика бир ҳафтагина бурун ўттиз сантиметр наридан ўтгани, “Мерседес” оқ “Фиат”га суйкалгани йўқмиди? Балки ўқдай учган ўша машинада кулиб-қувнаб, шоду хандон, қалби озод юргандир... Лу ҳарчанд нари сурса-да, мудҳиш туртиниш кўз олдига келди, икки машина “таталашган”даги машъум шовқин кулоқларида жаранглаб кетди.

Сухандоннинг уқтиришича, тансоқчи ҳамон сўзлолмабди, демак, ёзишга ҳам ярамайди. Махсус лабораториядаги таҳлиллар ҳам негадир

кечикмоқда. Қилдай жонсиз ипга осилган шамшир Лунинг боши устидаки, узилиб тушиши таҳликаси уни ўлдирмай қўймайди. “Мен тирик юрганим йўқ, бундоқ турмуш сираям ҳаёт эмас. Зоҳиран ҳаммаси аввалгидай, барибир ишимга бораман-келаман, аслида эса яшириняпман холос. Савол берсалар, жавоб қайтараман, хўрандаларга ҳазил-ҳузул қиламан, лекин буларнинг бари алдамчилик ва алданишдан иборат-да. Ўзгарган, барча-барчаси ўзгариб бўлган. Қўрқаман, адои тамом бўлдим, бу қўрқув сал кунда бошимни ейди”.

Эшик очилиб, Ивон кирди ва мўъжаз меҳмонхонага қараб, телевизорга термулган Луни остонадаёқ кўрди. У суҳандоннинг мотам шарҳига қулоқ тутиб, бир муддат туриб қолди. Ивон кўлидаги бозор-ўчарини (қовун, шарбат шишалари ва юмалоқ нон) ошхонага ташлаб чиқди. У Лунинг ортига тик турган кўйи сўради:

– Сен нега бу маросимни кўраётганингни менга изоҳлай оласанми?

Лу ўрнидан кўзголмасдан телевизорнинг овозини ўчирди ва оромкурсига астойдил суяниб, йигитга захрини сочди:

– Менга амру фармон бериб, қачон нима иш қилишни, қайси ёмон, қайси яхшилигини, қанақа кўрсатув ёшимга муносиблигини, қанақаси номуносиблигини буюриб туришинг учун сен билан яшаяпманми? Кечириб қўядиларки, камина олти яшар жамалак соч эмасман.

– Қулоқ солсанг-чи, ташқарида ёз – шунчалар созки, сезганинг йўқми? – мулойимлашди Ивон. – Яқин кунларда об-ҳаво янаям очиларкан. Бу йилги таътилга ҳалиям чиқмадим... Нормандия соҳилларида андаккина кўл ушлашиб сайр айласак... Хў-ўш, бу оқшом ишингга бормайсанми?

Кўнгли ийган Лу ўрнидан турди-да, Ивоннинг елкасига юзини босди:

– Мен худди шундай дейишингга интизор эдим. Ўша мотами билан басар бўп кетсин, душанбагача мутлақо бўшман. Ўтган шанба мен ишловдим, бу сафар Марининг навбати. Кетдик, қаёққа бошлайсан?

* * *

Мотоцикл мисоли афсунгар бўлди ва Луни ўз жодусига мубтало қилди. У Ивоннинг қўлтиқларидан маҳкам кучоқлади-да, юзини чарм курткали елкага қўйди.

Улар Велетгада қолиб, денгиз ёқасидаги мўъжаз меҳмонхонада тунадилар. Якшанбада ҳам ҳаво жиндай хўмрайса-да, барибир кун яхши бўлди. Гўё осмон бир тумтайиб кўрди, аммо денгиз ҳам чарақлаб, ҳам гижинглаб турарди. Бир неча марта Лунинг корни буради. “Қанийди уйга қайтмасам. Кетворсам, олисдан-олис аллақаяқларга кетаверсам-кетаверсам: йўқ, таъқиб ва қидирувдан кутулиш учунмас, бўлак одамга айланиб, ҳаётни қайтадан бошлаш учун”. Аслида бу хаёл унинг азалий орзуси эди.

Мотоцикл барибир Париж томон йўл олган: светофорнинг яшил чироғини кутиш чоғи у Ивоннинг қулоғига пичирлади:

– Уйга ҳеч оёғим тортмаяпти-да.

– Бўлмаса қаёққа бормоқчисан? – шартта кесди йигит. – Айт-чи, нимани истайсан ўзи? Асл ниятинг қанақа?

Шу-шу то манзилга етишгунча, Лу лом-мим дегани йўқ.



7. ШУМНАФАС РАДИО БИЛАН ВАҲИМАЧИ ГАЗЕТАЛАР

Душанба. Лу қатъий тўхтамга келди: радиодан фақат тонгги ва кечки янгиликларни эшитади, кунига бир донагина газета ўқийди. Толиқиб тамом бўлди-ку. Ўзига жиндай дам беради. Энди деярли ишончи комилки, уни барибир топишади. Башарти, бу қопқон ва тузоқларга чап бериш имкони юздан бир бўлса-да, ўша ягона иложни топиш учун Лу уринаверади-уринаверади. Лекин у ўзини алдамоқчи эмас. Чунки, ахборотларни билишдан унинг тақдирига наф йўқ.

– Қалай, кўролдингми? – гап отди Лу ресторанда рўпарасидан чиққан Мари-Нога. – Диананинг ортидан Тереза Момоям таъзим бажо қилиб видолашди-я. Бекорчи вақти кўп шекилли ўша кампирнинг.

Мари-Но қошларини чимирди:

– Сен ўзи анақароқсан, топган гапингни қара-ю.

– Билсанг, – деди Лу, – шанба куни дафн маросимини мен ҳам кўрдим. Парвойимга келтирмай юрсам дегин, аммо экрандаги тобутнинг тахлитини, эс-ҳушидан мосуво бўлаёзган издиҳомни кўргач, ўзингни тутолмас экансан.

Мари-Нога айни ана шу ҳамдардлик мойдай ёқдики, жағи очилди ва сўнгги икки кунда тўпланиб қолган маълумотларни тўқиб солди.

Авария чоғи воқеа жойида ҳозир бўлган, аммо қўлга тушмаган фотографлардан учтаси ўз ихтиёри билан полицияга келган. Яна уч киши! Ҳали олдинда бундан ҳам қизиқроқ янгиликлар кутиб турибди.

– Бунақа вазиятда ёрдам кўрсатмасликнинг жазоси – беш йил қамоқ. Бу одамни эҳтиётсизлик орқасида ўлдиришдан ҳам оғирроқ жиноят ҳисобланади. Эҳтиётсизлик учун уч йилга қамаласан, бу – адолат. Эҳтиётсизлик орқасида кимдир бировни ўлдириб қўйса, бунда ғаразли ният йўқ-да. Ёрдам кўрсатмаслик эса қасддан қилинган қотиллик, тушуняпсанми? Бундай ҳолда тасодифмас, олдиндан ўйланган ғараз унсурлари мавжуд. Ўзинг айт-чи, бу тубанлик эмасми?

– Ие, албатта! – бажонидил тасдиқлади Лу.

* * *

Орадан бир ҳафта ўтди. “Мари-Но” радиосидан янгилик: кузатув камерасига тушган тасвирлар полиция қўлида. Ушбу аппарат Альма тоннелининг бошланишига ўрнатилиб, тўхтовсиз суратга олади.

Луниг бу шумхабарга олдиндан ҳозирлиги бор эди. Бирок дабдурустан қулоғи эшитгач, кути учди ва бўзарган чехрасини бировга кўрсатмаслик илинжида ўқдай отилиб, пишириқхонани тарк этди. Баҳона – янги хўрандалар кутиб қолишади.

Мари-Но айни хабардан сешанба куни ҳам такрор воқиф қилди. Лекин чоршанбада батамом попуги пасайиб, иқроп бўлдики, аслида ҳеч қандай тасвир йўқ ва бунинг шарҳига ҳам тўхталди. Дарҳақиқат, тоннелга кираверишга назорат камераси ўрнатилган ва у муттасил ишлаб турса-да, ҳеч вақони ёзмаган. Шунга ақлинг бовар қиладими, а? Ҳа, камера ҳаракатда,

навбатчи экранда ҳаммасини кўриб туради. Таассуфки, из қолмайди, лентага ҳеч нима ёзилмайди. Биласизми, нега шундай? Чунки, тасвири ни сақлашни тақиқловчи бир қонун бор эмиш. Бундан аёнки, лентага ёзиб олиш мумкин эмас! Ўша қонун “Ахборот технологиялари ва инсон ҳуқуқларининг дахлсизлиги тўғрисида” деб номланади. Хуллас, агар навбатчи қор-қолни кузатув экранидан ўша ондаёқ илғамас экан, кейин икки дунёда тополмайди.

Пайшанба куни Мари-Но ишхонага анча жонланиб келди: радар ҳам суратга олади-да. У айнан “ўпкасини қўлтиқлаган” машиналарни аниқлашга хизмат қилади. Маълумки, “Мерседес”нинг тезлиги юқори бўлган. Бу гап шунинг учунки, фотолабораторияларда бир ҳафтадан буён кечаю кундуз иш қайнаб ётибди.

Нега бир ҳафтадан буён? Лекин Лу бу саволни айтишга журъат этолмади. Нега матбуот бу ҳақда ҳанузгача “миқ” этгани йўқ? Модомики, суратлар полициянинг қўлида экан, уни оммадан яширишнинг маъноси борми?

Жумага ўтгач, бор гап ойдинлашди ва бу ҳамманинг ҳафсаласини пир қилди. Ўттизинчи август тунида Альма тоннелида радар деган нарса бўлмаган. Бундан чиқадики, ҳеч қанақа сурат ҳам йўқ. Ёпирай! Парижнинг энг хилват кўчаси бўлсинки, ўпкасини босолмаган ҳар қандай ҳайдовчи полициянинг қўлида! Жандармерияда бунақанги расмлар тўлиб-тошиб ётибди, фақат Диана ўтирган “Мерседес”нинг суратигина топилмайди.

Бунинг “лекини” шундаки, ўттизинчи куни ҳам август ойи эди-да, бу ой тугамагунича полициячилар шахсий таркиби бутланмайди. Нега десангиз, улар ҳам эл қатори таътил олиб, соҳилда қумга ботиб, куёшга тобланаётган бўладилар. Ана шунинг учун радарлар кам, расмлар оз.

* * *

Қордан қутулсанг, ёмғирга тугиласан. Мари-Но келтирган сўнгги хабарлар бутун ҳафта давомида Луни гоҳ сувга чўқдирди, гоҳ ўтда куйдирди.

Тушликка келадиган шу атрофдаги доимий хўрандаларнинг қадами узилгач, соат учларга борганда Лу шерикларига оёғининг чигалини ёзиб, тоза ҳаводан тўйиб нафас олмоқчи эканини айтди. У душанбадан жумага қадар одат қилган: кунига чорак соат айланади, аммо битта йўлдан иккинчи марта юрмайди ва газета олиб, учраган қаҳвахонада варақлаб чиқади.

Душанба. Тронше кўчасининг охиридаги дўкондан “Либерасьон” олиб, Матюрен кўчаси муюлишидаги барда ўқишга тутинди. Газета маликанинг мотамига биринчи саҳифадан ташқари яна олти бетини бағишлаганди: “Элининг ҳузурига сўнгги бор ташриф буюрган элсевар малика” – тўлиқ олти бет бўлиб, “Калькутталик авлиё-онанинг азадорлик изтиробини” – бутун саҳифанинг учдан бир ҳажмини банд қилганди. Лу ўзини шоширади: “тезроқ ўқи, йўқот газетангни”. Кўзи тушди ва эзилиб разм солди: шахзода Гарри тобут пойига гул қўймоқда – оппоқ атиргуллар ва “Mummy”¹ ёзуви. “Мен нима қилай, болажон? Айбим бўлса, сен айтгин, айт, айта қол, етим кўзи”. Ўша кафеда газетагинамас, Лунинг тўкилиб битган юраги ҳам қолаверди.

¹ Mummy (инг.) – Онажонимга.

Сешанба. Тўққизинчи сентябрь. Опера кўчасидаги матбуот шохобчаси – “Фигаро”. Лу дўконга ҳамсоя “Пирамидалар” барига кириб, ўнг келган курсига чўкди ва “Фигаро”нинг илк саҳифасидаги анонсга назар солди – “Ди хоним: қидирув жумбоклари”. Бу мақола ўттизинчи бетда бўлиб, “Альма тоннелидаги фожиага тааллуқли саккиз муаммо” санаб ўтилибди. Икки муаммонинг бевосита Луга дахли бор. “Мерседес”нинг ҳаракатига тоннелдаги номаълум бир машина ғов бўлгани ҳақидаги эҳтимолни полиция рад этади (“рад этса керак”). “Асосий гувоҳ” – тансоқчи яқин кунларда ҳодиса хусусидаги фикрларини ёзма шаклда тақдим қилади (“тақдим қилиши мумкин”).

Лу мазкур сатрларни қайта-қайта ўқиб кўрди. Юраги ўйнаган кўйи ўзига таскин бердики, ҳануз ҳеч нарса аниқмас ва ўз бошига хавф солувчи ниманидир айтиш ҳам қийин. “Тоннелдаги “Мерседес”нинг ҳаракатига номаълум бир машина ғов бўлгани ҳақидаги эҳтимолни полиция рад этса керак”. “Тревор Рис-Жонс ҳодиса хусусидаги фикрларини ёзма шаклда тақдим қилиши мумкин”.

У туш кўрмаган тун йўқ эди, уйғониб ҳам, уйқуда кўрганларини ўйлайверади. Ухлаганда андак ором олгандай бўлса-да, уйқусига заҳар солган даҳшатлар кун бўйи кўз олдидан кетмайди, кеча (ва ҳар куни) азоблаган васвасалар қайтиб келади. Бирор соат, гоҳо бутун тонг бўйи ўзига-ўзи тасалли бериш билан овора: “Тушга нималар кирмайди. Ахир, улар хаёлий алаҳлаш, холос”.

Чоршанба. Пуассоньер хиёбонидаги “Гран Рекс” кинотеатрига ёнма-ён дўкондан “Монд”нинг сўнгги сонини олди. Ҳали кун хийла иссиқ эди, “Жимназ” театри рўпарасидаги ўриндиқда газетага назар солди ва дарҳол юраги ҳаприқиб кетди. Авария мавзусидаги битиклар яна биринчи саҳифадан ўрин олганди. “Ҳаммаси қайтадан бошланмоқда”. “Диана Спенсернинг ҳалокати юзасидан тергов” сарлавҳаси остида йирик мақоли: “Жиноят қидирув ходимларидан камида ўттиз нафари автоҳалокат бўйича суриштирувни давом эттирмоқда. Гувоҳлардан юзга яқини сўроқ қилинди. Сохта кўрсатувлар ва миш-мишлар шунчалик кўпки, бу полициячиларнинг ишини чигаллаштирмоқда”.

Газетанинг ичкарасидан бутун бир саҳифани эгаллаган “Диана: далиллар миш-мишларга қарши” мақоласи шундай бошланади: “Камдан-кам ҳоллардагина йўлдаги муайян фалокат жаҳон жамоатчилигининг ялпи диққатини жалб этарди. Қарангки, ёлғон гувоҳлик ва ақлга сиғмас миш-мишларнинг жиноят қидирув жараёнига бунчалар уйқошиб кетиши ҳам деярли кузатилган эмас...” “Эллик терговчи”, “Париж полиция маҳкамасининг криминалистика бўлими”, “шахсини аниқлаш”, “юзлаштириш”... Отнинг қашқасига айланган ўша қонли кино: “милтиқнинг ўқидай тезлик”, “ғирт маст ҳайдовчи”, “мудҳиш зарба”. Яна эскирган кўринишлар, иккинчи даражали ғарибона персонажлар. Лу қидирган гап ҳам бор, иккинчи устуннинг остида: “Қидирувнинг дастлабки босқичидаёқ “Мерседес”га халал берган

бошқа автомобиль ҳақида тахмин туғилганди. Ўша машина ҳайдовчиси ё касддан, ё беихтиёр қилганидан қатъий назар, меъёрдан ҳам секин юрган ва оқибатда “Мерседес” ҳайдовчиси рулни мажбуран қалтис буриб юборганки, ҳалигача дардисар-машина аниқлангани йўқ”.

“Тахмин туғилганди”, “аниқлангани йўқ” – яна бир кўзидан ўтказди Лу. Демак, тоннелда имиллаган тошбақа-машина бор эди, бироқ исботи йўқ. “Тахмин – барибир тахмин холос-да”. Чамаси, сураат ҳам, аниқ гувоҳлик ва ўша машинанинг на русуми, на рақами ҳам топилмаган.

Лу мутолаада давом этди. Фотографларнинг бири Рат экан, Ромуальд Рат. Худди ана шу расмчи шов-шувли сураат олиш касдида беҳуш Диананинг кўлини суриб, қонли юзини очган.

“Тансоқчининг орзиқиб кутилаётган гувоҳлиги” – бу хатбошидан Лу хушёр тортди. Тревор Рис-Жонс ҳамон тилдан қолганича ётибди. “Хушига келган бўлса-да, гапиргани йўқ. Бироқ оғир зарбадан сўнг узоқ давом этган беҳушликнинг асорати боис фалокат бўсағасидаги дақиқаларни эслай олармикан?”

Лунинг наздида осмон тағинда чароғон туюлиб, куёш елкаларини киздираётганини ҳис этди. Қушдай енгиллади ва яйраб нафас олди. Тревор тилдан қолганича ётибди, хўп, у ниманидир ёзиб берди, лекин жароҳат туфайли хотирасида алламбалолар уйқашмайдими? Дардисар-машина тахмини ўз тасдиғини топгани йўқ. Лу хусусида ҳам лом-мим дейилмаган. Биров ҳозиргача изламаётган қочоқ-аёлнинг ким экани ноаён. Фалокатдан буён икки ҳафта ўтибдики, ўша... исм бир марта ҳам эсланмади. Лу бу исми тилигамас, дилига келтиришдан чўчирди. Башарти, айтганда – нима? Ҳеч ким эшитмайди ва ажабмаски, ҳеч қачон бу номни билолмасалар.

8. ЙИГИТ ТАНТИ ЭМАС, ТАНТИҚ ЭКАН

Туни ҳам, эртанги куни ҳам изтироб ва таҳликада ўтди. Азоби баҳарнав енгиллаган эса-да, бари бир ҳаловати йўқ. Лу ўзини шундай ҳис қиларди: кўзларини, оғиз-бурнини димлаб, нафасини бўғаётган қопни бошидан олдилар ва у тўйғунича ҳавони симириб, мундай қарасаки, турманинг каталагида турибди, йилт этган ёруғлик йўқ-да.

У озодликда. Лекин бу озодлик мушук чангалидаги сичқоннинг аянчли холига баробар. Очкўз мушук уни кўйиб юборади, бир четга чиқиб жонли насибасининг талвасаларидан ҳузурланади. Нодон ва шўрлик сичқон эса қушандаси пойлаб турганидан беҳабар, нима бўлаётганини билмайди, кўриш ва пайқаш сезгиси қарахт: ана шунда ёвуз уй ҳайвони ўткир тишларини ишга солади...

Лу биттагина саволни мингинчи бор такрорлади: ўзи борса ва иқроп бўлса-чи? У хотиржам бўлмоғи учун ягона шарт шуки, аниқ-тиник қарорни дангал айтишсин: “Ёки ҳа – сиз айбдорсиз, ёки йўқ – айбдор эмассиз”. Бироқ мазкур фожида у на айбдор ва на беайб эмас, фақат ўша – ҳамма ахтараётган ва ҳеч ким билмайдиган номаълум аёл. Прожекторларнинг нури “Мерседес” атрофида айлангани сайин, қидирув доираси кенгаймоқда. Кескир қиличдай ёруғлик зулмат кўксини тилкалаб ташлади. Лу деворга қапишиб олган: ажабмаски, кўрмай қолишса.



Жума. “Фигаро”нинг бугунги сони яна ҳам баттар: мавҳумни мужмалга айлантирди ёки аксинча... Энди қаламкашлар диққат марказида “гунг-гувоҳ”, яъни тилдан қолган киши: саволингизга жавобан “киприги пирпираса” ҳам катта гап. Врачлар яқдиллик билан иқрор бўлишибдики, “ушбу ҳал қилувчи гувоҳ хотирасидан буткул айрилиши эҳтимолдан холимас”. Полициячилар ҳам унинг кўрсатма беришидан унча умидвор бўлишмаётган экан. Терговчилардан бири интервью берибдики, “Мабодо, (тансоқчи) ниманидир эслаган тақдирда ҳам, унинг сўзларини текшириш, текшириш ва яна текшириб кўриш зарур бўлади. Биз унга юз фоиз ишона олмаймиз”.

Лу илк бор шундай хаёлга борди: мумкинки, уни мутлақо топа олмаслар. Яхши, телефон ё эшикнинг ҳар бир қўнғироғидан юрагини ҳовучлаб яшайверади-да. У тилининг учидаги саволни минг биринчи марта такрорлади: ўзи бориб, иқрор бўлса-чи?..

Унинг чамасида вазият унчалик ёмон эмас, аммо нечукдан шундай бўлаётганини ўзи ҳам билмайди: қўрқув тобора зўрайиб, асло кўз очирмай қўйганди. Башарти, у айнан нимадан кўрқишни билмагани учунгина кўркаётган бўлса-чи?

Эрталаб ва кечкурун – ишга бориш-келишда рулда ўтказган ярим соат давомида қорнида санчиқ туради.

Ивон... У гўё ҳамон ҳеч гапдан беҳабар қиёфада парвойи фалак. Лу эса йигитнинг лоақал шама қилишини истарди. Аммо у сукутда. Албатта, бу шунчалар ғайритабиийки, Ивон автоҳалокатнинг илк тонгида оғиз очганича шунча кун бадалига фожиани бирор оғиз эслагани ҳам йўқ. Ваҳоланки, малика ҳаммани қизиқтиргани ва авария бутун дунёнинг тилидан тушмагани ҳолда, бу йигит на Диана тўғрисида ва на терговдаги ҳақиқат билан ёлғоннинг уйқашуви хусусида индамаганича юрибди.

Лу у билан танишганда, феълнинг очиклиги ва дангалчилигига мафтун бўлувди. Ўшангача бундай мард ва танги йигитни учратгани йўқ эди: бу тоифа кишиларнинг сўзи билан иши бир, айтганини удаламагунча қўймайди.

Бироқ сўнгги икки ҳафта аёлнинг кўзини очдики, йўқ, Ивон у ўйлаганчалик эмас. Тўғрироғи, мутлақо аксинча, йигитнинг ягона жонида икки одам яширин: бири – танги, наригиси – тантик.

Унинг бир эмас, иккита “маъшуқаси” бор: елкан ва мотоцикл. Елканларга жимжитлик ва шамоли учун, мотоциклга мотори учун ишқибоз. Агар тилла тўкилсинки, Ивон моторли қайиқ билан сувда, велосипед миниб кўчада юрмайди. Айни масалада у икки шахс: қуруқлик ва денгиз одами. Бу дали-ғули йигит нечоғли дўлвор кўринмасин, ўшанчалик писмиқ, ўз фойдасини яхши билади.

Лу энди унга ишнолмасди. Унинг фикрича, Ивон ҳаммасидан хабардор, аммо индамай юришидан хайрон. Ёнгинасида сукунат, хушёр ҳолдаги бепарволик, тилининг гўё қисиклиги – буларнинг барига шўрлик аёл тоқай тоқат қилсин?

Лу ундан кўрқарди: аниқки, Ивон ўзини мутлақо беҳабардай тутишни маъқул кўрмоқда. Нега? Муддаоси нима? Аёлга жони ачияптимики? Ўзи “ёрилишини” кутиб турганми? Тилини қисмоқчими? Ўз ғамидан бўшамаяптими? Уни ташлаб қочиш нияти борми?

Камдан-кам дақиқалар давомида, ахёнда бир калласига келади: Ивон чиндан ҳам беҳабар бўлса-чи? Бундай дақиқалар икковни бир-биридан узоқлаштирарди. Лу Ивон ўзига бегоналигини кўриб-билиб турибди-да. Аёл ҳеч ким ҳеч қачон чиқолмайдиган ажал чоҳида бўлсин-да, эр ҳеч нима пайқамасин? Бошига иш тушиб, ҳаётидаги энг оғир кулфатини ҳам билмайдиган инсон билан яшаш мумкинми? Ие, аксинча бўлиб, Ивонга ишонмаслигининг сабаби ўзи бу йигитни ҳануз яхши билмаслигидан эмасмикан?

9. ПИСМИҚ ЭРНИ ҲАЙДАСИНМИ-ЙЎҚМИ?

Шанба – ўн учинчи сентябрь. Ивон мотоциклини созлаб, Ла-Рошелга отланди.

Мана, уйда Лудан бўлак зоғ ҳам йўқ. Ярим тунда сафархалтани жавонга қайтадан жойлади, уни чошгоҳда стол устига кўйиб, кун бўйи қарагани кўркиб юрганди. Қаёққадир бош олиб кетиш – Лунинг измидаги камёб имкониятларидан бири, аммо бу ишни ақлдан дейиш мушкул. Барибир бу тадорик ҳаёлидан олисламасди. Бироқ биладики, кетса – ўзини фош қилади, бировга ноаён айби очилади. Бу – иқрор бўлгани-да.

Ундан кўра қийин йўлни бардош билан маҳкам тутгани маъқул: ҳеч нима қилмайди, бирон нарсани ўзгартирмайди, хуллас, ўша авария ўлгурга заррача алоқаси йўқ ҳайдовчи қандай юрса, худди ўшандай юраверади-да.

Ивон якшанба оқшомида қайтди. Ризотто¹ пишираётган Лу сўз қотди:

– Салон зўр бўлдимми?

– Навигация кўрғазмалари доим зўр ўтади, – жавоб қайтарди Ивон. – Янги техникаларнинг моделларини кўрдим, танишларим билан учрашдим. – У тўсатдан таққа тўхтади-да, гўё куну тун шуни ўйлагандай бир лаҳза тин олди ва дилидагини тилига чиқарди:

– Сен батамом бошқача бўп қолдинг, Лу. Бир кун ичида шунчалар ўзгардингки, истасанг, ўша кунни аниқ айта оламан: Ди хоним автоҳалокатга йўлиққан якшанба эди. Ўшанда эртадан кечгача ёстикдан бош кўтарганинг йўқ, бўлак бир инсонга айландинг.

Лу ўрнидан туриб, йигитнинг ёнига борди ва унинг сочларини бармоқлари билан “тароқлади”.

– Бу нима деганинг?

Энди Ивон билан ажрашади. У ўз аҳдини ётиғи билан айтишга чоғланса-да, бир амаллаб ҳовурини босди.

Ярим кечагача нима қилишни ўйлаб ётди. Уни қувлаб солишни эп кўрмасди, Ивон ўзи эсининг борида этагини йиғиштирса, ўша маъқулрок. Уни шунга мажбур қила олиши керак. Йўли оппа-осон: турмушни жаҳаннамга айлантиради, инжиқлик қилаверади, эговлайверади – ахийри жонидан тўйдиради. Аммо бунга ўйлашнинг ўзи оғир эдики, ўшанақа хотин бўлишни кўз олдига келтирган Лу ижирғаниб кетди.

¹ Ризотто (итал.) – қовурдоққа ўхшаган таом.

10. ҚОН – ЁРУҒЛИК...МИКАН?

Ҳали иссиқ, ҳали совуқ, яна иссиқ, яна совуқ. Совуғи буткул музлатади, иссиғи ҳам... ўша музни баттар қотиради. Сентябрьнинг учинчи ҳафтаси бошланди, куршов ҳалқаси қисилмоқда.

Душанба – ўн бешинчи сентябрь: “Фигаро”нинг шу кунги сониди кафтдайгина хабар босилган. “Терговнинг учинчи ҳафтасидирки, судялар ва полиция хизматчилари тиним билмай ишлашмоқда”. Лу кўнглидан кечирди: “Бекинмачоқ дардига гирифторлигимнинг учинчи ҳафтаси”. Тревор Рис-Жонснинг аҳволи яна ўша-ўша, ҳамон тил-забони йўқ. Энди ҳамма нигоҳлар “Мерседес”да, қани, жабрланувчи темир нелар дейди? “Экспертлар яқин кунларда машинани буткул майдалаш ниятида. Бугунгача “Мерседес” биқинидаги ягона шаҳодат аниқланган: кузов таталанган, лекин ушбу асоратнинг сабаби ва манбаи номаълумлигича қолмоқда”. Бироқ экспертиза эндигина бошланганки, унинг натижасини кутиш керак бўлади.

Сешанба. Экспертизадан ҳеч қанақа янгилик йўқ. Чоршанба куни ҳам тайинли бир гап бўлмаса-да, сал-пал шама қилиб ўтишди. Агарда, Тревор кўрсатув беришга яраса ҳам, жумадан бу ёғида бўладиган ишмас.

Қопқон пайшанба кунига борибгина шундай қарсилладик...

“Фигаро”нинг бош саҳифасини кўринг: “Ди хонимнинг ҳалокати: номаълум машинанинг мавҳум излари”. Лекин мавҳум излар илк бор аниқ ёзилганди. “Полициячилар “Мерседес”нинг йўлига ўша автомобиль тўғанок бўлгани ҳақидаги тахминни ҳамон эътибордан соқит қилишганича йўқ. Криминалистлар Альма тоннелида сочилиб кетган “stop”-чироқ парчалари манбаини аниқлашди. Мазкур синиқлар “Фиат-уно” га хосдир”.

“Фиат-уно!” Русум аён! Газетадаги бу сўзларни Лу иккала кўзи билан кўрганида, соат чорак кам уч эди. Офтоб бугун ҳам кечагидай сахий. У “Фигаро” сотган дўконга қайтиб, “Монд”ни сўради, ҳали келтиришмаган экан. Тонгги “Либерасьон”ни ола қолди.

“Фигаро”нинг ахбороти “Либерасьон” томонидан тасдиқланибгина қолмасдан, тафсилотларигача баён қилинганди: нақд ярим бет! Сарлавҳанинг ҳарфлари ўқлоғидай бор: “Диққат: Альма тоннелидаги парча-реза синиқлар!” Ҳайтовурки, остсарлавҳанинг шрифти ихчамроқ эди: “Диана хонимнинг “Мерседес”и билан тўқнашган гумондор “Фиат-уно” полиция кидирувида!”

Лунинг қулоқлари остида Ивоннинг танбеҳи жаранглади: “Бир кун ичида шунчалар ўзгардингки, бу Ди хоним автоҳалокатга йўлиққан якшанба эди”. Мари-Но ҳам акс садо берди: “Машинани янгилабсанми?”

Мақолада ўта аниқ айтилган. “Альма тоннелида пачоқланган “Мерседес” атрофига тўкилган “stop”-сигнал синиқлари устидаги текширувда аниқландики, мазкур бўлақлар Додий ал-Фоид ва Диана хоним ўтирган машинага эмас, ҳозирча номаълум “Фиат-уно”га мансуб. Шунингдек, “Мерседес”нинг ўнг биқини тирналгани ва бўёқнинг кукунлари мавжудлиги ҳам криминалистик лаборатория мутахассисларига аён бўлди. Ушбу далилий ашёлар таҳлили бир ойча вақт олади”.

“Бир ойгача сабрим етадим – ўлиб қоламан, ахир. Аввало, “Фиат” энди кўчага чиқмайди, тамом-вассалом. Дарвоқе, нега бир ой? Бунинг маънисини нима ўзи? Ҳа-а, қочоқ ҳайдовчига огоҳлантириш: яна ўттиз кун муҳлат

бор, агар шу орада келиб учрамасангиз, ўзимиз излаб топамиз! Бутун бир ой сарфлаб, нимани ўрганишаркин? Шундоқ ҳам уларга ҳаммаси равшан-ку: ортки фонар “Фиат-уно”га тегишли, “Мерседес”нинг шилинган ўнг канотида бўёк қириндилари бор. Шунинг ўзи кўрга хасса бўлгач...”

“Ўттиз биринчи августдан олдин ё кейин бўлса-да, “Мерседес-280-S” русумидаги машинага урилиб (ёки туртиниб), шикастланган барча-барча “Фиат-уно” соҳиблари полицияга учраб қўйишлари зарур”.

Лунинг қарори: “қочиш!” У газеталарини қўлтиқлаганича офтобрўяда котиб турарди. “Фиат”дан кутулади, Ивон билан ажрашади, энди Вирофлени елкасининг чуқури кўради.

Қачон? Бугуноқ кечки пайтми? Ҳаракат яшиндай бўлсин, аммо биров сезмасин. Ивонни ҳам, Вирофлени ҳам шундай тарк этсаки, ортидан шубҳа туғилиб, буни қочоқликка йўмасинлар. Аввало “Фиат”дан кутулиши керак. Уч ҳафтадирки, худди шундан бўлак дарди йўқ. Сотса – сири очилади. Бировга совға қилса – ундан ҳам баттар. Шартта рулга ўтирса-ю, хорижга кетворса-чи? Хавфли, чегара назорати ғалвирдан шундай ўтказадик... Энг кулай усул – машинани чўктириш.

Лу дазмол остидаги тахлама столни йиғиб, жавонга жойлагач, Анжела ва Мари-Но ёнига ўтди. Уларга беш кило каштан саркашлик қилмоқда, учовлон арчишга уринса, каштанлар митти корсикаликлардай бўйсунмайди. Олдин пичоқ билан устидаги қаҳва тусли пўсти эҳтиётлаб арчиб олинади, сўнг мағзини қуршаган ҳарир пардани сидириш керак...

Лу ўзи билан ўзи овора: бирданига Касисга туташ Канай бурни ёдига тушди. У онаси билан жанубда тўрт йил бирга яшаган кезлари бир неча марта чиқиб кўрганди. Ўша тепалик кўз олдида яққол намоёнки, бу жой машинани чўктириш учун айни муддао. Қоянинг қоқ белига элтувчи йўл ҳам янги. Ўт босган нишаб сайхонлик борки, машина ажал чоҳига ўзи ғилдираб кетаверади, у ёғи – денгиз. Бурун остида пляж ҳам, тепароқда туртиб чиққан ҳарсанглар ҳам, ғарқ этилувчи “Фиат”га монелик ҳам йўқ.

– Нималарни ўйлаяпсан, Лу?

Қон – ёруғлик: Анжеланинг бемаврид лукмаси Лу тутган ўткир пичоқни тойдирди, у чап қўлининг кўрсаткич бармоғини чуқургина кесиб олди.

У жароҳатини боғлагач, аччиқ анжир-дори ичиб, хашаматли оромқурсилардан бирига чўзилди: адёл билан ўраётган Анжеланинг жони ачиди:

– Кейинги кунларда машқинг жудаям паст-да...

– Рост, – кўзини очмади Лу, сўнгра қўшиб қўйди: – Жудаям чарчаганман, Анжела. Бир ҳафтага таътил олсам, икковинг нима дейсизлар?

– Мен ҳам шуни ўйлаб юрувдим, – қувватлади Анжела. – Кетавер. Бутун бир ҳафта сенинг ихтиёрингда.

* * *

Кечки пайт кириб келган Ивоннинг оғзи қулоғида эди.

– Каттамиз яқшанба куни Саутгемптонда ўтадиган “Уитбрэд” пойгасига меням олиб кетмоқчи.

– Қайга дединг? – англамади Лу.

– “Уитбрэд” – елканли қайиқлар иштирокидаги энг машҳур мусобақа.

Йигитнинг кўнглини чўктирмаслик, қувончига шерик бўлиш жоиз эдики, Лу жилмайишга уриниб кўрди:



– Зўр! Жудаям зўр бўпти-ку. Қандай кетасизлар?

– Париждан Саутгемптонгача атиги уч-тўрт соатлик йўл. Бу ердан мотоциклда жўнаб, Ла-Маншдан гидроглицсерда¹ ўтамиз.

“Унга ўхшаб, қачондир мениям қатъий мақсадим бўлармикан? У – бутун одам, дали-ғули, мен эса яширин таглиги бор қутидекман”.

Аёлнинг бинтланган бармоғига Ивоннинг назари тушгани йўқ. Лу бир ҳафталик таътили ҳақида индамай қўя қолди.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

1. ҲИНДУНИНГ ТАЖОВУЗИ

Ивон уйғонганда, Лу ўзини уйқуга солди. Отланаётган йигит унинг бошига эгилиб, ёноғига лабларини босди. Сўнгра ташқи эшик очилиб-ёпилди. Лу ўрнидан туриб иккиланди: тўшакни йиғиштирсинми-йўқми? Барибир йиғиштирди. Соат саккиз ярим.

Кечкурун Вирофлега қайтмайди. Сена ёқалаб, кўзлаганидай хилватни топса-топмаса, барибир, кетади. У сафархалтасини яширган жойидан олди. Париж атрофининг сайёҳ-харитасини халтага солиб, захира пулини ҳам кўриб қўйди. У хат-пат қолдирмай кетаверишга қарор қилиб бўлганди, лекин ҳозир йўлга чиқаркан, ўйлаб қараса, бу эҳтиётсизликдан бошқа нарса эмас. Ивон у қайтавермагач, ёмон хаёлга бориб, қидир-қидир қилиши мумкин

У емакхонага кириб, ручка ва ёндафтар олди. Бир зум у ёқ-бу ёққа тебраниб ўтирди. Шу топда у хушсухан бўлолмасди. Ваниҳоят топди ва тез-тез ёзди-қўйди: “Мени ахтариб юрмагин”. Бу ўзига дағал туюлди-да, қўшимча қилди: “Илтимос”. Лу ўша варақни йиртди ва столга, дарров кўз тушадиган қилиб, ёндафтар билан ёнма-ён қўйди.

Иккала сумкани кўтариб, сумкачадан қалитни олди ва эшикни очиб, ташқарига чиқди.

– Луиза Леруами? – эркак кишининг овози пиллапоя саҳнининг қоронғи тарафидан эшитилганди.

Чироқ ёниб, чувак юзли, ияги устарадай ўткир қиёфа намоён бўлди, у Сен-Сирдаги автоустахона механиги эди. Ўша ҳиндубашара...

Лу эшикни ёпди ва овози титраб кетди:

– Сизга нима керак?

– Менга нима керакми? – саволга савол билан жавоб қайтарди у.
– Танимаяпсанми?

– Сизни-ку жудаям таниб турибман, – деди Лу фикрини жамлаб олиш ниятида вақтдан ютишга уриниб. – Аммо нима сабабдан “сен” дедингиз?

– Парво қилма, мен ҳеч кимни “сиз” демайман. Менга нима кераклиги...
Ўзинг фаҳмлаганинг йўқми?

– Сизга нима кераклиги етти ухласам, тушимга кирмайди, – деди Лу ва олға интилди. – Йўлимни тўсманг, ишга шошиб...

Механик нигоҳи билан Лунинг қўлидаги сафархалтага имо қокди:

– Кўриниб турибди, қуён бўлмоқчисан. Камина ҳам ҳозир иш жойида бўлиши керак эди. Аммо гоҳо режаларимизнинг чиппақка чиқиши ҳам бор гап. Бунақаси бўп туради.

¹ Гидроглицсер –тезюар енгил қайиқ.

Аёл ортига ўгирилиб, эшик кўнғироғини чалди:

– Ҳозир эримга айтаман.

Механик ишшайиш билан кифояланди:

– Эринг уйдасан, хоним. У соат саккиз яримда кетган, ўз кўзим билан кўрдим, ҳар доимгидай “Ямаха” сини миниб олганди. Қолаверса, у эринг ҳам эмас – суриштирдим, аниқладим, тўққиздан кечки соат еттигача дўконда туришиниям биламан. Ҳатто дўконига кириб-чиқдим, номи – “Ботик”, Монруж даҳасида жойлашган. Ундан кўра уйга бошла, бу фикрим жудаям оқилона. Гаплашиб олишимиз керак.

Биров эшитиб қолишдан чўчиган Лу ноилож эшикни очди, қўллари калтирай бошлаганди. Ортидан кириб келган механикдан кўн, тер ва тамакининг қўланса ҳиди гупулларди.

Столга етиб ўгирилган Лунинг нигоҳи механикнинг сурбет кўзлари билан тўқнашди: “унинг ёнида пичоғи бор”. Аёл бу фикрини онт ичиб тасдиқлашга ҳозир эди.

– Мунчалар безгак тутавермасин, – гап бошлади механик. – Сенга заррача ёмонлик қилмайман. Гапнинг индаллоси шу: барча-барча полициячилар ахтараётган дардисар-машина ҳайдовчиси ким экани ҳам, ўттизинчидан ўттиз биринчи августга ўтар кечаси Альма тоннелида бўлгани ҳам менга аён. Ўйлайманки, айти ҳақиқат бўлак ҳеч кимга маълуммас. Менимча, бу адолатдан эмаски, ахир, ўша “Фиат” қаердалигини, ҳайдовчиси ким бўлганини билишга бутун башарият орзуманд бўлиб турибди-я!

– Менга қизиғи йўк.

– Гапга от солмасанг-чи, – жеркди “меҳмон”. – Ўтаканг ёрилмасин, сендан полицияга боришингни талаб қилмайман, ўзимниям ўша исковучларни кўрарга кўзим йўк. Истагим оддийгина: мен билан “Пари-матч” газетасидаги бир одам хузурига борасан ва бир миллион франк бадалига ҳаммасини айтиб берасан, тамом. Хайрлашув арафасида ўша “лимон”ни икков бўлишиб оламиз. Уч ҳисса менга – ушбу даромадни кашф этганим учун, бир чораги сенга – янги жойга кўчиб, тўқин-сочин яшайверасан.

– Гапларингизга ақлим бовар қилмаяпти, – ўйлаганидан кўра тезроқ бидирлади Лу. – Ўша автохалокатга тирноқча алоқам йўк.

– Сени деб, вақтимиз беҳуда совуриляпти, – деди механик ҳар сўзига урғу бериб. – Хўш, ўттиз биринчи август тунида соат бирдан илгари орқадаги “stop”-чироғинг қайда абжақ бўлганди, чап томонда эканини ҳам эслатайми? Кузов-чи, кузовингга қаерда “ҳошия” тортилган?

– “Фиат”имни душанба куни эрталаб шу аҳволда кўрдим, – деди Лу. – Тунда аллаким туртиб кетибди. Уни кўчада қолдирувдим-да.

– Рост, рост, – киноя қилди механик. – Туртишади, сен ҳамиша пастдаги гаражда сақлайдиган машинани... туртишади-да.

– Авария бўлган кечаси уйда эдим, – ошиқди аёл. – Шанба кунлари ишламайман.

– Одатда ишламайсан, – бўш келмади Ҳиндубашара. – Тулкиликни йиғиштир, мен ҳаммасидан воқифман. Фақат ҳар шанба мутлақо ишласлигинг ёлғон. Бирида дам оласан, кейинги шанбада ресторанда бўлиб, кўпинча эрталаб ишлайсан. Башарти, тадбир ва маросимлар сабабли Анжела ресторани оқшомлари ҳам очадиган бўлса, ўша шанбада кечгача хизматда бўласан. Худди ўттизинчи куни кимнингдир туғилган куни нишонланди, ўттиз беш киши қатнашди.



– Хеч нимага тушунганим йўқ, – довдирай бошлади Лу. – Булар бари хато, сиз янглишяпсиз.

Ҳиндунинг кўзлари асабий қисилди.

– Яна саркашлигинг давом этаверса, анави кавлаштирувчиларга хабар берамизки, биринчи сентябрь – душанбада орқадаги чап чироғи укаланиб кетган, сўл биқини шилинган “Фиат-уно” таъмирлашга қабул қилинди: рақами – 1904 VK 92. Тамом. Мен бу ерда кун бўйи ўтираверармидим? Шунингдек, илова қиламанки, “Фиат” соҳибаси Луиза Ориган устахона рўйхатига ўзини сохта ном билан ёздирди.

Лу ҳеч гап тополмай қолди. Столдаги бояги битикка кўзи тушиб, варақни тўнтариб қўйди.

– Қўлимда яна бир бебаҳо ҳужжат бор, – давом этди Ҳинду. – Далилий ашё ўрнига ўтади. Бошлиғим алоҳида дафтар юритган, унга қўлимизга келган барча машиналар, уларнинг русуми, рақами, эгаси – ҳаммаси қайд этилади. Ҳар иш куни янги саҳифа очилади.

У эгнидаги қахва тусли чарм куртканинг чап кўксига кафтини туртиб қўйди:

– Худди ўша биринчи сентябрдаги рўйхат мана шу жойда – юрагим устида тайёр, унда ҳамма-ҳаммани қизиқтираётган сатрлар мавжуд: “Фиат-уно”, рақами – 1904 VK 92, орқасидаги чап чироқ алмаштирилади, кузовнинг сўл қаноти бўялади, Луиза Леруа...

Лу бош чайқади:

– Менга полиция маъқул, ўз ихтиёрим билан бора қоламан.

– Кечириб қўядилар, – чакчайди Ҳинду, – аҳмоқ қилиб бўпсан. Хаёлингда мен қўлингдан етаклайман-да, яқин орадаги комиссариатга обориб қўяманми? Ўзингча, ҳаммасини ҳал қилмоқчимисан? Қаттиқ янглишасан! Икки кун ўтсин эди, оёғимга ўзинг йиқиласан, қимматлигим. Бир дунё пул турадиган хабар бекорга берилмайди.

– Журналист билан учрашолмайман, суратимни олишларини сираям хохламайман.

– Сенингча, исковучлар журналистик хуруждан ҳимоя қилармишми? – ўқталди Ҳинду. – Баттар янглишасан. Полиция дийдиёларингнинг барини эшитиб бўлгач, қочоклигинг ва жабрланувчиларга ёрдам кўрсатмаганинг учун жазонинг каттасига (беш-ўн йилга) рўпара қилиш билан кифояланмайди, номингни иложи қанчага етса, ўшанча реклама қилади. Улар бундай лаззатни бой бермайди, албатта. Матбуот дегани умринг адо бўлгунча таъкиб этаверади. Ҳа-да, Ди хонимнинг бошини еган заифа! Ҳамма мухбир, жаҳоннинг ҳамма матбуоти изингга тушади. Мен айтган ҳолатда эса атиги бир бора кўринадан ва бор-барака. Гапингни айтиб бўласан ва бир-биримизни танитаймиз-қўямиз. Янги жойга борасан, у ерда сени биров тушидаям кўрган эмас. Ҳа-я, менда яхши бир имконият бор: албатта қиммат, лекин янги паспортни тез ва ишончли тўғрилашади.

– Ўйлаб кўришим керак, – деди ерпарчин қиёфадаги Лу.

– Ўйла, – деди Ҳинду. – Шошадиган жойим йўқ.

– Режангиз хом, – Лу ундан кўзини олиб қочди. – “Пари-Матч”нинг телефонларини эшитиб туришади-ку, билмайсизми? Полиция журналистни қўлга олгач, иккимиз ҳам панжара ташқарисида қолмаймиз: менинг айбим... сизники эса одам ўғирлаш, зўравонлик...

– Ўзингча мени гўр йигитча дейсан шекилли. Ҳаммасини ўйлаганман.

Тўғри айтдинг, бунақа шов-шувни телефонда бериб бўлармиди? Учрашув пайтини ва жойини олдиндан аниқлаймиз, сен, мен ва журналистдан бўлак ҳеч ким қатнашмайди. Сўраган саволига жавоб берасан. Кимлигингни айтмай қўявер: Луиза Леруа ё бошқа бир исми тилга олсанг бўлди. Эҳтимол у айтганларингни ёзиб олиши ва сени суратга тушириши мумкин.

Лу бошини сарак-сарак қилди, кўзи ҳамон стол устида эди.

– Энди бас, – кўзғолди Ҳинду дераза ёнидаги суянган жойини тарк этиб, – шунча ўйлаганинг етар, кетдик. “Фиат”ингга ўтирамиз-да, этак кокиб жўнаб қоламиз.

Таклиф гўё Лунинг тилига жон киритди.

– Бу машина билан кўчага чиқиб бўлмайди, – деди у. – Аксинча, ундан кутулиш, тезроқ гумдон қилиш зарур.

– Қутулиш, гумдон қилиш, – такрорлади Ҳинду-механик. – Тўғри, “Фиат”ни намойиш қилиш мавридмас. Лекин бу арава тиллога тенг турадики, уни ёндириб юборолмаймиз-да. Машинангни авайлаб яшириб қўямиз, у менга далилий ашё сифатида асқотиши мумкин. Чунончи, журналист ишонмаслиги, исбот талаб қилиши эҳтимолдан холимас. Ёки сен кўлимдан чиқиб, жуфтакни ростлаворсанг-чи? Мен доғда қолмайман-да, изкуварларга дуойи салом йўллайман: “Фиат” қайдалигини билмоқчи бўлсангиз... Жудаям осон...

Ҳинду Лунинг сафархалтани очиб, стол устига тўкди, пардозкутидаги нарсаларни бирма-бир кўздан кечирди. Жажжи қайчини индамай чўнтагига урди ва майда-чуйдаларни сумкага қайтадан жойлаб, сурмасини тортди.

– Кетдик, жонидан.

Лу ўрнидан турди. Ўн дақиқадан буён давом этаётган “музокаралар” асносида кичик сумка елкасида эди, Ҳинду ингичка тасмасидан тутиб, уни ҳам тортиб олди. Лу бунини кутмаганидан ғафлатда қолди.

– Бу матаҳинг ўзимда туриши зарур, – таъкидлади Ҳинду. – Ҳали-замон унинг ичидагиларга ишим тушиб қолади: машина ва гаражнинг калити, дарвоза пультаям...

– Ўзимнинг нарсаларим бор эди, – деди Лу. – Башарти хорижга кетгудай бўлсам, жудаям керакли ҳужжатлар, картмоним...

– Уларни кейин гаплашамиз, – чўрт кесди механик.

У очик сумкачани Луга тутди:

– Ҳозирча гараж билан машина калитини топиб бергин, албатта, уйиникини ҳам унутма.

Лу бўйсуниб қўя қолди. Ҳинду сумкачани елкасига осиб, сафархалтани чап қўлига олди ва бўсағада такқа тўхтади.

– Гаражга етгунимизча киприк қоқмай борасан! – ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғини ниқтади у. – Таниш-панишинг йўлиқса, чурқ этмайсан! Дод солишни хаёлингга келтира кўрма! Агарда менинг қочиб қолишимга тўғри келса-да, анавиларнинг чангалига тушгудай бўлсам, биласанми, нималар дейман? Мен шундай дейман: бу аёлга полицияга боришни маслаҳат бериб турган эдим. Унинг ажойиб сири борки, сизларни кизиқтирса керак ва худди шу сирнинг далили менинг кўлимда турибди.

“Меҳмон” Луни олдига ўтказиб, ўзи эшикни кулфлагунча ҳам унинг қўлини бўшатгани йўқ.

Лифтда эса ҳеч иккиланмасдан “ертўла” тугмасини босдики, бу уйдаги ҳамма нарсани беш қўлдай билишига Луда шубҳа қолмади. Икков



гараж тарафга элтувчи қоронғи йўлакка чиқишди. Ҳинду бу ерда ҳам “билимдонлиги”ни яна бир бор намоиш этди: чироқни қийналмай ва пайпасланмасдан ёқди-да, Лунинг билагидан тутиб, машина юкхонасига судради.

– Бу сенга унчалик хуш келмаса керак, – деди у. – Бироқ илож йўқ-да, юкхонада кетмасанг бўлмайди.

Ҳинду чўнтагидан нимадир олди – яхши кўринмади, камар шекилли – иккала билагини жуфтлаштириб боғлаб қўйди, аммо кўз очиб-юмгунча уддалади. Лунинг акли етиб турибдики, бакиргудай бўлса, ўлдириб ташлайди. Зўравон қандайдир латтани унинг юзига ўради ва икки учини тугди, унинг ҳар бир ҳаракати тез ва аниқ эди. У мутлақо бетакаллуфлик билан Луни юкхонага босди ва нафас олиши учун боғловни сал кўтариб, бурнини очди-да, қопқоқни ёпди.

Лу хўнграб юборди. Ўнг сони оғриётганди, юкхонага йиқилаётиб, қиррага урилди шекилли. Мотор ўт олгани қулоғига тушди: машина ўрnidан кўзғолиб, йўлга ўнгланди ва тезлай бошлади.

2. МАШИНА ЮКХОНАСИДАГИ АСИРА

У зулмат ичида бетиним йиғлардирки, кўз ёшлари юзини ювиб оқаверди. Сўнгги уч хафта давомида минг кўйга тушиб, не балога чап бераётган бўлса, механикка худди ўша бало зарур экан. Лу Ҳиндуни остонаси ортида кўрган ва унга не даркорлигини билган дамда борлиғи туғёнга келиб, болтадан тоймас даражага етганди. Аммо иккала кўлига банд солиб, мисоли бир тугундай юкхонага тиқишгач, тақдирга тан берди.

Машина бир маромда юриб борардики, шаҳардан чиқиб, ҳозир дала ва ўрмонлар томонга кетишаётган бўлса керак. Лу жиндай ўзига келди.

У юкхонага елкаси билан тушди, оёқлари қорнига тиралиб, тиззалари бир-бирига қапишиб қолганди. Қопқоқ ёпилганда, ўз бичимига мослаб ясалган кути ичидаги маҳсулот эди гўё. Илгари жуда кенг-мўл кўринадиган юкхона (ўз машинасининг юкхонаси) эни, бўйи, баландлиги қанча бўлса ҳам, ёлғиз Лунигина сиғдира оларкан, шунда ҳам оёғини йиғиши, ғужанак бўлиб ётиши керак.

Юкхонада вақт поёнсизга ўхшарди. Жўнашганидан буён қанча ўтди: икки соатми ё олти соатми? “Ҳозир қаердаман?” Лу ташқаридан қулоғи илғаётган шовқинга қараб тусмоллашга уринди. Бу ниҳоятда мушкул, чунки, яқинидаги ғилдиракнинг ва ғилдиракдан учиб, темирга урилаётган майда тошларнинг овози эшитиларди, холос.

Ниҳоят “Фиат” тўхтади. Орадан адоқсиз дақиқа ўтиб, аввал эшик, сўнгра юкхона қопқоғи очилди. Лунинг кўзлари қамашди ва Ҳиндунинг башараси кўринди.

– Туша қол, – буюрди механик, – бу ёғига бошқа каретада кетадилар, – Ҳинду тўқ мовий машинанинг юкхонасини очди. – “Пежо”да яйраброк юрасан, жой ҳам бемалол.

Механик унинг юзига яна рўмол танғиб, қўлларини боғлаб қўйди. Юкхона қопқоғи бошига урилишидан кўрққан аёл ичкарироққа силжиди. Бензин ва ифлослик анкиб, бурнини ёраман дерди.

– Жиндайгина ишим бор, бир зумда қайтаман, – Ҳинду шундай дея юкхонани қарсиллатди.

“Фиат” аввал чиғиллади, кейин қаёққадир жўнаб кетди. “Бу ерда илондай кулча бўласан, бошқа чора йўқ”. У юзидаги рўмолни бўшатиш учун боши остидаги пластмасса канистрга ишқаланиб кўрди. Беихтиёр лойқа сувда билкиллаб чўкаётган “Фиат” кўз олдига келди. “Энди менга барибир”.

* * *

“Пежо” ўрнидан кўзғолди: унинг ўпкаси тўкилиб бормоқда, демак, ўнқир-чўнқир ўрмон йўли. Кейин текислик бошланди, ўйдим-чукур сезилмай қолди. Лу қайрилишларда дам боши, дам оёғи билан таяниб оларди. Бу машина бешбаттар чиқди, ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа думалатади. Соат неча бўлганини тушунолмади, ҳеч тополмади.

Уни яна хаёл олиб қочди: Ҳинду уни ўлдириши мумкин. Иши битгач, ўлдириб кутулгани фойдалироқ. Кераксиз гувоҳни гумдон қилади-да, мўмай ўлжани яхлитлигича чўнтакка уради.

“Мен журналистнинг оёқларига ёпишиб оламан, ёрдам сўраб ёлвораман, дод соламан, дод!”

3. “НЕКИ БОРИМНИНГ БАРИДАН ЖУДО ҚИЛДИЛАР”

Машина тўхтади. Хийла давомли сукунатдан сўнг юкхона очилди. Афтидан, Ҳинду кимдир кузатиб турибдими-йўқми – шунга ишонч ҳосил қилиш учун бир муддат кутган кўринади. Ғира-ширадаги дарахтларнинг тахлитига қараганда, атроф қандайдир ўрмон шекилли.

– Биз шаҳарга қайтамыз, – уқтирди Ҳинду. – “Пари-матч” ходимлари билан гаплашдим. Сенга айтсам, улар қизиқдигина эмас, ўзини томдан ташлашга ҳам шай. Келишдик: чошгоҳда учрашамиз. Яна такрорлайманки, ҳаммаси тез, ими-жимида битади.

Аёлнинг ҳамон оғзи боғлиқ, аммо кўзлари тил ўрнида сўзларди.

– Яхшилигимниям билиб қўй, – деди Ҳинду, – кечаси юкхонада тунамайсан. Бироқ чизган чизиғимдан юришинг шарт... Агар гапимга кирсанг, остингда юмшоқ каравот ҳам бўлади. Энди диққат билан қулоқ сол. Ҳозир олдинга ўтиб, менинг ёнимда кетасан, манзилга йигирма – йигирма беш дақиқада етамиз. Мен билан қўлтиқлашибгина юргин. Кеч кириб, кўчада одамлар сийрак бўлса-да, бирор кишига сўз қотмайсан. Огоҳлантирганман-ку, унутма. Башарти, режамни барбод қилсанг, полицияга нелар дейишим ўзингга аён... Тушундингми?

Икков қўнган нишаб жой қанақадир тор кўчанинг охири эди. Фонуслар ва витриналардаги чироклар туфайли теварак сафсар тусда кўринарди. Париж атрофига хос одатий иморатлар, кўримсиз ва эскирган қурилишлар – бари нотаниш.

Улар кирган меҳмонхонанинг хонаси зах бўлса-да, яшаш учун шароит бор эди. Энига ҳам, бўйига ҳам кенг, поли бўзранг, каравот, стул, шкаф – мебеллар бажо. Алламбало қутилар, кирлаб кетган қизил рюкзак, нейлон жомадон ҳам шу ерда...

– Энди тамадди қиламыз, – Ҳинду полдаги қутичалардан бирини очиб, иккита шиша ва бир неча ўрам печеньени олди. Шишанинг бири билан иккита ўрамдаги печеньени Луга узатди: – Еб кўргин, зўр-да.



Кейин механик жавондан қорамтир адёл олиб, тахлоғлик бўйича Лу-нинг устига ташлади.

* * *

Бир пайт қандайдир қўл елкасидан силкитаверди. Ўша қўл уни уйқу деган чашманинг дилхоҳ тубида юлиб олди.

– Уйғон! – буюрди Ҳинду. – Тонг қоронғисида кетишимиз керак. Унгача сенга бир хизмат бор. Ҳозир битта иш қиламиз, кўркма, арзимас нарса. Пешинда “Пари-матч”нинг бир йигити билан кўришаман.

– Журналистларга тоб-тоқатим йўқ, – жеркди Лу.

– Яна бошляпсанми? – бақириб берди механик. – Шу топда бировга рўпара бўласан деганим йўқ-ку! Бу гал ўзим бориб, пул тўғрисида ва иккинчи сафар қаерда учрашиш масаласини келишиб оламан. Шунда гапни қовуштирадиган қармоқ ва хўрак зарур бўлади. Худди шунинг учун ўттиз биринчи куни Альмада кўрганларингни қисқача айтиб беришинг керак. Хуллас, ўша йигитни илинтириш учун магнитофонга икки оғизгина гапирасан холос.

Механик шкафни очиб, алмисоқдан қолган кичкина магнитофонни олди ва Луни курсига ўтирғизиб, аппаратни унинг тиззасига қўйди:

– Қизил тугмачани босиб, гапирасан-қўясан, жудаям жўн иш.

Лу магнитофонни тиззасига ўрнаштириб, чуқур нафас олди ва бошлади:

– Ўттизинчи август – шанба куни, йўқ, вақт ярим тундан оғиб, ўттиз биринчига – якшанбага ўтган дақиқаларда мен “Фиат-уно” рулида уйга қайтиб келаётувдим. Альма тоннелига кирган чоғимда, ўйлайманки, тезлигим соатига эллик километрдан ошган эмас. Кўзгуда устимга орқадан тикка бостириб келаётган қора машинани илғаб-илғамаган эдимки, ўша сониянинг ўзида кузовнинг даҳшатли сидирилгани эшитилди. Менинг юрагим қинидан чиқаёзган лаҳзада ҳалиги автомобиль устунга жуда қаттиқ урилди. У қандай машина эканини ва ичида кимлар ўтирганини фақат эртасига – бир кун ўтгачгина билдим.

– Маъқул, – деди Ҳинду ва тугмачани босди, – энди кетдик.

У кассетани киссасига жойлаб, Луни иккала сумкасини елкасига осди. Аёл унга жовдиради:

– Мен қолаверсам-чи?

– Шу ерда-я?

– Анави шартлашувингиз чоғи мени қайга яширмоқчи бўласиз? Унгача қаерда тураман? Пешинда кўришаркансиз-ку...

– Нима қилишим билан ишинг бўлмасин, – деди механик. – Тагин уянгга тикиб қўяман, мазза қилиб ётаверасан, дам оласан.

4. ЭСИПАСТ ҚАРОҚЧИ

Бу гал машина жуда узоқ йўл босди. Мотор ўчгач, анчадан сўнг юкхона очилди: Лу ўрмон, зах ва йўсин бўйини туйди. Ҳинду индамай унинг қўлларини бўшатди, асира бир амаллаб ўтириб олди. Атроф тўқайдан иборат, катта йўлдан бурилган машина дарахтлар оралаб келганди. Осмон кўринмайди. Кеч кириб қолганга ўхшарди.

– “Пари-матч” ходими билан гаплашдим, – тилга кирди Ҳинду. – Ниҳоятда қизиқиб қолди, ёрдамга ҳозир нозир. Фақат муаммо шундаки, эртагача сен билан учрашолмас экан...

– Ие, ўзимниям кўргиси борми? – сабри чидамади Лунинг. – Кассета-чи, бўлмасмиш-ми?

– Менга қара, овозингни ўчирасанми-йўқми? – давом этди Ҳинду. – Албатта сен билан сўзлашади. Лекин жиндай кутишимизни сўраяпти. Менга қолса, шу кечкуруноқ бу ишга нуқта қўйсақ кошкийди-я. Аммо бугун шанба, чатоғи шу холос, пул масаласини айтаман-да. Мен улар берган ҳар қанақа купюрагаям рози бўлавермайман, яп-янги пулнинг кераги йўқ, рақамлари бўйича таҳланган бўлади, бу – хавфли. Эрталабки соат олтига шартлашдик, ҳаммаси пухта: мана шу машинада борамиз. Шундай жойни танладикки, теваракни бемалол кузатиш мумкин, ёлғиз келдими ё “думиям” борми – дарҳол кўринади. У машинамизга ўтиради, сен ичингдаги бор гапни тўкиб соласан, мен пулни санаб оламан. У камераси билан келади. Агар ҳаммаси “беш” бўлса, сен жиннилик қилмасанг, ўша мухбир мен хоҳлаган жойда тушиб қолса, ана унда ютуқ бизники. Кейинги ютуқ уники: йигирма тўрт соат ўтгач, биздан журналистга хабар боради, шунга кўра у “Фиат”нинг қаёқдалигини топиб олади. Унгача биз олис-олисларга кетиб бўламиз...

– Сафсата! – шартта кесди Лу. – Ўша одамлар “Фиат”ни топгач, рақамларини қарайдикки, мениям кимлигим чиқади-да. Ваъдангизга кўра номимни билолмаслиги лозим эди. “Фиат”нинг рақами – исмим деган сўз-ку!

– Одамга ишонмас экансан-да! – жавради Ҳинду. – “Пари-матч”дагилар машинани топади, қийматлигим, лекин рақамлари ва двигетелнинг айрим деталлари юлиб олинган бўлади. Бу нарсаларнинг уларга сираям зарури йўқ, бусиз ҳам айни ўша “Фиат”ни топганларига жандармларни ишонтира олишади. Ҳалиги лаш-лушлар шундай хуфёна жойга кўмилганки, қаердалигини фақат ўзим биламан. Нега шундай қилганимни айтайми? Ҳар эҳтимолга қарши: сен чарчоқдан ё бошқа бир сабаб билан ҳаммасини барбод қилишинг мумкин. Қаерда бўлишимдан қатъий назар телеграмма йўлласам кифоя: фалон жойни яхшилаб қазиб кўринлар, машинага тегишли иккита рақамни топасизки, сизлар уни қидириб юргансиз...

Лунинг нигоҳи оёқларига боққанди. У бош чайқаб, киноя қилди:

– Ие, сиз одамга росаям ишонар экансиз-ку! Бу ишнинг охири вой. Ўша журналист дарҳол полицияга сим қоқади, эҳтимол, ҳозирдаёқ чақувга улгуриб бўлгандир.

– У бола эсини еб қўйибдимми? – танбех берди Ҳинду. – Ўзининг қулоғига қуйиб бўлганман: башарти, хайр-хушдан кейин менда заррача иштибоҳ туғилса, ё сенда, ёки менда тирноқдай муаммо пайдо бўлса, тамом, “Фиат-уно”ни икки дунёдаям топа олмайди. Машина, яъни далилий ашё бўлмагач, унинг сенсацияси уч пулгаям арзимади. Энди бизни тутиб беришига келсак, ўзинг ўйла-чи, ҳали сен билан сўзлашмасдан туриб бундай қилолмайди. Журналист ва полициячи икки кўчқорки, икковининг боши бир қозонда қайнардими?

– Эрталабгача нима қиламиз?

Ҳинду қўлини чўнтагига суқди.

– Сен каталагинга тушасан, мен машина ҳайдайман. Қайга боришимизнинг сенга дахли йўқ.



– Эсипаст! – аёл ўзини тиёлмади. Механик хунук ишшайди.

– Эсим унчалик паст эмас, – тўнғиллади у. Бу сўзга ўзининг ҳам ишончи сустроқ эди чоғи, чунки, афтидаги ифодадан уни руҳан соппа-соғ дейиш қийин.

Лу – яна юкхонада. Ҳинду оғзига латта тикмоқчи бўлган эди, қўлини силтаб ташлади. Урса уриб ўлсин: бир мушт – нари, бир мушт – бери, ҳечқиси йўқ. Ҳинду елкасидан куйирокқа мушт солди, лекин зарбаси ўта беозор тушди. Аслида бу калтак ҳам эмас, “кел, қўлим қуруқ қайтмасин” қабилидаги пўписа (ҳатто ҳазил) холос. Унинг қўлларини боғлаётди сўзланди:

– Кечроқ, қоронғи тушгач, тўхтаимиз. Маъқулроқ бирор жойда хотир-жам овқатланамиз.

5. БИРИНЧИ РАҚАМЛИ ҚОЧОҚ ҚАНДАЙ ЯШАСИН?

Машина дам юриб, дам тўхтаб бормоқда. Лу энди қаршилиқ қилмаса-да, кутиш билан кечаётган ҳар соат тобора азобли ўтмоқда. Ундаги бу ҳолни кўрқув деб бўлмасди. Кўрқув уни батамом тарк этган. Тўғри, курашни бас қилди, лекин ортига чекинмасди ҳам.

“Суратимни олишларини хохламайман. Анави нусха мени аврамоқда. Расмимни олдиргач, мени сотади. Машинамнинг белгиларини кўмса-да, бўлак исм билан аталишимга рухсат берса-да, барибир сотади. У устимдан ҳукм чиқармоқчи. Суд жараёнида айбланувчиларни суратга тушириш мумкинмас, бу бежиз эмас-да. Ҳа, хатга тушдинг – ўтга тушдинг! Мени телевизорда кўрсатиб, отнинг қашқасига айлантиришгач, ҳолим не кечади? Суратимни олишларига йўл қўймайман. Албатта, телевидениега ҳам йўл йўқ, буниси баридан баттар-ку.

“Пари-матч”нинг йигитигаям дангал айтаман: суратим олинмайди! Шаҳсан ўзим рози бўлмасам, расмга туширишга ҳаққингиз йўқ, буни сизга тақиқлайман. Ҳаммасини ўзим айтиб бераман, сиз бу синоатни билиб олувчи ягона журналист бўласизки, буни ҳам кам дейиш мумкинми?”

Машина нечанчи бор тўхтаб, бир мунча тек қотди ва юкхона очилди. Яна ўрмон, тагин катта йўлдан қочиш, қандайдир сўқмоқ. Ғира-шира пайт, хазон ва намхуш тупроқ иси бурунни қитиқлайди. Ҳинду машинанинг чироқларини ёкмагани.

Лу ерга ўтириб, дарахтга суянди. Ҳинду енгил пластик кутичада учбурчак сэндвич узатди. Лу егуликни рад этиб, бўғиқ товушда тутила-тутила сўзлай бошлади:

– Сизга аввалбошда айтдим: мен суратга олишларини хохламайман. Худди шунинг учун ҳам автоҳалокат содир бўлган сониядан буён яширинаманки, хохламайман! На фотограф, на тележурналист! Газеталар қонингни ичса, суратинг матбуот дўкони ойнасида намойиш этилса, ҳар қадамда ўз исминга йўлиқсанг, сен яширингани уринасан, улар ҳаммага кўрсатмоқчи бўладилар – бу ҳол номусингга тажовуз этишга баробар. Бу – менга ўлим. Юрак-бағрим тўкилиб адо бўлди. Йўқ, асло хохламайман.

– Тўхта, – деди Ҳинду. – Сен ўзингни-ўзинг қийнаяпсан. Яна биргина кеча қолди, унгача икковимиз босиқ, вазмин бўлишимиз керак.

– Мен эртагачаям юкхонангизда тахланиб ётаверайинми? Энди чидай олмайман, истамайман! Аъзои баданимнинг бежароҳат жойи қолгани йўқ.

Ҳали-замон ақлимдан озаман. Ҳозир, ҳозирнинг ўзида дод соламан, ўзимни босолмайман! Ювинаман, менга ванна керак, сочим пахмок. Кир-чирман, башарамга ит қарамайди. Шу афтимда журналистга рўпара бўлайинми, а?..

– Яхши. Жой топан, ухлайсан, ваннаям бўлади. Бу масала ҳал: маданий турмушга қайтамиз, аммо сен ҳадингдан ошмайсан. Бўптими? – Механик унинг жавобини кутмади: – Қани, ёнимга ўтир-чи.

Лу ҳайдовчига ёнма-ён ўриндиққа суяниб ўтирди ва кўзларини юмди. “Кўлда кўғирчоқман. Латта кўғирчоқ. Ғариб бир лахтак!”

6. МУРДАНИНГ КЎЗЛАРИ ОЧИҚ ЭДИ

Машина илонизи ва нимқоронғи кўчада тўхтади. “Қаердаман ўзи? Парижга туташ жойдами ё пойтахтнинг олис даҳасими? Бўлак бир шаҳарми? Йўк, бу – Париж”. Лу нималигини аниқ айтолмаса-да, қай бир аломатларни ботинан фаҳмлаб, шу хулосага келди.

“Пежо”дан ўн метрча нарида – кўчанинг қарши тарафида неон чироқли реклама: “отель”.

Ҳинду тугмачани босди. Кўнғироққа жавобан ўрта яшар бир аёл чиқиб келди: ё филиппинлик, ё индонезиялик. Юз-кўзидан аёнки, безовта қилинганидан норози.

– Хонами? – ўша аёл пучуқлардай димоғида гапирарди.

– Ҳа, икки кишилик, ваннасиям бўлсин. Пулини дарҳол тўлайман.

Тўртинчи қаватдаги уларга теккан хона номуносиб бичимда бўлиб, бахайбат деразасига урфдан қолган тўрпарда тортилганди. Лу фақат деразага зеҳн солди. Механикнинг назари ҳам ўша ёқда экан: у эшикни ёпиб, кулфлади ва калитини ёнига солгач, тўғри бориб, деразани ланг очди ва яна беркитиб қўйди.

– Хонамиз унча шинам эмас, – минғирлади у.

Лу куртка ва туфлисини ҳам ечмасдан каравотга узала тушди. Ҳинду ванна тарафга ўтди. “Текшириб кўрмоқда: гап пойлайдиган аллаким борми-йўқми?” Парижда ваннахоналарнинг бари деразасиз қурилади. Аввал металл жаранглаб, кейин сув шовуллади. Ҳинду у ёқдан қайтди:

– Ваннанг тўлмоқда, жўна. Бир яйраб оласан. Кейин мен ҳам кираман. Ранжимайсан, калити менда, эшигинг ичидан беркилмайди.

Лу сафархалтасини олиб, ювингани отланди. Ичкарига кирди-ю, эски нақл ёдига тушди: итга – тор, мушукка – кенг. Урфдан чиққан ванна, қўлювгич, столча ва курси базўр жойлаштирилганди. Пластик тўсиқ ортидаги раковина алламбало матога ўралган. Меъдага урадиган ёруғлик сўниқ бўлса-да, кўзни камаштирарди. Кўзгуга қарашга Лунинг журъати етмади. Жўмрақдан илиқ сув оқиб турибди. Тахланган тансочиқ ва бир жуфт кўлсочиқ ёймага осилган. Оёқ остида гиламча ҳам бор экан, уни линолеум устига тўшаб олди.

Лу куртка ва туфлисини ечиб, сумкачасини стол устига ағдарди. Ювиниб олгач, эгнига тоза кийим кияди – ҳозир ана шу орзугина унинг хаёлини батамом эгаллаган.

Ваннадан чиқиб, артингач, дастурхондай келадиган момик сочиққа ўранди ва ана шундагина ўзини ойнага солди. “Ҳорғинлигим ҳеч сезилмайди-я”, – чехрасидан қоникди у. Ранги ўчганроқ кўринса-да,



қовоқлари остида қорамтир доғ ҳам, ёноғидаги муштнинг асорати ҳам йўқ, хуллас, ўша дилбар яна ҳам дилбаргина эди.

– Бўлдим, – деди у, – ваннага қайтадан сув очиб қўйдим.

– Раҳмат, – деди Ҳинду. – Аммо ёлғиз ўзингни қолдиролмайман, бирга кирамиз. Мен у ёқда, сен эса бу ерда дод солиб, эшикни муштлайверсанг-чи? Қани, олдимга туш энди.

– Марҳамат, – деди Лу қўлидагиларни каравотга қўяркан, – мен унақа найрангларни билмайман. Кирсам, ўша ерда сочимниям бир йўла қуритиб оламан.

У сумкасидан “фен”ни олиб, ваннахонага қайтди. Ортидан кирган Ҳинду эшикни қулфлаб, калитини сувга улоқтирди ва бир зумда ечиниб, ваннага тушди. Лу у томонга назар солгани йўқ. Қўлидаги қуритгични розеткага улаб, чаккасига тўғрилади ва қуйидан юқорига қарата иссиқ елни ғувиллатаверди.

Бу усул унга одат бўлиб кетган, шунақанги қуритса, сочлари серсавлат кўринарди.

Ҳинду ётган ерида жўмракни беркитиб, Луга шилқимланди:

– Ўзиям асал экансан-да, жонидан.

Лу у тарафга ўгирилди ва Ҳиндуга кулиб қаради. Сўнгра... Сўнгра қўлидаги “фен”ни сувга отиб юборди!

Бу шунчалар бехос ва қалтис бўлдики, сочиқ баданидан сурилиб, ерга тушди. Бироқ энди Лунинг шир яланғоч кўриниши механикка бефойда, унинг камондай тўлғонган жасади азот кўтарилиб, ваннадан чиқди-да, жингиртоб ҳолда шалошлаб сувга қайтди ва тошдай чўқди-кетди. Лу кўрди: механикнинг очик кўзлари сув бетиде бақрайганича қотиб турарди.

Аёл бир муддат қилт этолмади. Соч қуритгич ўчди. Ҳиндуда ҳаракат йўқ.

“Тез. Илдам”. Бу – ботиний фармон. У икки бармоғида эҳтиёткорона ушлаб, “фен”нинг симини розеткадан узгач, ваннага яқин борди. Қотил-қуритгич сув тубида, мархумнинг қорайган товони ёнида ётарди. Шнуридан ушлаб, тортиб олди ва сувини силқитгач, сочиққа ўраб, столга қўйди.

Лу жўмракни буради, анави кўзлар сув остида қолиши зарур. У жўмракка, фақат жўмракка қарарди. Истайдики, ванна тезроқ тўлиб, жасад батамом ғарқ бўлсин.

“Тез!” У ёруғ дунё билан видолашаётган механик жон талвасасида шалаббо қилган полни артди, бир неча марта гиламчани сиқиб ҳам олди. “Бармоқ излари”. Иккинчи сочиқ билан жўмракни, ванна четлари ва розеткани сидириб чиқди. Мурданинг кийимлари стулда ивирсиб ётибди. Лу яна катта сочиққа ўраниб, боши устидаги кир ёйгич ва эшик қабзасини ҳам сийпалаб қўйди.

У бирдагина саросимани... йўқ, ваҳимани... йўқ, шунга ўхшаш васвасани ҳис этди: ахир, эшик қулфланган-ку!

Ўзини шундай мажбурладики, унга жуда-жуда катта матонат сарфлади: бориб, ваннага назар солди. Механикнинг қорайган товонлари остидаги калит ялтираб кўринди. Лу жўмракни беркитди, калитни сувдан олди.

Ботиний садо: “Чала қолдирма!” У чала қолдирмасликка киришди: ванна устидаги жўмракни, кирғоқларини яна тозалади. Мурда тўлиқ сувга чўккан, соч толаларигина юзада тўлқинланарди.

Лу эшикни очди ва калитни ҳам сочиқ билан сидирди. Ҳаммасини тозалаб бўлмайди-ку, энди бас. У “фен”ни, стулдаги кийимларини олди ва син-

чиклаб кўздан кечирди, ўзининг ё Ҳиндунинг бирон нарсаси қолмаслиги зарур.

Хонага чиқиб, эти жунжикди. “Тез!” Лу қўлидагиларни каравотдаги сафархалта ёнига қўйди ва тоза уст-бошини кийиб олди. Мияси ишлаб турибди, ақли бажо, инчунин, нима қилиши ҳам аниқ: ўзига ва механикка тегишли ҳамма нарсани ола кетади. Жонидан тўйиб, ўзини ўлдириш қасдида келган одамга хос буюмларгина қолади. “Масалан, кийим-кечак, ботинка, оз-моз пул, вассалом”.

У Ҳиндунинг халта-хулта ё сумка кўтарганини ҳеч кўрмовди. Чамаси, унинг бор дунёси чўнтагида.

Лу каравотга ўтириб, марҳумнинг куртқасидан, чўнтақларидан бошлаб, ҳаммасини ағдариб ташлади. Чарм куртқа майин ва иссиқ эди, аёл хаёлида териси шилинган шўрлик ҳайвоннинг бўйини туйди. Оғзига тикилган латта билан қўли боғланган камар ва ўзининг соатини сумкасига солди. Ҳиндунинг швейцар пичоғини бир лаҳза ушлаб турди. Ўзича қароқчининг яроғи борлигига гоҳи ишонса, гоҳи ишонмасди. Лекин пичокни ўйлаганда, бунақа буклама қаламтарошнимас, дудамадай хавфли қуролни хаёл қиларди.

Куртқанинг ички кўкрак чўнтагидаги буклоғлиқ қоғозни олиб, ғижимини ёйди. Автоустахонадаги қайд дафтарида юлиб олинган варақ: суюнди ва яна тахлади. “Хайрият, буниям қолдириб бўлмасди”.

Жинсининг бешта чўнтагидаги топилмалар: қора соат, қалин картмон, машинанинг қалити – “Пежо”ники бўлиши мумкин. Яна бир жуфт қалит бўлиб, биттаси манави хонаники, каттароғи эса еттинчи қаватдаги кечаги ётоққа тегишли экани эҳтимол. Мижиғланаёзган бир қути сигарета ва ёндиргич – марҳумнинг ўзига сийлов. Ана қайчиси ҳам топилди – жажжигина, демак, Вирофледан бери Ҳиндунинг ёнида юрган экан-да.

У картмондаги пулдан иккитасини шимининг ўнг киссасига жойлади, бошқа ҳамма лаш-лушларни сафархалтага тикди.

Анавининг кийимларида бирор белги йўқмикан? Ўшанинг воситасида ўликнинг шахси аниқланса... Лу ҳаммасини қайтадан ёйди, нафаси тикилди, бирма-бир титкилайверди, қўйлак, туси, пойабзал... “Тез, тез!”

У қаддини ростлади, чуқур хўрсиниб, сафархалтанинг каттасини олди ва сумкасини беркитиб, полга қўйди. “Бас, энди кетаман”. Каравот суянчиғидаги сумкачани елкасига илди. Юраги шундай маромдаки, секин, аммо сершовқин, гўё сонияларни санамоқда.

Лу ваннахонага кириб, Ҳиндунинг буюмларини стулга қўйди. Сочикни жойига осди. Аммо мурда тарафга қарагани йўқ. Хонага қайтгач, атрофга бир сидра назар солди. Энди нима қилажагини обдан чамалаб кўргач, сафархалтани олиб, эшик тарафга қадам босаркан, ортига тагин бир нигоҳ ташлади. Футболқасининг этагига ўралган қалитни уч бармоғида қулфга солиб, эшикни очди, ёпгач эса, қалитни ичкарида қолдирди.

Дахлизда чирок ёниб турибди. Чамаси мехмонхонада бошқа ҳеч ким йўқ эди. Зиналардан оҳиста тушиб, диққат қилди: қабул жойи бўм-бўш, мушукдай ўтиб олди. Ташки эшик тугмачасини босди: асабни қақшатувчи ғичирлаш! Лу бир сакраб кўчага чикди, йигирма метрча юриб, муюлишга етгач, оёғини қўлга олиб чопаверди.



1. ЯШИРИНИШ: ҚАЁҚҚА ВА ҚАНДАЙ?

“Югуришинг хавфли”, – деб ўзини қайта-қайта огохлантирарди, лекин ҳеч тўхтаётган эмасди. Биринчи кўчадан, кенгроқ иккинчисидан ҳам чопиб ўтди. Шундагина ўткинчиларга кўзи тушиб, ўзини мажбур қилди ва секин-секин юра бошлади. Илиқ тун. Ўн икки бўлгандир. Соатга кейин қаралади, ҳозир эса фақат олға!

Чароғон бир кўча бўйлаб тўппа-тўғри кетаверди. Аммо ҳозир қаерда тургани ва қаёққа бораётгани ҳақида зиғирча тасавури йўқ. Беш-ўн дақиқа ўтди, ана энди эсига тушдики, меҳмонхонадан чиққандаёқ метрога етиб олишни орзу қилганди: ўша метро станцияси. Хайриятки, ҳали эшик ёпилмабди, дарров “шўнғиди”.

Платформада ўн беш-йигирма йўловчи турибди. Лу ўзи кўзлаган станциянинг номини ўқиди: “Обервилъе – Пантен – Катршемен”. Мана энди соат суриштиришнинг мавриди етди: сумкасининг тўридаги соатни олди ва қаради – ўн бирдан йигирма дақиқа ўтибди. Поезд келди, у вагонга қадам қўйди, соати ҳамон қўлида.

Нима қилажаги ўзига маълум – яшИринади, жуда кўп кунлару тунларни хуфёна ўтказди. Вагоннинг ўртасидаги йўл кўрсаткичдан аёнки, Иври ё Вильжюифга кетмоқда. Ҳа, Лу эслади, шу ерда линия бўлинади. Луга фарқи йўқ, Иври ҳам, Вильжюиф ҳам бари бир. У иложи борича олислаб, энг охири бекатда тушади. Вақти бемалол.

Ичини ит таталайдиган ягона иштибоҳ: бошини балога қўядиган из қолдирдимми-йўқми? Худо ўнглаб, ҳеч қандай из қолдирмаган бўлса, унга қарши аниқ далил топилмагач, ваннада чўкиб ўлган кимсага ёки “Мерседес”да мажақланган олтинсоч сулувга Лунинг дахлдорлиги кимнинг ҳам хаёлига келарди?

Поезд тўхтади. Лунинг кўзи тушди, ёзиб қўйибдилар: “Верден – Шарқий вокзал”. У икки сакраб платформага ўтди. Яшасин вокзал! “Поездга ўтирсам, кетганим-да. Поезд бўлмаса, вокзал ёнидаги йўловчилар меҳмонхонасида тунаб қолавераман. Эрталаб биринчи рейс биланок йўлга чиқаман”.

Яқинроқ бориб эълонлар доскасини ўқишга тутинди. Эрталабки поездларнинг жўнаш вақти: Базелга – 6.40, Венага – 7.49, Боннга – 6.55 ва перронга кириб келган ягона тунги поезд соат 0.21 да Страсбургга йўл олади.

Страсбург – маъқул. Бирдан эсига тушдики, пуллари турибдимикан? Олдинги умрининг сўнгги ҳафталари давомида емай-ичмай тўплаганди. У картмонини очди, ҳаммаси жойида – уч мингдан ошиқроқ. Демак, Ҳинду – ваҳший, қароқчи, фирибгар, лекин ўғри эмас.

Биттагина очиқ чиптахонадан Страсбургга патта беришди: фақат боришга, иккинчи даражали вагонгами... майли, ўтириб кетса бўлди-да. Чекмайдиганлар вағони бопроқ, албатта.

У автоматга пул ташлаб, олдин “Оранжина”¹, кейин мадлен² сотиб олди. Ўн иккига уч дақиқа кам. Поезднинг жўнашига ҳали анча бор – йигирма дақиқадан ортиқ. Лу хожатхонага кириб сумкасидаги устахона

¹ “Оранжина” – қадоқланган пўртахол (апельсин) шарбати.

² Мадлен – ширин чиллаки (узум) майизи.

қайдномасини ёндирмоқчи бўлди. Лекин ўша ондаёқ ўзини босди. “Аввал ўқиб кўриш керак-ку”.

Қалин дафтардан йиртиб олинган вараққа золдирли ручка билан йирик ва куюқ ҳарфларда ушбу мазмун битилганди: “*Фиат-уно*” N 1914 VK 92, Луиза Леруа. Кузовнинг чап биқини янгидан бўялади (2 метр шилинган). Орқа чироқ бошқа қўйилади.

Лу ўгирилиб, унитазни очди ва қоғозни ёкиб, олов то бармоғини куйдира бошлагунча сув устида ушлаб турди ва куйиндини оқизиб юборди.

Поезд йўлга тушди. Лу бир дақиқада Ҳиндунинг картмонидаги ҳамма нарсани бирма-бир кўздан ўтказди. Пул, катта пул – санагани йўқ. Хужжат ҳисобланувчи нарсдан ҳайдовчилик гувоҳномаси, соҳиби – Пьер-Мари-Мерсье. Лунинг ишончи комилки, бу мутлақо сохта фамилия. Тўғри, Ҳиндунинг сурати турибди, лекин гувоҳнома эски бўлса-да, расм яп-янги, оқи – оққа, қораси – қорага равшан ажралиб турибди. Бундан ташқари, ҳар қандай ҳолда ҳам Ҳинду Пьер-Мари бўлолмайди. Бу мумкинмас. Яна ким дегин – Пьер-Мари-Мерсье эмиш.

Шахси номаълум мурданинг ҳайдовчилик гувоҳномаси унниқиб кетган пластик ғилофдан олинди ва Лунинг қўллари билан йиртилиб, салкам кукунга айланди. Суратни тўртга бўлаётиб, кўз ёшини базўр тутиб қолди. “Яхшиямки, ҳозирда хожатхона суви тўппа-тўғри рельсга тўкилмайди, ҳатто эскича вагонларда ҳам шунақа. Тамом, ўша ирокезбашарадан¹, унинг чақчайган кўзларидан кутулдим. Энди топ-тоза ва пок-покизаман”.

У сумкасини титкилаб, Ҳиндуга тегишли ҳамма нарсани олди: калитлар, қора соат, “Житан” сигаретаси, ўт чаккич – буларнинг барига бармоқ излари тушган.

Лу иккита вагонни босиб ўтди, ётоқ вагонда коридорнинг ўртасига боргач, калитларни дераза ортидаги тун бағрига улоқтирди. “Энг бирламчи далилий ашэ эди. Ҳамма ухлаб ётибди-ку, ким ҳам кўрарди?” Лу гувоҳноманинг ғилофи, соат, сигарета ва ўт чаккичдан ҳам кутулди.

* * *

Автоқўналға каторида, вокзал теварагида ҳеч бир меҳмонхонага кўзи тушганича йўқ. Хийла муддат тентираб юрди, ташрифларга мутлақо номунтазир “Отель Европа” олдидан ўтди. “Эрталабгача ахволинг шу, дайдисан, дайдийверасан”. Ушбу нохуш қарор миясида чарақлаган дамда кўзи тушдики, меҳмонга интизорроқ иморат ҳам бор экан: “Исталган пайтда жой топилади”. Аини хушсуханлик рақам қилинган картонни кесаки ёнидаги миҳга осиб қўйибдилар.

Лу қўнғироқ тугмачасини босди. Эшикни очган қариянинг эгнида мовий-бўзранг костюм бўлиб, сочлари ҳам кийимига монанд эди.

Лу салом берди ва ғулдиради:

– “Исталган пайтда жой топилади” ёзувига қараб...

– Жуда соз-да, – деди чол илтифотли оҳангда. – Исталган пайт айнан ўн дақиқа кам тўрт эди. Бошқа биров йўқми?

– Йўқ.

– Учинчи қават, йигирма биринчи хона, – дея калитни узатди мезбон. – Хайрли тун, хоним.

¹ Ирокез – АҚШнинг шимолий-шарқида истиқомат қилувчи ҳинду қабилалари иттифоқининг номи.

2. ХУЖЖАТЛАР ЙЎҚОЛДИ

Лу кўзини очганда, соат салкам етти бўлиб, чироқ ёнганича, радио қўйилганча турарди. Фақат кулоқлари остидаги эфир тўлқинларида куй-қўшиқ эмас, суҳандоннинг овози жарангламоқда. У ярим соатча эшитиб ётди. Иерусалимда вазият жиддийлигича қолиб, Польша ва Сербияда сайловлар эмиш... Луни қизиқтирган мавзу ҳақида суҳандон оғиз очгани йўқ. Ваҳоланки, Лу тасавурида яққол кўриб турибди: номи аниқланмаган илонизи кўча ниҳоятда бесаранжом, полиция машиналари қаторлашган, югур-югур, кўшнилари патагига қурт тушган, бир-бири билан шивирлашган, соқчилар ҳаммани ҳайдайди: – бу ерда тўхтаманг, ўтинг-ўтинг...

Якшанба. Лунинг йўли битта – уясида писиб ўтириш. Аммо уззукун ичкарида қамалиб ўтиравериш ҳам мумкин эмас-ку. Бу билан шубҳа уйғотади холос.

“Бунақада вақтинг йўқолади, аммо қочиб кетолмайсан. Имкониятинг чегараланади, игнанинг тешигидай тораяди. Сентябрь оёқлаган кунларда оддий сайёх мисоли сайр қилолмайсан, тушлик чоғи ҳатто тезкор тамаддихонадаги хўрандаларга қўшилишинг мумкин эмас. Аммо ҳаммадан ажралиб, алоҳида сўппайишинг ҳам тақиқланади, масалан, кунни фақат вокзалда ўтказиш ёхуд яккаш битта фильмни кечгача уч карра кўриш, боз устига битта кинотеатрга кириб, ҳар сафар аввалги ўриндиқда томошалаш – булар шубҳали-да”.

Ҳар нима бўлса-да, Лу калаванинг учини топди: меҳмонхонани тарк этади. Бу ерда сурункасига икки кеча тунамайди.

Кейин не қилади? Ҳоли не кечади? Унинг тилидан қай сўз жоиз ёки ножоиз? Бу саволларга ҳозирча жавоб йўқ. Чаканароқ, бироқ хийла муҳим саволлар ҳам турибди:

“Ихтиёримда нималар бор? Пулим қанча?”

Лу иккала сумкани олиб, турклардай ерга чордона куриб ўтирди-да, ўзининг ва шахси аниқланмаган марҳумнинг картмонида неки бўлса, барини паркет устига тўқди. Бирида – уч минг франкдан ортик, бошқасида салгина кам ўн минг: аёлнинг ҳамёни бунча пулни жуда кам кўрган!

Лу энгил тараддулланиб олди-да, ҳаммасини ўз картмонига жойлади. Шахси йўққа тегишли картмонни эса имкон қадар тезроқ гумдон қилади.

Навбат сафархалтага – кирлаган уст-бошлар чиқди, уларни асло киймайди энди. Янгисини сотиб олади – эртагаёқ. Оғзига тикилган латта соатлаб нафасини бўғарди, буни ҳам йўқотади. У гулдор сурпдан кесиб олинган чорбурчак лахтак бўлиб, “Монопри” дўконида бунақа газмолни метрлабмас, тўп-тўп сотишади. Рўмолча-лахтак яп-янги эди, йўқ, пайшанбагача, бу ҳам нотўғри, жумага қадар янги бўлган. Айни жума кунда ҳаммаси барбод бўлганди. У салкам икки кун ўғрининг қўлида турди, ўзига қолса, бу кулфат икки ҳафтадан кам бўлгани йўқ. (Радиодан, савдо-сотик жадвалидан, вақт ҳиссидан, ҳаёт завқидан – баридан маҳрум аҳволда-я!)

Сумкадан топилган йўл кўрсаткич харита – бунинг асло даркори йўқ. Қўли боғланган камар манфур нарса. Сувга бўккан “фен”, йўқ, “бузилиб қолган”, – дея хатосини тузади Лу. – Бу матоҳларнинг бари фақат ташлаб юборишга маҳкум.

Пардозкути ҳам керак бўлади, маникюр қайчиси ҳам шу қутичага жойланди. Швейцарча (Ҳиндуга тегишли) пичоқ – буни нима қилсин? Ҳар

эхтимолга қарши ўзига олиб қолди ва пардозкути ёнига қўйди. Хуллас, арзимас мулк, енгилгина юк.

“Энди сумкани очамиз”. Лу уни очаётиб, худди кўхна макбара-ёдгорликни кавлагандай сезди ўзини. Олдидаги нарсалар аввалги ҳаётидан қолган: қора кўзойнак, тўқима билакузук, қоғоз рўмолчалар, пуркагичли атир. Вирофледаги уйининг калити ҳам шу ерда, аммо... Қути учган Лу сумкачани дарҳол ағдариб, ичидагиларни тўқиб ташлади, ҳужжатлар қани?

Улар ғойиб бўлганди, демак, энди унинг шахсини тасдиқловчи ҳеч нима йўқ. Сайлов ҳуқуқи ва қон гуруҳи кўрсатилган донор гувоҳномалари, кир-хонага, чўмилиш ҳавзасига, муסיқий дўконга олган муддатли патталари... Муҳимми-номуҳимми, қатъий назар, у энди ҳеч бир ҳужжатсиз эди.

Демак, иккидан бири: ё қароқчи Ҳинду Лунинг картмонини еттинчи қаватдаги ивирсиқ хонада қолдирган – полиция эртами-кечми уни топади-да, қочоқ аёлнинг изига тушади. Ёки қаёққадир кўмган (масалан, хилват ўрмонга) – у ёқларга ҳеч ким бормаиди, қоғозлар чириб ётаверади.

Лу оёқларини ўчоқ қилиб, тиззаларини кучоқлаб олди. Аслида ҳужжатлардан батамом айрилгани яхшиликнинг муқаддимаси бўлса-чи? Эгри ўтириб, тўғри сўзлаш керакки, ахир, илгаригидай яшай олмайди, Луиза Ориган исм-фамилиясида қолиши мумкин эмас. У энди бошқа бир шахсга айланиб, умрини янгидан бошлашга мажбур. Индаллосини айтганда, ўша йўлга аллақачон қадам босиб бўлди, бегона ҳаёт бошланди.

Лекин номутаносиб ҳол шундаки, бу йўл ҳақида тасавури ҳам йўқ. “На чора, бораверайин-чи, ҳа демай бир жойдан чиқаман-да”.

* * *

Девори тўқ кулранг, маҳобатли ва жозибадор черков олдидан ўтаркан, пиллапоя ёнига хайрия жамияти қўйган контейнерга кўзи тушди: “Эски кийимлар эҳсони – кони савоб”. Лу ҳаёлан маъқуллади: “Бунинг ҳеч хунук жойи йўқ, ахир, қадимда жоҳиллар эмизикли гўдакларни улоқтирадиган анави қатл минораси ҳам совуқ кўринмаяпти-ку”. Бу фикрни ортиқ чувалаштирмади-да, юз-кўзида маъсумалик ифодасини зоҳир қилди: у савобталаб аёлдирким, бу даргоҳга бир халта эски, аммо яроқли уст-бош келтирди. Лу жирканч латта-путталардан ва албатта, гулдор сурпнинг чорбурчак лахтагидан – баридан бир йўла халос бўлди.

Харита-кўрсатгичдан ҳам кутулиб олди, уни оқава сув қудуғига ташларкан, атрофига жавдираб, хавфсираб ўтиргани йўқ.

Тамом, Тулни тарк этади, лекин қаёққа кетиш масаласи... Лунинг боши қотди: олға – Нансига ёки орқага – Парижга юрсинми?

Жадвалда ёзилибдики, поезд Нансига – 15.53 да, Парижга – 14.57 да бўлади. Демак, Парижга жўнаса, роппа-роса бир соат ютади. Нега ютиши ва кимдан ютиши (бу “ютуқлар”нинг фойдаси ҳам) кейин маълум бўлади.

Лу айна дамда ўзи учун ўзга бир номутаносибликни кашф этганди: олисдан кўра яқин ва таниш жойларда яширинсанг – топишлари қийин. (Ваҳоланки, бу “кашфиёт” қочоқларнинг барига азалдан маълум.)

Соат 15.12 – поезд Коммерсида тўхтади. Соат 16.00 – Лу камардан ҳам қутулди. Соат 17.59 дақиқада Парижга етиб борди. Изоҳ: Лу ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб камарни дераза остидаги кўчма ахлат қутига ташлади ва бундан олдин яхшилаб ўрашни унутгани йўқ...



Соат кечки беш бўлса-да, кундузгидай ёп-ёруғ. Лу кўчага чикмади-да, тўғри метрога тушиб кетаверди. “Шаркий вокзал” метростанцияда йўл камёброк – учтагина линия бор, холос. У Иври ёки Вильжюиф томонга юрмайди, агар шундай қилса, ўтмишга қайтганга ўхшарди. Тўғри, киши гоҳи ёшликка қайтишни қўмсайди, лекин айна дамда пойига тиллонисор қилсинларки, Лу кечаги кунни кўришни истамайди. У “Тўртинчи”ни танлади, яъни “Орлеан дарвозаси” томонга юридики, “Обервилье – Пантен”дан олис-олисларга кетади-да.

3. ЖИНОЯТ ҚУРОЛИДАН ҚУТУЛИШ

У сўнгги бекатда метродан тушди ва Париждан чиқиб олганига жуда суянди. Бузуқ “фен”дан зудлик билан қутулмаса бўлмайди. Биринчидан, бу ўта хавфли далилий ашё, иккинчидан эса ҳамон ичидан сув сизаётганди. Сирочар соч қуритгични нима қилса бўлади? Тақазо этиладиган қарор ягона: ахлатхонага улоқтиради, вассалом. Лекин ўша ахлатхона Париждан четда бўлгани мақсадга мувофиқрок.

Лу пойтахт айланма йўлининг сиртидан кунчиқарга юриб, аввал Барбес кўчасидан, кейин Ваян-Кутьюре шоссеси бўйлаб кетаверди.

Ўткинчилар сийрак, қора чодрали муслима қиз-жувонлар, бир гала боласини эргаштирган қорабадан аёллар аҳенда бир учрарди. Лу юриб-юриб, Жантийи шаҳарчасига кириб бордики, у адирлар устига қурилган. Айниқса, Жан-Жорес кўчаси ниҳоятда тик, юқорига кўтарилиб бораётган Лу тепаликнинг “бели”га етганда, яшил контейнерни кўриб қолди: “Кичкина маиший электротехникалар ва қутилар учун”. Айна муддао-ку. У шоша-пиша кўлидаги зормандани улоқтирди.

Меҳмонхона топиш илинжида Жюль Гед хиёбонидан, Дантон кўчасидан, Аскар майдонидан қараб ўтди – йўқ. Ахийри, Ўн тўртинчи июль кўчасидаги қаҳвахона соҳибидан сўради:

– Кремлен-Бисетрда меҳмонхона ҳеч йўқми, а?

– Йўқ-да, – бош ирғади хўжайин, – улар бари айланма йўл ёқасида, энг яқинроғини Италия дарвозасидан топасиз: “Ибис” ва “Кампаниль”...

– Кремлендаям биттагинаси бор, Салангро кўчасида, – гапга аралашди официант. – Аммо сизга ёқмас керак, тартиби, хизмати... зўрмас-да.

Лу икки дақиқада Салангро кўчасига етди. Зўрмас меҳмонхонанинг номи зўр экан – “Марказ”. Луга тавсия этилган хоналар кўп ва хилма-хил, у иссиқ сувли (ваннаси) бир кишилик хонани танлади. Баҳоси кунига – бир юз олтмиш франк, қўшимча хизмат, яъни телевизор учун – йигирма франк, Лу дарҳол тўлаб қўя қолди.

Телевизордаги барча каналлар фақат қалтис вазиятларни кўрсатарди. Бешинчи канал – Носферату Изабель Аджанини таъқиб қилмоқда, Иккинчи каналда аллақандай Тереза уруш жафокаши бўлгани ҳақида тинимсиз жаврарди, Учинчи канал – судя ўлибди, Биринчи – терминатор қимирлаган ҳаммани қириб ташлади. Кейинги фильмнинг номи – “Ўлмоқнинг саккиз миллион усули”. Буниси ўта куракда турмасди. Лу дарҳол олтинчи каналга кўчди – швейцариялик ёш бир оймқиз Вьетнамга бориб, Сайгондаги бадавлат оилага гувернант бўлгани тўғрисида бадиий фильм.

У ҳар замонда Биринчи ё Иккинчига олиб турарди: “Янгиликлар бошландимикан?”

Лу оёғини узатгани билан кўз юмолмай ётаверди. У ўзига дакки берди: “Ҳой ношукур, остингда каравот мухайё, рисоладаги каравот, сенинг измингдаги каравот, хона ҳам ихтиёрингда, ичидан қулфлаб олишга ҳақлисан”. Узоқ йиғлади, кўз ёшлари қуйилаверди. “Йиғлаб-йиғлаб юрагимни ёзаман”. Чиндан ҳам бир нав енгиллаб олди.

4. САРСОНЛИК-САРГАРДОНЛИК

Ортиқ шошилишга ҳожат йўқ, шу боис харажатларни ҳисоблаб кўрди. Отель – бир кечага икки юз франк, қорнидан ҳарчанд тежаган тақдирда ҳам кундалик жами чиқим икки юз эллик франкдан кам эмас. Демакки, кўлидаги ўн минг – қирқ кун деган сўз. Бундан ташқари, уст-бош, кутилмаган сарфлар ва боз устига... Тўсатдан эсига тушиб қолди: уйнинг тўлови-чи? “Вирофледаги ижара уй. Агентликда мени ғойиб бўлди, домдараксиз ёки хуфёна қочворган дейишларини хоҳламас эканман, ойлик тўловдан октябрнинг бошидаёқ қутулишим зарур. Қоидага кўра икки марта кўнғироқ ва битта расмий хат жавобсиз қолса, тамом, мен билан тузилган ижара шартномаси бекор қилинади. Кейин мебелларимни, ҳамма лашлушларимни кўчага улоқтирадиларки, бедарак йўқолганим бутун даҳага овоза бўлади. Тўрт мингни ижара ҳақиға тўласам, бир ойга лойиқ пулим қолади. Бир ойга... иш топгунимча учма-уч етади, холос”.

Жан-Жорес кўчасидаги “Монопри” дўкони ҳали очилмабди. Лу эшикдаги жадвалга қаради: ҳозир тўққиздан чорак ўтди, демак, яна ярим соат кутади. Рўпарасида эълон: “Монопри”га сотувчи ва кассир қизлар, менеджерлар керак. Ўзингиз ҳақингиздаги маълумотларни маъмуриятга топширинг!..”

Лу “Паризьен”ни очиб, эълонларга назар солди. Худди “Монопри”нинг талаби. “Маълумотлар ва фотографиялар Опера авенюсидаги “Лезур”нинг қабулхонасига топширилади”... “Мухтасар таржимаи ҳолингиз ходимлар бўлимида қабул қилинади”. Шундоқ. Яна фамилия, исм, яшаш жойи. Яшаш жойи! “Биз сизга жўната қоламиз-да...” Ижтимоий суғурта варақангизнинг рақами... Иш тажрибаси, олдинги хизмат жойи... Судланганмисиз-йўқми?..

“Рўйхатдан ўтмаган ишхоналар ҳам бор-ку. Юзлаб кишилар ўшанақа жойларда тирикчилик қилишади. Майда тижоратчилар полиция билан келишиб...”

Эрта билан йигирматача эшикни тақиллатди: иш ахтариш бўйича ҳеч бир натижага эришмаган эса-да, уст-бошини бутлаб олганди. “Лавлинь” дўконидан тўқ жигарранг, бўғма ёқали свитер кийиб чиқди. (Матосини “кашмири” десалар-да, юз фоиз сунъий толадан тўқилгани аниқ.) Дарвоқе, иш хусусидаги саволни илк бор ана шу ерда бериб кўрганди. “Ку-де-Фоли”дан эса тубандагича жавоб олди:

– Сотувчилар бизга керакмас, аммо ҳамма йирик савдогарлар сиздақаларга мунтазир. Ҳа-я, Жан-Жорес кўчасига ўтиб кўринг, “Монопри”да...

Кундузи у тактикани ўзгартириб, ресторан, қаҳвахона ва емакхоналарни айланишга қарор қилди.

У анъанавий ва одми шохқўчалардан бирига етди, ҳар қадамда ресторан ва бар. Лу “Божол”, “Яшил бамбук”, “Альянс”, “Париж” маъмурларига ўз



хизматини таклиф этиб кўрди. “Манзилингизни қолдиринг”, – дейишди “Бальто”да. Лу асабийлашди: “Сиз-чи, сиз қолдирар эдингизми?”

Ҳоли жудаям хароб эмасди, лоақал чўнтагида пули бор. Пьеро кару-селида жарчи айюҳаннос салади: “Ёзнинг сўнги куни, бизнинг сўнги томоша, кўрганлар – дармонда, кўрмаганлар – армонда!” Черковга ёнма-ён кўргазма майдонидаги ўйин-кулги кўзни қувонтириб, қулоқни қиздирарди. Лу бир пивохонага кириб, қовурилган картошка тановул қилди, икки юз метр юргач, “Эколь” қовоқхонасида лимонад ичди, аммо майда-майда хўплади, ҳеч ошиққани йўқ. Осмон бениҳоя тоза, Лу бунақа кунлари одатда уйининг айвонига ўтириб оларди. Лекин айна чоғда унда одатий ҳеч нарса йўқ, ҳаммаси меъёрга зид, ҳаёти пароканда: бегона кўзлардан қочишга, бурчак-бурчакка яширинмоққа мажбур. У бир ўзи ёлғиз. “Умрим бино бўлиб, ғариблик бунчалар эзган эмасди, – ўкинди у ва ўша ондаёқ ўзига далда берди: – Бўшашма, ҳаракатингни қил”. Лу девордаги шаҳар харитасини яхшироқ кўриб олиш учун тепага чиқди ва тушундики, азим дархтлар зеб берган истироҳатгоҳ Венсен ўрмони экан.

5. ОЛТИНСОЧ СОҲИБЖАМОЛ

Эртасига ҳарорат тагин ҳам кўтарилиб, саратонга айланиб кетди. Гўё куёш таквимдаги бетартиблик ва нуксонлар устидан қуларди. Лу навбатдаги меҳмонхонанинг қоп-қоронғи хонасидан чиқиб, кўзлари қамашди: бўлак бир қитъага, йилнинг бошқа фаслига кўчгандай эди. Аммо бу ҳис бир лаҳзадаёқ ғойиб бўлиб, қалби қатъий буйруқ берди: “Ҳаётингни аввалги изга солиш учун ўзинг жон-жаҳдинг билан тиришиб ётибсанки, бунга эришаман десанг, ҳар қандай орзу-хаёллардан воз кечасан!”

Кўл ёқасидаги қумлоқ хиёбондан юриб, Венсен ўрмонини кесиб ўтди. Биҳиштмонанд оролчалар ва мажнунтоллар оралаб бораркан, машиналар овозининг эшитилиши, аммо ўзи кўринмаслиги Луга ғайритабиий туюларди.

Сен-Мандега етгунча терга ботди. Свитери кашмирилими-йўкми, қатъий назар, уни кийишга ҳали ҳозир барвақт экан. Айна муддао оёқ остидан чиқди: Генерал де Голль кўчасидаги мўъжаз модалар дўконига кираверишда ёзги кўйлақларни қаторлаштириб, деворга осиб кўйибдилар, остида лавҳа – “Махсус тақдимот”. Анча йилларки, Лу этаги узун кўйлақ олмасди, лекин атиги юз франк тўлаб, бош-оёқ жинси кийиш сувтекин-да. У ойна олдига бориб, кўйлаққа ошиқ бўлди-қолди: чеварнинг кўли гул экан, бўй-бастини ўлчаб тикибди-я, этаги қийиқ чокли, тикёқали, калта енглари...

Кўйлақни кийгач ўз малоҳатидан кўнгли тўлган Лу бирданига нариги бетдаги сартарошхонани хоҳлаб қолди. Бу ерда гўзаллик маъбудаси хизматида уч нафар малласоч аёллар бўлиб, оқ шим ва оппоқ халатча кийиб олишганди. Учовлон ҳам кўзгу рўпарасидаги мижозлар ортида иш билан банд, кирувчиларни бир йигит қабул қиларди. У ўртабўйдан пастроқ бўлиб, провансальча гул чекилган қора кўйлақ кийганди.

– Жингалак қилиш керакми? – сўради Лунинг хурпайган сочларига қараб.

– Аксинча, – жавоб қайтарди Лу, – сочларим ўзи жингалак, азалдан шунақа, менга ёқмай қолди. Текислаб, сарикқа бўятаман, тилласоч бўлишни хоҳлайман.

Энг олтинсоч уста унинг олдига келиб, билгич кўзларини тикди. Лу кўлини пешонасига тегизиб, манглайгажак қанча бўлишини кўрсатди.

– Бўпти, – бош ирғади сартарош жувон, – малика Диана андозасида кесиларкан-да, тушундим.

– Йўк, йўк, унақа эмас, – шошиб қолди Лу.

– Худди ўшанақа! – таъкидлади сартарош аёл. – Сиз кўрсатганингиз Ди хонимнинг гажаги-да, ҳозир ҳамма шуни сўраяпти, сизга жудаям ярашади.

Сартарошхонадан чиққач, ойнаванд дўконларда ўз аксига кўзи тушган Лу мамнун хаёл қилиб борарди: “Либос ва соч – гўзалликнинг тенг ярми деганлари кам, албатта. Кўйлак ва янгича соч олтмиш, ҳатто олтмиш беш фоизга ўзгартирди-ёв”.

Аммо у ўзини янада ёлғиз ва ғариб, одатдаги ҳаётдан абадий айрилган сезарди. Ўзича у яна бир довон бўсағасига келиб қолганди: кейинги қадам – амнезия, энди хотирасини ҳам улоқтиради шекилли.

Амнезиями ёки бир жисмдаги икки хил инсонга айланишми? Бири будирки, кундузи яшайди – ҳаммасини унутади. Иккинчиси – тун қоронғисида кўз юмолмайди – ҳаммасини эслайди. “Ажаб эмаски, иккови мураса йўлини тутса”.

Йўл-йўлакай “Фигаро” ва “Либерасьон” олди. Аълма автохалокати билан ваннадаги мурда ҳамон эътибордан четда. Бу хусусда оғиз очмайдилар, ҳамон бирор сўз айтишмаяпти.

6. ЛУИЗАНИНГ ПАТРИСИЯГА АЙЛАНГАНИ ХУСУСИДА

Икки кундан сўнг у Бекон-ле-Брюйерга етиб келди. Соат милига терс ҳаракатланиб, Париж ташқарисини ярим айланди ҳисоби: Роменвиль ва Клишида тунаб қолди, офтобда товланиб, икки кило озиб кетди. Аммо ҳар гал ўзини қўлга олади ва сўрайди (бу саволга Лу юзлаб марта оғиз очди):

– Сизга сотувчи (кассир ё официант) керакми?

Ҳаво ҳамон иссиқ, ёзнинг кетгиси йўққа ўхшайди. Уст-бошлар яна енгиллаб, куёш қорайтирган елкалар тагин намоён бўлди. Нафсиламрини айтганда, на Обервилье ва на Пантендан пиёдалаб ўтиш Лунинг кўнглига ўтирмасди. У метрони ҳам хушламади-да, айланма йўналишдаги автобусга чиқди ва Сен-Денидан ҳам ўтиб, Сент-Уэнда тушиб қолди.

Яёв ҳолда иш кидиришда давом этаверди, эшикларни тақиллатиб бораркан, онда-сонда газеталарга ҳам назар солиб қўярди. Ахийри, умид косаси чил-чил синиб, бошини қаёққа уришни билмасдан тонг қолди. Шунда пайшанба, соат ўн бир ярим эди: Бекон истироҳатгоҳидаги ўриндиққа чўкиб, суянчиққа бош қўяркан, Лунинг силласи куриб бўлганди. Куёш ёздагидай жазиллатмоқда. У кўзларини беҳол юмди.

Қушлар ва болакайлар ғужурлашади. Ҳавода каштан ва куриб ётган кумнинг ва... итларнинг хиди анқийди. Анжела хавотир олиб, Вирофлега сим қоққандир? Ивон-чи, уйга кирдимикан, ё..? Балки улар полицияга арз қилишни бефойда ҳисоблашган бўлса керак. (Рост-да, эс-хуши жойида ва ихтиёри ўзида бўлган бир аёлни ахтариб, ҳамма ёқни обдан титкилаш полицияга зарур келмаган-ку.) Ивон столдаги бир жумла хат ҳақида ҳеч кимга тишини ёрмаган, албатта. Йигитга унинг мазмуни оғир ботгани аниқ.

Иккови бир тўхтама келган: “Сабр қилайлик-чи”. Анжеланинг фикри:



“У қайтиб келади”. Ивоннинг хаёли бўлакча: “Қайтиши даргумон, Лу қандайдир сирни яширмоқда”. Анжелада асосли хулоса ҳам йўқ эмас: “У ниҳоятда ҳорғин бўлиб, дам олмаса иложсиз эди-да.”

– Вой-й, – чинқириб юборди жони оғриган Лу ва алмойи-алжойи хаёллари барбод бўлди.

Лунинг жароҳатланган оёғидан қон оқа бошлади: рўпарасида эса нотаниш холага “иш кўрсатган” жажжи болакай. Афтидан, у уч ғилдиракли велосипедининг бампери содир этган “қаҳрамонлик”дан ғурурда, ҳатто ҳузурда эди. Лу унинг қўлидан ушлади, кичкинтой дарров тишини ишга солди ва ўша ондаёқ шапалоқ зарбидан қаттиқ қалқиб кетди.

– Ҳа-а шумтака, ҳали қараб тур, – деб хижолатомуз койинарди ранги ўчган чорпахил аёл, унинг сочлари дурраси остида эди.

Лу унинг қўлидан тутиб ўтинди:

– Ҳечқиси йўқ, норасидани урманг, қўйинг.

– Аяб қўями? – тутоқди аёл. – Одобсиз зумраша!

Луни ўшанақа шумтака ва зумрашалардан ўндан ортиғи қуршовга олди, барча кўзлар қонли оёққа қадалган.

– Ҳамманг ичкарига! Яшин тезлигида! – кийқирди чорпахил хоним ва Лунинг билагидан тутиб, туришига кўмаклашди: – Уйга кирайлик, ярангизни дорилайман, боғлаб қўяман.

“Йўқ” дейиш маънисиз эди. Аслида шуниси маъкул келиб қолгандики, танҳо ўзи курашиб-курашиб адо бўлди, ахир. Қанийди, кимдир шафқат қўлини чўзиб, “бери кел” деса. Луга бундан ортиқ ҳеч нарса керакмас.

Икковга эргашган гўдаклар галаси хиёбон ёнидаги путурдан кетган уй сари йўл олди.

– Ҳаммаси ўзингизникими? – қизиқди Лу.

– Ўзимниқиям, бегонасиям бор. Аммо худди манави шумтака ўз болам, қонимни ичиб тўймайди, – хоним велосипедли шоввозни тиззаси билан туртгани, бунга жавобан оёғига тепки тушди.

– Ёши нечада? – беозор жилмайди Лу.

– Эсимда қоптими? – ғудурлади аёл. – Билганим шуки, ҳали мактаб ёшига етгани йўқ, билъакс, тавбасига таянтирардим, албатта.

Лу кўриб турардики, болаларнинг бари миттигина бўлиб, икки-уч ёшдан ошмагани.

У остона ҳатлабоқ қулоғи қар бўлаёзди: каравотларнинг панжарасига чирмашган икки гўдак томоғи йиртилгудай биғиллаб дод соларди.

– Жим! – деди чорпахил хотин хийла зардали оҳангда. – Беш дақиқадан сўнг ҳамма овқатланади.

Аёл ярасига спиртли пахта босганда, Лу инграб юбораёзди ва боши айланиб, линолеум тўшамали полга ўтириб қолди. Кўз олдида қора ҳалқалар рақси бошланди. Салдан сўнг кўзини очди, теварагини жавдираган гўдаклар қуршаб олишгани. Ошхона тарафдан ҳамдардликдан олис кичқирик эшитилди:

– Ҳозир сизга қаҳва опчиқаман...

Полда ўтирган кўйи қайноқ ичимликни хўплаётган Лу миннатдор оҳангда деди:

– Қачон бунчалар тотли қаҳва ичганимни Худо билади, раҳмат сизга, хоним.

Муруватли аёл бош ирғади ва таклиф қилди:

– Тушликни биргаликда баҳам кўрамиз. Юринг, жиндай кўмаклашсангиз, тезроқ бўлади. Исмингиз нима?

– Патрисия, – деворди Лу. – Сизники-чи?

– Ойша.

Кўриниб турардики, ўн-ўн беш болакай ғимирлаётган уч хонали уй ичида пишир-куйдир қилиш хавф-хатардан холи эмаслиги Ойшани заррача ташвишга солмасди. Ўн дақиқадан сўнг у катта эмаль тоғорани картошка қовурдоққа тўлдирди. Бу ер болалар учун емакхона ва ўйингоҳ, яна бошқа вазифаларни адо этарди: Ойша полда ўтирган ҳар бир хўрандага тақсимчада тушлик тарқатди. Лу ҳам, каравот-қафасда чакаги юмилмаётган гўдаклар ҳам насиба олишди, лекин қошиқ-пошиқ йўқ.

Лу шу топда ўзини ҳам уч ёшга тўлиб-тўлмаган мана шу тирранчалардай ҳис этаркан, қошиқсиз картошкаўрлик жуда хуш келиб, кўнгли очилиб кетганди. Ва албатта нимадир дейишни истарди:

– Бу йиғлоқилар галасини эплаш қийин бўлаётгандир, а?

– Нимасини айтасиз? – бош чайқади Ойша. – Баъзан буларни ғажиб ташласам дейман-да.

– Бир кам дунё деганлари ҳақ, – деди Лу ўсмоқчилаш илинжида, – сиз ишга кўмилиб ҳалаксиз, мен эса иш тополмай сарсонман.

Масала биргина дақиқада ҳал: Лу кунига уч юз франк олади. Иш соат тўққизда – ота-оналар болаларни олиб келганда бошланади, ўн олтида яқунланади. (Кичкинтойлар ана шу вақтда уйларига жўнатилади.)

– Билиб қўйингки, – таъкидлади Ойша, – фарзандларини менга, фақат менга ишонишади.

Лу учун шуниси айни муддао эдики, бу ишхонасини биров билмайди, Ойшага у ҳақдаги маълумотларнинг қадр-қиммати аллақачон эриб битган қорчалик ҳам эмас. Хуллас, у айни дақиқадан хизмат вазифасини бошлаши мумкин.

– Гоҳи ё бу ерда, ё истироҳат боғида болалар билан уч-тўрт соатлаб ёлғиз ўзинг қоласан.

– Қолавераман, – бош ирғади Лу. – Мен учун энг муҳими иккита: ҳар оқшом кунлик ҳақимни олсам ва мени бошқаларга вақтинча турган дугона сифатида таништирсангиз кифоя.

Аслида Ойша ишга ва оғзига пишиқ эдики, бусиз ҳам ақли ҳамма нарсага етади.

Куннинг иккинчи ярми “осуда соат” дан бошланди. Ойша болаларга кўрпача тўшаб, эшик-деразаларни беркитди. Кундузги уйқу қатъий қоида бўлиб, мутлақо муҳокама қилинмасди ва чорпахил хоним ўзи ҳам роса бир соат ором олди.

Каттакон каравотдаги Ойшанинг ёнига чўзилган Лу фариштадай безор пишилласа, Ойша хуррак баҳсида матросларнинг энг зўрини ҳам бир чўқишда қочирарди.

* * *

Лу меҳмонхонани ҳар куни янгиларди. Ойша билан бугунча хайрлашди-да, туннинг ғамини ейиш учун Коломб, Буа-Коломб, Ла-Гарен-Коломб, Аньер, Клиши томонга йўл олди. У кундалик харажатни уч юз франк



микдорида белгилаб қўйган: ўн икки франк – газетхонликка, ўттиз франк – корин ғамига. (Мадагаскарликлар ё покистонликлар очган арзон тамад-дихоналарда енгил чайналиб оларди, холос.) Захира картмонга шанба-як-шанбадагина (Ойшанинг уйида дам олиш) қўл соларди.

Аммо қулоғига ўрнаб қолган жумла ҳамон Луга тинчлик бермайди, айниқса, кечалари эркак овози айнуҳаннос соларди:

– Бунчалар оғир юкни кўтариб юраверишга бардошинг етмайди, қачондир кимгадир ёриласан. Эртами-кечми, бари бир, оғзингдан гуллаб қўясан.

“Йўк! Ҳеч қачон! Бундай қилишим мумкинмас. Ким бўлса-бўлсинки, ўз сиримни ошкор этишимга эҳтиёж туғилмайди. Ишларим зўр, кундан-кунга яхши бўлмоқда”.

Ўттизинчи сентябрда октябрь ойи учун ижара ҳақини тўлади. Бир ҳисоблагач, яна ҳисоблаб чиқди: тўғри, ҳалокатдан бери роппа-роса бир ой ўтгани бегумон, маълум ва машҳур маликанинг, яъни ўша юлдузнинг ўлими билан бошланган олам-жаҳон шов-шувга бир ой тўлди. Лу учун эса ундан буён йиллар ўтиб кетганди. Йўк, бир ойгина холос. Меҳмонхонадаги марҳум йигитнинг киссасидан топилган картмон эндигина яримладики, Лу Пютодаги почтага кириб, ижара пулини жўнатди, қабул қилувчи – Ви-рофледаги уйни ижарага берган агентлик, манзили аён.

“Собиқ уйим. Нега собиқ? Ўзимнинг уйим. Ижарасини тўлаб қўйдим, калити чўнтагимда, инчунин, тасарруфимдаги ўз бошпанам-да”.

* * *

Биринчи октябрь. Анжела эсига тушиб Луни хижолат юки босгандай туюлди. Анжела – аниқлик ва интизомнинг жонли андозаси. Лу ундан кетди, лекин бирор оғиз узрхоҳлик қилганича йўк.

Модомики, ишламас экан, ётиғи билан ва яхшиликча айтиб қўйса, зиён бўлмасди. Лоақал ўзини тезроқ унутишлари учун ҳам Лу Анжеланинг олдига боргани ва бўшаш нияти борлигини билдиргани маъкул-да.

Октябрнинг илк шанбаси. Лу сўнгги неча ҳафталар мобайнида Парижга илк бор қадам қўйди ва биринчи марта метрога тушди: Пон-де-Левалуа – Катр-Септамбр йўналишидаги поезд.

Анжела ресторанда ўзи ёлғиз эди ва ажабки, уни айнан шундай учратиш Луни кўнглидан ўтганди.

– Лу! – унга кўзи тушган ондаёқ яйраб кетган Анжела кичкириб юборди ва бир даста ликопчаларни кўтарган кўйи ўрнида қотиб қолди. – Ваниҳоят келибсан-да! Теримга сиғмаяпман.

Лу узр-маъзур қилган бўлди. Анжела идишларни қўйди-да, чопа келиб бағрига олди. У ўта ҳаяжонда экани кўриниб турарди.

– Бай-бай, озиб кетибсан-ку. Сенга нима бўлди, а? Кўз тегмасин, кийимларинг шундай ярашибдики, бир қошиқ сув билан ютиб юборишади сени. Қуёшда рангинг тиниқибди. Сочларингни бўябсан.

Лу жўяли чўпчакни аввалдан ҳозирлаб қўйганди. Мана шу соатни ўйлаб, ролини обдан ёд олгани энди иш беради.

– Анжела, айтинг-чи, кимнидир бир кўришдаёқ севиб қолганмисиз-йўқми?

Хуллас, “сценарий” тубандагича: Лу иттифоқо бир йигитни учратиб, ақлу хушидан айрилди. Ўша лаҳзадаёқ бошқа ҳамма-ҳамма нарсани унутди. Ҳатто қанча вақт ўтгани ҳам мутлақо ёдида йўқ. Икков йўлга тушиб, олис-олисларга кетишди, икков, яъни Лу ва илк учрашувдаёқ сеҳрлаб қўйган ўша афсунгар инсон. Мисоли жаннат: денгиз, отель, кунга уланган тунлар, тунга туташган кунлар... “Кино, худди кино”, хўрсинди у.

– Фақат бу фильм кинотеатр сеансидан узоқ, хийла давомли эди. Бу қисса айтсам адо бўлмайди, Анжела, кейин еттинчи осмондан қора тупроққа тушиб қолдим. Афсунгар йигит ўлгур уйланган экан, зарда билан поездга ўтирдим-да, этак силкиб келавердим, – Лу ўйлаганидан ҳам зиёда тезликда бидирлади ва “достон” яқунланди.

Анжела кафтини унинг лабларига босди.

– Сенга жудаям оғирлигини биламан. Агар кўнглинг кўтарса, кейинроқ батафсил айтиб берарсан. Ҳусну жамолингга қараса, бу кўргилик тилло узукка ёқут кўз бағишлабдики, бениҳоя очилиб кетибсан.

Лу унсиз йиғлаб юборди.

– Қўй, кўнглимни бузма, – унинг бошини силади Анжела. – Ўзинг кўрасан, вақт ўтгач, қалбинг иқрор бўладики, ошиқлик – балойи азим. Моҳияти шу: сабоқ оласан, кўзларингни очиб кетади. Ҳозир вақтинг қанақа? Дарҳол ишга киришсанг-чи? Япониядан келган йигирма кишилик гуруҳ тушлик қилмоқчийди.

Иш яқунлангач, Лу Пютога бориб, меҳмонхонадан буюмларини олди. Ойшанинг почта қутисига эса кафтдай битик ташлади: “Сиз беҳад бебаҳо аёлсизки, янги ёрдамчини ҳам осонгина топа оласиз”.

У ортига дадил қайтиб, тунашга Левалуа-Перени танлади: энди Парижга яқинлаша бошлаганди.

7. УЙГА ҚАЙТИШ ВА УЙДАН ВОЗ КЕЧИШ

Анжела билан иш бошлагач, Лу оз-моз овунгандай бўлди. Аммо аввалгидай меҳмонхонани алмаштириб, ҳар кеча янги жойда тунарди. Париж бўйлаб “саёҳати”ни давом эттираркан, энди қўналғалари шаҳар ичига кўчганди: Пуэн-дю-Жур дарвозаси, Ванв чегараси, Версаль...

Маош олаётган эса-да, жамғармасининг чўғи камая бошлади. Бу ҳолда ижарадаги уйни узоқ саклаши ҳам қийин.

Бир оқшом автоматга кириб, Вирофлега кўнғироқ қилди. Ижара шартномасини бекор қилиш фикрига келгач, буни муаммога айлантирмаслик учун Ивонни огоҳлантириб, олдидан бир ўтиб қўймоқчи эди...

Хуллас калом, гўшакни ҳеч ким кўтаргани йўқ: каллайи саҳар ва ярим тунда ҳам ўша аҳвол.

Эртасига кечки соат еттида Лу Сен-Лазар вокзалидан электричкага ўтириб, Вирофлега отланди. Кунига олтинчи октябрь бўлиб, қош қорая бошлаганди: Лу ўзини ёзги таътилдан уйига қайтаётгандай ҳис этарди.

У станциядаги матбуот шохобчасидан қолган ягона “Либерасьон”ни сотиб олди. Хўш, Ивон билан учрашуви қандай кечиши лозим? Савол-жавобларини хаёлан машқ қилди, тахминий вазиятларга ҳозирланди...

Ивон уйда йўқ эди. Ётоқхонадаги каравот бесар бўйича ётибди. Полга тушиб қолган “Елканлар”нинг очик саҳифасида йирик ҳарфли сарлавҳа:



“Яхта бортида нон пишириш усуллари”. Лу керакли буюмларни, почта кутусидан бир неча мактуб ва реклама агентликлари ҳаммага йўллайдиган хатжилдларни олди-да, вокзал томонга ошиқди. Уйда ўн дақиқадан ортик тургани йўқ.

Париж поездида кетаркан, кундузи “Либерасьон” олгани эсига тушди. Газета уни бир неча ҳафта орқага улоқтириб юборди. “Диана ҳалокати: вазият таҳлили” – ушбу сарлавҳа остида кичкина сарлавҳа – “Топилган ашёвий далиллар тўқнашув ҳақидаги тахминни тасдиқламоқда.”

Лу биргина лаҳзада олти устуннинг ҳаммасига кўз ташлаб чиқди. Дафъатан қараганда, ўзига нотаниш бирор янгилик йўқ. У яна бошидан тушди, ҳа, янглишмабди. Газеталар сентябрнинг ўрталарида худди шунини ёзишганди: оқ рангли “Фиат-уно”, далиллар топилган, тез орада ҳалокат вазиятини аниқлаш мумкин бўлади.

Демак, бу кўргилиқдан ҳеч қачон кутулолмайди. Лунинг қарори қатъий: айнан эртага тонг саҳардаёқ ижара шартномасини бекор қилиб, кўч-кўлонини олгани киради, кейин эса бу уйни елкасининг чуқури кўрсин.

У ижара агентлиги билан эрталаб тўққизда телефонлашди. Пешиндан сўнг Фобур-Пуассоньер кўчасидаги “Бретон ҳаммоллари” фирмасига борди. Лу маълумотномага қараб, бу ташкилотни айнан шу сабабга кўра танладики, ишхонасига яқин эди.

– Бўпти, шанба куни борамиз, – дейишди бретонияликлар, – кўчларингиз энгилроқ бўлса, хизматингиз бажарилади. Кичкина шарти шуки, кечга яқин кўлимиз бўшайди...

* * *

Лу чоршанба куни газета олиб, хусусий эълонлардан иккитасини белгилаб қўйди: Клиши дарвозаси олдида, Берцелиус кўчасида жойлашган бир хонали хонадон ва Қамар кўчасидаги икки хонали уй, унинг ҳажми кичикроқ бўлиб, Сантьегга ҳамсоя эди. Ўша оқшом Қамар кўчасига бориб, 23 квадрат метрлик истиқоматгоҳини кўрди ва шартномага бармоқ босди.

Пешиндаги танаффус маҳали ҳаммолларга шанба куни кўчажаги муқимлигини эслатди ва Қамар кўчасидаги манзилгоҳни ҳам билдириб қўйди. Ресторанга қайтиб, Анжела газета ўқиётганига кўзи тушди – қай бир хўранда унутиб қолдирган “Фигаро” экан. Саҳифа аввалидаги ўнг бурчакда гўзал сурат яққол кўзга ташланиб турибди: эгилишга мойил бош, жиддий боққан кўзлар, зар-зар кокиллар ва уч шода маржон. Лу дарҳол таниди...

Салдан сўнг Анжела катта пичоқда майдалаб пиёз тўғраркан, Лу отилиб ташқарига йўл олди. “Кечирасан, Анжела, бир дақиқа очиқ ҳаводан нафас олмасам, кўзим ачишиб кетди”.

Бу баҳона эди, албатта.

Сарлавҳа: “Диана: 112000 “Фиат-уно” кидирувда”.

Иль-де-Франсинг расмий рўйхатида бир юз ўн икки минг “Фиат-уно” қайд этилган бўлиб, терговчилар ўша машиналарни синчковлик билан ўргана бошладилар. Улар ҳар бир автомобиль эгаси билан яқка тартибда суҳбатлашадилар.

Лу ўзига тасалли берди: “Бир юз ўн икки минг! Бунча машинани кавлаштириш икки кунда битадиган иш эмас!”

У пайшанба ва жумада – тагин икки кечани меҳмонхонада ўтказди. Туни билан таниш садо қулоғида жаранглайверди: “барибир тилингдан илинасан, бу – муқаррар, машъум сирни сақлаш ниҳоятда оғир”.

Лу кўз очибок, рад қила бошлади: “Кўрамиз, асло унақа бўлмайди. Бўлак ишларим тикилиб ётибди, мен ўшаларни ўйлашим керак”.

Жума куни Анжела дабдурустдан сўраб қолди:

– Лу, сен ўзинг шунга ишонасанми?..

– Нимага? – ҳайрон бўлди Лу. – Нимага ишонаман?..

– Шу аёл ўзингмисан? Ишқилиб, сени алмаштириб қўйишган эмасми?

Анжела тикилганича қотиб турарди. Лунинг нигоҳи эса пичоқ тиғидан илондай тўлганиб тушаётган картошка пўстида. Ногаҳоний саволдан сескангани йўқ, қўли ҳам кесилмади. Анжеланинг сўзларига нисбатан ўзидаги совуққонликдан англадики, энди муайян даражада кўркувнинг кули эмас. Ўлар хўкиз болтадан тоймас деганларидек, Лу ўзи кўркувнинг тимсолига айланиб бўлгандики, ҳеч бир таҳдид уни ваҳимага сололмайди. Чунончи, башарти, полиция қидириб келса ҳам, киприк қоқмайди.

* * *

Шанба куни соат учда Виррофледаги уйига ҳаммоллар келишди ва роса уч соат уриниб, кўч-кўлонни жойлашди, кастрюлкалар пойабзалга тўлди, китоблар чойшабга тугилди. Ярим соат ҳам ўтгани йўқ: Қамар кўчасидаги хонадонда рўзғор буюмлари хирмони қад ростлади, катта хонадаги тўрт мебель орасида алламбалолар уюлиб ётарди. Қути ва яшиқларни ҳаммоллар олиб кетишди.

Уларни кузатгач, Лу бир йиғлаб олди ва дарбадарликдаги сўнгги кечани ўтказиш учун меҳмонхонага жўнади.

Якшанба. Лу ишга киришиб, соат тўққиздан ўн биргача уй басарлади. Пойабзалларнинг жуфтини топди, ёстикжилдни, “Нескафе”ни жой-жойига қўйди ва Қамар кўчасидаги илк тунни қаршилади.

8. АХТАРАДИЛАР, ИЗЛАЙВЕРАДИЛАР

Душанба. Лу Париж миллий банкига кириб, шахсий ҳисобини ёпди ва на бу ерда, на бўлак банкда янги варақа очиргани йўқ. У ўзини синамоқчи: чек дафтарчаси ва кредит карта бўлмаса яшай оладими-йўқми? Кечқурун саккизда ётганича, ўн икки соат мириқиб ухлади.

Сешанба – изтиробнинг энг оғир азоби бошланган кун. Лу чоршанба ва пайшанбани ҳам ана шу қийноқда ўзи билан олишиб ўтказди.

Нега? Нима учун ахир? Ариларнинг уясида халос бўлувди-ку, уни то-полмасликлари аниқ бўлаёзган дамда бунчалар виждон азоби зарур эдими?

Жума. Лу енгилди, таслим бўлди. Хобидаги садо ҳақ: бу юкни ортиқ кўтаролмайди, бардоши қолгани йўқ. У соат уч билан тўрт орасида Гран Пале ёнидаги полиция комиссариатига отланди. Маълумотномага қараб билдики, бу маҳкама Альма тоннелига энг яқин масофада жойлашган, қолаверса, у Саккизинчи округнинг марказий комиссариати вазифасини адо ётарди.



Лу кириб борганда, у ерда деярли ҳеч ким йўқ бўлиб, одатдаги вазият ҳукм сурарди. Уни семиз полициячи қабул қилиб, қизига қулоқ солган падар мисоли диққат билан тинглади.

– Қани айтинг-чи, – деди у, – не арз билан келдингиз?

Лу 31 августда бўлган ҳамма гапни оқизмай-томизмай тўкиб солди. Ярим тундан салгина оғувди, ранги оқ “Фиат-уно”ни бошқариб борарди. Ҳа, худди ўша дардисар-машина. Рулда ўзи бўлган. Кор-хол яшиндай содир бўлиб, Лу кўз очиб-юмишга улгургани йўқ: бу ҳақдаги газета хабарларига кўшимча бирор янгилик айтолмайди ҳам. У ниҳоятда кўркиб кетганди, қочаверди. Матбуотда кўтарилган шов-шув жараёни яна ҳам ўтақасини ёрди. Кун-бакун ўзини йўқотиб, хаёли чуваланаверди. Энди аҳволи дуруст, хийла ўзига келди ва иқроор бўлишга куч-бардоши етади.

Зобит унинг гапини бўлмади, қоғозга бирор сўз ёзгани йўқ, чамаси у асло ҳайратга тушмаётганди.

– Машинангизнинг техпаспорти борми, хоним?

– Йў-ўқ, – бош чайқади Лу.

– Шахсингизни тасдиқловчи ҳужжат-чи?

Лу юзига қон тепиб, ёноқлари қизара бошлаганини сезди.

– Паспорти ҳам... Сизга шуни айтишим зарурки...

– Хўп, “Фиат”-чи, у қаёқда? – полициячи ёнлаб қаради.

– “Фиат”? Қанийди қаёқдалигини билолсам, – деди Лу унга жавобан.

– Менимча, қайсидар кўл тубига чўкиб ётгандир. Нега десангиз, ўша автохалокатдан сўнг мен...

Полициячи унинг гапини бўлди:

– Лоақал рақамини эсларсиз?

Лунинг ҳафсаласи пир бўла бошлади:

– Йўқ, бу менинг аҳмоқлигим, ўша рақамни ҳеч қачон ёд билмасдим, шу топда техпаспорт бўлмагач, янаям...

– Бу табиий ҳол-ку, – маъқуллади полициячи. – Менга қаранг, бу ерга келишингиз жудаям оқилона иш бўпти. Мана энди енгил тортасиз. Гоҳо қалбингни кимгадир очиш ҳам керак-да. Ишлайсизми?

– Ҳа. Ресторанда. Кимлигимни, турар жойимни ёзиб олмайсизми?

– Нега энди? Ёзиб оламан, – деди зобит.

– Луиза Ориган, уйим Қамар кўчасида, телефоним – 06.85.34.37.35, бу рақамдан бир ўзим фойдаланаман.

– Жудаям соз, – деди полициячи, у фақат телефонни ёзиб олди. – Хайр, хоним, сизга омонлик тилайман. Ҳаммаси тушунарли. Агар маълумотингиз инобатга олинса, ўзимиз сим қоқамиз.

– Башарти, шундай бўлмаса, ажабланар эдим, – таъкидлади Лу.

– Полицияга боғлиқ масалаларда ҳеч бир ажабланишга ҳолат йўқ. Бизга ишонасиз, вассалом.

Лу ўрнидан кўзғолди. У эшик сари одимларкан, ҳамон бир саволга жавоб излаб борарди: “У “жудаям соз” деганда нимани назарда тутди ўзи?”

Лу остона ҳатлаган онда ортидан гулдурос қаҳқаҳа эшитилди. Семиз полициячи тез-тез ва кулги аралаш бир нималар дердики, у бирорта сўзни ҳам англагани йўқ.

– Бу эллик тўртинчиси! – хитоб қилди полициячи. – Биргина бизнинг округдан эллик тўртинчи даъвогар! Иккитаси кеча келувди, бугун манави хотин. Нима бўлса-бўлсинки, бу аёл хусусида жиноят-қидирув бўлимига

хабар бермайман. Кулгили-да. Юз-кўзига зеҳн солдингми? Тамоман томи кетган... Дианага ўхшаш куткусиди: сариқ соч, мастона нигоҳ, жиддий кўзлар. Манглайига гажак қўйиб, юпқа пошнаги туфли кийса бас, бунақалар ўзини малика Уэльская ўрнида кўраверади. Худо биладими, шундай қизлардан қанчаси жиннихонада ётибди...

* * *

Шукур, юрагидаги юкдан кутулди. Энди кўнгил оромидан, ваҳималар тинч қўйишидан умидвор. Ақалли икки кунгина осуда ва беғалва юрсам дерди. Худди шундай бўлди. Илк бор кўчада тик туриб пицца еди: заррача хавотир олмади, елкасига тушадиган зилдай қўлни ҳам ўйлагани йўқ. Отвиль кўчасидаги баққолнинг дўконига бир марта, иккинчи, учинчи, ўнинчи бор киравердики, қўлига кишан солишларидан кўркмади. Лу янги даҳага аста-секин кўникиб борарди. Ниҳоятда шинам бу кўчада аёлларбоп дўконлар қаторлашиб турса-да, эркак зоти ҳам кам эмасди.

Полициянинг қўнғироғидан дарак йўқ...

Лу онасига телефон қилди: “Ахийри, уяли телефон олдим. Рақамини ёзиб олинг. Эскисини ўчириб ташлайверинг, энди уйда телефоним йўқ. Керакмас-да. Ўзингиз тузукмисиз? Жанубда об-ҳаво зўрдир?.. Ивонми... кулок солинг, ойижон, йўқ, унақамас. Ҳаммаси мен ўйлаганимнинг акси бўлиб чиқди. Кейин айтиб бераман... Ҳа-а, сиз шунақа дейсиз-да. Бўпти. Хайр. Савол бераверманг, ўзим бафуржа айтаман, ҳа, ҳа, ваъда бераман, ваъда”.

* * *

Ноябрнинг бошида пул тўла катта картмон бўшади. Лу ташвишланиб ўтирмади-да, улоқтирди-кутулди. Бир йўла швейцарча пичоқни ҳам йўқотди. “Бировнинг буюмини бошимга ураманми?”

У телевизор олмади. Шу аснода аён бўлдики, паспорт, чек дафтарчаси, кредит картаси бўлмаса ҳам, бемалол яшаш мумкин экан.

Радио эшитиб туради, фақат мусиқий дастурларни. Ресторанда ё автобусдаги унутилган газеталар гоҳо қўлига тушиб қолади. Ана шунда қоп-қора сарлавҳалар остига назар солади: терговчилар норози. Уларга қўйилган талаб қатъий: Диана ҳалокати бўйича имкон қадар кўп изқувар сафарбар этилсин! Демак, котилликлар, бошқа оғир жиноятлар ўлда-жўлда қолаверадими?

Ўн биринчи ноябрь куни Лу кеч уйғонди. Ташқари кузнинг қатъий ҳукмида: ёмғир муттасил ёғмоқда, шамол дераза ойналарини чертиб қочади. У “Бради” растасига кириб, Ҳиндистон қандолатларидан олмоқчи эди. Сен-Дени хиёбонидан ўтаётганда, кимдир чақирди:

– Лу!

Аёл овозни таниди ва кўзлари сариқ плашли мотоциклчини қидириб топди, у бошидаги шлёмнинг юзникибини кўтариб турарди.

Лу терс қараб жўнавормоқчи бўлди, лекин истиҳола қилди. Ивон ёнгинасида – йўлакка оёқ қўйиб олганди.



– Ўзгариб кетибсан-ку! – деди йигит мотоциклдан тушмай. – Тобинг қочдимми? Зўрға танидим.

– Баъзан бўп қоларкан-да, – жавоб берди Лу. – Сўнгги вақтларда мен ҳам гоҳо ёнимдагиларни танимаяпман. Фаройиб хол.

Ивоннинг афтига қараганда, ранжиганлик аломати зоҳир эмасди.

– Сендан хижолатман, Ивон, кечира қол.

– Майли, – бош ирғади у. – Бирон нима ичасанми? Вақтинг қанақа?

– Жуда шошиб турувдим.

– Балки кечки пайт...

– Менимча, кераги йўқ, истамайман.

Ивон бўлак бир оҳангда сўради:

– Илгаригидай Анжела билан ишляпсанми?

– Йўқ, – бош чайқади Лу, – бўшадим, мен...

– Ёпирай! – Лунинг сўзини бўлди Ивон. – Ҳали ишингниям янгилашга улгурдингми? Демак, энди хаётинг батамом бўлакча экан-да.

– Пешанада ёзилгани шу бўлгач, қаёққа қочасан? – салмоқлаб гапирди Лу. – Аста-секин, қадам-бақадам шу ҳолга етиб келдим.

– Йў-ўқ, – эътироз билдирди Ивон. – Тез, жудаям тез келдинг, Лу.


– Сен шу фикрдамисан ҳали?

Ивон қошларини чимириб, жиддий қиёфада сўз бошлади:

– Билсанг, Лу, газеталарни ўқир эканман, хаёлим сенда бўлаверди. Диана фожиасидан хабаринг борми, ахир? “Мерседес”нинг йўлини тўсган дардисар-машина оқ рангли “Фиат-уно” эди. Худди сеникига ўхшаш! Ҳамма “Фиат” эгалари сўроқ қилинади. Ўтган ҳафта “Либерасьон” ёзди-ку: “Фиат-уно” қидирилмоқда”. Сенгаям “меҳмон” бўлишади. Ё келиб-кетишдимми?

– Келганлари йўқ, лекин ўзимни кўчада тўхтатишди. Бунга бир неча кун бўлди: рулда эдим, Терн авенюсида машинамни кўрсатишни талаб қилишди. Жандармлар эди чоғи. Автомобилнинг ҳаммаёғини обдан текшириб кўрдилар, бу беш дақиқадан мўлроқ давом этди. Машинани қачон олганим, авария пайтида қаерда бўлганим ҳақида ёзиб бердим. Кейин кўйиб юбордилар. Аслида тўғри қилишади. Бироқ улар кимнидир қўлга тушира олишига унчалик ишонмайман. Францияда бунақа “Фиат”лар қанча? Ўн мингта бормикан?..

– Янглишдинг, – луқма солди Ивон, – фақат Парижнинг ўзида юз мингдан ошиқ: ҳали узок излашади, ахтараврадилар, излайверадилар.



Маҳмуд ТОИР

ЕВРОПА САЁХАТИ: ХАЙРАТ ВА ШУКРОНАЛИК

Муқаддима ўрнида

Инсон ҳамма нарсдан ҳам кўра, ўзлигини билишга қизиқади. Билишнинг эса йўллари, усуллари кўп. Шулардан бири – саёхатдир. Ўз навбатида саёхатнинг ҳам турлари бисёр. Қизиқ бир китоб ўқисангиз – бу ҳам саёхат. Дилбар куй-кўшиқ эшитсангиз – бу ҳам гўзаллик, нафосат оламига саёхат. Набирангизни суйиб, эркалаб, шириндан-шакар сўзларини завқ билан тингласангиз – бу ҳам саёхат, ёшликка, болаликка саёхат.

Саёхатлар ичра яна бир мароклиси дунё кезиш, ўзга юртларни кўриш, бир сўз билан айтганда, жаҳонгашталиқ. Халқимизда “дунё кўрган”, “юрған – дарё, ўтирган – бўйра”, “кўп кўрган – кўп билади” деган иборалар бор.

Бу фикрларнинг тасдиғини 2016 йил Европанинг бир қатор мамлакатлари бўйлаб қилган саёхатимизда яққолроқ кўрдим.

Шундай қилиб, Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмасига қарашли Агрохборот инновация маркази ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл туманидан, Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё, Жиззах, Наманган вилоятларидан жами 37 нафар фермер, тадбиркор Европадаги ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш мақсадида сафарга отландик.

Аввало, шуни айтиш керакки, бундай саёхат, тажриба алмашишлар, дунёга чиқиш бўйича яратилаётган имкониятлар мамлакатимизда фермерлик ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кўрилаётган кенг кўламли чора-тадбирларнинг бир қисми, холос.

Азиз ўқувчи, сизга тақдим этаётган бу саёхат дафтаримни “Европа саёхати: хайрат ва шукроналик” деб аташга жазм этдик. Бунинг сабаби иккита. Биринчиси – Европа бўйлаб қилган саёхатимиз дастлабки дақиқаларидан бошлаб сўнгги сонияларигача хайратда қолдик, айти пайтда кўҳна қитъани бугунги кунда қамраб олаётган муаммоларни кўриб, жиндак хавотирга ҳам тушдик. Инсоният шунча машаққатлар билан эришган тараққиёт ютуқларидан эзгулик йўлида фойдалана оладими? Ҳозирги ривожланиш чўққисидан, худди лаънатланган Сизиф сингари, яна тубанлик сари юмалаб кетмайдими? Яқин Шарқ минтақасидаги нотинчликлар туфайли бу қитъага қочқинлар оқими бир зум тўхтамаяпти. Муҳожирлар билан маҳаллий аҳоли ўртасидаги зиддиятларнинг ўзи – яна бир ўткир

* Маҳмуд Тоир – Ўзбекистон халқ шоири.

муаммо. Бир пайтлар кўпчилик учун мустақил давлатларнинг ихтиёрий бирлашуви борасида идеал – бекаму кўст тузилма бўлиб туюлган Европа Иттифоқи замонавий муаммолар олдида чок-чокидан сўкилиб бормокда гўё. Ҳар қандай хавф-хатарни олдиндан сезиб, фурсат борида этагини йиғиб, эшагини йўрғалатишнинг ҳадисини олган Англия ҳукумати аллақачон Европа Иттифоқидан чиқиш ҳаракатларини бошлаб юборди. Бошқа томондан жаҳон иқтисодий инқирози янгитдан забтига олмокда. Яна бир ёқдан глобаллашув жараёнлари маънавий-ахлоқий масалаларда янги-янги муаммоларни кўндаланг кўймоқда. Хуллас, Европанинг бошида минг бир муаммо, минг бир ғавғо, минг бир тўполон. Табиийки, яшил қитъа сари йўл олган оқили мардум фақат унинг хушрўй чехраси, сатанг қиёфаси ҳақида эмас, ана шу муаммолар тўғрисида ҳам ўйлайди. Чунки ҳеч ким кафил бўлолмайдик, эрта бир кун бизнинг бошимизга ҳам шундай савдолар айланиб келмагай, деб.

Ҳайратнинг боиси, ўйлайманки, Ғарб дунёсининг ҳозирги кундаги тараққиёт даражаси кимларни ҳайрат ва ҳаяжонга солмайди, дейсиз. Яна бир жиҳати юртимиз – Ўзбекистонимиз мустақил бўлиб, дунёни кезиш, Европанинг энг ривожланган мамлакатларида бошга дўппини дол кўйиб, кўкракни кериб юриш насиб этганидан ҳар қадамда кўнглимизда шукроналик туйғуси жўш урар эди. Тўғри-да, бундан 25 йил олдин Европада ўзбекни, Ўзбекистонни ким ҳам танир эди. Энди, қарангки, нафақат танийди, керак бўлса, ҳисоблашади ҳам. Бунга шукрона айтмай, бундан фахрланмай бўладими, ахир!

Иккинчи сабаб, улуг устозлар тажрибаси бу борада ҳам менга қўл келди. Маълумки, буюк Алишер Навоий бобомиз “Хамса” асарининг биринчи достонини “Ҳайратул-аброр” – “Яхшиларнинг ҳайрати” деб атаганлар. Ҳақиқатан ҳам, бу олам илм-маърифат излаган зотлар учун ҳайрат ва ҳикмат масканидир. Айниқса, ўзга юртларга, олис қитъаларга ташриф буюрган одам ҳар қадамда ҳайратга, ажойиб ва ғаройиб воқеаларга дуч келади, кўрганлари бамисоли Искандарнинг машҳур сеҳрли ойнасида жилолангандек бўлиб туюлади.

Улуг устозимиз Абдулла Орипов – жойлари жаннатда бўлсин – “Борлик гўзалликлар берару бизга, Эвазига фақат ҳайрат сўрайди”, деб ёзган эдилар. Ҳайрат – гўзалликка гўзал ва мантиқий жавобдир. Қалби пок ва гўзал инсонгина ҳайратланишга қодир. Ҳайрат – бу ҳар қандай мўъжизага инсоннинг муқобил, яъни адекват жавобдир. Келинг, кадрли журналхон, ҳайратларим ҳақида сўзлаб берайин, кўнглининг туб-тубидаги шукроналик туйғуларимни сиз билан баҳам кўрайин. Битикларимда ажиб ҳайрат ва таассуротлараро хавотирларим ҳам акс этган бўлса, ажабланманг. Чунки бу ҳаётда ҳамма нарса – яхшию ёмон, иссиғу совуқ, пасту баланд доимо ёнма-ён юради.

КЎКДАГИ ТААССУРОТЛАР

Икки соатдан кейин ўриндигим ёнидаги ойнадан пастга қарадим, зумрад либосдаги беҳудуд денгиз кўринди. Борт кузатувчисидан сўрадик, Каспий денгизи экан. Денгиз усти оппоқ ўркач-ўркач булутлар билан қопланган. Бу манзарани кўриб, беихтиёр олам оқ парда остида экан, деган хаёлга

борасиз. Балки, шу оппоқ булутлар ерга, инсонлар қалбига поклик улашиб тургандир.

Одамзод юксакликни хуш кўради. Аммо, дангал гапни айтадиган бўлсам, узоқ вақт ердан баландда учиш киши дилига бироз ваҳима солар экан. Яратган эгам учишни қуш зотига, ерда юришни эса инсонга раво кўргани бежиз эмас. Ҳар кимга, ҳар жонзотга ўзининг макони буюрсин экан. Одам учун киндик қони томган мукаддас тупроққа оёғи тегиб туришидан ортиқ бахт йўқ экан.

Ҳаш-паш дегунча бепоён Каспий денгизи ҳам ортда қолди. Энди пастда Озарбайжон ўлкаси, унинг теграсидаги шоирлар куйлаб ўтган Кавказ чўққилари кўзга ташланади. Қизғиш тоғ кенгликлари гўё қум тоғларига ўхшайди. Номига бўлсин, биронта дарахт ё бута, ахён-ахёнда чўпонларнинг кўй-кўзилари, кўралар кўзга ташланади.

Соат милларига қарайман, ўн иккидан ўн дақиқа ўтибди. Осмон типтиник, куёш чарақлаб турибди. Олам яна оқ булутлар остида қолди. Денгизни кўкдан кузатар эканман, Яратганнинг қудратига яна бир бор иймон келтирдим. Қанчалар чексизлик, қанчалар улугворлик, куёшли, сокин ҳавода денгиз ҳам осуда тин олмоқда. Аммо унинг тубида не сиру синоатлар борлиги ёлғиз Ўзига аён.

Йигирма беш йил аввал кимдир, бир кун келиб Тошкентдан тўғри Италия пойтахти Римга учадиган бўламыз, деса, “Бор, бу чўпчагингни бошқага айт”, деган бўлардим. Аммо мустақиллик ана шу чўпчакни ҳақиқатга айлантирганига нима дейсиз?

Биз истиклол йилларида туғилиб вояга етаётган ёшларимиз ҳақида хамиша фахрланиб гапирамыз. Самолётимизда хизмат кўрсатаётган стюардесса қизлар тимсолида буни янада ёрқинроқ кўрдик. Улар ўзбек, рус, инглиз тилларида шу қадар равон, самимий ва ёқимли гапирардики, эшитиб, ҳақиқатан ҳам ёшларимизнинг камолидан қувонасиз. Улардан бирини суҳбатга тортдим.

Хуршида Ҳасанова, 27 ёшда. Асли Қарши шаҳридан. Ҳозир Тошкент шаҳрида яшайди. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини тамомлаган. Уч тилни пухта билади. Тарих, география фанларидан яхши хабардор. Қатъиятли, ўзига ишончи мустаҳкам. Оилада уч опа-сингил экан, барчаси олий маълумотли, замонавий касб эгалари. Отаси Баҳриддин ака Ҳасанов – илм-фан фидойиси, профессор. Онаси ҳозирги кунда уй бекаси экан.

“Сафимизда ўзбек қизлари кўп, – дейди Хуршида мамнуният билан. – Стюардессаликка жиддий танлов асосида қабул қилишади. Қўшнимиз учувчи эди. У кишига ҳавасим баланд бўлган. Бахтлиман, болалигимдан кўкда парвоз қилишни орзу қилардим, мана, ниятимга етдим. Ҳозирги кунга қадар дунёнинг ўттиздан зиёд давлатида бўлдим. Турфа одамлар, турфа мамлакатлар, ҳар бирининг иқлими, табиати, шаҳарлари, одамлари ўзига хос. Кўриб ҳайратланаман, завқланаман. Аммо бир кун ўтмасдан Ўзбекистонимизни соғинаман. Боиси – дунёнинг бирон жойида биздагидек ўзбекона лутф, самимият, бағрикенглик, меҳмондўстликни учратмаймиз. Назаримда, ҳамюртларимиз қалбида Ўзбекистон куёшининг тафти бордек. Уларнинг истараси бошқача бир иссиқ. Киндик қоним тўкилган тупроқ, оилам, ота-онам... Бир сўз билан айтганда, мен юртимдаги меҳрни соғинаман,



муҳаббатни соғинаман. Бирон-бир ўлканинг табиатини, иқлимини, одамларини ўзимизникига ўхшатолганим йўқ. Она Ватан туйғуси, тушунчаси шулардан ҳосил бўлса керак-да!”

Хуршиданинг самимий сўзлари бутун Ўзбекистон ёшларининг сўзлари бўлиб туюлди менга.

Мана, ниҳоят, Италияга етиб келдик. Самолётимиз Римнинг Леонардо да Винчи номидаги аэропортига қўниш учун оҳиста пастлаб боряпти.

Пастлаганимиз сари Италия замини ўз гўзаллигини янада яққол намоеън этарди. Ям-яшил водийлар, бепоён ғаллазорлар, турфа дарахтларга қўмилган қир-адирлар... Таърифига тил ожиз. Экинзорларнинг чор тарафи ҳам дарахтлар билан ўралган. Биноларнинг барчаси қўп қаватли. Беихтиёр одамлар қўп қаватли уйларда яшаб, деҳқончилик қиларкан-да, деган ўйга борасиз. Бири бирига туташ бепоён ва қалин арчазорлар ҳам ақлни шоширади. Хуллас, ҳайратга муносиб гўзаллик.

Бизнинг Самарқандимиз каби дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан ҳисобланмиш Рим бизга пешвоз чиқаётган эди. Қарийб етти соатлик парвоздан кейин “Боинг-759” самолёти Рим тупроғига оҳиста қўнди. Дилларда шукрона, тилларда хуш калом...

БОҚИЙ ШАҲАР

Мана, буюк тарих ва маданият мужассами бўлган Рим шаҳридамиз.

Аксарият юртдошларимиз телевизордаги кўрсатувлари орқали жаҳоннинг қўплаб шаҳарлари ҳақида бирмунча тасаввур ҳосил қилишган. Аммо чет элга чиқиб, хорижий шаҳар тупроғига қадам қўйиш, у ердаги ҳаётни кўз билан кўриш мутлақо бошқача таъсир қилади, албатта. Аввало, ўзга юрт ҳавосидан нафас олиш, унинг тузини еб, сувини ичиш қалбингизда меҳр уйғотади ва бу диёрга ўзгача нигоҳ билан қарай бошлайсиз.

Рим ўзининг неча минг йиллик тарихи давомида не-не синов ва офатлардан омон қолган, қанчадан-қанча босқин ва хуружларга дош берган, ҳар бир ғишти, биноти, кўчасида бутун бир тарих мужассам бўлган шаҳар.

Аэропортда бизни Агроахборот инновация марказининг Латвия давлатидаги ҳамкорлари ўша юртдан келтирилган автобусда кутиб олишди. Мана, бизга ажратилган меҳмонхона томон кетиб боряпмиз. Рим кўчалари, бу ернинг фусункор табиати, дов-дарахтлари бизни мафтун этди.

Режамизда дастлаб Римнинг ўзини ва Ватикан давлатини кўриш кўзда тутилган.

Мана, гид – йўл бошловчи ҳамроҳлигида Рим шаҳри кўчаларидамиз. Биринчи тасаввурдаёқ Рим – тош шаҳар, деган таассурот пайдо бўлади. Римликлар қадимий асори-атиқалар, тарихий биноларнинг ҳар бир ғиштини кўз қорачиғидек асрайди. Мабодо эски иморатлар ўрнига янги-сини қуришга тўғри келиб қолса, жуда бўлмаганида ўша бинонинг бир устунни ёки пойдеворини, жилакурса, бир дона тошини қолдириб, унинг бир четига қайси даврга мансублигини ёзиб қўяр экан.

Яна бир эътиборга молик жиҳати шуки, қўпқаватли уйларнинг балкони – пешайвонида аксарият ҳолларда тувақда гул ўстирилар экан. Гул бўлганда ҳам бир-бирини такрорламайдиган ранго-ранг, нафис гуллар. Римда бун-

дай хонадон соҳибларини эъозлаб, “Яшил бармоқлар”, деб аташар экан. Ривоят қилишларича, машҳур рус мумтоз ёзувчиси Николай Гоголь Римга сафар қилиб, унга мафтун ва маҳлиё бўлганини ифода этиш учун бундай лутф қилган экан: “Римда аввал йўқолиб қолиб, кейин топилиш керак”.

Шаҳар ҳудудида энг кўп экилган ва ўзига хос салобат бағишлаб турадиган дарахт дим қайинидир. Уларга жуда чиройли шакл берилган. 10-15 кулоч, ҳатто 20 газ баландликдаги қайиннинг тепа қисми соябонни эслатади. Унга қадар биронта шох-шабба йўқ. Кўриб завқ оласиз, кўзингиз қувнайди.

Қадимги Рим кўчалари тор-тор эди, тўрт қаватли уйларнинг охири қаватида ижара ҳақи жуда қиммат турар экан. Римликларда ўзига хос бир қисмат бор экан: “Сен мени кўрмаяпсан, мен эса тепадан туриб сени кўряпман”. Хуллас, юқори қаватда яшаш обрў ҳисобланар экан. Кўҳна Римда энг баланд иморатлар 4–5 қават, холос.

Ўқувчиларимизнинг ҳаммаси ҳам кўҳна Рим ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмаслигини ҳисобга олиб, қадимий шаҳар тўғрисида бироз маълумот беришни лозим топдик.

Ривоятларга кўра, Рим шаҳрига милоддан аввалги 754–753 йилларда ака-ука Ромул ва Рем томонидан асос солинган.

Манбаларда милодгача бўлган VIII–VI асрларда Римда ҳукмронлик қилган 7-подшоҳ ҳақида баъзи бир маълумотлар қайд этилган. Сўнгги подшоҳ Тарквиний Такаббур қувилгач, милоддан аввалги 510–509 йилларда Римда республика тузуми ўрнатилган.

Милоддан аввалги III асрга келиб ҳозирги бутун Италия ҳудудини ўзига тобе этган Рим йирик давлатга айланган.

Италия пойтахти Рим шу номдаги провинция ва Лацио вилоятининг маъмурий маркази бўлиб, шаҳар бир пайтлар вулқонлардан ҳосил бўлган тепаликда, Тибр дарёсининг ҳар икки соҳилида, у Тиррен денгизига қуйиладиган ерда жойлашган.

Италияда аҳолисининг нуфуси ҳозирги вақтда 50 миллионни ташкил этади. Римда эса 5 миллион одам яшайди. Иқлими Ўрта ер денгизига хос. Январ ойида ўртача ҳарорат 6,8, июль ойида эса 26 даражада бўлади.

Рим мамлакатнинг муҳим иқтисодий, молиявий, илмий ва маданий маркази ҳисобланади. Италияда энг йирик транспорт йўллари ҳам шу ерда туташади. Шаҳарда иккита халқаро аэропорт бор. 1927–1938 йилларда метрополитен ишга туширилган.

Шаҳарда маъмурий бошқарув ва ҳукумат идоралари, сиёсий партияларнинг марказий органлари, йирик банклар, савдо ва суғурта компаниялари, хорижий фирмаларнинг офислари, халқаро ташкилотларнинг қароргоҳлари жойлашган.

Табииyki, бу улкан шаҳардаги маданий-маърифий бинолар ҳам ўзига хос. Жумладан, Миллий Рим музейи, Ватикан музейлари, Миллий галерея, опера ва драма театрлари, консерватория, расадхона, 1303 йилда бунёд этилган университет, академиялар, илмий муассасалар, кутубхоналар доимо сайёҳлар эътиборида.

Меъморий ёдгорликлар шаҳарнинг 3 минг йиллик тарихини, унинг мураккаб тақдири ва бетакрор қиёфасини акс эттириб туради.

Қадимий Рим меъморий ёдгорликлари, жумладан, Форум, Колизей, Пантеон каби жаҳонга машҳур обидалар, Уйғониш даврига мансуб ва ба-



рокко услубида барпо этилган иншоотлар Римнинг афсонавий қиёфасини асрлар давомида безаб келмоқда.

Илк Уйғониш – Ренессанс даврида меъморлик равнақ топди. XVI–XVII асрларда барокко услубига хос тамойиллар такомиллашди. Иншоотларнинг кўламдор ва улуғвор, серҳашам бўлишига аҳамият берилди. XVIII аср ўрталарида Рим меъморлигида классицизмнинг илк намуналари юзага келди. Кўча ва майдонлар классицизм руҳига мослаб реконструкция қилинди. Кейинчалик XX асрга келиб, замонавий услубда бинолар қурила бошланди.

Римга бир йилда 3 миллиондан зиёд сайёҳ ташриф буюради.

Рим ҳақида гап кетганда, беихтиёр кўз ўнгимизга Рим папаси ва Ватикан давлати келади, албатта. Не бахтки, дунёдаги энг митти давлат бўлган Ватиканни кўриш насиб этди. Бу мўъжаз давлат ва унинг ўзига хос идора усули, сиёсати, мафкуриси, тарихи, дунёга кўрсатаётган таъсири ҳақида истаганча гапириш мумкин. Лекин мен ўз кечинмаларимни шеърий сатрларда ифода этмоқчиман:

*Римда юрдим тиёда, хуррам,
Тилга кирди минг йиллик тарих.
Гўзал экан бу кўҳна олам,
Бунда тошлар – тирик муаррих.*

Энди, рухсатингиз билан, Ватикан ҳақида батафсилроқ тўхталиб ўтсам. Ватикан – Италия пойтахти Римнинг ғарбий қисмидаги Монте-Ватикан тепалигида жойлашган мустақил шаҳар-давлат. Католик черковининг сиёсий, маъмурий ва мафкуравий маркази, унинг бошлиғи – Рим папаси қароргоҳи шу ерда жойлашган. Шаҳарнинг қарийб ҳамма томони тошдевор билан ўралган. Майдони 0,44 квадрат километрдан иборат. Доимий аҳолиси 1 миллион кишига яқин. Ватикан фуқаролари 800 кишидан сал зиёд. Расмий тиллари лотин ва итальян тилларидир.

Ватикан – чекланмаган теократик монархия шаклидаги давлат. Конституциявий ҳужжатлари 1929 йилда қабул қилинган. 1996 йил февралда папа Иоанн Павел Иккинчи томонидан чиқарилган янги Конституцияга мувофиқ у, одатда, кардиналлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан, овозларнинг учдан икки қисмига эга бўлган тақдирда, кардиналлар ҳайъати томонидан 1389 йилдан буён умрбодга сайланади. Олий қонун чиқарувчи, ижрочи ва суд ҳокимияти папанинг қўлида. Айни пайтда у Рим католик черкови бошлиғи ҳамдир.

Рим папаси Иоанн Павел Иккинчи 264-папа бўлиб, 1978 йил 16 октябрда сайланган. Бу кун Ватиканда миллий байрам сифатида нишонланади. Иоанн Павел Иккинчи 2005 йил, 2-апрелда вафот этган.

Тарихга мурожаат қиладиган бўлсак, илк ўрта асрлар даврида Ватикан Рим папаларининг турар жойи, 1377 йилдан бошлаб эса доимий қароргоҳидир. VIII асрдан бошлаб эса Ватикан черков давлати сифатида мавжуд. 1870 йилда Италия ҳудудларининг бирлашиши муносабати билан Ватикан Италия қироллиги таркибига қўшиб олинган. 1929 йилда папа билан Италия ҳукумати ўртасида имзоланган Патеран битими натижасида Ватикан давлати қайта тикланди ва 1929 йил 11 февралда мустақил давлат сифатида тан олинди. Католик черковининг халқаро маркази сифатида Ватикан дунёнинг кўпгина мамлакатларидаги ижтимоий ҳаётга таъсир ўтказди.

Ватиканнинг Ўзбекистон Республикаси билан дипломатик муносабатлари 1992 йил 17 октябрда ўрнатилган.

Давлатнинг иқтисодий негизини капитал маблағлардан тушадиган даромадлар, миллий католик черковларнинг бадаллари, диндорларнинг эҳсонлари ташкил этади. Ватикан дунёнинг йирик саноат-молия монополияларидан биридир (унинг олтин-валюта ҳажми 12 миллиард АҚШ долларидан ортиқ деб баҳоланмоқда).

Ватикан дунёдаги бир қанча нуфузли компания ва банкларнинг акцияларига эга. Италия, Буюк Британия, Швейцария, Франция, Испания, шунингдек, АҚШ, Лотин Америкаси мамлакатларидаги саноат корхоналарига қўйилган сармоялардан катта фойда олади. Италия, Германия, Испания ва бошқа мамлакатларда катта ер майдонлари Ватиканга қарашли.

Хорижий сайёҳлик ва почта маркалари чиқариш, эсдалик совғалари сотиш ҳам Ватиканга кўп даромад келтиради. Пул бирлиги – итальян лираси. Ватикан ўзининг расмий нашрлари, телеканалларига эга.

Илк ўрта асрларда вужудга кела бошлаган Ватикан маъмурий мажмуасига XV–XVI асрларда яратилган кўпдан-кўп иншоотларни ўз ичига олади, Ватикан сарой ансамбли (майдони 55 минг кв.метр) ҳам шунга киради. Деворлари Б.Микеланжело, П.Перужино, С.Боттичелли, Д.Гирландайо каби буюк рассомлар ишлаган расмлар билан безатилган Сикстин капелласи, Беато Анжелико картиналарига тўла Николай V капелласи, Рафаэль сайқал берган пешайвонлар ва заллар, кўзни қамаштирадиган кутубхона ва музейлар бу даргоҳнинг ноёб дурдоналари ҳисобланади.

Рим оқшоми – сеҳрли оқшом. Ранг-баранг чироқлар кўзни қамаштиради. Ҳар бир бинодан асрлар садоси келаётгандек бўлади.

Сафарнинг иккинчи кунини меҳмонхонада нонушта қилишдан бошладик. Римликларнинг нонуштаси ҳам ўзига хос. Таомлар, ширинликлар, сут маҳсулотларининг тури кўп. Тонгда ҳам истаганингизча ҳўл мева тановул қилишингиз мумкин.

Нонуштадан кейин автобусга ўтириб, Италиянинг Турин шаҳрига йўл олдик. Римдан Турингача бўлган масофа 500 километрни ташкил этади.

Албатта, ҳамроҳларимиз кўпни кўрган фермер, тадбиркор ва ишбилармон инсонлар. Бир сўз билан айтганда, гапини билиб гапирадиган, ишини дўндирадиган одамлар. Уларни унча-мунча нарса билан ҳайратга солиб бўлмайди.

Биргина мен – дунё кўришни ихтиёр этган, оддий майсадан ҳам ҳайратга тушадиган ижодкорман. Буни қарангки, Оллоҳ раво кўрса, мендек одамнинг хизмати ҳам шундай салобати зўр одамларга асқотаркан. Дастлаб автобусда чор-атрофга маҳлиё бўлиб, кўнглининг ярми уйида, бола-чакасида бўлиб кетаётган сафардошларимни нима биландир овунтириш, вақтини чоғ қилиш учун микрофонни қўлга олдим. Билганимча шеър ўқидим.

Халқимизда “Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмас”, деган нақл бежиз айтилмаган. Биз ҳам она юртдан узоқда ҳар бир нарса, воқеа-ҳодиса, ўқиган шеър, айтилган қўшиқ тимсолида Ватанни қайтадан кашф этардик.

Автобусимиз соатига 100 километр тезликда йўл босиб, елиб борарди. Сўл томонимизда Ўрта Ер денгизи ястаниб ётибди. Денгизга қараб ҳам ҳайрат, ҳам хавотир қалбни чулғайди. Яқин Шарқ мамлакатларидан Европага етиб олиш умидида йўлга чиққанларнинг қанча-қанчаси ана шу тўлқинлар қаърига фарқ бўлиб кетган эмасми?



Денгиз соҳилига маҳобатли ва гўзал бинолар қурилган. Кўнгилли ҳордиқ чиқариш учун неки зарур бўлса, барчаси муҳайё. Табиийки, биз ўзбекистонликлар учун денгизни яқиндан кузатиш жуда мароқли. Йўллар ниҳоятда равон, юрган сари юргингиз келади. Автобусда стакандаги чой тўкилмайди. Умуман, Европанинг барча шаҳарларида бу – одатий ҳол. Тасаввур қилинг, 12 кун мобайнида автобусимиз бирон марта бўлсин, қаттиқ силкинганига гувоҳ бўлмадик.

Йўлларнинг баъзи жойлари ердан баланд кўтарилиб, икки-уч қаватли кўприклар солинган.

Куз охирлаб бораётганига қарамай, чор-атроф кўм-кўк. Хазон тўкаётган дарахтлар кам. Ҳайдовчилар маълум масофани ўтганларидан кейин вақти-вақти билан йўл солиғини тўлаб боришяпти. Мана, автобусимиз ёнилғи қуйиш шохобчасига келиб тўхтади. Тилладек товланиб момоқаймоқлар гуллаб ётибди.

Европа давлатларидаги ёнилғи қуйиш шохобчаларининг ўзига хослиги шундаки, уларда ҳаёт бир зум тўхтамайди, супермаркетлар, ошхоналар туну кун ишлаб туради. Яна бир эътиборга молик жиҳати, ихчам-ихчам енгил машиналар кўп экан. Ҳатто, бизнинг митти “Тико” миздан ҳам кичик машиналар бордек туюлди менга. Рим шаҳрида кўчалар тангу тор бўлгани учун аҳоли шахсий машиналарини дуч келган жойга, ҳатто икки йўл ўртасидаги тўсиқ учун ажратилган ерларга ҳам қўйиб кетаверар экан. Рим ўзиники бўлганидан кейин билганини қилади-да!

Италияликларнинг яна бир ибратли фазилати – улар деҳқончилик маданиятини ҳадди аълосига кўтаришган экан. Юзлаб километр йўл босиб, бирон жойда ҳайдалмаган, ишлов берилмаган, бегона ўт босган ерни, қаровсиз ташлаб қўйилган манзил-маконни кўрмадик. Яна бир ибратли томони – тоғ ёнбағирлари, қиру адирлар, кўчки хавфи бор қияликлар темир тўрлар билан ихоталанган.

Италияда тоқзорлар учун қилинган вайишлар анча паст, кишининг кўкси баробар келади. Тоқларнинг барги ҳам сийрак. Турин шаҳрига қадар йўллар худди бизнинг Қамчиқ довонимиздаги йўлларга ўхшайди. Фарқи – у ерда қалин ўрмонзорлар кўп экан.

Икки-уч соатдан буён Ўрта ер денгизи ёқалаб кетяпмиз.

Сафардошларимиздан тўққиз киши Тўрткўл туманидан бўлиб, уларга туман ҳокими Гофиржон Ҳожиёв ўзи бош бўлиб олиб борган эди. Гофиржон ака фермерларни ёнига олиб, автобусимиз тўхтаган бекатларда ям-яшил экинзорларни расмга олишга, видеотасвирга туширишга, деҳқонлар тажрибасини ўрганишга зўр бериб ҳаракат қиларди.

Кечга яқин Турин шаҳридаги “Турин-Плаза” меҳмонхонасига жойлашдик. Биз учун меҳмонхоналар ҳамкорларимиз томонидан банд қилиб қўйилгани боис ҳеч бир давлатда бу борада қийинчиликка дуч келмадик. Автобусда узоқ йўл босиб, толиққанимиз сабаб кечки Туринни айланиш имкони бўлмади.

Эртасига сафарда давом этиб, йўл-йўлакай тоғларни ёриб ўтган юздан зиёд узун-қисқа туннелдан ўтдик. Италия чегарасидан чиқиш арафасида йўлимиз Алп тоғларига бориб туташди. Тоғлар чўққисини қор қоплаган. Қалин арчазорлар ўзгача товланади.

АФСОНАВИЙ ДИЁР

Мана, кўз очиб-юмгунча Италия давлатидаги икки кунлик сафаримиз ниҳоясига етиб бормоқда. Автобусимиз афсонавий Альп тоғлари бағридаги Швейцария ҳудудига яқинлашиб келмоқда. Дилимизда шукрона, шундай кунларга етказганига. Етти ухлаб тушимизга кирмаган соҳир манзаралар.

Ватикан ҳудудини айланиб, шомга яқин меҳмонхонага келганимизда биринчи қаватдаги енгил тамадихонадан бир пиёладан чой сўрадик. Чойга қўшиб берилган, оқ қоғозга ўралган шакарда, ишонасизми-йўкми, Хоразм шакаридаги ширинлик ва мазанинг ярми ҳам йўк... Чунки куёш нурига тўймаган хом ашёдан тайёрланган-да!

Яна йўлдамиз. Соат миллари 16 дан 40 дақиқа ўтганини кўрсатганида Италия чегарасидан Швейцария ҳудудига ўтдик.

Альп тоғлари бағрида, йўлнинг икки тарафида 2–3–4 қаватли уйлар кўзга ташланади. Бир қарашда уйлар қандайдир пала-партиш қурилгандек, бироз файзсиздек туюлди менга.

Мана, Роста деган шаҳарчадан ўтиб боряпмиз. Ҳаддан ташқари тик ерларга ҳам ток экилган. Машинамиз биринчи марта тор йўлдан тик кўтарилди. Дарвоқе, барча йўллар ҳаддан зиёд тор. Автобусимизнинг бу йўлдан юриши, рости, кўнгилга бироз ваҳима солди. Умуман, тоғ ичидан ўтган бу йўлнинг ҳар бир одимида ҳайратли манзаралар бор. Гўё кишлоқ ва шаҳар қўшилиб кетгандек, фарқини ажратиш қийин.

Ниҳоятда баланд бурама йўллардан ўтиб боряпмиз. Қорли чўққилар шу даражада яқинки, кўл чўзса, етгудек. Одамларимиз гўзал тоғ манзараларни кўриб, “Ў-ў-ў, Швейцария-ку” деб бежиз айтишмас экан. Биз пастдан юқорига бамисоли чумолидек ўрмалаб, тоғнинг нақд белига чиқиб олдик.

Ёнимда ўтирган Аҳаджон бир дақиқа бўлсин, ҳаяжонини босолмайди. Каминанинг ўзига келадиган бўлсак, Муқимий бобомиз лутф этганларидек, “Ранги рўйим кўру кўрма, қаҳрардан бири”...

Ниҳоят, автобусимиз йўлнинг энг баланд нуктасидан ошиб, аста ина бошлади. Бундай хатарли йўллардан катта автобусда юришга наҳотки рухсат этилса, деган ўй ўтди хаёлимдан. Нима бўлганда ҳам, ҳар қалай хавф-хатар ортда қолди. Яратганга беҳисоб шукр. Назаримда, автобусдаги қирққа яқин ҳамюртимиз ўзларини худди қайта туғилгандек ҳис қиларди. Мени ҳайратга солгани шу бўлдики, одам бир ўзи тик чиқиб боришга қийналадиган қияликлар, тоғлар бағрига нафақат йўл, балки юзлаб уйлар қурилган. Йўлимизнинг ўнг тарафи аҳоли яшайдиган қишлоқларга ўхшаб кетса, чап тарафи бениҳоя баланд тоғлардан иборат. Швейцария тоғларининг ўзига хослиги шунда эканки, бизнинг кўзимизга ташланган энг баланд чўққилар ҳам ям-яшил арчазор билан қопланган.

Тоғларга оқшом чўкмоқда. Бу пайтдаги тенгсиз гўзалликни таърифлаб бўлармикан! Тўлин ой нозлана-нозлана тоғлар чўққисидаги арчазорларга аста бош қўя бошлади. У арчалар шохига тегиб тургандек гўё. Ҳайрат, ҳайрат, ҳайрат... Шундай гўзалликка ошно этгани учун Яратганга беҳисоб шукр қилдим. Қўлимни узатсам, арчазорларга етгудек, баланд-баланд тоғларга уйғоқлар уй қуради, деган хаёл кечди дилимдан.

Автобусимиз тоғлар бағридаги бир туннелга кирди. Буни қарангки, туннелни усти берк, ёни очик. Кўчклардан сакланиш учун шундай қурилган



экан. Энди тоғлар элас-элас кўрина бошлади. Ҳамон ёни очик туннелдан кетиб боряпмиз. Бу йўл 1964 йилда бошланиб, 2014 йилгача қурилган экан. Йўл бошловчимизнинг айтишича, аслида Швейцария чегарасига эндигина етиб келибмиз.

Швейцария остонаси ниҳоятда гўзал 5 километрлик туннелдан бошланди. Бу давлат ўзининг швейцар франкини сақлаб қолган, шу билан бирга евро ҳам ишлатилар экан. Автобусимиз туннелдан чиққанидан сўнг бурама йўллардан пастга қараб елиб борарди. Йўл нишаби тик бўлгани учун машинанинг тормоз билан жиловланган ҳолда тушиб бориши ҳам бироз ваҳимали. Зим-зиё тун бўлгани боис чор атрофда ҳеч нарсани кўриб бўлмасди. Машинамиз шаҳарга кириб келган бўлса ҳам ҳамон пастлаб боряпмиз.

Римдан Швейцария чегарасигача 900 километр экан.

Яратганга беҳисоб шукрки, тун ярмида Швейцариянинг Женева шаҳрига соғ-саломат етиб келдик. “Монтана” меҳмонхонасига жойлашиб, ҳамроҳларим Аҳад, Асқар билан тамадди қилдик. Албатта, ёт элларга борган инсон учун уйку бирламчи масала эмас. Шу боис кеч бўлиб қолганига қарамасдан, Асқарни олиб Женева оқшомида айлангани чиқдик.

Меҳмонхонамиз шаҳарни кесиб ўтган Рона дарёсининг ёнгинасида жойлашган. Кечаси бўлгани учун узокқа кетмасдан, дарё бўйлаб пиёда юриб, шаҳар чиройини кузатдик. Женева оқшоми ниҳоятда мафтункор ва чароғон. Дарё ўртасига қурилган, баландлиги 150 метр бўлган фаввора тунда ўзгача бир нафосат билан нур таратиб, отилиб турарди. Албатта, ҳар бир сайёҳ борган юртида аввало шу мамлакат одамларини, уларнинг юриш-туриши ва кайфиятини кузатади. Тунда кўзимиз тушган аҳоли вакилларининг кайфияти аъло даражада. Уларнинг ҳаётдан мамнунлиги шундоқ чехрасидаги табассум, гап-сўзлари оҳангидан билиниб, сезилиб турарди. Италиянларни ҳеч камситмаган ҳолда, дангалини айтадиган бўлсак, Женева аҳолиси анча хушсурат, хушбичим, кизлари, аёллари жуда гўзал, латофатли ва малоҳатли эди.

Тонгда нонуштадан сўнг автобусга ўтириб, Женева шаҳри бўйлаб сайрга чиқдик. Дастлаб Рона дарёси соҳилида пойи пиёда юриб, юқорида тилга олинган машҳур фавворага яқинроқ бориш имконига эга бўлдик. Теварак-атрофга боқиб, шаҳарнинг гўзаллигига тан бермасдан иложингиз қанча!

Бу ердаги иншоотлар салобатли, пурвиқор, айна пайтда мафтункор бинолар бўлиб, шаҳарнинг меъморий қиёфасига алоҳида кўрк бериб туради. Умуман, бу ерда шаҳарсозлик маданияти юксак даражада ривожланганига ҳар қадамда гувоҳ бўласиз.

Якшанба дам олиш куни бўлгани боис жуда кўп жойлар, жумладан, музейлар ва бошқа масканлар ёпиқ эди. Шаҳар ниҳоятда тоза ва озода, баҳаво, троллейбус, трамвай катнови тинмайди. Дарё ёқалаб югуриб юрганлар, спорт билан шуғулланаётганлар орасида эркакларга нисбатан аёллар кўплигига нима дейсиз?

Якшанба куни бўлишига қарамасдан, бекордан-бекор юрган ёки уйларнинг балконларида томошаталаб одамларни кўрмайсиз. Шаҳар кўчаларини тўлдириб учаётган машиналар шинам ва гўзаллиги билан кўзни олади. Шахсий машиналар кўчалар чеккасида, йўлакларда турар экан. Швейцариядаги ерости йўллари ниҳоятда гўзал, транспорт йўллари ҳам ойнадек тоза ва текис. Тик этган овоз ёки шовқинни эшитмайсиз.

Автобусимиз гўё сувда сузаётгандек равон кетиб бормоқда. Буларнинг барчаси бизнинг нигоҳимизга муҳрланган ҳолатларнинг бир қисми, холос. Аммо, ўрни келган экан, сиз, азиз ўқувчиларимизга Швейцария давлати ва Женева шаҳри ҳақида батафсилроқ маълумот беришни жоиз деб биламиз.

Швейцария Конфедерацияси Марказий Европадаги давлат. Майдони 46,3 минг квадрат километр. Аҳолиси 7 миллиондан зиёд. Маъмурий жиҳатдан 23 кантон (улардан учтаси ярим кантон)га тенг бўлинади. Швейцария – федерал парламент шаклидаги республика. Амалдаги Конституцияси 1874 йил 29 майда қабул қилинган. Кейинчалик унга ўзгариш ва қўшимчалар киритилган. Давлат ва ҳукумат бошлиғи Президент. У Федерал Мажлис кенгаши томонидан бир йил муддатга сайланади ва қайта сайланмайди.

Ўлка ҳудудининг катта қисмини Альп тоғлари эгаллайди (тоғнинг баландлиги, масалан, Дюфур чўққиси 4634 метргача етади). Мамлакат марказида Швейцария ясси тоғлари, шимоли-ғарбида Юра тоғлари ўрин олган. Иқлими намли, мўътадил иқлим бўлиб, Женевада январь ойининг ўртача ҳарорати ноль даража, июль ойининг ўртача ҳарорати 19 даража иссиқ бўлади. Швейцариянинг шимолий қисмида дарёлар кўп. Рейн (Ааре ирмоғи билан) дарёси, Рона, Ини, Тичино дарёларининг юқори оқими Швейцариядан оқиб ўтади. Женева, Бодек ва бошқа кўплаб кўллар бор. Мамлакат ҳудудининг 24 фоизи ўрмон билан қопланган. Ясси тоғлик ва тоғларда япалоқ баргли ҳамда игна баргли дарахтлар ўсади, баланд тоғлар субальп ва альп ўтлоқлари билан қопланган.

Альп тоғларида музликлар бор (2 минг квадрат километрга яқин). Ҳайвонот дунёси бой ва ранг-баранг. Тоғларда ёввойи эчки, сувсар, куён, суғур, айиқ, тулки ва бошқа ҳайвонлар бор. Паррандалардан бургут, қаркур, тоғчумчуқ, дарё ва кўл қирғоқларида балиқчи қушлар учрайди. Альпинизм спортининг кишки тури билан шуғулланиш учун бу ерда ҳамма шароитлар яратилган.

Аҳолиси – герман-швейцарияликлар, италян-швейцарияликлар, француз-швейцарияликлардан иборат. Расмий тиллари – немис, француз, италян ва ретороман тиллари. Аҳолининг 67,7 фоизи шаҳарда истиқомат қилади. Диндорларнинг аксарияти католик ва протестантлар. Йирик шаҳарлари: Цюрих, Базель, Женева, Берн, Лозанна. Миллий байрами 1 август – Конфедерация ташкил этилган кун. 1899 йилдан буён нишонлаб келади. Мамлакатга йилига ўртача 7 миллион сайёҳ келади.

Энди Женева ҳақида тўхталсак. У Швейцариянинг жануби-ғарбидаги шаҳар, Женева кантонининг маъмурий маркази. Женева кўлининг жануби-ғарбий соҳилида, денгиз сатҳидан 372 метр баландликдаги хушманзара масканда жойлашган. Кўлдан оқиб чиқадиган Рона дарёси шаҳар ўртасидан оқиб ўтади. Иқлими юмшоқ. Аҳолиси 180 минг киши, шаҳар атрофи билан қўшиб ҳисоблаганда, 400 мингдан зиёдни ташкил этади.

Женева дастлаб Юлий Цезарь томонидан милoddан аввалги I асрда тилга олинган. Савдо йўллари чорраҳаларида жойлашгани учун шаҳарнинг иқтисодий мавқеи тез кучайиб борган. XIV–XV асрдаёқ бу ердаги савдо ярмаркалари етти иқлимга машхур бўлган.

XVI–XVII асрларда Женевада саноат, жумладан, соатсозлик ривожланган. 1798–1814 йилларда шаҳар Франция таркибида бўлган. 1815 йилдан буён Швейцариянинг 22-кантони ҳисобланади. Женевада бир қанча ну-



фузли халқаро ташкилотлар, жумладан, Миллатлар лигаси (1919–1939), Халқаро қизил хоч ташкилотлари, БМТ турли бўлимларининг доимий қароргоҳи фаолият кўрсатади. Женевада халқаро конгресслар, конференциялар, кўргазма ва фестиваллар мунтазам ўтказиб турилади.

Женева курорт шаҳар бўлиб, халқаро туризм марказларидан бири ҳисобланади. Халқаро нақлиёт чорраҳаси ҳисобланади, бу ерда кўплаб бандаргоҳлар, йирик тайёрагоҳ бор.

Женева мамлакатнинг йирик сиёсий ва савдо марказларидан биридир. Бу ерда заргарлик буюмлари, аниқ механика (соат), геодезия асбоблари, электрон ускуналар ва бошқа юқори сифатли, Швейцария брендига эга бўлган маҳсулотлар харидорларни ўзига жалб этади. Шунингдек, бу ерда дастгоҳсозлик, электротехника, машинасозлик, муҳаррик – двигателлар ишлаб чиқарилади. Бу ерда дунёга машҳур фармацевтика, парфюмерия, тўқимачилик, озик-овқат саноати корхоналари мавжуд. Театр ва музейлар ҳам кўп. Женеванинг қадимий қисми Ронанинг сўл соҳилида жойлашган.

Шаҳардаги қадимий меъморий ёдгорликлардан Сен-Пьер собори (XII–XIX аср), Сент-Мари-Мадлен ва Сен-Жермен (XIV–XV аср) черковлари, Энар саройи (1817-1821 йиллар) ҳақида сўз юритиш мумкин. Бу ерда Уйғониш даврига оид мумтоз кўшклар сақланган. Женеванинг Янги шаҳар қисмида миллатлар саройи, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти, Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) биноси ва бошқа халқаро ташкилотларнинг қароргоҳлари жойлашган.

ПАРИЖ – ШАҲАРЛАР МАЛИКАСИ

Йўл юрган, дунё кезган, турли миллат ва элатларнинг яшаш тарзини кузатган, халқаро ҳаётдан бохабар бўлган инсон оламга ўзгача нигоҳ билан боқади. Назаримда, жаҳонгашталиқ бошқа-ю, дунё афкор оммаси аҳволи руҳиятини тийрак кузатиб, умумбашарий хулосалар чиқариш бошқа. Бу фикрлардан муддао шуки, ҳар бир инсон, ҳар бир миллат ва давлат учун аввало тинчликдан улуғ неъмат йўқ. “Бир кун жанжал бўлган уйдан қирк кун барака қочади”, деган мақолимизда нақадар теран маънолар бор. Жаҳон тарихидан аччиқ бир ҳақиқат аён: баъзан ғаюр ниятли кимсаларнинг разилликлари боис бутун халқлар бошига қутилмаган фожиалар тушади. Бугун ҳам, афсуски, бундай ҳолатлар тўла барҳам топгани йўқ: даҳшатли террорчилик, кўпуровчилик ҳаракатлари содир этилмоқда, минг-минглаб одамлар тинчлик, ҳаловат истаб, қочқин бўлиб, сарсон-саргардон бўлиб юрибди.

Швейцария сафари охирида, энди автобусимиз Франция худудидаги туннелга кирди. Туннелдан чиқишимиз билан кўрганимиз яна қиру адирлар, қалин ўрмон, ям-яшил арчалар, бутазорлар бўлди. Қаршимизда ўрқач-ўрқач пастак тоғлар кўзга ташлана бошлади. Яна бироз юргач, ҳар икки томонимиз ўрмон билан қопланди. Дарахтларнинг барглари тўқилган, узокларда элас-элас уйлар, бинолар кўришиб қолади. Франция қишлоқлари бўлса керак, дея тахмин қилдим ўзимча.

Франция дехқонларининг ерга бўлган муносабатига, дехқончилик маданиятига ҳавас қилмасдан иложимиз йўқ. Ғаллазорлар майсага бурканиб ётибди. Қаровсиз қолган ернинг ўзи йўқ. Энг ҳавас қиладиган жиҳати –

Франция кўчаларида бекор юрган одамга кўзингиз тушмайди. Ҳамма ўз юмуши, ташвиши билан андармон. Бу ерда вақтнинг кадри жуда баланд.

Юзлаб километр йўл босиб яна бир нарсага қойил қолдик, катта магистрал йўллар бўладими ёки кичик кўчалар, йўлкалар бўладими, ҳеч ерда тўпланиб ётган хазон, олиб кетилмаган чиқиндиларга кўзимиз тушмади. Атрофи ўрмон билан қопланган бу йўлларни қачон тозалаб улгуришади?

Фермерлар ўз ғаллазорларига тўр симлардан тўсиқ тутишган. Халқимиз таъбири билан айтсак, “Ўзингга эҳтиёт бўл, кўшнингни ўғри тутма”.

Олмаликлик тадбиркор ҳамроҳимиз Ойбек Парижда Бобур номидаги кўча борлигини айтиб қолди. Албатта, бундан кўксимиз ғурурга тўлди. Биз дунё тамаддунида ўз ўрнига эга, умумбашарий тараққиётга муносиб ҳисса қўшган буюк зотларнинг авлоди эканимизни яна бир бор эслаб, бу ҳақда фикр алмашдик.

Тангрига беҳисоб шукрлар билан тун парда ёйганда, Европанинг маданий пойтахти, Франциянинг юраги, инсоният тамаддунининг гултожи деб эътироф этилган Париж шаҳрига кириб келдик. Тахминан шаҳар кўчалари бўйлаб бир соатлар чамаси юриб, бизга ажратилган меҳмонхона остонасида тўхтадик. Париж шунчалик катта шаҳар эканини тасаввур ҳам қилолмасдим.

Меҳмонхонамиздаги шароитлар яхши эди. Аммо, лифтига зўрға икки киши сиғишига қараганда, бу меҳмонхона Париждаги энг қадимий бинолардан бири бўлса керак, деган ҳаёлга бордим. Лекин хоналари кенг ва ёруғ.

Тонгимиз хуш бошланди.

Биз автобусимизга ўтириб, йўлбошловчимиз Александр бошчилигида Парижнинг диққатга сазовор жойларини айлангани кетдик.

Париж шаҳрининг тарихи икки ярим минг йил нарига бориб тақалар экан. Дастлаб Паризи деб аталган бу кўҳна шаҳар бугунги тараққиёт даражасига келгунга қадар қанақанги талотўпларни, эврилишларни бошидан кечирмаган. Александрнинг таъкидлашича, XII асрда Париж кўчалари ўта тор, чиқиндилар билан тўла бўлган. Қирол Август даврида, шаҳарда канализация тармоғи барпо этилгунга қадар Сена дарёси ҳам жуда ифлосланиб кетган. XVII асрнинг иккинчи ярмида “Қуёш қоровули” деб ном олган қирол Людовик XIV Парижни дунёга машҳур қилган.

Парижнинг тарихи ҳақида кейинроқ батафсил ҳикоя қиламиз.

Ҳозир эса бугунги Париж ва унинг имкониятлари тўғрисида гаплашсак, бизга берилган маълумотга асосан бугунги кунда Парижнинг ўзида 2,5 миллион одам яшайди. Унинг атрофидаги шаҳарлар билан қўшиб ҳисоблаганда эса бу рақам 11 миллионга боради. Бир йилда Парижга 36 миллион сайёҳ ташриф буюрар экан. Бундан 150 йил муқаддам Париж энди кенгаймайди, деган қарорга келинган эди, ҳақиқатан ҳам шундай, шаҳар майдони ўзгармасдан келмоқда. Парижнинг шимолидан жанубига қадар 9 километр бўлса, ғарбдан шарқига қадар 14 километр.

Мамлакат миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, Францияда 64 миллион аҳоли яшайди. Мамлакат бўйича бир йилда 76 миллион сайёҳ ташриф буюради.

Французлар ўз она тилини ниҳоятда севади, кадрлайди, ардоқлайди. Бу давлатда миллат ажратилмайди. Ҳар қайси Франция фуқароси 700-800 йил аввал ота-боболари эгалик қилган мулкка, агар у давлат жинойтчиси бўлмаса, ҳозирги кунда уларнинг авлодлари эгалик қилмоқда. Бу мулкка ҳеч ким даҳл қилмайди.



Айтишларича, Париждаги энг катта Гранд опера-балет театрининг остида уч қаватли уй мавжуд эмиш. Бундан ташқари, у ерда катта кўл борлиги ҳам айтилдики, бунга ақл бовар қилмайди.

Сафарда ҳамиша қандайдир саргузаштлар, кутилмаган ҳолатлар бўлиши мумкинлиги Париж кўчаларида исботланди. Шунча мақтаган автобусимиз келиб-келиб шу ерда бузилиб қолса бўладими?

Албатта, биз бундан олдин Эйфель минораси яқинига бориб, расмга тушишга улгурдик. Кейин бола-чақага эсдалик учун арзонроққа ул-бул нарса харид қиламиз, деб шаҳар бўйлаб 5-6 километр пиёда юрдик. Бизга Салора савдо марказида нарсалар анча арзон, дейишди. Афсуски, энг арзон деган атир ҳам 80-100 евродан паст тушмас экан. 45-50 еврога хушбўй сув берар экан, холос. Кейин Асқар, Аҳад гуруҳдан ажралиб, ҳам тушлик, ҳам кечки овқатни кўшиб тамадди қилмоқчи бўлиб, ўзимизга маъқул таом қидириб 5-6 та ошхона, кафе, бар, ресторанга кириб чиқдик. Алам қиладиган томони – тил билмаймиз. Бир ошхонада русча таомнома бор экан. Мол гўштидан деб ёзилган бифштексга буюртма бердик. Аммо товуқ гўшти билан қовурилган картошка олиб келиб беришди. Икки чойнак қайнатилган сув, учта ўрамчада куруқ чой, 200 грамм мева шарбати – ҳаммаси 79 евро бўлди. Куруқ чойининг ўзи 4 евро турса-я!

Мен тонгда ўзимча хаёл қилиб, бироз чиқимдор бўлсак ҳам кечки Парижни кўришимиз кераклиги ҳақида ҳамроҳларим Асқар билан Аҳадга кўнглимни ёрган эдим. Шу боис кечки соат 19:00 да меҳмонхонамизга такси чақириб, гуруҳимиздаги таржимон Акбаралини олиб, тунги сафарга чиқдик.

Париж оқшомининг гўзаллиги ва латофатини сўз билан таърифлаш қийин. Эйфель минорасининг шундоқ тагига бориб расмга тушдик. Аслида мақсадимиз минорани олдида туриб кўриш, томоша қилиш эди. Аммо не кўз билан кўрайликки, Эйфель минорасига кириш учун одамлар навбатда туришарди. Умримизда бир бор пайдо бўлган бу имкониятни кўлдан чиқаргимиз келмади.

Киши бошига 11 евродан тўлаб, жиддий текширувдан ўтиб, минорага киришга муваффақ бўлдик. Лифти икки қават бўлиб, 4 тоннаю 200 килограмм юк кўтарар экан. Бир йўла 56 киши кириши мумкин экан. Минорадан 57 метрда ва 115 метрдаги майдончаларда туриб, Парижни томоша қилиш мумкин экан. Биз дастлаб ўзбекона, яъни, осилсанг, баланд дорга осил, деган нақлга амал қилиб, 115 метр баланддаги майдончага чиқдик. Бу ерда икки қават кузатув ўрни бор. Биринчиси баландроқ, иккинчиси пастроқ, яъни, очикроқ, панжара билан ўралган.

Шунча одамнинг бу ёққа қараб интилганича бор экан, Парижнинг улуғворлиги, чексиз чиройини Эйфель минорасидан туриб, айнан, оқшом палласи кузатиш одамга бутунлай бошқача кайфият бахш этаркан.

Беихтиёр, Париж – чироқлар шаҳри, бетакрор гўзаллик шаҳри, деган хаёлга борасиз. Боқиб ҳайратга тушмаслик, асиру лол қолмаслик мумкин эмас бундай манзарага. Парижни 115 метр баландликдан кузатиш – унинг бор маҳобатини ҳис этишга асос бўлади. Ана шу юксакликда турар-жойлар, санъат кошоналари, ҳам тарихий, ҳам замонавий иншоотлар бор бўй-басти билан кўз ўнгингизда намоён бўлади.

Кейин 57 метр баландликдаги майдончага тушдик. Бу жойда Эйфелнинг ўзини, тарихи ва тузилишини кўриш мумкин экан. Кечаси енгилгина ёмғир

ёғиб ўтди. Биз Эйфелни бир олам таассуротлар билан тарк этиб, Париж кўчаларини томоша қилдик.

Ваъдага вафо дегандек, Франция ва Париж тарихи ҳақидаги тафсилотга ўтсак.

Франция Республикаси – ғарбда ва шимолда Атлантика океани ҳамда Ла-Манш бўғози, жанубда Ўрта ер денгиз билан ўралган. Майдони 547,03 минг квадрат километр. Аҳолиси 64 миллион киши, шунинг 96 фоиздан кўпроғи французлар. Пойтахти – Париж шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 22 регион (вилоят), 96 департаментга бўлинган.

Давлат тузуми республика. Амалдаги конституцияси 1958 йилда умумхалқ референдумида қабул қилинган. Унга бир неча бор ўзгаришлар киритилган. Давлат бошлиғи президент бўлиб, 5 йил муддатга фақат бир марта сайланади. Парламент розилик берса, яна бир марта сайланиши мумкин.

Франциянинг шарқ ва жануб тарафида тоғ тизмалари, марказий ҳудудининг жанубий қисмида тоғ ва кенгликлар бор. Альп тоғлари билан Юра тоғлари Италия ва Швейцария билан табиий чегарани ташкил этган. Франциядаги Альп тоғларининг кўп чўққиларининг баландлиги 4000 метрдан зиёд. Энг баланд жойи – Монблан чўққиси бўлиб, 4807 метрни ташкил этади. Баландлиги 1700 метргача бўлган Юра тоғлари Бельфорт пастлиги томонга Рона дарёси водийлари узра қиялаб боради. Бельфорт пастлигининг шимоли-шарқий томонидан Рейн бўйлаб Франция, Германия чегараси ўтади. Бу жойда баландлиги 1420 метр бўлган Вогез тоғ тизмаси мавжуд.

Франция ва Испания ўртасидаги табиий чегара бўлган Пиреней тоғларининг баландлиги Франция томонида, Виньмаль деган жойда 3298 метрга етади. Францияда фойдали қазилмалардан кўмир, темир рудаси, уран, табиий газ, вольфрам ва сурма, тольк хом ашёси, кўрғошин, олтин-гургурт ва рух бор. Нефть ва газ жуда кам миқдорда учрайди.

Мамлакат ҳудудининг 20 фоизи ўрмондан иборат. Иқлими асосан уч хилда: океан, континентал ва денгиз иқлими. Франция иқлими қишлоқ хўжалиги учун қулай. Мамлакатнинг кўпгина ҳудуди океан иқлимига мансуб. Ғарб ва шимолда Атлантика океанидан нам ҳаво оқими келиб, мўътадил иқлим ҳосил қилади. Ҳавоси ёзда салқин, қишда илиқ бўлади.

Париж ҳақида фикримизни давом эттирадиган бўлсак, бу шаҳар мамлакатнинг энг муҳим иқтисодий, сиёсий ва маданий маркази ҳисобланади. У дунёдаги катта ва энг гўзал шаҳарларидан биридир. Айни пайтда у Ильде-Франс тарихий вилоятининг бош шаҳридир. Сена дарёси соҳилида, иқлими юмшоқ, мўътадил, денгиз иқлими. Январнинг ўртача ҳарорати 3-4 даража, июлники эса 18,8 даража бўлар экан.

Милoddан аввалги VII асрда ҳозирги Париж ўрнида галлар қабиласи яшаган, паризийларнинг Лютеция қишлоғи бўлган. Бу жойлар римликлар даврида йирик савдо маркази бўлиб, милодий III-IV асрларда Паризия деб аталган. (Париж номи шундан олинган). 497 йилдан бошлаб Франк қироллари қароргоҳи бўлган.

Париж мамлакатда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотларининг тўртдан уч қисмини етказиб беради. Саноатининг етакчи тармоқлари машинасозлик (хусусан, автомобилсозлик, электротехника ва электроника)



ва металлсозлик, самолётсозлик, дастгоҳсозлик бўлиб, бу ерда яна аниқ механика ва оптика буюмлари ишлаб чиқарилади. Бу ерда ҳарбий саноат ҳам салмоқли ўрин эгаллар экан.

Парижда тайёрланган галантерея ва парфюмерия ҳамда заргарлик маҳсулотлари, тайёр кийимлар, сафар анжомлари, туристлар учун эсдалик буюмлар дунёга машхур. Тикувчилик, қоғоз, полиграфия, мебель, озиқ-овқат, қурилиш материаллари саноати ривожланган.

Париж – транспорт коммуникацияларининг йирик бўғини, дарё бандаргоҳига эга шаҳар. Бу ердан ўн бир тарафга радиал шаклда тармоқланиб кетган транспорт йўллари икки қатор ҳалқа йўл билан бирлаштирилган. Учта йирик аэропорт бор. Парижда 1900 йилдан буён метрополитен ишлаб келмоқда.

Шаҳар радиал – ҳалқасимон қилиб режалаштирилган. Бир-бирига боғланиб кетган, шаклан ўзига хос ансамбллар тизими шаҳар қиёфасига алоҳида кўрку тароват бағишлайди. Парижнинг қадимий маркази Ситео бўлган. Бу ерда готика услубида қурилган Биби Марям ибодатхонаси (Нотр-дам, 1163–1257), Сент-Шапель бутхонаси (1243–1248) каби ёдгорликлар сақланган. XVI–XVII асрларда Париж салобатли пойтахт қиёфасига кирган. Кўчалар, майдонлар аниқ режа асосида қурилган. Лувр, Люксембург саройи, Сорбонна университети ва унинг ибодатхонаси, Ногиронлар уйи, Ногиронлар жомеси, Вогезлар майдони, Валь-де-Грас монастири бунёд этилган. XIX аср бошларида Париж марказида улкан майдон барпо этилган. У Лувр майдонини, Карусель майдонидаги аркни янги Риволи кўчаси, Тюильри боғи, Елисей майдони, де Голль майдонидаги Зафар Аркаси билан бирлаштирган. Шу районнинг ғарбида турар-жой кварталлари жойлашган. Улар Булонь ўрмонига қадар чўзилган.

Дарёнинг чап соҳилида Пантеон, Бурбонлар саройи, Гранд опера театри биноси, Эйфель минораси қад кўтарган.

Парижда мамлакатнинг етакчи илмий тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари жойлашган. Париж (Сорбонна) университети (XIII аср), Франция коллежи, консерватория, кончилик, санъат мактаблари, қишлоқ хўжалиги институти, Франция институти (таркибида бешта академия мавжуд), музейлар, яна кўплаб маданий-маърифий иншоотлар бунёд этилган.

Аслида Парижни ёки Европанинг бошқа катта шаҳарларини бир-икки кун айланиб, батафсил маълумот олиш анча мушкул. Бизга бу борада ўзимиз билан бирга олиб олган китоблар, интернет маълумотлари қўл келди.

Биз англаб етган яна бир ҳақиқат шу бўлдики, Европанинг машхур шаҳар ва қишлоқларининг бетакрор гўзаллиги қанча мафтун этмасин, одамларнинг турфа феълү атвори ҳар қанча қизиқ туюлмасин, муқаддас Ўзбекистонимизга тенг келадиган ўлка ер юзида йўқлигига ҳар қадамда ишонч ҳосил қилиб турдик. Кимники, ниманики кўрсак, уларни аввало она юртимиз одамларига, ўзимизнинг кадрдон манзараларга қиёслаймиз.

Автобусда қайтар эканмиз, вақтни, имкониятни бой бермасдан, ҳар бир вилоят вакилларида бир-икки кишини ёнимга чорлаб, уларнинг ҳаёти, оиласи, касби-кори, бугунги амалий ишлари ҳақида суҳбатлашдим.

Мана, ниҳоят, учқур тулпоримиз – автобусимиз ҳам “дарддан фориг” бўлиб, биз Париж билан хайрлашмоқдамиз.

БЕЛЬГИЯ ҚИРОЛЛИГИ САРИ ЮЗЛАНГАНДА

Автоуловимиз Франциядан Бельгияга қараб йўлга тушди.

Бельгия йўлларида ҳам шундай таниш манзара – икки тарафи ўрмон, ям-яшил буғдойзорлар, бепоён далалар, яшнаб ётган экинларни кўриб бир умр ерга, деҳқончиликка меҳр қўйиб, шундан маъно, ҳикмат излаб яшаган инсонлар, албатта, қувонади, хайратга тушади. Худди кинолардагидек, қирлар бағрида семизлигидан йилт-йилт қилган чорва моллари ўтлаб юрибди.

Ҳар бир давлат худудига ўтганимизда, Европадан дала маданияти, йўл ва инфратузилмалар қурилишини ўрганиш керак, Европадан табиатга уйғун бўлиб, табиатни, неча минг йиллик анъаналарни асраб-авайлаб яшашни ўрганиш керак, деган фикр кўнгилга қаттиқ ўрнашди.

Мана, Бельгияга кириб келяпмиз. Ҳаво булут, тунд. Европанинг пойтахти ҳисобланмиш Брюссель шаҳрида ҳам иморатлар, иншоотлар, кўп қаватли уйлар бир-бирига монанд қилиб қурилган, шаҳарсозлик меъморчилиги ўзига хос. Аммо кўчаларида улкан дарахтлар йўқ ҳисоби.

Йўллар тирбанд, одамлар ўз ташвишлари билан андармон. Онда-сонда, дарахтлар қалин жойларда хазонлар учрайди.

Шаҳар маркази тоза, кўркем. Европанинг биз кўрган аксарият шаҳар марказларидаги каби бу ерда ҳам трамвай қатнови бор.

Ўзбекистонимизнинг Бельгиядаги элчихонаси биноси қаршисидамиз. Элчихона олдида ҳилпираб турган давлатимиз байроғини кўриб ниҳоятда мамнун ва масрур бўлдик. Кўзимизга оловдек кўринди. “Ана, Ўзбекистон байроғига етиб келдик”, деган хитоблар янгради.

Бизни, яъни гуруҳимиздан 20 га яқин кишини Ўзбекистон Республикасининг Бельгия ва Голландиядаги Фавкулудда ва мухтор элчиси Владимир Норов қабул қилди.

Элчи билан мулоқотимиз бир соатдан зиёд давом этди. Ниҳоятда самимий, чин дилдан, кўнгилларда, кўзларда, юзларда ватандошлик муҳаббати балқиб, ҳар биримизнинг қалбимизда мустақил Ўзбекистон бор улуғворлиги билан юз очиб суҳбат қурдик. Аввало, элчи жаноблари мухтарам Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг 90-йиллардаёқ Ўзбекистонда фермерлик ҳаракатининг истиқболини кўра олганини, қатъий қарорлар қабул қилганини, юртимиз фермерлари кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда, албатта, дунёнинг ривожланган мамлакатлари тажрибасидан ўрганишлари зарурлигини кўп бор таъкидлаганларини эслаб ўтдилар. Бизнинг бу сафаримиз ана шу даъватнинг яна бир хайрли натижаси эканини уқтирдилар.

Владимир Имомович Норов Европа, хусусан, Бельгия, Голландия, Нидерландия давлатларида кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда ўзига хос, айни пайтда бутун дунёга ибрат қилиб кўрсатса арзийдиган жиҳатлар мавжудлиги ҳақида гапирдилар. Айниқса, Бельгияда ҳам, Голландияда ҳам бир гектар ердан ўртача 20 минг евро, айрим фермерлар 30 минг еврогача даромад олар экан. Ҳеч ким умрини далада шунчаки ўтказмас, 50-60 гектар ерга ота-бола ва биргина ёрдамчи қарар экан. Барча иш механизациялаштирилган, барча жараён компьютерда назорат қилинади. Тасаввур қилинг, худудий майдони кичкина бўлган биргина Бельгиянинг ўзи 27 миллиард еврогача кишлоқ хўжалиги маҳсулоти экспорт қилар экан.

Маҳсулот етиштириш фақат замонавий технологиялар асосида олиб борилади. Чорва маҳсулотлари етиштиришни олсак, битта соғин сигирдан 40-50 литргача сут олинар экан. Бу ерда ҳатто молларнинг елинини ювиш ҳам автоматлаштирилган. Сигир жониворга қандай витамин, қайси озуқа зарурлигини компьютер кўрсатиб туради. Таъбир жоиз бўлса, моллар – иззатда, компьютер технологиялари – хизматда, фермер эса жаннатда юргандек. Моллар мультивитаминларигача олади, кутилиши мумкин бўлган барча касалликларга қарши олдиндан эмланади. Ветеринария хизмати шу даражада яхши йўлга қўйилганки, иштаҳаси бироз бўғилган молнинг ҳолати ҳам ойнадагидек кўриниб туради.

Кишини хайратга соладиган яна бир жиҳати – бутун дунёга экспорт қилинадиган гулларнинг 60 фоизи Голландияда етиштирилади. Шунингдек, Голландия картошка етиштиришда ҳам ўз тажриба мактабига эга. Шу боис ўзбекистонлик фермерлар ҳам бир неча йиллардан бери Голландиядан келтириладиган картошка уруғини орзиқиб кутиб туришади.

Бу борада Бельгиянинг тажрибасидан ҳам ибрат олса арзийди. Аввало шуни айтиш керакки, Бельгияда ҳар йили 60-70 минг гектаргача картошка экилади. Бир гектар ердан ўртача 40-50 тоннадан ҳосил олинади. Ҳар йили ушбу давлат миқёсида 2,5-3 миллион тонна миқдорида картошка етиштирилади. Шунинг 0,8 миллиондан 1,1 миллионигача бўлган қисми Европа мамлакатларига экспорт қилинади.

Бундай ютуқлар биринчи навбатда илм-фан натижаларига асосланган. Бу борада, айниқса, Люксембург провинциясидаги кишлок хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, картошка етиштириш бўйича илғор тажрибаларни оммалаштириш илмий маркази фаолиятини намуна қилиб келтириш мумкин. Бу даргоҳда жами 30 киши меҳнат қилади. Улардан 10 нафари картошка етиштириш бўйича илмий ходим, 3 киши – агроном, 1 киши – муҳандис-техник, 6 киши – техник ва бир одам ишчи.

Бор-йўғи шунчагина инсон бутун мамлакатда картошка етиштириш бўйича барча муаммоларнинг ечимига жавоб беради ва буни аъло даражада уддалайди.

Бельгиядаги 1950 йилда ташкил этилган мева ва сабзавот билан ҳам ялпи, ҳам кимошди савдоси билан иш тутадиган “Belorta” компанияси фаолияти ҳақида янада катта мамнуният билан гапириш мумкин. Кейинги йилларда мазкур компания дунёнинг Франция, Германия, Нидерландия, Россия, Япония, Канада, АҚШ каби мамлакатларига қарийб 400 миллион евро қийматидаги маҳсулотларни, яъни Бельгиянинг 60 фоиз маҳсулотини экспорт қилмоқда.

Бу компанияга аъзо бўлишнинг ҳам ўзига хос талаблари бор экан. Фермер 125 еврога компаниянинг фақат 5 дона акциясини сотиб олиши мумкин. Умуман, акция миқдори 20 дондан ошмаслиги керак ва шартнома фақат бир йилга тузилади. Компаниянинг ҳозирги вақтда фермерлардан 1500 нафар аъзоси бор. Улар маҳсулотни кимошди савдоси орқали сотиб олади. Фермер ҳеч нарсага қўлини урмайди, фақат маҳсулот етказиб беради. Маҳсулот тайёр бўлганида, компания ходимлари келиб ўзлари уни саралайди, ўзлари жойлайди, ёрлиғини ўзлари ёпиштиради. Бир сўз билан айтганда, фермерга пулини санаб беради ва барча ишини ўзи бажаради. Ушбу ташкилотда 367 киши ишлар экан. Айни пайтда “Belorta” Бельгия

бозорларининг 80 фоизини назорат остига олган. Бозорнинг бир компания томонидан бу даражада забт этилиши асосида ҳалоллик, аъло сифат, қатъий интизом мужассам эканига ўзимиз гувоҳ бўлдик.

Яна бир қувончли томони шундаки, мазкур компания раҳбарлари Ўзбекистон фермерлари билан ҳам ҳамкорлик қилишни назарда тутганлар. Шу боис фермерларимиз улар фаолиятини кенгрок ўрганиб, айна пайтда сифатли маҳсулот етиштириб, дунё бозорига чиқишлари учун барча имконият мавжуд.

Иссиқхоналарда маҳсулот етиштириш бўйича ҳам Бельгия тажрибасини Ўзбекистонда оммалаштириш зарур, – деди элчи жаноблари. – Чунки бизда 1 гектар иссиқхонада 150 тонна помидор етиштирилса, Бельгияда 700 тонна. Бундан ташқари, помидор уруғи етиштириш ҳам аъло даражада йўлга қўйилган. Бир килограмм помидор уруғи 10 минг еврога сотилади. Бу бир килограмм олтин баҳоси билан тенг дегани. Бельгияда иссиқхонада етиштирилган барча экин турлари асосан сизот сувлари билан суғорилади. Оқава сувдан бу сувнинг фойдаси бир неча баробар кўплиги исботланган. Кейин улар экин гулга кириш арафасида, албатта, иссиқхона устига асалари уясини қўйишади. Хуллас, ўрганса, ибрат олса бўладиган жиҳатлари талайгина.

Тўрткўл тумани ҳокими ва бошқа бир нечта ҳамроҳларимиз ўзларини қизиқтирган саволлар билан Владимир Норовга мурожаат қилишди ва берилган жавобдан биз ҳаммамиз ниҳоятда қониқиш ҳосил қилдик. Элчининг фикрларини умумлаштириб айтиш мумкинки, Ўзбекистон фермерлари, ишбилармонлари бугунги кунда Президентимиз Шавкат Мирзиёев талаб қилаётганларидек, чет элга шунчаки саёҳат учун эмас, иш ўрганиш учун боришлари керак.

Бельгияда ер сотилмайди. Фермер тўғри келган одамга ерни бериб қўявермайди. Бунинг учун фақат ва фақат ақл билан, илмга асосланиб иш тутиш кераклигини Европа тараққиёти яна бир бор исботлади.

Голландияда ҳар гектар ердан Европанинг бошқа мамлакатларига қараганда икки баробар кўп ҳосил олинаркан. Бир дона помидор уруғини ерга қадашдан олдин у кунлаб текширилади, ерга ҳеч қачон пуч уруғ қадалмайди. Шу боисдан ҳам бир гектар ердан 30 минг еврогача даромад олинади. Европада етиштириладиган гулларнинг 65 фоизини Голландия экспорт қилади. Сизот сувидан фойдаланиш ҳақида гапирдик. Чунки сизот суви табиий филтёрланган бўлади.

Эсингизда бўлса, бир вақтлар Ўзбекистонда баъзи хўжаликлар ерларида корейс миллати вакиллари пиёз экиб, гектарчилик деб аталган шаклда хўжалик ишини юритар эди. “Нима учун сизлар бир гектар ердан 80-100 тонна пиёз оласизлар-у, бизда бунинг имконияти йўқ”, деган саволга улар ўша пайтда бундай деб жавоб берган экан: “Ер бор, сув бор, қуёш бор, фақат ишлаш керак”.

Маълумки, аслида меҳнат қилишдан мақсад – яхши яшаш, ҳеч кимга қарам бўлмаслик, қашшоқликда қийналмаслик. Айна пайтда меҳнат азобга айланиб кетмаслиги лозим. Қачонки ақл ўрнини жаҳолат, қаноат ва шукроналик ўрнини очкўзлик эгалласа, меҳнат роҳат эмас, машаққатга айланади. Бунга тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Биз Европа ишбилармонлари ҳаёти, иш йўсини билан танишиб, чиқарган хулосамиз



шу бўлдики, ақл-идрок, маърифат билан иш тутган одам кам меҳнат қилиб, кўп ҳосил олиши мумкин экан.

Келинг, анъанамизга мувофиқ, кадрли ўқувчи, Бельгия қироллиги ҳақида суҳбатлашайлик.

Бельгия қироллиги – Ғарбий Европадаги давлат. У Шимолий денгиз соҳилида жойлашган. Маъмурий жиҳатдан уч регионга, регионлар вилоятлар (провинция)га, вилоятлар коммуналарга бўлинган. Майдони 30,528 минг квадрат километр. Аҳолиси 10 миллиондан зиёд.

Амалдаги Конституцияси 1831 йилда қабул қилинган ва ўша пайтдан бери унга кўп ўзгаришлар киритилган (охирги марта 1998 йилда). Давлат бошлиғи – қирол, унинг ҳокимияти чекланган. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни қирол ва парламент амалга оширади. Икки палатали парламент тўрт йил муддатга сайланади. Вакиллар палатаси 150 депутатдан ва Сенат 72 нафар аъзодан иборат. Ижрочи ҳокимиятни қирол ва у томондан тайинладиган ҳамда парламентга ҳисобот берадиган ҳукумат (Вазирлар Кенгаши) амалга оширади, унга Бош вазир раҳбарлик қилади.

Бельгия ҳудудининг аксарият қисми пасттекисликдан иборат бўлиб, шимоли-ғарбдан жануби-шаркка томон кўтарилиб боради. Энг баланд нуқтаси – Ботранж чўққиси (694 метр). Соҳил яқинидаги кум уюмлари ва дамбалар серҳосил экинзорларни денгиз сувидан ҳимоя қилади. Бу ўлкада тошкўмир, қурилиш материаллари, жумладан, мармар, кам миқдорда темир ва полиметалл рудалар, сурма каби фойдали қазилма бойликлар мавжуд. Иқлими мўътадил, денгиз иқлими январь ойида ўртача ҳарорат 3-4 даража, июлда 18-19 даража. Йиллик ёғин миқдори 700-1500 миллиметр. Йирик дарёлари Маас, Шельда, Изер дарёларидир. Улар бир-бири билан каналлар орқали туташтирилган. Бельгия ҳудудининг 18,7 фоизи ўрмонзордир.

Аҳолиси миллий таркибига кўра икки асосий гуруҳга бўлинади: фламандлар 58 фоизни, валлонлар 32,5 фоизни ташкил этади. Бельгияда 1 миллионга яқин ажнабийлар – италян, испан, француз, греклар, голландлар, марокашликлар, турклар яшайди. Аҳолисининг 96,5 фоизи шаҳарда истикомат қилади. Расмий тили – француз, нидерланд ва немис тили. Диндорларнинг аксарияти католиклар. Йирик шаҳарлари: Брюссель, Антверпен, Пьеж, Гент, Шарлеруа.

Иқтисодий нуқтаи назардан таҳлил қилинса, Бельгия дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар гуруҳига киради.

Мамлакат саноатида маҳсулотнинг техникавий даражаси юксаклиги жаҳон бозорида унинг рақобатдошлигини таъминлайди. Саноатда янги технологияларни жорий этишга, экспортни рағбатлантиришга, кичик ва ўрта корхоналарни жалб этишга алоҳида эътибор берилади.

Металлсозлик, машинасозлик, айниқса, автомобилсозлик (йилига 1 миллиондан ортиқ автомобиль ишлаб чиқарилади) кимё, электротехника, электрон, бинокорлик материаллари, тўқимачилик, озиқ-овқат, ёғочсозлик, заргарлик (олмосга ишлов бериш) энг ривожланган саноат тармоқлари ҳисобланади.

Меҳнатга яроқли аҳолининг атиги 3 фоизи қишлоқ хўжалигида банд. Бу – бир деҳқон 80 кишини боқади, деганидир. Ўрта ва майда фермер хўжаликлари (90 мингга) қишлоқ хўжалигининг асосини ташкил этади, бир хўжаликнинг ўртача ер майдони – 15 гектардан иборат. Етакчи тармоқ чорвачилик бўлиб, у бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 70

фоизини етиштириб беради. Асосий қишлоқ хўжалиги экинлари – буғдой, арпа, сабзавотдан иборат. Кўпчилик маҳсулот турлари бўйича қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ички эҳтиёжни ортиғи билан таъминлайди. Етиштирилган сабзавотнинг 80 фоизи четга чиқарилади: ромен салати дунёнинг 40 мамлакатига сотилади. Экспорт қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари орасида ғалла ва мева асосий ўрин тутди. Бир сўз билан айтганда, бельгияликлардан саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам жуда кўп нарса ўрганса арзийди.

Энди Брюссель шаҳри ҳақида фикр юритсак. Брюссель – нафақат Бельгия, балки 28 та давлатни бирлаштирган Европа Иттифоқи пойтахти ҳамдир. У Брабант провинциясининг маъмурий маркази ҳам ҳисобланади. Сена дарёси бўйида жойлашган бу шаҳарнинг аҳолиси асосан фламанд ва валлонлар, кўпчилиги католик динига эътиқод қилади.

Брюссель – XI аср йилномаларида илк бор тилга олинган. Ўшанда у Лувен графлари қароргоҳи бўлган. XII асрдан бошлаб Брабант тарихий вилоятининг асосий иқтисодий марказига айланган. XIV асрдан XIX асргача бир қанча давлатлар таркибида бўлган, 1830 йилдан буён Бельгия қироллиги пойтахтидир. 1940-44 йилларда Брюсселни немис-фашист кўшинлари оккупация қилган. 1949 йил сентябрда Америка-Англия кўшинлари Брюсселни озод қилган. 1967 йилдан бошлаб Брюсселда Европа иқтисодий кенгаши ва Бенилюкс марказий органи, НАТО кенгаши ва унинг Европадаги бирлашган Қуrolли кучлари олий бош қўмондонлигининг бош қароргоҳи жойлашган.

Брюсселда Қироллик академияси (1772 йилда ташкил топган), университет (1834 йил), Лувен католик университети, География институти ва бошқа олий ўқув юрглари, илмий тадқиқот институтлари, расадхона (1827 йил), Ботаника боғи, Санъат академияси, Қироллик кутубхонаси (1837 йил), музейлар, театрлар фаолият кўрсатади. Брюсселда жаҳон санъат кўрғазмалари ўтказилади. Шаҳар марказида Гудула жомеси (1220–1500) каби кўплаб тарихий меъморий бинолар сақланиб қолган.

Брюсселдан чиқиб, боғдорчилик ва кўчат етиштиришга ихтисослаштирилган “Каролис” компанияси томон йўлга тушдик. Бельгия қишлоқларида ҳам биздаги каби намунали турар-жой бинолари кўп экан. Аммо уй-жойлар бир хил, икки қаватли, меъморий тузилишига гап йўқ. Қишлоқ кўчаларида ҳам пиёдалар учун йўлаклар қилинган ва алоҳида рангли плиткалар ётқизилган. Шу йўлаклар ёнида ёмғир суви учун ариқчалар қилинган. Ҳар бир хонадон олдида гулзор, майсазор бор, ҳеч бир ҳовли девор билан ўралмаган. Уйлар кўчага туташ, эшик бор-у, девор йўқ. Ўта ўзига хос, мафтункор, дид билан қурилган қишлоқларки, уларни шаҳардан фарқлашнинг ўзи мушкул. Уйлар гўзаллиги, шинамлиги, дизайни ва ташқи кўриниши билан бир-бирини тўлдиради.

Мана шундай ҳайрат ва ҳавас оғушида “Каролис” компаниясига етиб келдик. Бир туп кўчат 5 доллар, уйга етказиб бериш учун яна 75 цент устама қўйилар экан. Бир гектар олмазордан ўртгача 60 тонна ҳосил олинарди. Нокларнинг бўйи 2,5-3 метр. Улар 20-30 йиллик бўлса ҳам, ортиқча шохлаб, тарвақайлаб кетмаган. Табиийки, бу ерда суғориш ғаллазорлари йўқ.

Компаниянинг аввал кўчатлар сақланадиган омборларини, кейин 10-15 километр йўл босиб, кўчатзор плантацияларни, боғларни кўрдик. Гилос,



олма, нок кўчатларининг хилма-хил туридан бор. Ҳар бир иш расамади билан, жой-жойига қўйиб қилинган. Бу ишларга фақат ҳавас билан боқасиз. Ноябр ойида ҳам 10 йиллик олма тупларида шиғил мевалар борлигини кўрдик. Мезбонларнинг таъкидлашича, булар майдалари, яъни, териб ол-маса ҳам бўладигани эмиш. Қишлоқ хўжалиги, боғдорчилик маданияти, тан олиш керак, бу юртда биздан анча олдинда. Юқорида таъкидлангани-дек, қишлоқ билан шаҳар ўртасида деярли фарқ йўқ. “Центрайдан” деб аталадиган шаҳарчада 40 минг аҳоли, шу номдаги қишлоқда ҳам шунча одам яшар экан. Аммо, қишлоқда 3 та автосалон бор экан.

Боғларни, кўчатларни кўриб бўлгач, яна компания ҳовлисига келдик. Бир гуруҳ тезкор боғ яратиш ниятида бўлган фермерларимиз “Каролис” компанияси раҳбарияти билан шартномалар тузишди.

Йўлда яна кўзимизга ташлангани эмин-эркин ўтлаб юрган семиз чорва моллари бўлди. Албатта, бу яйлов ичида моллар учун барча зарур шароитлар бор, деб ўйлашимиз мумкин. Аммо уларга бериладиган ем, доридармон, назорат алоҳида бир мавзу.

Мен, гарчи ижод аҳлига мансуб бўлсам ҳам, фермер ва тадбиркорлар гуруҳида бўлганим учун ҳамма нарсага уларнинг кўзи билан қарай бошладим. Шунинг учун, азиз ўқувчим, шунча гўзаллик ва азалликни кўрибсиз, қани шеър, деб каминани ёзғирмагайсиз. Кўрганларим олдида менинг шеърий қобилиятим ҳам ожиз бўлса, найлайин, чора не!

Биз яна ўзимиз кўниккан, кўзимиз ҳам, кўнглимиз ҳам ўрганиб қолган ўрмону яшиллик салтанати қуршовидаги йўлларни босиб, куёш уфқ ортига бош қўйган маҳалда Голландиянинг Гога шаҳридаги меҳмонхонага келиб тушдик. Бу меҳмонхона шу пайтгача турган меҳмонхоналаримиз ичида энг аълоси экан. Ҳамроҳларим Аҳад, Асқар билан тунги шаҳарни кўриш ҳамда овқатланиш мақсадида 1,5-2 километр юриб, бир ошхонага кирдик. Битта ликобчада озроқ димлаб пиширилган мол гўшти, бир тақсимчада қовурилган картошка, яна бирида салат, помидор, хуллас, барчасининг баҳоси 30 евро бўлди, бир шиша қизил вино ҳам шу нарҳда. Овқатланиб чиққанимиздан сўнг меҳмонхонамизни йўқотиб қўйсак бўладими? Адашиб бошқа тарафга кетиб қолганимиз боис бир соатлар чамаси сўраб-суриштириб, ётоқ жойимизни аранг топиб келдик, денг.

Шаҳарда велосипед учун алоҳида, пиёдалар учун алоҳида, бир-биридан ранг билан ажратилган йўллар мавжуд. Биз аҳамият бермасдан, велосипед учун ажратилган йўлақдан кетаётган эканмиз, бир аёл тўхтаб, бизга танбех берди.

Биз Гога шаҳридан эрта тонгда, нонуштадан сўнг яна йўлга отландик. Йўл бўйи бир иссиқхонага кирдик. Аввал залда йиғилиб, шу компаниянинг мутахассисларидан бири билан мулоқот ўтказилди. Компаниянинг номи Livings Eone ventures бўлиб, Голландия ва Болқон мамлакатларида минг гектардан зиёд ерда иссиқхоналари бор экан. Улар Ўзбекистонда бўлишганини, бизнинг иқлимимиз, айниқса, қуёшли бўлгани учун уларнинг иссиқхонасига мослигини айтишди. Фақат бироз сув муаммоси борлигини ҳам эслатиб ўтишди.

Иссиқхонани қуришда асосан илмий ёндашиш зарурлигини таъкидлашди. Ўзбекистонда бунинг имконияти борлигини, бизнинг Россия билан яқин ҳамкорлигимиз, ҳали тўлиқ ўзлаштирилмаган Осиё бозори яқинлиги,

етиштирилган маҳсулотларни сотишни такомиллаштиришда қулайлик туғдиришини мамнуният билан таъкидлашди. “Биз сизларга ўргатамиз, сизлар бошқаларга... Биз 72 фоиз сувдан фойдаланамиз. Бу масала ечимини топса бўлди. Биз ҳамкорлик қилишга тайёرمىз”, дейишди улар.

Яна ифтихор билан билдирган фикрлари шу бўлди: “Ўзбекистон бозорларининг мафтунимиз. Сизларда имконият бор. Биз Ўзбекистондаги Аграр университети билан ҳамкорлик қилиш ниятидамиз. У ерда бўлганмиз”.

Биз уларнинг иссиқхоналари фаолияти билан яқиндан танишдик. Ҳар бир ҳаракат компьютерлаштирилган. Помидор, бодринг дейсизми, гуллар дейсизми, барча экин турларининг ҳолати аъло даражада. Аммо бу ишлар учун жиддий маблағ талаб қилиниши шундоққина кўриниб турибди.

Европа шаҳарларида менга бир нарса ёқмади – деярли қатиқ, яъни, кефир қилинмас экан. Суюлтирилган сузмага ўхшаш нарсаси бор, аммо уни ҳам ҳамма жойдан топиб бўлмайди. Ҳар окшом уйда ярим коса қатиқ ичиб ётадиган одамга бу қанчалик азоблигини тасаввур қилиш учун бу ҳолатни бошдан ўтказмоқ лозим. Европа қишлоқларида қорамолларнинг шу даражада кўплиги, ҳар бир сигирдан 30-40 литрдан сут соғиб олинishi, лекин қатиқнинг истеъмолда бўлмаслиги ҳаддан ташқари қизиқ туюлди. Бежиз Ўзбекистонимиз ноз-неъмат масаласида жаннатга қиёс қилинмас экан-да! Аслида ҳам Ер юзида бундай бетакрор диёр, бундай танти халқ йўқ экан! Бу ҳақиқатни бутун дунёга тортинмасдан айтиш учун аввал дунёни кўриш керак экан.

Келинг, энди Голландия ҳақида бироз суҳбат курайлик.

Голландия – ўрта аср графлиги, сўнгра тарихий Нидерландия таркибидаги вилоят, XVII–XVIII асрларда Бирлашган вилоятлар республикаси (вилоят номи билан уни кўпинча Голландия, Голландия Республикаси деб ҳам аташади) таркибида бўлган. Ҳозирги вақтда Нидерландия (уни, норасмий равишда Голландия деб ҳам аташади) таркиби икки вилоятга – Шимолий Голландия ва Жанубий Голландияга бўлинган.

Голландлар ўзларини холандере деб аташади. Улар Нидерландиянинг асосий аҳолиси бўлиб, асосан нидерланд тилида сўзлашади. Диндорлари асосан протестантлар (кальвинистлар, меннонитлар), католиклардан иборат.

Ҳозирги Голландия худудида милоддан аввалги 1-минг йилликнинг иккинчи ярмида асосан кельтлар яшаган. Милодий сана бошларида бу ерларга герман қабилаларидан фризлар ва батавлар кўчиб келган. Рим империяси босқини даврида (милоддан аввалги I аср, милодий IV аср) сакслар ва франклар келиб, фризлар ва батавлар билан аралашиб кетишган. Ана шу қабилалар негизида тарқоқ вилоятларнинг уюшуви XIV–XV асрларда голланд элатининг шаклланишига олиб келган, бу ҳудуд эса Нидерландия деб номлана бошлаган. Испания ҳукмронлигига қарши XVI асрда Нидерландия олиб борган миллий озодлик кураши Голландиянинг миллий жиҳатдан жипслашишига катта таъсир кўрсатган. Голландия миллатининг шаклланиши XVIII асрга келиб тугалланган.

БИЗ КЎРМАГАН БЕРЛИН

Бир қарашда биз Берлинни яхши биламиз. Бу шаҳар ҳақида ўрта мактаблар партасидаёқ ул-бул нарсаларни ўқиганмиз. География дарсида



шаҳар табиати ҳақида маълумотлар олиб, тасаввурлар ҳосил қилганмиз. Аммо, дангали гапни айтадиган бўлсак, бу шаҳар ҳақидаги қарашларимиз айқаш-уйқаш эди.

Хуллас, биз Германияга, Берлин шаҳрига етиб келдик. Йўлларда автоҳалокатлар содир бўлгани боис тўхтаб-тўхтаб юриб, ҳатто ўн икки соатдан ҳам зиёдроқ юришимизга тўғри келди. Бизни Берлинда жиззахлик ҳамроҳимиз Очил аканинг аввал эслатиб ўтганимиз ўғли Фаҳриддин кутиб олди ва Берлин бўйлаб уюштирган сафаримизга бош бўлди. “Европа CITY” меҳмонхонасига жойлашдик. Меҳмонхона жуда эски, хонадаги иситиш ускуналари, худди биздагидек, чўяндан. У фашизм устидан ғалаба қозонилганидан кейин қурилган бўлса керак, деган хаёлга бордик. Бу ердаги лифтларга икки киши аранг сиғади. Аммо, ётоқхоналарда немис халқига хос саранжом-саришталик, файзу тароват, тозалик уфуриб турибди. Хонада барча имкониятлар бор. Нар-саларнинг ҳаммаси оппоқ.

Узоқ йўл юриб келганимиз боис окшомда ётиб дам олдик. Тонгда, нонуштадан кейин, Берлин чеккасидаги, шаҳардан 20-25 километр наридаги савдо марказига бордик. Чунки сафаримиз поёнига етиб боряпти, оила аъзоларимизга совға-салом, қолаверса, ўзимиз учун ҳам ул-бул харид қилишни мўлжаллаб қўйган эдик.

Савдо маркази асосан Берлин шаҳри аҳолиси учун хизмат кўрсатар экан. Шаҳар марказида сайёҳлар кўп бўлгани боис озиқ-овқат дўконларидаги кундалик зарур маҳсулотлар ҳам нисбатан қиммат, шунинг учун берлинликлар шу савдо марказига бориб харид қилишаркан. Ҳатто, кўшни Голландия давлати фуқаролари, айниқса, чегарага яқин турадиганлари овқатланиш учун ҳам Берлин худудига ўтишар экан.

Тўғриси айтганда, нарх-наво шунга арзигулик. Бир жиҳатни алоҳида қайд этмоқчиманки, биз Рим, Турин, Женева, Париж, Брюссель, Амстердам шаҳарларида бўлдик, лекин бирон жойда арзон маҳсулот кўрганимиз йўқ. Ҳеч каерда учратмаганимиз – кефир Берлин озиқ-овқат дўконларида бемалол сотилаётганини кўриб, беихтиёр, эй, бор экан-ку, ҳақиқат, деб юборибмиз.

Ҳамроҳларимиз, имкон бўлса, Берлинда бир ош есак, деган фикрни билдиришди. Фаҳриддин Берлинда бир турк одам раҳбарлик қиладиган ошхона борлиги, бу жойда паловни жуда дўндириб тайёрлашларини айтганида кўпчилик, олдиндан буюртма бериб, кечга томон ўша ерга боришга ваъдалашди. Фаҳриддин ош ва шўрвага буюртма берди.

Биз савдо марказидан келгандан кейин Фаҳриддин етакчилигида метрога тушиб, ошхонага етиб бордик. Бизга чойхонага ўхшаш жой дейилганди, йўқ, росмана бир бар, ким сигарет, ким чилим чеккан, денг, яна кимдир пиво, кимдир бошқа нарса билан андармон, ғала-ғовурли, чоғроққина жой экан. Бўш ўрин топиб ўтирдик. Шўрванинг ўрнига ярим косадан қизил карам шўрва ичдик, кейин бир таксимчадан ош едик. Айтиш керак, ошни ниҳоятда ўрнига қўйган, чиройли дамлаган экан.

Берлиндаги биринчи кунимиз шундай ўтди.

Рости, дастлаб келганимизда шаҳар унчалик улуғвор, кўркам кўринмаган эди. Аммо кейинги пайтда қурилган замонавий бинолар, биз кўриб улгурмаган тарихий музейлар, руслар черкови, бир қанча муаззам бинолар –

Рейхстагни, парламент биноси, Бош канцлер қароргоҳи, ҳукуматга тегишли бир қанча салобатли иншоотларни четдан кузатдик, томоша қилдик.

Мана, Рейхстаг биноси ёнидамиз. Бу бино ўрта асрлардаги олмон миллатининг муқаддас Рим империясидаги марказий ҳокимият органлари жойлашган бинодан бири, тарихий обида сифатида немислар учун ниҳоятда қадрли.

Айнан шу бинога 1945 йилда маршал Г.Жуков кўмондонлигидаги Биринчи Белоруссия фронти жангчилари томонидан ғалаба байроғи қадалган. Айтиш керакки, бу воқеа фашизм балосидан башарият халос бўлганининг рамзи сифатида тарихга кирди.

Бино қаршисида туриб тўрт-беш йил қон кечиб, Москвадан Германия тупроғигача бўлган масофани жангу жадаллар билан пойи пиёда босиб ўтган, не-не кўргуликларни бошидан кечирган, шу манзил-у маконгача омон-эсон етиб келиб, ғалабага санокли кунлар қолганда шу ерларда шаҳид бўлган қахрамон ҳамюртларим, жасоратли ўзбек ўғлонлари кўз ўнгимдан ўтади. Гўё уларнинг маънос нигоҳлари менга боқиб тургандек “бизни унутиб юбормадингизми?”, деяётгандек туюлади менга. Чин дилдан тиловат қиламан. Яратгандан руҳи поклари шод бўлишини тилайман. Айнан шу ғалаба боис ер юзи аҳолиси эркин нафас олди. Шу ғалаба боис дунёда тинчлик яна барқарор бўлди, давлатлар ўртасида дўстона ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Буларнинг барчаси ана шу фидойи аждодларимиз жасорати туфайли бўлиб, буни унутиш асло мумкин эмас.

Табиийки, энди Германия каби машҳур давлат ва унинг пойтахти Берлин ҳақида ўқувчиларимизга бироз маълумот берамиз.

Германия Федератив Республикаси – ГФР – Марказий Европадаги давлат. Шимолий ва Болтиқ денгизлари соҳилида жойлашган. Майдони 357 минг квадрат километр. Пойтахти – Берлин шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 16 ер (вилоятга), ерлар округларга, округлар туманларга, туманлар жамоаларга бўлинади.

ГФР – федератив республика. Амалдаги конституцияси 1949 йил 23 майда қабул қилинган. Давлат бошлиғи – федерал президент. У махсус чақириладиган Федерал мажлис томонидан 5 йил муддатга сайланади ва яна фақат бир марта сайланиши мумкин. Федерал мажлис Бундестаг, яъни, парламент депутатлари ҳамда ландтаглар (ер парламентлари) томонидан сайланган аъзолардан иборат бўлади. Президент иш қобилятини йўқотса ёки вафот этса, Бундестаг раиси президент ваколатларини бажаради. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни парламент амалга оширади. У икки палата – Бундестаг ва Бундесратдан иборат. Бундестаг аҳоли томонидан тўрт йил муддатга сайланади. Бундесрат эса ер ҳукуматлари ўз орасида тўрт йил муддатга тайинланадиган вакиллардан иборат. Ижроия ҳокимият федерал канцлер бошчилигидаги федерал ҳукумат кўлида. Федерал канцлер бундестагда президентнинг таклифига биноан кўпчилик овоз билан сайланади. Вазирлар федерал канцлернинг таклифи билан президент томонидан тайинланади. Ҳар бир ернинг ўз конституцияси, парламенти ва ҳукумати бор.

Германиянинг табиати, иқлими, рельефи бениҳоя бой ва хилма-хил. Паст ва баланд тоғ тизмалари ораларида ясситоғликлар, ўру қирлар, кўллар, кенг ва очиқ текисликлар учраб туради. Иқлими – мўътадил, денгиз иқлими, ғарб ва шимоли-ғарбдан жануби-шарққа томон денгиз иқлими континен-



тал иқлимга ўта боради. Январнинг ўртача ҳарорати пасттекисликларда 1,5 даражадан тоғларда – 6 даражагача бўлади. Қишда ҳавоси сертуман, қорлар тез эриб кетади. Июлнинг ўртача ҳарорати пасттекисликларда 18 даражадан жанубий водийларда 20 даражагача боради.

Дарёлари: Эльба, Рейн, Дунай, Майн, Везер, Шире, Мозель. Йирик кўллари: Боден, Мюриц. Тоғлари асосан подзол, чимли подзол ва кўнғир ўрмон тупроқларидан иборат. Тоғларда қора қайин, дуб, оқ ва қора қарағай ўсади.

Аҳолисининг 90 фоиздан кўпроғи немислар; турклар, қисман дан (даниялик)лар ва голландлар яшайди. Расмий тили – немис тили. Диндорлари – протестантлар (лютеранлар 50 фоиздан зиёд) ва католиклардан иборат. Мусулмонлар ҳам кўп. Мамлакатда 7 миллиондан зиёд чет элликлар ҳам яшайди.

Йирик шаҳарлари: Берлин, Гамбург, Мюнхен, Кёльн, Франкфурт-Майн, Дортмунд, Штутгарт, Дюссельдорф, Ганновер, Нюрнберг, Лейпциг, Дрезден.

Энди қадрли ўқувчиларимизга Берлин шаҳри ҳақида батафсилроқ маълумот берсак. Берлин – Германия Федератив Республикаси пойтахти. Бу мамлакатда федерал маъмурий бирлик, яъни, худудлар Ерлар деб аталади. Берлин ҳам федерал маъмурий бирлик – Ерга тенглаштирилган. Шаҳар Шпре дарёси Хафель дарёсига қуйиладиган ерда, Шимолий ва Болтиқ денгизларига чиқилладиган каналлар бўйида жойлашган. Майдони қарийб 890 квадрат километр. Шаҳарнинг ғарби ва шарқида кўллар кўп, ҳавоси сернам. Январда – 0,06 даража, июлда – 18 даража иссиқ кузатилади.

Берлин ҳақидаги дастлабки тарихий маълумот 1244 йилга тегишли. У икки аҳоли пунктининг бирлашувидан ташкил топган. 1486 йилдан Бранденбург герцоглиги пойтахти бўлган. XVII асрда Франция ва Огемиядан келган қочоқлар ҳисобидан унинг аҳолиси тез ўсган. XIX аср Берлиннинг иқтисодий ўсишида муҳим давр саналади. Айни шу вақтда (1871 йил) у Кайзер империясининг пойтахти ва Европанинг йирик марказларидан бири сифатида шаклланган. Саноат бўйича Европада унга тенг келадиган шаҳар йўқ эди. 1945 йилгача Берлин Германиянинг энг йирик илм-фан, маданият ва сиёсий маркази бўлиб келди. 1933-45 йилларда Берлин гитлерчилар “учинчи рейх”нинг пойтахти бўлди. 1945 йил 2 майда Берлин совет кўшинлари томонидан тўлиқ эгалланди. Урушдан кейин иттифоқчилар – АҚШ ва СССР Берлинни тўрт оккупация секторига бўлишди. Кейинчалик иттифоқчилар ўртасидаги келишмовчиликлар туфайли Берлин ҳам Германия каби икки қисмга – Шарқий ва Ғарбий Берлинга бўлинди ва ГДР аҳолисининг оммавий равишда Ғарбга ўтишини тўхтатиш мақсадида 1961 йилда “Берлин девори” (Шарқий Германия ва Ғарбий Берлин ўртасида умумий узунлиги 162 километр, жумладан, шаҳар доирасида 45 километр тўсиқ иншоотлар тизими қурилди. 70-йилларнинг бошида вазият бирмунча ўзгарди. 1989 йил 9 ноябрдаги сиёсий ўзгаришлар туфайли Берлин девори олиб ташланди. Кейин ГФР ва ГДР ўртасида 1990 йил 3 октябрда шартнома имзоланди, улар қўшилди. Бирлашган Германиянинг федерал пойтахти мақоми Бонн шаҳридан Берлинга ўтди.

Берлин радиал – доирасимон режа асосида қурилган ва ўз қиёфасини ҳозиргача сақлаб келмоқда. Шаҳарда ўрта аср ёдгорликларидан готика услубига хос Мариенкирхе ва Клостеркирхе черковлари (XIII-XIV аср-

лар), барокко услубидаги немис тарихи музейи (1695–1706), Бранденбург дарвозаси (1788–1791), классицизм услубидаги опера театри, драма театри (1819–1821) ва бошқа қадимий бинолар сақланиб қолган. Шаҳарда кўплаб замонавий савдо-сотик бинолари, саройлар, уй-жойлар ва бошқа иншоотлар барпо этилган. Метрополитен қурилган. Ф.Гумбольдт номидаги университет (1809) ва махсус ўқув юртлари мавжуд. Маданий-маиший муассасалар, театрлар, музейлар, кутубхоналар, маданий галерея каби йирик бинолар жуда кўп.

Ҳозирги вақтда фақат тарих учун бир бўлаги қолдирилган Берлин деворини бориб кўрдик. Кўплаб бинолар олдида суратга тушдик. Такси ҳайдовчи Аюб исмли 55 ёшли турк киши экан. Тўрт қизи, бир ўғли бор экан. Ниҳоятда хушчақчақ. Аранг бир-биримизни таржимонсиз тушуниб, суҳбат курган бўлдик. Чунки Фахриддин Мирзоҳид билан Ўзбекистонга қайтиши керак бўлган ҳамроҳларимизни Франкфуртга кузатгани кетишган эди. Демокчиманки, барибир таржимонсиз қийналдик. Чет элга сафаримиздаги бироз йўл азоби, бир мунча қимматчиликка ҳам чидаса бўлар экан. Аммо тил билмаслик азоби, мушкулоти барчасидан ўтиб тушди. Рост, ўзимдан хафа бўлиб кетдим. Қанча-қанча олтиндан қиммат вақтимизни елга совурганимиз. Барча иккинчи, учинчи даражали ишлар ва маишат учун вақт топганмиз, аммо тил ўрганишни хаёлимизга ҳам келтирмаганмиз. Энди афсус ва надоматдан фойда йўқ. Қолбуки, бир асрдан зиёд вақт олдин Аваз Ўтардек бобомиз тил ўрганишга даъват этиб, деган:

*Ғайри тилин билгали саъй этинг, ёшлар
Қим, касбу ҳунарлар сири андин аёндур.*

Мен Фахриддинга: “Немислардан нимани ўргансак бўлади?”, деб сўрадим. Унинг жавоби бундай бўлди: “Жамоатчилик одобига қатъий риоя қилишади. Битта одам кўпчилик ичида бирон саволга нотўғри жавоб берса, биздаги каби пиқ этиб кулиб юбормайди. Бу ҳолни сезмагандек тутади ўзларини. Немислар кўпчилик ичида бир кишини ҳеч қачон изза қилмайди. Умуман, улар бировнинг устидан кулишни хуш кўрмайди.

Биз – ўзбеклар ўзимизни гоҳида ҳаддан ташқари меҳнатқаш, деб ўйлаймиз. Немислар бизга нисбатан ҳам кўпроқ меҳнат қилади, назаримда. Аккорд билан, яъни, байлаб олиб ишлашни ҳам ўрнига қўйишади. Немислар вақт билан қатъий ҳисоблашади. Бизга ўхшаб “Ҳормангга келдик”, деб бир-бирига халақит бермайди. Биз иш жараёнида истаган пайтда танаффус қилишимиз мумкин. Уларда бундай эмас.

Немислар жуда-жуда тежамкор, дунё халқлари ичида бежизга “немисча ҳисоб-китоб”, деган ибора қўлланмайди. Озиқ-овқатга ҳам ўта тежаб-тергаб пул сарфлашади. Немисларда “эллик ёшдан кейин ўзим учун яшашим керак”, деган кайфият ҳукмрон бўлади ва улар бунинг уддасидан чиқади.

Ёш болаларда ҳам жамоатчилик маданияти яхши ривожланган. Хато бўлса ҳам болаларига ўз фикрларини очиқ айтишга, мустақил фикрлашга имконият яратишади. Китобга, кутубхонага муносабат немис жамиятида аъло даражада юксак. Уларда китобхонлик маданияти яхши шаклланган. Кутубхоналарга пенсияга чиққан аёллар боғча ёшидаги болаларга китоб ўқиб бериш учун ўз эълонларини осиб қўйишади. Саводхонлик ҳам юқори



даражада. Мактабга ёш болаларни фақат ота-онаси ёки тайинланган одам олиб боради. Болани ёлғиз қолдиришмайди.

Тақрор айтаман, немислар вақтдан унумли фойдаланишади. Вақтга худди пулдек муомала қилишади. Борадиган жойини бир кун олдин белгилашади. Белгиланган вақтдан бир-икки дақиқа олдин сизни кутиб олишади. Кечикиш, сабабсиз келмай қолиш уларда жуда қораланади. Бирон тадбирга кечиксангиз, ўзингиз ноқулай аҳволга тушиб қоласиз.

Немис халқи, миллатининг бу яхши фазилатларини самимият билан қабул қилган ҳолда, табиийки, кейинги саволим, “Уларнинг қайси одатларидан тийилиш керак?” деган маънода бўлди.

Фахриддин фикрида давом этди: “Ота-она ва фарзандлар ўртасидаги меҳр-оқибат аксарият ҳолларда ўта суст. Улар бизнинг ота-оналаримиз каби фарзандлари учун жонини бахшида қилолмайди. Болаларни ўз ҳолига ташлаб қўйишади. Андиша деган фазилат улар учун ётроқ. Оила ўртасидаги оқибат риштаси ингичка. Ёш оилалар орасида ажралишлар жуда кўп. Энг мудҳиш одатлари бир жинслилар ўртасидаги никоҳ ва бунга давлат томонидан рухсат этилгани. Ҳар ким кўнгли тусаган ишини, бизнинг тилимизда айтганда, билган номаъқулчилигини қилади”.

Бу каби киши дилини хира қиладиган ҳолатларга Фахриддин билдирган фикр-мулоҳазалардан ташқари, Европа давлатларини айланиш жараёнида ўзимиз ҳам кўп бора гувоҳ бўлдик. Дўконларда фаҳшни, ҳаёсизликни тарғиб қилувчи истаган нарсангизни харид қилиб олишингиз мумкин. Таъбир жоиз бўлса, Европа дўконларида “сунъий эркак”, “сунъий аёл”нинг истаган тури сотилади. Буларни кўриб, беихтиёр ёқа ушлаб қоласиз, астафидуллоҳ, дейсиз. Наҳотки, охир замонга қараб одимлаб бораётган бўлсак, деб ўйлаб қоласиз. “Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукур қил”, деганларидек, ота-боболаримиздан, кайвони момоларимиздан, улуғ аждодларимиздан мерос қолган меҳру оқибат, ахлоку одоб, ибою ҳаё, иймону андиша нақадар буюк бойлик эканини юрак-юракдан ҳис қиламиз. Ана шундай буюк аждодларга авлод эканимиздан, ер юзи аҳолисига ибрат бўлгулик ўзбек миллати гўзал фазилатларидан шукрлар қиламиз.

Шу ўринда муҳтарам Биринчи Президентимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китоби эълон қилинганидан кейин бежиз дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинмагани, ўнлаб давлатларда бу асар тақдимотлари ўтказилмагани ҳақида ўйлаб, кўксимиз ғурурга тўлади. Айни пайтда ёт элларда юриб, Яратгандан “бу покиза, бу саодатли, бу ёруғ йўллардан халқимизни ўзинг адаштира”, деб илтижолар қилганимиз ҳам бор ҳақиқат.

Биз Фахриддиннинг номини кўп тилга олдик. Келинг, аввал ўн беш йилдан бери Германияда миллатимизнинг ишбилармон, ўқимишли фарзандлари тимсоли бўлиб, ўз ўрни, ўз кадри билан ҳалол меҳнат қилиб юрган шу оқил йигитни тарбиялаб, камолга етказган отаси – олис сафардаги ҳамроҳимиз Очил ака Саидов шаънига ташаккурномалар айтиб, барчаларига узоқ умр, мустаҳкам бахт-саодат тилаб қолайлик.

АССАЛОМ, ПОЛЯК ДИЁРИ!

Тартиб-интизомни ҳар недан яхши кўрадиган немис биродарларимиз билан хайр-хўшлашиб, яна кадрдон автобусимизга ўтирдик.

Берлиндан чиққанимизга уч соат бўлди, деганда Польша худудига кириб келдик. Ёнилги қуйиш учун тўхтадик. Бошқа давлатларда бўлгани каби Польшадаги ёнилги қуйиш шохобчасида ҳам барча шарт-шароитлар муҳайё.

Польша худудининг ўзига хослиги шунда кўринди: шу пайтгача фақат ўрмонлар ичидан ўтиб келган бўлсак, бу ерларда ҳақкам-дуккам дарахт, буталар учраб қолади. Дарахтлар ҳам унча катта эмас. Йўллар, чор-атроф теп-текис. Аста тонг отиб келмоқда. Ҳар икки тарафда машиналар серкатнов, ҳаво анча совук. Ташқарида қиров тушган. Вақти-вақти билан одатдагидек йўлдан фойдаланганимиз учун солиқ тўлаб боряпмиз. Европа йўлларида юк ташувчи катта машиналар ниҳоятда кўп юрар экан.

Европа йўлларида юришнинг яна бир ўзига хослиги шундаки, ҳеч бир йўловчи кимдандир “бу йўл қаёққа олиб боради?”, деб сўрамас экан. Машиналарда йўл харитаси бор. Автобусимиз ҳайдовчилари ўз компютерининг мониторида қайси километрда, қаёққа қараб кетаётганини кўриб туради. Йўл ҳаракати юз фоиз автоматлаштирилган. Польша худудида йўлнинг икки тарафи унча баланд бўлмаган симтўрлар билан тўсилган. Ҳеч бир инсон, ҳеч бир жонзот катта йўлга чиқиб, машиналар қатновига ҳалақит бермайди.

Йўлнинг икки-уч жойида қуюқ дарахтзорлар кўринди. Яна текислик, буталар. Бошқа мамлакатлардан фарқи – Польша худуди асосан текисликлардан иборатлиги кўриниб турибди. Назаримда, биз қибла тарафга қараб юряпмиз. Аммо уфқ тарафда қуёш худди ботаётганга ўхшаб кўринмоқда. Бир қарасангиз, ойга ҳам ўхшайди. Аслида тонг отмоқда. Ҳамроҳларимизнинг аксарияти ухляпти. Тўғриси айтсам, бошини болишга қўйган заҳоти пинак отишни бошлайдиган одамларга ҳавас қиламан. Ялангликларда аҳён-аҳёнда фермерларнинг уйлари кўриниб қолади.

Европа вақти билан соат 7:30 да Польша осмонида қуёш кўринди. Аммо нечундир бизнинг Ўзбекистонимиз қуёшига ўхшамас эди у. Энди йўлимизда кичик-кичик худудларда бўлса ҳам ўрмонзорлар учрай бошлади. Дарахтлар игнабаргли, танаси, шохлари йўғон эмас, аммо бўйи баланд, ниҳоятда тўғри ва бир текис узун ўсган дарахтлар. Арчалар ҳам бор. Ниҳоят, ўзимиз кўниккан, ўрмон билан қопланган ерларга ҳам етиб келдик.

Варшава шаҳрига етишга, айтишларича, чамаси 100 чақиримча қолган. Узоқ-узоқларда туман кўринса ҳам, аммо талай кунлардан бери биринчи марта қуёш, ўзимиздагидек бўлмаса ҳам, ҳар қалай, аҳвол нечук, дегандек, бошимизда кулиб турибди.

Римдан Варшавагача қарийб 5 минг километр йўл юриб, биронта йўл ҳаракатини назорат қилаётган полиция нозирини кўрмадик. Йўл ҳаракати қоидаларини бузаётган ҳайдовчини ҳам учратмадик. Ҳар сафар қайсидир давлатда ўрганишга арзигулик ишларни кўрсам, беихтиёр муҳтарам Биринчи Президентимизнинг “одамларимиз чет элга чиқса, кўрса, онгу тафаккури ўзгаради”, деган сўзлари қайта-қайта ёдимга тушаверди. Яна бир ўзига хослик шуки, катта автомагистрал йўлларда бирон жойда машиналар учун орқага бурилиб, қарши томондаги йўлга ўтиб олиш имкони йўқ. Бундай ҳаракат тақиқланган. Борди-ю шундай ҳолатга зарурат бўлса, катта кўприкларнинг ости ё устидан ўтиш мумкин.

Варшавага қираверишда йўлнинг икки, баъзи жойда бир тарафи тўрт метр баландликдаги металл девор билан тўсилган, Варшавага киришдан аввал Польшанинг “Ашан” супермаркетига кириб савдо қилдик.



Яратганга беҳисоб шукур, маҳаллий вақт билан соат 16:30 да Варшава шаҳрига кириб келдик. 31 қаватли меҳмонхонага жойлашдик. Окшом Варшавани томоша қилдик. Такси эгаси рус тилини чала-ярим билар экан. Президент маҳкамасини, тарихий иншоотларни, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини кўрсатди. Тунги Варшава ниҳоятда гўзал, чироқлар оламида сеҳрланиб қоласиз. Еру кўк чароғон.

Шукрим, окшомимиз кўнгилдагидек ўтди. Нонуштадан кейин Асқар билан шаҳар марказига бориб, драма театри, маънавият-маърифат маркази, бошқа гўзал иншоотлар олдида расмга тушдик.

Польшада ҳам иш вақти 8:00 да бошланади, шекилли, йўлнинг икки тарафидаги метрога оқиб келаётган одамлар беҳисоб. Польшаликлар рус тилини билади, дейишганди. Амалда эса ундай эмас экан. Яна бир гап – Польшани Европа Иттифоқи аъзоси дейишгани билан аксарият дўконларида евро ўтмас экан.

Яна шуни мамнуният билан айтиш мумкин, Польшада бошқа давлатларга нисбатан озиқ-овқат маҳсулотлари арзон.

Умуман олганда, Польшада аҳоли учун яратилган имконият ҳар жиҳатдан ҳавас қилса арзийди. Аввало, Ўзбекистонимиздаги каби бу ерда ҳам, боя айтганимиздек, маҳсулот арзон. Одамларининг чехраси ҳам тоза, кайфияти аъло. Хотин-қизлари хушрўй. Аммо ачинарли бир томони – навниҳол қизларнинг лунжида сабил колгур сигарета.

Бизнинг қизларимиздаги шарқона ҳаё ва ибo, каттага хурмат, кишига тик боқмаслик, андиша каби гўзал фазилатларнинг қадрини шундай пайтларда янада чуқур ҳис этдик.

Албатта, ҳар бир миллатнинг ўзига хос урф-одатлари, бошқалардан уларни ажратиб турадиган жиҳатлари борлиги шубҳасиз. Шу боис бизга эриш туюлган одатлар улар учун ёқимли бўлса не ажаб! Ёки аксинча, бизнинг удумларимиз уларга ғайритабиий туюлса, бунга ҳам зоримиз бор-у, зўримиз йўқ.

Польша Европа мамлакатлари орасида ўзига хос гўзаллиги билан ажралиб туради.

Келинг, азиз ўқувчи, Польша ва унинг пойтахти Варшава шаҳри ҳақида бироз суҳбат курайлик.

Польша Республикаси – Марказий Европадаги давлат. Майдони 3127 минг квадрат километр. Пойтахти – Варшава. Маъмурий жиҳатдан 16 воёводга бўлинган.

Амалдаги Конституцияси 1997 йил 25 майда қабул қилинган. Давлат бошлиғи – Президент. У Польша фуқаролари томонидан тенг ва тўғридан-тўғри сайлов асосида, яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимият икки палатали парламент (куйи палата – Сейм ва юқори палата – Сенат), ижрочи ҳокимиятни Президент ва Вазирлар Кенгаши (ҳукумат) амалга оширади.

Польша – Висла ва Одра дарёлари ҳавзасида, шимолда Болтиқ денгизи ва жанубда Карпат ва Судет тоғлари оралиғида жойлашган. Худудининг 90 фоиздан кўпроғи текислик ва пасттекисликдан иборат, худудининг жануб тарафида тоғлар бор. Денгиз бўйлари пастлик ва кумлоқ ерлардир. Иқлими мўътадил, океан иқлими билан континентал иқлим ўртасида. Январнинг ўртача ҳарорати: – 1-6 даражагача, июлники – 10-19 даража, ёмғир

ва қордан сувга тўладиган Одра, Висла, Буг, Нотец ва Варта дарёларида кемалар қатнайди. Польшада 9 мингдан ортиқ кўл бор. Энг катта кўллари Снярдви (113,8 кв.км) Мамри (104 кв.км) кўллари дир.

Польша ҳудудининг ярмидан кўпроғи ҳайдаладиган ерлар, 28 фоизи ўрмон. Мамлакатнинг аксарият жойларида игнабаргли, ғарби ва жанубида кенгбаргли дарахтлар ўсади. Мамлакатнинг шимоли ва шарқида яхлит ўрмонзорлар мавжуд.

Польша Республикасининг пойтахти Варшава шаҳри ҳақида ҳам ҳар қанча гапирсак арзийди. Варшава воеводалигининг маъмурий маркази, мамлакатнинг энг катта шаҳри, сиёсий, иқтисодий, маданий ва илмий маркази. Висла дарёсининг ҳар икки соҳилида жойлашган. Иқлими – мўътадил, континентал. Шаҳар 8 та маъмурий районга бўлинган.

Варшава тарихий манбаларда XIII асрдан бошлаб тилга олинган. У XV–XVI асрларда Мазовецкий князлиги, XVI аср охири ва XIX аср бошигача бутун Польша пойтахти бўлган. 1807–1813 йилларда Варшава алоҳида князлик бўлган. Вена конгресси (1814–15) қарорига мувофиқ, Варшава Россия таркибига кирган Польша қироллигининг пойтахти, XIX асрнинг охиридан бошлаб йирик саноат шаҳри сифатида ривожлана бошлаган. 1915–18 йилларда Варшавани Германия қўшинлари босиб олади. У 1918 йилнинг кузидан бошлаб мустақил Польша давлатининг пойтахти бўлган. 1939 йил сентябрда Варшавани немис қўшинлари эгаллайди. 1945 йил 17 январда Варшава улардан озод қилинади. Ўша вақтдан бошлаб шаҳарни қайта тиклаш ишлари бошланиб кетади. Қайта тиклаш ишларининг бутун дунёдаги рамзи сифатида Варшавага Жаҳон фахрий мукофоти берилган.

Варшава мамлакатдаги транспорт йўлларининг тугуни ва муҳим саноат маркази ҳисобланади. Шаҳардан 9 та темир йўли ва 9 та автомобиль йўли чиқади. Бу ерда 2 та дарё порти ва Окенце халқаро аэропорти бор. Машинасозлик ва металлсозлик (автоқурилиш ва электротехника ва бошқалар), металлургия, кимё, матбаачилик, тикувчилик ва озиқ-овқат саноати тармоқлари ривожланган.

Варшавада 15 та олий ўқув юрти, жумладан, Варшава давлат университетини (1918 йилда ташкил этилган), Политехника институти (1915 йил) Польша Фанлар академияси, консерватория, 20 дан зиёд музей, Катта театр, Халқ театри мавжуд.

Бу қадимий шаҳарда меъморий ёдгорликлардан готика услубидаги Ян собори (1496), Қаср майдонидаги Сигизмунд III устунлари (1644) Красинскийларнинг собиқ саройи (XVII аср), Вилянув (XVII аср) ва Лазенки (XVIII аср) боғ сарой ансамбллари ва бошқа обидалар сақланиб қолган.

ВАТАН СОҒИНЧИ

Ўйлаб кўрсам, соғинч деган биргина сўзда ҳам орзу, ҳам армон, қувончу алам ҳам мужассам экан. Дилида соғинчи балқиб турган одам доим орзиқиб, дийдорга талпиниб, кутиб яшайди. Эзгу орзу-ниятлари сари интилади. Шу маънода, Европа бўйлаб сафарга чиққан ҳар бир ҳамюртимиз қалбида, менимча (ўзимдан қиёс), соғинч тўлқинга айланган эди. Айниқса, сафаримиз поёнлаб бораётгани туфайли бу туйғу бутун вужудимизни камраб олган эди.

Биз Польшадан Беларусъ Республикасига қараб йўлга чиқдик. Чунки самолётимиз Тошкентга Минск шаҳридан учади. Шу боис ҳам ҳар биримизнинг кўнглимизда тезроқ аэропортга етиб бора қолсак, деган ўй чарх урарди. Аммо олдинда ҳали 500 километрдан зиёд йўл азоби турибди. Варшава вақти билан соат 10:00 да автобусимизга ўтирдик.


Мана, Польша қишлоқлари оралаб кетиб боряпмиз. Йўлнинг ҳар икки тарафи қоп-қора ўрмонзор. Қиламиккина қор ёғиб ўтган. Ногаҳон қуёш чиқиб қолди, денг, биз соғинган қуёш. Хаёлга яна Ўзбекистонимиз келади.

Тўрт-беш соатдан сўнг Польшанинг кузатув чегара постига етиб келдик.

Шошилиш аэропортга кириб бориб, рўйхатдан ўтиб, чипталаримизни расмийлаштириб, юқларимизни топшириб, кутиш залида бизга интизор ёки асабий боқиб турган бошқа йўловчилар ичига кириб бордик. Шу онда кўзимиз яшнаб кетди, денг. Ўзи сафарда кутилмаган, тасодифий ишлар, ғайриодатий саргузаштлар бўлиб туради, дегани ҳаққол-рост экан. Тошкентдаги Миллий театримизнинг бир гуруҳ таниқли актёрлари Минск шаҳрига бир ҳафталик гастролга келишган экан. Мусофир юртида, соғинчдан, хавотирдан энтикиб турган пайтимизда қаршимизда Ўзбекистон халқ артистлари Эркин Комилов, Мухаммадали Абдуқундузов, Ўзбекистонда хизмат кўрстган артистлар Фатхулла Маъсудов, Лола Элтоева ва бошқа бир қанча юртдошларимиз юзларида ўзбекона самимий меҳр, табассум билан бизга пешвоз чиқиб турарди. Самолётга улгурганимиз чексиз қувонч бўлса, 12 кун Европа бўйлаб юрган одамлар учун элу юртининг азиз инсонлари билан мусофир юртда рўбарў келиш барчамиз учун Яратганнинг яна бир инояти эди...

Тайёраимиз Тошкент аэропортига оҳиста кўнганида “Боинг-759” тайёрасининг салони қарсақлар садосига тўлди.

Улуғ пойтахтимиз тупроғига қадам қўяр эканмиз, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Азим Тошкент – Ватанимизнинг бош шаҳри, ғурур ва ифтихоримиз тимсоли, барчамиз фарзандлик меҳри ва садоқати билан севиб, талпинадиган буюк ва мўътабар шаҳар” деган сўзлари барчамизнинг қалбимизда акс садо бергандек бўлди.



DRAMA

Жан-Поль САРТР

(1905–1980)

ЁПИҚ ЭШИК ОРТИДА¹

Бир пардали пьеса

*Рус тилидан
Шаҳноза НАЗАРОВА
таржимаси*

Эстель. Сизга айтаяпман-ку, мен ҳеч нарса билмайман. Улар менга изох беришни хоҳлашмади.

Гарсэн. Тушунарли. Улар менга ҳам жавоб беришни хоҳламадилар. Аммо мен ўзимни биламан. Сен биринчи бўлиб гапиришдан қўрқаяпсан-а? Яхши. Мен бошлайман. (*Сукут.*) Мен бу қадар итоаткор эмас эдим.

Инэс. Бари равшан. Биз биламиз, сиз қочгансиз.

Гарсэн. Гап бунда эмас. Буни унутинг. Мен хотинимга азоб берганим учун бу ердаман. Бори шу. Беш йил мобайнида. Рост, у ҳалиям қийналиб юради. У кўз ўнгимда: у ҳақда гапирсам, уни кўриб тураман. Мени Гомес кизиктираяпти, хаёлимда эса хотиним. Гомес қаерда? Роппа-роса беш йил. Буни қаранг-а, улар хотинимга менинг нарсаларимни қайтаришди; у пиджагимни тиззаларига қўйиб, дераза ёнида ўтирибди. Ўн иккита тешиги бор пиджак. Зангга ўхшаш қон доғлари. Тешиклар ўрни сарғайиб кетган. Эҳ! Бу музей экспонати, тарихий пиджак. Мен уни кийиб юрардим! У йиғлармикин? Сен йиғлайсан! Мен чўчкадек ғирт маст ҳолатда келардим, мenden май ва аёлларнинг ҳиди бурқсирди. У мени тун бўйи кутарди; у йиғламасди. Бир оғизгина гап ҳам қилмасди. Фақат кўзлари. Унинг қатта-қатта кўзлари. Мен ҳеч нарсага ачинмайман. У ёқда қор ёғаяпти. Йиғламайсанми энди? Бундай аёлнинг қисмати азоб чекиш бўлади.

Инэс (*юмшоқроқ оҳангда*). Сиз нега уни азобга ташладингиз?

Гарсэн. Шунчаки бу осон эди. У дилгир ҳолатда юрарди, биргина сўз кифоя эди, дарров кайфияти ўзгарарди-қоларди. Ҳеч қачон гина-таъна қилмасди. Мен ўтакетган гажир, асов одамман. Мен кутдим, кўп кутдим. На кўз ёш, на гина кўрдим. Мен уни сойдан тортиб чиқариб олдим, тушун-япсизми? У пиджакка қарамайди, қўли билан пайпаслаб йиртиқларни топади. Нимани кутаяпсан? Илинжинг нимадан? Ҳеч нарсага ачинмайман, деяпман сенга. Биласизми, у менга ҳаддан ортиқ мафтун эди. Бу сизга, албатта, тушунарлидир?

¹ Охири. Бошланиши ўтган сонда.

Инэс. Йўқ. Менга мафтун бўлишмаган.

Гарсэн. Яна ҳам яхши. Сиз учун жуда яхши. Буларнинг бари сизга жуда мавҳум туюлса керак. Сизга қизиқ бир воқеани сўзлаб берай: мен ўзимникига битта мулат аёлни кўчириб келдим. Тун бўйи тиним йўқ! Хотиним биринчи қаватда ухларди, шовқинимизни эшитарди, эҳтимол. У биринчи бўлиб уйғонарди – биз бўлсак тонггача ирғишлаб ётардик – у бизнинг ётоққа нонушта келтирарди.

Инэс. Ифлос!

Гарсэн. Ҳа-да, ифлос, аммо севимли. (*четга олиб.*) Йўқ. Бу Гомес, аммо унинг гапи мен ҳақимда эмас. Сиз “ифлос” дедингиз. Жин урсин, агар бошқача бўлса, бу ерда нима қилардим? Сиз-чи?

Инэс. Мен-ку қарғиш теккан аёл эдим. Ўша маҳалдаёқ қарғишга қолгандим, ҳа, билиб қўйинг. Шунинг учун унчалик ҳайрон бўлганим йўқ.

Гарсэн. Бори шуми?

Инэс. Йўқ, албатта, яна Флоранс билан боғлиқ ўша кечмиш. Аммо бу тарих мурдалар ҳақида. Учта мурда ҳақида. Аввало у, кейин у билан биз. Ўшандан кейин у ерда ҳеч ким қолмади, мен хотиржам тортдим – шундоқ ёлғиз хона. Мен уни баъзида кўраман. Дераза-эшиклари беркитилган бўш хона. Э-э! Ниҳоят улар муҳрларни олиб ташлашди. Ижарага берилади... Уни ижарага қўйишган. Эшикда эълон ёпиштирилган. Бу... кулгили.

Гарсэн. Учта? Сиз учта дедингизми?

Инэс. Учта.

Гарсэн. Эркак ва иккита аёлми?

Инэс. Ҳа.

Гарсэн. Буни қаранг-а! (*сукут*). У киши ўзини ўлдирдимми?

Инэс. У киши? У бунга қодир эмасди. Бунда айби йўқ, у азоб чеккан. Йўқ, у трамвай остида қолган. Майнавозчиликни қаранг-а! Мен улар билан яшадим, у менинг амакиваччам эди.

Гарсэн. Флоранс оқ-сарик сочлимиди?

Инэс. Оқ-сарик сочли? (*Эстель томонга қарайди.*) Биласизми, мен сира ачинмайман, бу ҳақда гапиришни хохламайман, бунинг ёқадиган жойи йўқ.

Гарсэн. Кейин, кейин-чи! У жонингизга тегиб кетмадимми?

Инэс. Ҳа, аста-секин. Бир ундоқ, бир бундоқ... Масалан, у хўриллатиб ичарди – стаканга пиш-пиш нафаси уриларди. Ҳар хил майда-чуйдалар. Тегма нозик бахтсиз бир одам. Сиз нега кулаяпсиз?

Гарсэн. Чунки мени жин урмайди.

Инэс. Кўрамиз. Мен қизни аврадим: унга менинг кўзларим билан қарайдиган бўлди. Ва охир-оқибат менинг қўлларимда қолиб кетди. Биз шаҳарнинг бир чеккасидан ижарага жой олдик.

Гарсэн. Кейин нима бўлди?

Инэс. Кейин мана бу трамвай... Мен доим унинг миясига қуярдим: ҳа, мана шунақа, жонгинам, биз уни ўлдирдик-қўйдик. (*жумлик.*) Мен ёвузман.

Гарсэн. Ҳа. Мен ҳам.

Инэс. Йўқ-йўқ. Сиз ёвуз эмассиз. Бу бутунлай бошқа нарса.

Гарсэн. Айнан нима?

Инэс. Буни сизга кейин айтаман. Мана мен ёвузман: мен учун бошқаларнинг азобли ҳаёти даркор. Машғала. Юрак машғаласи. Қачонки ёлғиз қолсам, мен тугаб битаман. Олти ой мен унинг юрагини куйдирдим: мен у ерда ҳаммасини ўтга ташладим. Бир кеча қиз ўрнидан турди ва газни

очди, бундай бўлар деб хаёлимга келтирмагандим. Кейин у яна ёнимга келиб ётди. Бор гап шу.

Гарсэн. Ҳимм!

Инэс. Нима?

Гарсэн. Ҳеч нима. Палид бир иш.

Инэс. Палидми, нима бўпти?

Гарсэн. Ҳа, сиз ҳақсиз. (*Эстелга.*) Сенинг навбатинг. Сен нима қилиб кўйгандинг?

Эстель. Ахир айтдим-ку, ҳеч нарсадан хабарим йўқ.

Гарсэн. Хўп, биз сенга ёрдам берамиз. Башараси абжақ бўлган кимса ким?

Эстель. Қанақа абжақ?

Инэс. Сен ўзинг биласан. Бу ерга келганингда учраб қолишидан кўрққанинг ўша одам.

Эстель. Бир танишим.

Инэс. Нега ундан кўрқасан?

Эстель. Мени сўроқ қилишга ҳеч қандай ҳаққингиз йўқ.

Инэс. У сен сабаб ўзини ўлдирдими?

Эстель. Йўқ, сиз ақлдан озибсиз!

Гарсэн. Нега ундан кўрқасан бўлмаса? У, нима, ўзини пешонасидан отдими? Шунинг учун унда бош бўлмаслиги керакми?

Эстел. Бас қилинг, бас қилинг!

Гарсэн. Сени деб, сени деб!

Инэс. Сен сабаб ўзини отган!

Эстель. Мени тинч кўйинг. Мен сиздан кўрқаман. Мен бу ердан кетишни хоҳлайман. Бу ердан кетишни хоҳлайман!

Эшикка қараб югуради, уни силкилай бошлайди.

Гарсэн. Кет. Мен жон дейман. Аммо эшик ташқаридан берк.

Эстель тугмачани босади. Кўнгироқ овоз бермайди. Инэс ва Гарсэн кулишади. Эстель уларга ўгирилади, эшикка суянади.

Эстель (*аста бўғиқ овозда*). Сизлар пастлик қилаяпсиз.

Инэс. Албатта, бу пастлик. Биз аниқлаб бўлдик, у сенинг айбинг билан ўзини отган. У сенинг ўйнашинг эдими?

Гарсэн. Бари равшан, ўйнаши. У қизнинг ёлғиз ўзига тегишли бўлишини хоҳлаган. Шундай, шундайми ахир?

Инэс. У моҳир раққослардек рақсга тушарди, аммо, афтидан, нотавон бўлган.

Гарсэн. Сендан сўраяпти, у ночормиди?

Эстель. Ҳа, у қашшоқ эди.

Гарсэн. Ҳа-да, сен ўз обрўйингни сақлаб қолишни истагансан. Кунлардан бир кун у сенга қаттиқ ёлворган, сен бўлса кулгансан.

Инэс. Шундай эмасми? Сен кулганмисан? Шунинг учун ҳам у ўзини отганми?

Эстель. Сен Флорансга шундай кўз билан қарадингми?

Инэс. Ҳа.



Сукут. Эстель кулади.

Эстель. Топа олмабсиз. *(уларга қарайди, эшикка тиралади. Куруқ писанда билан)* У мендан бола кўрмоқчи бўлди. Энди хурсандмисиз?

Гарсён. Сен хохламагансан.

Эстель. Йўқ, хохламадим. Шунга қарамай бола туғилди. Мен беш ой Швейцарияда юриб келдим. Ҳеч ким бу ҳақда билмади. Қиз туғдим. У туғилганда ўша нусха мен билан эди. У қиз хоҳларди. Мен эса йўқ.

Гарсён. Кейин-чи?

Эстель. Болохона айвони кўлга чиқарди. Мен катта тош олдим. У: “Эстель, сендан ўтинаман, ёлвораман”, деб қичқирди. Мен ундан жирканардим. У ҳаммасини кўрди. У болохонадан қараб турарди ва сувда таралган ҳалқачаларни кўрди.

Гарсён. Кейин.

Эстель. Ҳаммаси шу. Мен Парижга қайтдим. У ўйлаб қўйган ишини бажарди.

Гарсён. Ўзини отди-а?

Эстел. Албатта. Бекордан бекорга нобуд бўлди: менинг эрим бу борада гумонга ҳам бормаганди ахир. *(сукут.)* Мен сизлардан нафратланаман. *(кўз ёшсиз йиғлайди.)*

Гарсён. Фойдаси йўқ. Бу ерда ёш келмайди.

Эстель. Мен тубан одамман. *(сукут.)* Сиз билсангиз эди, сизлардан қанчалар нафратланаман!

Инэс *(уни қучади).* Шўрлик қизгина! *(Гарсёнга.)* Тергов тугади. Жаллод бўлмай кет.

Гарсён. Жаллод... *(аланглаб.)* Бир кўзгуга қарасам, ҳеч нарсамни аямасдим! *(сукут.)* Ёндирди! *(беихтиёр пиджагини еча бошлади.)* Э, узр. *(уни яна киймоқчи бўлади.)*

Эстель. Пиджакни ечишингиз мумкин. Кейин...

Гарсён. Ҳа. *(пиджакни диванга итқитади.)* Мендан жаҳлинг чиқмасин, Эстель.

Эстель. Мен сиздан аччиқланмайман.

Инэс. Мендан-чи? Мендан ғазабланасанми?

Эстель. Ҳа.

Жимлик.

Инэс. Мана, Гарсён, биз энди ғумбаклардек шир яланғоч бўлиб қолдик. Енгил торгдингми?

Гарсён. Билмадим. Эҳтимол, бироз. *(ботинмай.)* Бир-биримизга ёрдам бериш йўллари кидириб кўрсак нима бўпти?

Инэс. Мен ёрдамга мухтож эмасман.

Гарсён. Инэс, ҳамма иплар чувалиб кетган. Сиз қимир этсангиз, зарбаси бизга тушяпти. Ҳар биримиз алоҳида-алоҳида қутулиб кетолмаймиз: биргаликда ютишимиз ёки бирга ютқишимиз керак. Танланг. *(сукут.)* Нима гап?

Инэс. Қизни улар сотишган. Ойна ланг очик, эркак менинг каравотимда ўтирибди. Улар уни сотишган, улар сотишган уни! Бошланг, бошлайверинг, ҳеч ийманиб ўтирманг. Бу аёл. У эркак томон келади ва қўлини

унинг елкасига кўяди... Нега улар чироқни ёқмаяпти, энди ҳеч нарса кўринмаяпти: улар ўпишаётгандир, а? Бу хона меники! Меники! Ахир нега улар чироқ ёқишмаяпти? Мен уларни энди кўрмайман. Улар у ерда нимани ивир-шивир қилишяпти? Наҳотки у уни менинг тўшагимда силаб-сийпалайди? Аёл унга ҳозир чошгоҳ эканлиги, қуёш ёрқин порлаётганини сўзляпти. Демак, мени кўздан қолдиришибди. *(сукут.)* Тамом. Энди ҳеч нарса кўринмайди ва эшитилмайди. Хўп, яхши: ишондимки, бу дунёнинг ишлари соб бўлар. Менда айбсизлигимни исбот этувчи бошқа бирор нарса қолмади. *(титрайди.)* Мен сезяпман, ичим бўм-бўш. Мана ҳозир, ниҳоят, мен бутунлай ўлдим. Мен бутунлай, бутунлигача шу ерданман. *(сукут.)* Сиз нимадир дедингизми? Сиз, менга ёрдам бермоқчи эдингиз, шекилли, а?

Гарсэн. Ҳа.

Инэс. Қандай?

Гарсэн. Уларнинг режасини йўққа чиқариш учун ёрдам.

Инэс. Эвазига нима сўрайсиз?

Гарсэн. Менга сиз ёрдам берасиз. Сиздан арзимас нарса даркор бўлади, жиндек холис ёрдам.

Инэс. Холис ёрдам?.. Уни қаердан оламан мен? Мен йўлдан озганман.

Гарсэн. Мен-чи? *(сукут.)* Шундай бўлса ҳам, бир уриниб кўрайлик?

Инэс. Мен қуриб-қакшаб қолганман. Ҳеч нарса беролмайман, ҳеч нарса ололмайман – ахир қандай ёрдам бероламан. Қуриган бутуқ ўтга ташланади. *(Сукут. Қўллари билан юзини тўсиб ўтирган Эстелга қарайди.)* Флоранснинг сочлари сарғимтил-оқ эди.

Гарсэн. Бу зинқарча сизнинг кушандангиз бўлади, биласизми шуни?

Инэс. Эҳтимол, гарчи мен бунга ишонмасам ҳам.

Гарсэн. У сизни уларга тутиб беради. Менга келсак, мен... мен... мен унга ҳеч бир эътибор қилмайман. Фақат унинг тарафидан...

Инэс. Нима?

Гарсэн. Бу тузоқ. У кутиб турибди, унинг тузоғига тушасизми ёки йўқ?

Инэс. Биламан. Сиз ҳам – қопқон. Нима дейсиз, улар сизнинг сўзларингизни аввал-бошдан ҳисобга олмаганми? Балки, шубҳага бориладиган жойларга тузоқ қўйилгандир. Тузоқлар – ҳамма ёқда. Аммо менинг бу билан ишим йўқ. Мен ҳам тузоқман. Ўша қиз учун тузоқ. Балки, пайти келиб нақ уни тутиб оларман.

Гарсэн. Сиз ҳеч кимни тутиб олмайсиз. Биз қанчалар югурмайлик, ҳеч қачон бир-биримизга қувиб етолмаймиз, худди от ўйинидагидек. Ишона-веринг – улар буларнинг барининг ғамини еб қўйишган. Бас қилинг, Инэс. Тўхтанг. Акс ҳолда биз уч шўрпешонага айланамиз.

Инэс. Наҳотки қўлидаги ўлжани қочириб юборадиганга ўхшасам? Биламан, мени нима кутяпти. Мен ёнаяпман, мен аллақачон ёниб битаяпман ва биламанки, охири йўқ; ҳаммасини биламан – мени курашсиз бой беради деб ўйлайсизми? У меники бўлади, у сизни менинг кўзларим билан кўриб турибди, худди Флоранс ўшани, бошқа бирини кўриб тургандек... Сиз шўрпешоналар ҳақида нима деётгандингиз? Такрорлайман: мен ҳаммасига тайёрман ва ўзимга ҳайфим ҳам келмайди. Тузоқ! Албатта-да, мен тузоққа тушдим. Хўш, нима бўпти? Қайтага уларга яхши.

Гарсэн *(уни елкасидан тутди).* Сизга раҳмим келади. Менга қаранг. Биз яланғочмиз. Суякларимизга қадар яланғоч, сизни бошдан-охир кўриб турибман, юрагингизга қадар. Биз қаттиқ боғланганмиз: наҳотки сизга

ёмонлик қилади деб ўйласангиз? Мен ўкинмайман, нолиб ўтирмайман; мен ҳам куриб битганман. Аммо сизни аясам дейман.

Инэс (*унинг гапни бўлмайди, бошини кўтаради*). Менга тегманг. Менга қўл теккизишса куфрим келади. Ўзингизча ачинмай қўя қолинг. Гарсэн, бу хонада сизга қўйилган кўпдан-кўп тузоқлар бор. Сизга! Айнан сиз учун ҳозирланган! Ўзингизнинг ғамингизни еганингиз яхшироқ. (*Сукут.*) Агар бизни қиз билан ўз ҳолимизга қўйсангиз, мен сизга зиён етказмасликка ҳаракат қиламан.

Гарсэн (*унга қарайди, кейин елка қисади*). Маъкул.

Эстель (*бошини кўтаради*). Менга ёрдам беринг, Гарсэн.

Гарсэн. Мендан нима хоҳлайсиз?

Эстель (*ўрнидан туради ва унга томон юради*). Сиз менга ёрдам беришингиз мумкин.

Гарсэн. Ундан сўранг.

Инэс яқин келади, Эстелнинг ортида унга тақалиб туриб олади, аммо қўл теккизмайди. Кейинги лўқмаларда у деярли унинг қулогига сўзлайди. Бироқ Эстель Гарсэнга томон ўгирилади, чурқ этмасдан унга термулади, гўё саволларни у бераётгандек фақат унга жавоб беради.

Эстель. Ўтинаман, Гарсэн, ахир сиз ваъда бергандингиз! Шошилинг, тез бўлинг, мен ёлғиз қолишни хоҳламайман. Ольга уни рақсга тортди.

Инэс. Кимни?

Эстель. Пьерни. Улар бирга рақсга тушишяпти.

Инэс. Қайси Пьер?

Эстель. Бир тентак. У мени ўзининг обиҳаёти деб билади. У мени севади. У уни рақсга тортди.

Инэс. Сен уни севасанми?

Эстель. Улар ўтиришди. Қиз оғир нафас олаяпти. Нега рақсга тушишяпти? Балки озмоқчидир. Йўқ, албатта. Йўқ, мен уни севмаганман: йигитча ўн саккизда, мен бўлсам одамхўр эмасман.

Инэс. Унда уларни унут. Сенинг нима ишинг бор?

Эстель. У меники бўлган.

Инэс. Ер юзидаги ҳеч бир нарса энди сенга тегишли бўлмайди.

Эстель. У меники бўлган.

Инэс. Ҳа, бўлган эди... Уни тутиб кўр-чи, қўл узатиб кўр-чи. Мана Ольга унга тегина олади. Тўғрими? Тўғрими? Ольга унинг қўлини ушлаши, тиззаларини силаши мумкин.

Эстель. У йигитга ўзининг оғир кўкракларини ботирди, унинг юзига тиргалиб нафас олаяпти. Митти болакай, иложсиз митти болакай, сен нега кулмаяпсан? Эҳ, аёл юраги дов бермаган вақтда мен фақатгина термулиб турардим... Мана шунақами, мен эндиликда ҳеч нарсаманми?

Инэс. Ҳеч нарса. Заминда сендан ҳеч вако қолмади: сенинг бор будшудинг шу ерда. Қоғоз кесиш учун пичоқча керакмиди? Ёки бронза ҳайкалча? Қизғиш диван ҳам сеники. Ва мен, мен ҳам умрбод сеникиман, қизгина.

Эстель. Шундайми? Буларнинг бари меникими? Иккингиздан қайси бирингизнинг мени обиҳаётим дея аташга ҳадингиз сиғади? Менинг ҳисобимда сизнинг иккингиз ҳам янглиш фикрламайсиз, менинг ярқисиз

эканлигимни билиб турибсиз. Мен ҳақимда ўйла, Пьер, фақат мен ҳақимда ўйла, мени эҳтиёт қил: менинг обихаётим, менинг баҳоси йўқ обихаётим, менинг ярмимгина шу ерда, менинг фақат ярмимгина гуноҳкор, мен у ерда обихаёт эдим, бағрингда, сен билан ёнма-ён. У қиз помидордек кип-қизил. Ахир бу мумкин эмас эди: биз сен билан юз марталаб уни мазах-масхара қилганмиз. Бу қандай мусиқа? Мен қизни қанчалар севгандим. Ҳа, Сан Луи блюз. Ўйнанг, ўйнанг. Гарсэн, агар уларни кўра олганингизда эди кўнглингизни хушлаган бўлардингиз. Мен уни кўраётганимни у ҳеч қачон билолмайди. Сени кўраяпман, сенинг хурпайган турмагинг, беўхшов кулгингни, кўраяпман унинг оёқларини қандай босиб олаётганигни. Кулгидан ўлиб қолиш мумкин! Қани тезроқ, яна ҳам тезроқ! У уни тор-тади, туртади. Бу одобдан эмас. Тезроқ! У менга айтди: – Сиз қанчалар енгилсиз. Қани, қани. (*Рақс тушади, сўзлашда давом этади.*) Сенга айтаяпман, сени кўраяпман деяпман. Аёлга барибир, у рақс тушаяпти ва менинг нигоҳларимни сезмаяпти. Бизнинг дилрабо Эстель! Бизнинг дилрабо Эстелмиш-а? Э-э, тўхтаб қолишди. Сен ҳатто дафн вақтларида ҳам йиғламагансан. Аёл унга “бизнинг дилрабо Эстель” деди. У уялмасдан у билан мен ҳақимда сўзлашаяпти. Туйғуларнинг чек-чагараси борми: бир вақтнинг ўзида ҳам гапиради, ҳам ўйинга тушадими! Бу нимаси?.. Йўқ, йўқ, йигитга айтма! Мен уни сенга бердим, уни олиб кет, яшириб қўй, у билан хоҳлаганингни қил, фақат унга айтма. (*Бошиқа рақсга тушмайди.*) Бўлди. Энди йигитни тутиб келишинг мумкин. Аёл унга ҳаммасини айтди, Гарсэн: ўша нусха ҳақида, Швейцария сафари ҳақида, бола ҳақида – унга борини айтиб берди. “Бизнинг дилрабо Эстель бўлмаган...” Ҳа, рост, мен бўлмаганман... У ғамгин қиёфада бош силкаяпти, айтишга ҳам ҳожат йўқ, хабар уни титроққа солган. Энди уни олиб кетишинг мумкин. Унинг киприклари узун-узун, у қиз болага ўхшайди... Биз энди рақиб эмасмиз... У мени биллуриб дерди, обихаётим дерди. Сенинг биллуриб синиб чил-парчин бўлди. “Бизнинг дилрабо Эстель”. Тушавер, тушавер ўйинга! Мусиқани тингланг. Бир-икки. (*Рақс тушади.*) Заминга бир дақиқага, атиги бир дақиқага қайтиш учун боримни берардим – ва бир муддат рақс тушардим. (*Рақс тушади; Сукут.*) Ҳозир мен уларни яхши эшитмаяпман. Улар танго тушадигандек чирокни ўчиришди, нега ҳеч кимга билдирмай ўйинга тушаяптилар? Баландроқ! Қанчалар узоқ! Мен... мен энди ҳеч нарса эшитмаяпман. (*Рақс тушишдан тўхтайтиди.*) Энди ҳеч қачон эшитмайман. Мен ва Замин видолашдик. Гарсэн, менга қаранг, мени кучинг.

Инэс Эстелнинг ортидан Гарсэнга нари кетишни ишора қилади.

Инэс (*буйруқ оҳангида*). Гарсэн!

Гарсэн (*бир қадам нари кетади ва Эстелга Инэсни кўрсатади*). Ундан сўранг.

Эстель (*унга ёпишиб олади*). Кетманг! Эркакмисиз ёки йўқ? Менга қарасангиз-чи, кўзингизни олиб қочманг: бу шунчалар мушқулми? Менинг сочларим тилло ранг, ахир кимдир мени деб ўзини отган. Ёлвораман, сиз нимагадир қарашингиз керак-ку. Агар менга бўлмаса, унда хайкалчага, стол ёки диванга қаранг. Ҳар қалай менга қараш ёқимлироқ. Эшитинг, мен уларнинг юрагидан куладим, қуш боласи уясидан кулагандек. Мени ол, мени қабул эт ўз юрагингга – кўраяпсан-ку, мен маҳбубанг бўламан.

Гарсэн (*уни куч билан итариб юборади*). Сизга айтаяпман, ундан сўранг.
Эстель. Унданми? У ҳисобда йўқ – у ҳам аёл бўлса.

Инэс. Мен ҳисобда йўқманми? Аммо, кушча-тўрғайча, сен аллақачондан бери менинг юрагимда яшаяпсан. Қўрқма, сенинг кўзларинг билан қарамайман, ҳатто пирпиратиб ҳам қўймайман. Сен менинг нигоҳларимда яшайсан, куёш нурларидаги қум заррасидек.

Эстель. Куёш нурларидаги? Эй, мени ўз ҳолимга қўйсангиз-чи. Сиз боягина уриниб кўрдингиз ва қиз рад қилди.

Инэс. Эстель! Менинг обиҳаётим, менинг биллургинам!

Эстель. Сизнинг биллурингиз эканманми? Аҳмоқлик. Кимни аврамоқчисиз? Ҳамма билади, мен болани ойнадан улоқтирганман. Биллур синиқлари ерда сочилиб ётибди, мен тупурдим бунга. Менинг пўстим қолди холос ва бу қобиқ сиз учун эмас.

Инэс. Ёнимга кел! Ҳаёт суви ёки булғанч сув, хоҳлаганинг бўлавер; менинг кўзларим қаърида ўзингни қандай хоҳласанг ўшандай кўрасан.

Эстель. Тинч қўйинг мени! Сизда кўзнинг ўзи йўқ, тўғрими? Мени тинч қўйишинг учун нима қилай? Мана сенга!

Унинг юзига туфлаб юборади. Инэс тездан уни қўйиб юборади.

Инэс. Гарсэн! Сиз бунинг учун менга ҳақ тўлайсиз!

Сукут.

Гарсэн елка қисади ва Эстель томон юради.

Гарсэн. Нима дейсан? Эркаксираб қолдингми?

Эстель. Йўқ, эркак эмас. Сени.

Гарсэн. Алжираганинг етар. Бу ерда ким бўлса ҳам эпини қилади. Мен тасодифан қўлга тушиб қолдим. Яхши. (*Унинг елкаларини тутлади.*) Билиб турибсан, сенга ёкишим қийин – мен аҳмоқ эмасман, яна тангога ҳам тушмайман.

Эстель. Сени қандай бўлсанг шундайлигингча қабул қиламан. Балки, сен учун бошқача йўл тутарман.

Гарсэн. Ишонмайман. Мен... эътибор қилмайман. Менинг хаёлим бошқа ишлар билан банд.

Эстель. Қандай ишлар билан?

Гарсэн. Сенга қизиғи йўқ.

Эстель. Мен сенинг диванчангда ўтираман ва мен билан шуғулланишингни кутаман.

Инэс (*қаҳ-қаҳ уриб кулади*). Фоҳиша! Майли ёт! У ҳатто хушрўй ҳам эмас.

Эстель (*Гарсэнга*). Қулоқ солма унга. Энди унда на кўз бор, на қулоқ. У ҳисобда йўқ.

Гарсэн. Сенга йўғу боримни бераман. Бу кўп эмас. Мен сени севолмайман: мен сени ҳаддан ортиқ яхши биламан.

Эстель. Мени кўнглинг тусайдими?

Гарсэн. Ҳа.

Эстель. Менга бошқа нарса керак эмас.

Гарсэн. Унда... (*Унга энгашади.*)

Инэс. Эстель! Гарсэн! Ақлдан озибсиз! Мен шу ердаман ахир!

Гарсэн. Кўраяпман, нима бўпти?

Инэс. Менинг кўз ўнгимда-я? Сиз... сиз бундай қилолмайсиз!

Эстель. Нега? Мен оқсоч олдида ечинаверганман.

Инэс (*Гарсэнга ёпишади*). Уни кўйиб юборинг! Кўйиб юборинг! Унга ифлос эркак кўлларингизни теккизманг!

Гарсэн (*кўполлик билан уни итариб юборади*). Мен олийҳиммат инсонлардан эмасман, аёлларни уришдан чўчимайман.

Инэс. Сиз менга сўз бергансиз, Гарсэн, сиз сўз бергансиз! Ўтинаман сиздан, сиз ваъда бергансиз!

Гарсэн. Сиз ўзингиз келишувни буздингиз.

Инэс уни ўз ҳолига кўяди ва хонанинг олис бурчагига кетади.

Инэс. Хоҳлаганингизни қилинг, сизни кўлга туширди. Аммо эсингизда бўлсин, мен шу ердаман ва сизларга қараб турибман. Кўраяпман, Гарсэн, сизни менинг кўзларим илғаб турибди. Сиздан гулқоғозлардек нафратланаман! Ўз майлингиз билан машғул бўлинг, аммо унутманг: биз дўзахдамыз ва менинг навбатим яқинлашапти.

Кейинги саҳна давомида у уларга қарайди, бир сўз ҳам гапирмайди.

Гарсэн (*Эстелга қайта ўғирилади ва уни елкаларидан тутлади*). Мени ўп.

Сукут. Унга энгашади ва бирдан ростланади.

Эстель (*аламли*). Эй!.. (*Сукут*). Сенга айгандим-ку, унга эътибор берма.

Гарсэн. Унинг учун эмас. (*Сукут.*) Гомес тахририятга келди. Улар деразаларни беркитишган, демак, аллақачон қиш келган. Олти ой. Аллақачон олти ой, худди мен... Мен сени баъзан паришонхотир бўлиб қолишимдан огоҳлантиргандим-а? Улар совуқдан титраяпти, пиджаклар эгнида... Ғалати: у ерда улар совқотишяпти, мен бўлса ёнаяпман. Бу сафар улар мен ҳақимда гапиришяпти.

Эстель. Буниси энди узоқ чўзилади. (*Сукут.*) Жилла курса улар нима ҳақида гаплашаётганини айтсанг-чи.

Гарсэн. Ҳеч нарса ҳақида. У ҳеч нарса ҳақида гапирмаяпти. Бу шунчаки ярамас одам. (*Тинглашда давом этади.*) Қанчалар разил! (*Эстелга яқинлашади.*) Ўз ишимиз билан машғул бўламиз. Мени севмоқчимисан?

Эстель (*жилмайиб*). Ким билади дейсан?

Гарсэн. Менга ишонмоқчимисан?

Эстель. Кулгили савол: сен доимо менинг кўзларимда бўласан ва Инэсга оғиб, менга хиёнат қилмассан балки.

Гарсэн. Тўғри. (*Сукут. Кўлларини Эстелнинг елкасидан олади.*) Мен бошқача тарздаги ишонччи хоҳлайман. (*Ненидир тинглагандай бўлади.*) Бўлсанг-чи, барисини гапир, каллангга нима келса гапир, мен ўзимни ҳимоя қилмайман. (*Эстелга.*) Эстель, сен менга ишонишинг керак.

Эстель. Мунча оҳанжама! Мен ўз лабларим, ўз кўлларим, ўз вужудимни сенга топшираман; ҳаммаси шунчалар жўн содир бўладики!.. Ишонч-чи? Бунга ваъда беролмайман; мени жуда эзиб юбординг. Шу тарзда ишончимни қозонмоқчи экансан, чоғимда, даҳшатли нимадир қилгансан.



Гарсэн. Мени отиб ўлдиришган.

Эстель. Биламан – сен кетишдан бош тортгансан. Кейин-чи?

Гарсэн. Мен... мен ҳеч ҳам бўйин товлаганим йўқ. (*Кўринмас нарсаларга мурожаат қилиб.*) У гапни боплайди, мени ўлгудай қоралайди, лекин нима қилиш кераклигини айтмайди. Нахотки генералга бориб: “Менинг генералим, мен кетишни хоҳламайман”, – деб айтишим зарур бўлса? Бемаъниликку бу! Улар мени қамаб қўйишарди. Мен шоҳид гувоҳ бўлишни хоҳлардим, тушуняпсизми? Оғзимга уришларини хоҳламадим. (*Эстельга.*) Мен... мен поездга ўтирдим. Мени чегарада қўлга олишди.

Эстель. Қаерга кетмоқчи эдинг?

Гарсэн. Мехикога. Мен у ерда пацифистик журнал чиқаришни мўлжаллагандим. (*Жимлик.*) Шу, қани, нимадир десанг-чи, ахир.

Эстель. Сенга нима десам бўлади? Сен тўғри йўл тутгансан, чунки курашишни хоҳламагансан.

Гарсэн асабий қалтирайди.

Эҳ, азизим, сенга нима жавоб беришни ҳам билмаяпман.

Инэс. Дурдонам, унга худди арслондек қочиб қолгансан деб айт. Чунки сенинг маъшуқинг оёғини қўлига олиб тумтарақай қочган. Айнан шунинг учун ҳам у шунақа жиззаки.

Гарсэн. Қочиб кетган, думини хода қилган – хоҳлаганингизча атайверинг.

Эстель. Ҳа-да, қочишинг керак бўлган, агар қолмаганингда, сени тутиб олишарди.

Гарсэн. Худди шундай. (*Сукут.*) Эстель, мени кўрқоқ деб ўйлайсанми?

Эстель. Билмасам, суюқлигим, мен ахир сенинг ўрнингда бўлиб кўрмаганман. Ўзинг ўйлаб топ.

Гарсэн (*ҳорғин*). Ўйлайдиган аҳволда эмасман.

Эстель. Унда эслаб кўр; сенда, балки, бунинг учун сабаблар бўлгандир.

Гарсэн. Ҳа.

Эстель. Қандай сабаблар?

Гарсэн. Нахот шулар жиддий сабаб бўлса?

Эстель (*афсусланиб*). Сен ҳаммасини ортиқ мураккаблаштириб юборяпсан!

Гарсэн. Мен исботлаб беришни хоҳлагандим... мен узоқ ўйладим... Менда чинакам асосли сабаб бўлганмикин?

Инэс. Э-э-э, мана муаммо нимада. Бу сабаблар арзигуликмиди? Ўйлаб кўргансан, қалтис ишлар билан шуғулланишни хоҳламагансан. Аммо кўрқув, нафрат ва бошқа қабихликлар одатан сир тугилади-ю, булар ҳам сабаб. Бўла қол, ўзингдан сўраб кўр.

Гарсэн. Ўчир овозингни! Сенинг ўгитларингни эшитиб ўтиради деб ўйлаяпсанми? Мен ўз камерамда туну кун кадамлаб юрдим, у бошдан бу бошга, деразадан эшиккача, эшикдан деразагача. Ўзим ўзимни назорат қилдим. Ўзим ўзимни кузатдим. Ўйлашимча, бутун ҳаётим давомида фақатгина бир иш қилдим – ўз-ўзимга саволлар бердим, кейин бўлса вақт кучга кирди. Мен... мен поездда кетдим, буни биламан. Аммо нега? Нега? Охири ўйладимки, менинг ўлимим ҳамма муаммоларни ечиб беради; агар менинг ўлишим керак бўлса, мен кўрқоқ эмаслигимни исбот қиламан.

Инэс. Гарсэн, ўлимни қандай кутиб олдингиз?

Гарсэн. Ёмон.

Инэс қаҳ-қаҳ уради.

Ў, бу шунчаки жисмоний заифликдан бўлган. Бундан уялмайман. Фақат ҳаммаси чала-чулпа қолиб кетди. (*Эстелга.*) Бу ёққа кел. Менга қара. Токи Заминда мен ҳақимда сўзлашаркан, менга кимдир қараши зарур. Менга кўк кўзлар ёқади.

Инэс. Кўк кўзлар? Қаранг-а! Сенга-чи, Эстель? Сенга қўрқоқлар ёқадими?

Эстель. Билсанг эди, бу менга фарқсиз. Қўрқоқми, йўкми, ўпишни билса бўлгани.

Гарсэн. Улар уйқусираб бошларини тебратишяпти, сигара тортишяпти, – жуда зерикишяпти. Гарсэн қўрқоқ, деб ўйлашяпти. Бўшанг ва заиф. Аммо ҳар ҳолда улар нима ҳақидадир ўйлашяпти. Гарсэн қўрқоқ – мана улар қандай тўхтамга келишди, менинг ошналарим. Ярим йилдан сўнг улар худди Гарсэндек қўрқоқ, дейишади. Сиз иккинги омадлисиз; сиз ҳақингизда ерда энди ҳеч ким эсламайди. Менинг қисматим оғир келди.

Инэс. Хотинингиз-чи, Гарсэн?

Гарсэн. Хотинимга нима бўпти... У ўлган.

Инэс. Ўлган?

Гарсэн. Ҳа, сизга айтишни унутибман. У яқинда кўз юмди. Тахминан бундан икки ойча аввал.

Инэс. Алам-ҳасратданми?

Гарсэн. Албатта, аламдан. Яна нимадан бўлсин? Ҳозир ҳаммаси ўз ўрнига тушди: уруш тугади, хотин ўлди, мен бўлсам тарихга айландим.

Кўз ёшсиз ўксиб йиғлайди, юзини қўллари билан беркитади. Эстель уни қучади.

Эстель. Жоним, азизим! Менга қарагин, жонгинам! Менга суян. Қўлларингни кўксимга қўйгин.

Унинг қўлларини ўз кўксига қўяди, уни силаб-сийпалайди. Гарсэн ундан ўзини тортишга ҳаракат қилади.

Қўлларингни шу ерга қўй, уларни қўй, қимирлатма. Улар битта-битта ўлиб кетади, нима фарқи бор, деб ўйлашади. Уларни унут. Мендан бўлак ҳеч ким қолмади.

Гарсэн (*қўлларини тортиб олади*). Э, улар-ку мени унутишмайди. Улар ўлади, аммо бошқалар келади, эстафетани қўлга олишади: менинг ҳаётим уларнинг қўлида.

Эстель. Сен ҳаддан ортиқ вайсаб юборяпсан!

Гарсэн. Яна нима ҳам қилардим? Илгари тинмасдим... Эҳ, ҳеч бўлмаса бир кунга улар ёнига қайта олсам эди... шу қадар фош бўлиш! Аммо мен ўйиндан ташқаридаман: улар менсиз яқунлашяпти, ҳамонки мен ўлик эканман, улар ҳақ. Ўлик, каламушдек. (*Кулади.*) Мен жамият мулки ҳисобланаман.

Сукут.

Эстель (*майинлик билан*). Гарсэн!

Гарсэн. Шу ердამисан? Бу ёкка қара, менга ёрдам бер. Йўқ дема. Биламан, ўйлайсанки, сендан ёрдам сўрашяпти ва сен бунга одатланмагансан. Агар хоҳласанг, агар зўр берсанг, биз чиндан ҳам, ростдан ҳам бир-биримизни севиб қолишимиз мумкин. Кўраяпсан-ку, менинг кўрқоқлигимни бутун халқ тасдиқляпти. Улар билан нима ишим бор? Тирик жон борки, баралла, қайта-қайта айтган бўлардики, мен қочмаганман, қоча олмасдим, мени мард дердилар, софдил дердилар, мен... мен ишонаман, мен халос бўлардим. Менга ишонишни хоҳлайсанми? Дунёда энг қимматли кишим бўлардинг.

Эстель (*кулади*). Тентак! Аҳмоқ! Мени кўрқоқни сева оларди деб ўйлайсанми?

Гарсэн. Аммо сен айтгандингки...

Эстель. Ҳазиллашгандим. Мен эркакларни севаман, Гарсэн, териси дағал, кўллари кучли ҳақиқий эркакни. Ўхшамайди, сенинг энгагинг кўрқоқнинг энгагига, оғзинг – кўрқоқнинг оғзига, овозинг, сочларинг – кўрқоқнинг овози ва сочларига ўхшамайди. Мен бўлсам сени сенинг оғзинг, сенинг овозинг, сенинг сочларинг учун севаман.

Гарсэн. Ростми? Шу ростми?

Эстель. Сенга қасам ичайми?

Гарсэн. Унда ҳаммангга тупурдим, у ердаги, бу ердаги – ҳаммасига. Эстель, биз дўзахдан чиқамиз.

Инэс қаҳ-қаҳ уради. Гарсэн гапиришдан тўхтайди ва унга қарайди.

Нима гап?

Инэс (*кулиб туриб*). Ҳа, у ўзининг бирорта сўзига ишонмайди. Қандай қилиб бунчалар гўл бўлиш мумкин? “Эстель, нахот кўрқоқ бўлсам?” Билиб кўй, бунинг унга сариқ чақалик аҳамияти йўқ!

Эстель. Инэс. (*Гарсэнга.*) Унга қулоқ солма. Агар ишонишимни хоҳласанг, аввало, менга ишон.

Инэс. Ана топдинг. Унга ишонч билдир. Унга эркак керак, унга балки ишона оларсан, беллар теграсидаги эркакча кўллар, эркакча бўй, эркакча нигоҳлардаги эркакча истак. Қолганига... Воҳ! Буни қаранг-а! Агар сенга бу хузур-халоват бахш этса, у сени Ота-худо дейди.

Гарсэн. Эстель! Шу ростми? Жавоб бер: ростми шу?

Эстель. Сенга нима дейишим керак? Бу ишларда ҳеч балони тушунмайман. (*Оёқларини тапирлатади.*) Буларнинг бари шу қадар жонимга тегдики! Кўрқоқ бўлганмисан, бўласанми, фарқи йўқ, сени севган бўлардим, тушунарлими сенга? Шу кифоя эмасми?

Сукут.

Гарсэн (*иккала аёлга*). Иккинги ҳам нақадар қабихсиз! (*Эшик томон юради.*)

Эстель. Нима қилаяпсан?

Гарсэн. Кетяпман.

Инэс (*тезликда*). Олис кетолмайсан – эшик берк.

Гарсэн. Очтираман.

Тугмачани босади. Кўнғироқ овоз бермайди.

Эстель. Гарсэн!

Инэс (*Эстелга*). Хотиржам бўл, кўнғироқ бузилган.

Гарсэн. Мен айтдимми, улар очади. (*Эшикни тақиллатади.*) Мен сизларга бошқа тоқат қилолмайман, тоқатим етмайди.

Эстель у томон чопқиллаб боради, Гарсэн уни итқитиб юборади.

Йўқол! Сен анавиндан ҳам жирканчсан. Сенинг кўзларингга чўкиб кетишни хоҳламайман. Сен ёпишқоқ! Шалвиरोқ! Сен саккизоёқсан, ботқоқсан. (*Эшикни муштлайди.*) Очсангиз-чи ахир!

Эстель. Гарсэн, ўтинаман, кетма, сенга бошқа гапирмайман ҳам, ўз холингга қўяман, фақат кетма. Инэс чангалини ёзди, мен у билан ёлғиз қолишни истамайман.

Гарсэн. Ўзларинг ҳал қилаверинглар. Мен сени бу ерга чақирганим йўқ.

Эстель. Кўрқоқ! Юраксиз! Сен чинакамига кўрқоқсан!

Инэс (*Эстелга яқин келади*). Хурсанд эмасдирсан, сўфитўрғай! Сен унга хуш ёққанидан менинг юзимга туфладинг, унинг айби билан аразлашиб қолдик. Аммо бахтимизга ғов бўлаётган тўсиқ кетяпти, биз ҳароратли аёллар жамоасида қолаяпмиз.

Эстель. Сен бундан ҳеч нарса ютмадинг: агар эшик очилса, мен кетаман.

Инэс. Қаерга?

Эстель. Фарқи йўқ. Сендан узоқроққа.

Гарсэн эшикни гурсиллатиб ура бошлайди.

Гарсэн. Очинг! Очинг! Ҳаммасига розиман, испанча этикка, омбурга, эритилган кўрғошинга, тахтакачга, сиртмоққа – ҳаммасига, ёқишлари ва осишларига, чинакамига азобланишни хоҳлайман. Яхшиси калтакланг, камчиланг, чечакка йўлиқтиринг мияни азоблагандан кўра, бу сени силаб-сийпалайдиган ва ҳеч қачон чинакамига оғриқ бермайдиган азобнинг нишонаси. (*Эшик зулфагини силкатади.*) Очасизми ёки йўқ? (*Эшик кўққисдан очилиб кетади, унинг йиқилиб кетишига оз қолади.*) Ана холос!

Узоқ жимлик.

Инэс. Энди нимани кутасиз, Гарсэн? Кетинг.

Гарсэн (*шошилмасдан*). Қизик, эшик нега очилиб кетди?

Инэс. Нимани кутаяпсиз? Тезроқ кетинг.

Гарсэн. Кетмайман.

Инэс. Сен-чи, Эстель?

Эстель қимирламайди. Инэс кулади.

Хўш, қани! Ким кетади? Учаламиздан қайси биримиз? Йўл очик, тўсиқ йўқ! Кула-кула ўласан! Биз ажралмасмиз.

Эстель унга ордан ташланади.



Эстель. Ажралмас? Гарсэн! Ёрдам бер. Тезроқ ёрдам бер. Биз уни ташқарига чиқариб ташлаймиз ва киритмаймиз: баттар бўлсин.

Инэс (*ҳимояланиб*). Эстель! Эстель! Ёлвораман, мени шу ерда қолдир. Фақат йўлакда эмас, мени йўлакка ҳайдама!

Гарсэн. Қўйиб юбор уни.

Эстель. Ақлинг борми, у сендан ҳам нафратланади.

Гарсэн. Мен уни деб колдим.

Эстель Инэсни қўйиб юборади ва ҳайрат билан Гарсэнга қарайди.

Инэс. Мени дебми? (*Сукут.*) Эшикни ёпиб қўйинг! Эшик очилгандан буён бу ер ўн баравар қизиб кетди.

Гарсэн эшикни ёпади.

Мени дебми?

Гарсэн. Ҳа. Сен кўрқув нималигини биласан.

Инэс. Биламан.

Гарсэн. Сен биласан ёвузлик нима, номус нима, нима кўрқув. Ўтмиш дақиқаларда ўзингга бошдан-охир назар солгансан – бу сенга хотиржамлик бермаган. Ундан сўнг эса, кейинги кун, бундай ошкораликда қандай тушунишни, нима деб ўйлашни билмагансан. Ҳа, ёвузликнинг нархини биласан. Мени кўрқоқ дер экансан, буни яхши билиб айтаяпсан, тўғрими?

Инэс. Ҳа.

Гарсэн. Сени мен ишонтиришим керак – бизнинг қонимиз бир. Наҳотки мени кетади деб ўйладинг? Миянгдаги мен тўғримдаги мана шу жамики фикрлар билан ғолиб ҳолда сени бу ерга ташлаб кетмасдим.

Инэс. Сен мени чиндан ишонтироласанми?

Гарсэн. Бошқача қилолмайман. Биласан, мен уларни энди эшитмаяпман. Улар мени ҳаётдан маҳрум қилишди. Иш ёпилди, энди мен заминда ўзимни ҳеч қачон танита олмайман, энди мен ҳатто кўрқоқ ҳам эмасман. Инэс, энди биз биттамыз: фақат иккинги мен ҳақимда яна ўйлашингиз мумкин. У ҳисобда йўқ. Аммо сен мендан нафратланасан, – агар менга ишонсанг эди, мен нажот топардим.

Инэс. Сенга осон бўлмайди, мен ўлгудек қайсарман.

Гарсэн. Қанча вақт керак бўлса ҳам тайёрман.

Инэс. О! Сенда ундан хоҳлаганча бор.

Гарсэн (*унинг елкаларидан тутуди*). Эшит, ҳар биримизнинг ўз мақсадимиз бор, тўғрими? Мен пулга ҳам, муҳаббатга ҳам тупурганман. Мен одам бўлишни хоҳладим. Шафқат билмас одам. Мен борини битта қартага тикдим. Кўрқоқлар энг хавфли йўлни танлайди, тўғрими? Бутун бир ҳаётни битта қилиқ билан баҳолаб бўладими?

Инэс. Нега бўлмасин? Ўттиз йиллик умринг давомида умидлар билан ўзингни юпатиб яшадинг, сенда юрак бор эди; сен кўпда ўз заиф томонларингдан кўз юмдинг, чунки қахрамонларни доимо кечирса бўлади. Ўнғайгина! Ундан кейин бўлса, хавф яқинлашди, сени отиб ташлашди ва... ва сен Мехикога жўнадинг.

Гарсэн. Мен бундай қахрамонликни ўйлаб топмадим. Мен уни танладим. Ўзимизни қандай кўришни хоҳласак, ўшандаймиз.

Инэс. Буни исбот қилинг. Исботла, ўйламасдан қилинганини исботла. Фақат юмушлар бизнинг истакларимизни баҳолайди.

Гарсэн. Мен жуда эрта ўлдим. Менда юмушлар учун вақт етарли бўлмаган.

Инэс. Биз доим жуда эрта ёки жуда кеч ўламиз. Ҳаёт яқунланаверади – яқун чиқариш керак бўлади. Сен ўз ҳаётигининг мужассам тимсолисан.

Гарсэн. Шаллақи! Сенда ҳамма нарсага жавоб бор.

Инэс. Ол-а, ол-а! Дадил бўл! Сен мени шунчаки ишонтиришинг даркор. Зўр бер, далиллар топ.

Гарсэн елка қисади.

Нима бўлди? Мен айтгандим, сен заифсан. Аҳа, энди ҳаммаси учун тўлайсан. Сен кўрқоксан, Гарсэн, кўрқок, чунки мен шуни хоҳлайман. Мен шуни хоҳлайман, эшитяпсанми? Ҳолбуки, мен заифман, Гарсэн, сабодек заиф; мен фақат нигоҳман ва сени кўраяпман, мен фақат шаффоф фикрман ва сен ҳақингда ўйлаяпман.

(Гарсэн у томон сурилади ва қўлларини узатади.)

Бу кучга тўла эркак қўллари менга нима? Нимага ишонаяпсан? Қўллар фикрларни чангаллай олмайди. Шундай экан, бошқа йўлинг йўқ; мени ишонтиришинг керак. Сен менинг қўлларимдасан.

Эстель. Гарсэн!

Гарсэн. Нима дейсан?

Эстель. Унга жавоб қайтар.

Гарсэн. Қандай?

Эстель. Мени кучоқла, у қандай сайрашини эшитасан.

Гарсэн. Мана бу тўғри, Инэс. Мен сенинг қўлларингдасан, аммо сен менинг қўлларимда.

Эстелга энгашади. Инэс додлаб юборади.

Инэс. Кўрқок! Кўрқок! Аёлдан тасалли изла!

Эстель. Куйла, Инэс, куйла!

Инэс. Қойилмақом ошиқ-маъшуқлар! Ўз елкангда унинг бахайбат панжалари кўйлақларингни эзгилаётгани, баданингни пийпалаётганини кўрганингда эди! Қўллари намиққан, у бутунлай терга ботган. У кўйлагингда доғ қолдиради.

Эстель. Сайра, қушча, сайра! Мени каттиқроқ куч, Гарсэн, у ёмонлигидан ёрилиб ўлсин.

Инэс. Ҳа-ҳа, уни каттиқроқ қисгин! Ҳароратингиз бир-бирингизга ўтади. Ҳа, муҳаббат яхши нарса эканми, Гарсэн? Юмшоқ ва илиқ, гўё уйқуда ётгандек, аммо ухлаб қолишингга йўл қўймайман.

Эстель. Эшитма. Мени ўп, мен бутунлай сеникиман.

Инэс. Нега имилляпсан? Айтганидек қила қол: кўрқок Гарсэн бола кушандаси Эстелни кучмоқда. Умидингни узма! Уни кўрқок Гарсэн ўпаяптими? Мен сизларга қараяпман, мен ўзим бутун бошли халқман. Гарсэн, сен одамларнинг овозини эшитяпсанми? *(Пичирлайди.)* Кўрқок! Кўрқок! Кўрқок! Қанча кочма, мен сени тинч қўймайман. Ундан нима олмоқчисан? Унутишми? Аммо мен сени унутмадим! Мен сени ишонтиришим керак. Мен. Бўл, бўлсанг-чи. Мен сени кутяпман. Қарасанг-чи, Эстель, у кучоғини ёзаяпти, у итоаткор худди итдек... Сен уни кўрмагайсан!



Гарсэн. Кеча ҳеч қачон бўлмайдими?

Инэс. Ҳеч қачон!

Гарсэн. Сен доим мени кўриб турасанми?

Инэс. Доим.

Гарсэн Эстелни қўйиб, хона бўйлаб бир неча қадам юради. Каминга яқин келади.

Гарсэн. Ҳайкалча... *(Уни силайди.)* Бу лахза ўтиб кетди! Мана ҳайкалча, мен унга қараяпману тушунаман – мен дўзахдаман. Сизга айтаяпман, ҳаммаси олдиндан кўрилган. Улар билади, мен камин ёнида турибман, сизнинг нигоҳларингиз остида ҳайкалчага қадар қўл теккизаман. Юҳо нигоҳлар... *(Бирдан ўгирилади.)* Э-э! Сизлар фақат иккитамисиз? Кўпроқсиз, деб ўйловдим. *(Кулади.)* Мана у қандай бўлар экан – жаҳаннам! Ҳеч ўйлаб кўрмагандим... Эслаб қолинг: олтингугурт, панжаралар, кўра... Буларнинг бари бир пулга қиммат. Кўрага нима бор бунда: дўзах – бу Бошқалар.

Эстель. Муҳаббатим менинг!

Гарсэн *(уни итариб юборади).* Қоч. Анави, бошқаси, ўртамизда турибди. У қараб турар экан, сени севолмайман.

Эстель. Оҳ, шундайми! Унда у бизга бошқа қарамайди.

Қозғоз кесадиған пичоқни қўлига олади, Инэсга таиланади ва бир неча бор унга пичоқ уради.

Инэс *(кулиб, уни қайтариб).* Бу нимаси, тентак? Унутдингми, мен ўлганман?

Эстель. Ўлган?

Пичоқни улоқтиради. Сукут. Инэс энгашиб пичоқни олади ва жон-жаҳди билан уни ўзига уради.

Инэс. Ўлган! Ўлган! Ўлган! На пичоқ, на захар, на арқон. Бу аллақачон адо этилган, тушунарлими? Ва биз абадий биргамиз. *(Кулади.)*

Эстель *(қаҳ-қаҳ уради).* Абадий, худойим, ана қизиқ! Абадий!

Гарсэн *(кулади, уларга қарайди).* Абадий.

Кула-кула ҳар бирлари ўз диванларига қулайдилар. Узоқ жимлик. Кулишдан тўхтаб, бир-бирларига қарайдилар. Гарсэн туради.

Гарсэн. Нима бўпти, давом этамиз.

Парда

Ян ПАРАНДОВСКИЙ

(1895–1978)

СЎЗ КИМЁСИ¹

*Рус тилидан
Мирзаали АКБАРОВ
таржимаси*

АДАБИЁТ МАТЕРИАЛИ

Ҳар қандай бошқа санъат турини олиб кўрадиган бўлсак, унда мавзулар чекланган, фақат ёлғиз адабиётгина бу соҳада чек-чегара билмайди. У худди сўз каби олис-олисларни қамраб олади, сўз эса фикр сингари, шу қадар узоқ масофаларга етиб борадики, на замон, на маконда сарҳад билади. Юлдуздан тортиб, то атомгача – ҳамма-ҳамма нарса адабиёт учун мавзу бўлиши мумкин. Бутун Коинот адабиёт учун материалнинг битмас-туганмас кони ҳисобланади. Адабиёт ўз материаллини ҳодисалар, таассуротлар, фантазиялар, тушунчалар, ҳис-туйғулардан излаб топади, уни фалсафадан, илм-фандан ва ҳатто керак бўлса, ўз-ўзидан ҳам топа олади. Ўз-ўзидан деганимиз шуки, бир ёзувчи бошқа ёзувчи томонидан яратилган қаҳрамонни олиб, уни янгича тақдим этади. Масалан, Таврот, Ҳомер, грек фожианавислари, Данте, Шекспир персонажлари билан азалдан шундай қилиб келинади. Ҳауптман “Ҳамлет Виттенбергда” номли драмасида Шекспир қаҳрамонининг талабалик йилларини тасвирлаган бўлса, Томас Манн “Лотта Ваймарда” асарида “Вертер” даги қаҳрамон қиз ҳаётини яна давом эттиради. Словацкий ҳам Мальчевскийнинг “Мария” деб номланган поэмасидаги Вацлавни худди шундай тасвирлаган. Шундай қилиб, ниҳоят, ёзувчиларнинг ўзлари ҳам дostonлар, шеърлар, романлар, новеллалар, драмалар ва биографик романларнинг қаҳрамонларига айланишмоқда.

Бироқ ёзувчи ўзидан бўлак ҳеч ким назар сололмайдиган жойга ҳам кира олади: на табиатшунос ўз микроскопи билан, на руҳшунос ўзининг тажриба ва таҳлил усуллари билан ва на шоирга ҳаммадан ҳам кўра яқин бўлган метафизик у ерга кириш ҳуқуқига эга. Чунки уларнинг қайси бири қалбимиз манзараларининг туман янглиғ ўткинчи пардаларини, кайфиятларини тадқиқ эта олади? Олис хотира, эсдаликларнинг нозик гулчанги яширинган хотирамизнинг бурма-қатларини ким титкилаб, қовлаштиради? Ким ширин орзу, хаёлларни тўплаб, сақлайди, уларни шаклан ўзгартиради? Ёзувчини ҳаттоки вақт ҳам чеклашга кодир эмас: у дунё яралишидан

¹ Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.

олдинги зимистон ичра адашиб тентираши ва келажакни худди бугунги кундай кўриб, тасвирлаб бериши мумкин.

Ёзувчи ёруғ дунёда худди мафтун давра ёки шайдо мухитда яшагандек яшайди. Уни ҳар дақиқада ҳар томондан турфа таассуротлар қуршаб олади ва уларнинг сеҳрига махлиё бўлиш учун бирров назар ташлаш кифоя қилади – ҳайратланиш, завқ олиш, қойил қолиш, даҳшатга тушиш ёки шунчаки хайрихоҳлик уларни ҳеч ким кўрмагандай кўра олиш ҳамда сўз воситасида абадий муҳрлаш имконини беради. Ёзувчи биронтаям таассуротни, унинг эстетик қимматига баҳо бермай туриб, ғойиб бўлишига йўл қўймайди. “Амалиёт пайтида, – деб ёзган эди Тургенев Альфонс Додега, – пўлат тиғ теримни кесиб, баданимга ёриб кираётган лахзадаги сезги, ҳис-туйғуни аниқ ифодалай оладиган сўзларни қидира бошладим”. Рухий-маънавий ёки жисмоний азоб-изтироб ёзувчиларни уни таҳлил қилишга ундаган ёки мажбур қилган ҳамда сўз сеҳри ва унга дахлдорлик туфайли ўша изтироб ўзидан сўнг оташин сатрлар ёки саҳифаларнигина қолдириб, таркаб, унутилиб кетган пайтлар озмунча бўлган, дейсизми!

Вақти келса, ёзувчининг тепасида муаллақ сузиб юрган гулчанг булутчаларнинг ҳар бири гул бериши мумкин. Газета, кўча, пешлавҳа, дала, черков эшиги олдида садақа сўраб турган гадой, китоб муковаси, дори-дармон хиди – кундалик ҳаётнинг энг оддий фурсати ўзи билан олиб келадиган ҳамма нарса, воқеа, ҳодисалар замирида кутилмаган ижодий рағбатлар яширинган бўлади. Ёзувчи шаҳар бўйлаб бораётиб, худди ҳар бирингизга ўхшаб, автомашинага йўл беради, витрина олдида тўхтайди, эълонларни ўқийди, трамвай ёки таксига ўтиради. Унинг нигоҳи юзингизга тушади ва сиз, ўзингиз билмаган ҳолда, унга бахтли лахза ёки бебаҳо ўлжани армуғон этишга қодирсиз. Урф бўлган шляпача унга истиорани “айтади”, кийилавериб тўзиб кетган эски пальтони ўз киссасининг қахрамонига кийгизади, у эса китобхонларнинг кўплаб авлодларини ҳаяжонлантириб, ларзага солади, йўл-йўлакай суҳбат орасидаги чала-ярим, узук-юлук гаплар ёзувчининг айни пайтда ёзаётган асаридан ўрин олади. Қулоғи динг, хушёр, сергак, безовта, ҳормас-толмас корсар (денгиз қароқчиси – *тарж.*) ҳеч нимадан шубҳа-гумон қилмайдиган инсон зотини ўғирлаб, олиб қочади. Гўё аниқ ўзига қарашли ўлжа каби, афт-чехралар, қадди-комат, жуссаларни, имо-ишораларни ўзиники қилиб олади, қалбларга, тураржойларга хўжайинлик қилади, ҳаттоки уйларни, бутун бошли кўчалар, шаҳарлар ва мамлакатларни босиб, эгаллаб олади.

Ёзувчи ҳаётида Эдгар По қаламига мансуб новелла қахрамони – узок давом этган касалликдан сўнг ниҳоят, одамлар орасига қайтган бемор бошидан ўтказган кечинмаларга ўхшаш ҳиссиётлар ҳам бўлиб туради. У қалби қувончга тўлиб, қахвахона деразасидан кўчага назар ташлайди. Ҳар бир ўткинчининг чехрасига зорикқан нигоҳ билан боқиб, унинг фикрларини, сирларини билиб олишга ҳаракат қилади, айни чоқда атрофдаги минглаб бошқа нарсаларни ҳам – куёш нурида шафақсимон тусга кирган тарнов четидан тортиб, то ариқ, зовурда оқиб кетаётган пўкак тикинга қадар – назардан қочирмайди, у бу дунёни сўнгги томчисигача ичишни, ҳаттоки тубидаги кир, лойқа қуйқумигача сипқоришни хоҳлайди. Шунга ўхшаш дамларни ёзувчи асосан, маълум бир асарни тугаллагандан сўнг, ҳали янгисининг режа, ғояси пайдо бўлмаган, аммо ижодга ташналик қайтадан жонланиб, янги бир мавзунини қидираётган даврда бошдан кечиради.

Баъзида ёзувчи ўзи белгилаган йўлдан қайтиб, тасодифан дуч келган саргузаштга пешвоз чиқадиган ҳолатлар ҳам бўладими, деган савол туғилади. Бальзак кунларнинг бирида кечаси соат 11–12 ўрталарида театр-дан қайтаётган эр-хотинни учратиб қолиб, улар ортидан анчагача эргашиб юради. Аёл сини етаклаб олган, эр-хотин аввалига ҳозиргина қўйилган пьеса ҳақида, кейин эса эртага олинадиган пул ва уни нималарга сарфлаш хусусида суҳбатлашиб боришади ва ҳатто бир-бири билан озгина тортишиб ҳам қолишади. Сўнг картошка ва ёқилғининг қимматлашиб кетганидан ҳасратлашган кўйи яна ярашиб олиб, йўлда давом этишади. Бальзак эр-хотин ортидан худди йиртқич хайвонни таъқиб қилаётган овчидай, измай бораркан, уларнинг ҳар бир ҳатти-ҳаракатини диққат билан кузатар, гап-сўзларини биттаям қолдирмай тинглар, буям етмагандай, худди уларга ўхшаб, фикр юритарди. Пировардида ана шу жуфтлик, ўзлари билмаган ҳолда, Франциянинг энг ажойиб ижодкорлари қаторидан ўрин олади.

Ёзувчида ҳам браконьер (ўғринча овчи), қулфбузар ўғри ёки қароқчига хос нимадир бўлади, у ҳам ўғирлайди, ўғирлаб олиб қочади. Баъзи бир одамлар борки, бундай муқоясаларни жиддий қабул қилади. Адабиёт тарихида ёзувчининг ўзларини ҳурмат қиладиган, кимнингдир ўз уйи, хонадони, оилавий муносабатлари, характер, камчилик, нуқсонларидан асар ёзиш учун хом ашё сифатида фойдаланиши ҳақидаги фикр билан чиқиша олмайдиган фуқароларнинг шахсий ҳаётига “бостириб кириши” билан боғлиқ суд жараёнлари, дуэл ва жанжаллар тўғрисида тўқилган латифалар тўлиб ётибди. Шоирлар аёлларнинг гўзаллигини ўз шеърларида мадҳ этиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган, аёллар ўзларига машҳур шоир томонидан инъом этилган боқийликдан қийналган, ўзларини деярли обрўсизлангандек ҳис қилишган.

Ажаблანарли, ғалати ҳолат: кўчада оёғини синдириб олгани боис исми шарифи тилга олинган газетани фахр билан сақлаб юрадиган ҳурматли фуқаро, агар худди шундай ҳодиса уни новелла қаҳрамонига айлантиргудек бўлса, буни иснод сифатида қабул қилади. Санъат одамларнинг ўзлари ишонишни истаган ҳақиқатни айтмагани учун уларнинг ғашини келтиради, адабий асарда улар ўзларини беўхшов, қулгили, масҳараомуз тарзда тасвирлангандай ҳис қилишади. Эҳтиётсизлик билан қўйилган салгина ажин яхши ишланган портретнинг бутун кадр-қимматини йўққа чиқаради. Бироқ ҳаттоки энг идеал тасвир ҳам оригиналнинг норозилигига сабаб бўлиши мумкин, чунки кимнингдир ҳаёти ёки шахсиятининг адабиёт орқали намойиш этилишининг ўзиёқ одамни даҳшатга солади: инкогнито (яширин) ўзини гўё хавф-хатар остида қолгандек ҳис қилади.

Ёзувчи шу ва шунга ўхшаш нотўғри фикр, хато тушунчалар билан ҳисоблашмайди ва бу лозим ҳам эмас. Ҳаётнинг ўзи яратган оилалар, инсонлар, тафаккур тарзи мавжудки, олийжаноблик ёки қандайдир сир сақлаш юзасидангина адабиётда улардан фойдаланишдан воз кечиш худди олимнинг коинот сирларига сажда қилиб, борлиқнинг ҳали номаълум унсурларини тадқиқ этишдан бош тортиши каби, шундай бир бемаънилик бўлур эди. Афсуски, айрим ёзувчилар баъзи бир мулоҳазаларга кўра, ўз моделларининг хусусиятларини яшириб ёки хаспўшлаб, хатога йўл қўядилар, чунки бу билан фақат уларнинг тутган муҳим ўрни ёки аҳамиятига путур етказадилар, холос.

“Оригинал”ни ранжитиб қўймаслик учун баъзан оддий ва содда усуллардан фойдаланишади, масалан, унинг бўйини, тўлалиги, семизлигини, соч тараши, соқол-мўйлови, ёшини ўзгартиришади, бунақанги камуфляж билан гоҳида тасвирланаётган одамни алдаса бўлади, у гримда ҳам ўзини танитай қолади. Шундай бўлса ҳам, ёзувчилар фақат битта моделга камданкам амал қилишади. Уларнинг табиийлик ва фақат ҳаётнинг ўзи яратгандек туюладиган ўша “ҳаққонийлик” ила ҳайратга соладиган персонажлари аслида кўпгина шахслардан олинган унсурлардан иборат бўлади. ликдаёқ қайд қилинган ва эсда қолган ҳамда аллақачон ўлиб кетган одамларга тегишли бўлган қанчадан-қанча афт бужмайтиришлар, хатти-ҳаракатлар ёки ўзини тутиш, гавда ҳолатлари қаламимизга мансуб персонаж қиёфасида кутилмаганда қайта жонланади, аммо қолган бошқа жиҳатлари ўша одамга мутлақо ўхшамайди!

Адабиёт учун асосий, бош материал, бу – инсоннинг ўзидир. У ҳаттоки адабиётнинг бошдан-оёқ, бутун моҳиятини ташкил этади. Унинг антропоморфизацияси кўплаб асрлар давомида илк адабий асарлар пайдо бўлгунга қадар амалга ошган – бу ишни магия, мифология ва дин бажарган. Қадим-қадим замонлардан буён юлдузлар ва гуллар, тоғлар ва денгизлар, яшин, чакмоқ ва қорларга инсоний хис-туйғулар, афт-чехралар, имо-ишоралар ато қилинган, уларга сир-асрорга чулғанган ўз ҳаётлари билан яшаш камданкам насиб қилади. Европаликларга хос бўлган барча нарсаларни одамга айланттиришга бўлган ортиқ ишқибозлик японларнинг ғашини келтиради. Уларнинг поэзиясида, агар у ҳалиям Европа таъсирига берилмаган бўлса, одам билан олам ўртасидаги фарқ ҳамон сақланиб келинади: японларда ҳеч ким қийғос гуллаб турган олча дарахтини келинчакка қиёс қилмайди.

Адабиётнинг айрим даврлари одам тасвири билан шу қадар тўлиб-тошганки, гўё ундан бошқа ҳеч нарса мавжуд бўлмагандай туюлади. Ўша пайтларда яратилган адабий образлар замонда ёш ва фаслларсиз, маконда эса дов-дарахтларсиз, булутлар ва ёввойи ҳайвонларсиз ҳаракатланган. Шунга қарамай, ўша даврлар ҳам бесамар кечмаган – ана шундай даврларнинг бирида фаранг классик трагедияси гуллаб-яшнаган. “Осмондан ҳам кўра гўзалроқ манзара мавжуд, бу: инсон қалбининг теранлиги!” – ушбу сўзлар билан романтик Виктор Ҳюго инсон хизматидаги адабиётга ўз ҳурмат-эҳтиромини бажо келтиргандек туюлади гўё.

Адабиёт инсон қалбини шу қадар юқори қўйгани ҳолда, унинг аъзойибаданига бир қадар беписандлик билан қарайди. Мана, неча асрдирки, унда инсоннинг homo poeticus – поэтик одам деб аташ мумкин бўлган ўзига хос бир тури яшаб, ривожланиб келади. Унинг ташқи кўриниши, қиёфаси энг майда тафсилотларигача, яъни Петронияга хос бўлган идеал даражадаги мутаносибликда ишлаб чиқилгани ҳолда, Квазимодо каби шакл жиҳатидан бадбашара қилиб ўзгартирилган. Бироқ тананинг барча аъзолари бир хилда, бирдай аҳамиятга эга эмас. Қўл-оёқлар – уларсиз иш битмайди: “ҳомо поэтикус” юради, югуради, ушлайди, қучади, маҳкам қисади, отга минади, найза ёки дротик¹ отади, арбалет², мушкет³, милтиқ, карабин – унинг қўллари қуролнинг ҳар қанақанги тури билан яхши таниш. Кўпинча қўллар, айниқса, аёлларнинг қўллари гўзал шеърларга мавзу бўлади, лирика қўлларни мадҳ этишда битмас-туганмасдир. Лекин

¹ Дротик – қадимда: ирғитиладиган калта ўқ.

² Арбалет – камонга ўхшаш қадимий отиш қуроли.

³ Мушкет – қадимий пилта милтиқ (тарж.).

савлатли куюқ саватсоч билан “қалб кўзгуси” бўлмиш юз-чехрани кўтариб турган калла ҳаммасидан ҳам кўра муҳимроқ. Адабиёт тарихидаги баъзи бир боблар “ҳомо поэтикус”нинг худди ўша тури билан тўлиб-тошганки, у барокко фариштачалари сингари кумушсимон қанотчалари ёрдамида ҳавога кўтариладиган нурсимон каллага эга бўлган, холос.

“Ҳомо поэтикус” кулади, йиғлайди, лаблари доим ҳаракатда: кичкиради, оҳ-воҳ қилади ва жуда кўп гапиради, бирор марта ҳам тутилмай соатлаб гапира олади, жумлаларни беками-кўст тузган ва грамматика қоидаларига мутлақ амал қилган ҳолда назм ва насрда ҳам сўзлай олади. “Ҳомо поэтикус”нинг организмида фақат юрак билан жинсий органлар ишлайди, жинсий органлар ўзининг қисқа умри давомида ишқ-муҳаббатдан бошқа ҳеч нима билан шуғулланмайдиган айрим парвона турларига ўхшаб, жуда фаолдир. “Ҳомо поэтикус”нинг ошқозони ҳам бор, аммо, шубҳасиз, ўз-ўзидан маълумки, у фақат романларда ёки алақандай эпопеяларда еб-ичади, холос, лекин овқат хазм қилмайди. “Ҳомо поэтикус” турига мансуб ёш индивидлар, эр ва хотинлар бир неча соат тинмай, баъзан бутун кун бўйи еб-ичишлари, бир-бирига ҳазил-ҳузул қилиб, хушманзара жойларга сайрга чиқишлари, ҳатто ҳеч қайси бири табиий эҳтиёжни ҳис этмаган ҳолда бирга ётиб туришлари ҳам мумкин. Фақат қадимий комедиялар ва фарслардагина ошқозон, таъбир жоиз бўлса, овоз ҳуқуқига эга бўлади, аммо трагедияларда “ҳомо поэтикус” ҳатто чучкирмайди, туфламайди ҳам.

Меъёрдаги ичак-човоққа “ҳомо поэтикус” Рей ёки Рабле сингари уятсиз ёзувчилар шарофати билан эга бўлади ва ҳеч қандай ҳайрон қоладиган жойи йўқки, Жойс “ҳомо поэтикус”нинг ана шундай жисмоний номукам-маллигидан ранжиб, ўзининг “Улисс” асарида ичак-човоқларимизнинг қандай ишлашини кўрсатиб беришга қарор қилган, негаки, ўзи эътироф этганидек, адабиёт инсон танасининг ички ҳаракатларини жуда узоқ вақт эсдан чиқариб қўйган ва фақатгина осмон жисмларининг ҳаракати билан машғул бўлиб келган. Бунга “ҳомо поэтикус” ўзини оқлаган бўлиб, фикрлар ва ҳис-туйғуларга бўлган қизиқишни ичакларнинг ишига қизиқиш билан алмаштириш ярамайди, дея эътироз билдиради.

Европа адабиёти турли экспедициялар ва географик кашфиётлар изидан бориб, ер шарини эгаллаб олди ва қаерга бормасин, ҳамма жойда адабиётларга, ҳинд, хитой, япон каби буюк адабиётларга тўқнаш келди, гоҳо оддий, жўн қўшиқларнинг сўлғин оҳанглари ҳам учратди; аммо унисини ҳам, бунисини ҳам ушбу мамлакатларга бўлган европача нигоҳимиз билан алмаштирдик. Эндиликда ер юзида Европа адабиёти ўз аксини топмаган бирортаям жой қолмади ҳисоб, ёзувчиларимиз географик хариталарни диққат билан ўрганиб чиқиб, ҳали ҳеч ким фойдаланмаган бокира табиат манзараларини қидириб топишга ҳаракат қилмоқдалар. “Муқаддас жойларнинг фаол зиёратчиси”, кекса Серстевенс Полинезиянинг ниҳоятда олис ороллари бўйлаб уч йил давом этган саргардонликдан сўнг, яқиндагина саккиз юз саҳифалик жилд билан қайтиб келди. Бу пайтда яна кимдир Амазонка соҳилларида яшовчи, ҳаёт тарзи ибтидоий жамоа тузумидан ҳеч қандай фарқ қилмайдиган одамларни кашф қилди. Учинчи бир киши эса ўз умрининг кўпгина йилларини эскимосларга бағишлаб, у ердан ўз ижоди учун баракали материал топишга муваффақ бўлди.

Шу билан бирга, Европа адабиётининг Жанубий Африка, Австралия ва Янги Зеландиядаги янги очилган ҳудудлари, улар қаторида эса узоқ

йиллардан буён мавжуд бўлган Шимолий, Марказий ва Жанубий Америка адабиётлари ҳам Шекспир, Сервантес ва Камознс тилларида мазкур мамлакатларнинг бокира табиатига хос бўлган мафтункор гўзалликни куйлаб келмоқдалар.

Дунёнинг адабиёт томонидан эксплуатация қилиниши айниқса, охириги юз йил ичида янада кучайди. Адабиёт қайд этмаган бирор касб-хунар, санъат ва меҳнатнинг ҳеч қандай тури қолмади, ёзувчининг нигоҳи тушмаган ҳаётнинг биронта хилватгоҳи йўқ. Ёзувчи ҳамма нарсени тадқиқ қилади, бошдан кечиради, англаб, тушуниб етади ва ҳар қандай ҳодисанинг ҳақиқий мазмун-моҳиятини, аҳамиятини ёки ногаҳоний гўзаллигини очиб беради. Сиёсат, армия, ижтимоий маъмурият роман, новелла, сатира саҳифаларидан ўрин олди: пана-пастқам, чанг босган идоралардаги камтар амалдорлар ташқарига олиб чиқилиб, ярим-ёрти худолар ва киролларнинг қачонлардир тақиқланган худуди – трагедияларга олиб кирилди. Бошланғич мактабдан тортиб, то университетгача шеърлар ва хотиралар билан бурканди ҳамда ўзининг эпик ва моралистларига эга бўлди. Бир вақтлар шоирларни ўзига унчалик жалб қилмаган темир йўллар, кўприklar, тўғонлар, фабрикалар, осмонўпар бинолар, штольня¹лар, витриналар, почта, телеграф симлари лак-лак таъриф-тавсифларга кўмилди, шоирлар ўзларининг бор ҳис-туйғу ва ҳаяжонларини уларга бағишлади. Бугунги кунда ҳеч ким ўз ҳаётида техникадан воз кечишни ҳаёлига ҳам келтирмагани каби, ҳеч ким уни куйлашдан ҳам чўчимайди. Устига-устак, ҳар бир янги кашфиёт ёки ихтиро ёзувчи қаламидан қочиб қутулолмайди, қутбга, Ҳимолайга ва уммон қаърига қараб йўл олаётган ҳар бир экспедиция нафақат репортёрлар, балки ёзувчиларнинг ҳам диққат марказида бўлади, улар ҳали ҳеч ким кўриб, эшитиб улгурмаган янги нарсалар ҳақида ёзишни хоҳлашади, айримларининг номларини ҳатто биринчи сайёралараро ракетада парвоз қилишга шай турган шахслар рўйхатида ҳам учратиш мумкин.

Ўтган асрлар поэзияси кундалик ҳаётни менсимай, ўзининг буюк байрамидан соқит қилган бўлса, у одатдаги ва одатдагидан бошқачароқ ёрқинлик ила ундан реванш (қасос) олади. Ҳомер бешиқдан то қабргача бўлган ўз ҳаёт йўлини пиёда босиб ўтадиганларни биринчи бўлиб, шоҳлар колесничасида² қувиб, ҳайдаб юборган. Ҳомер қаҳрамонларининг ажойиб тўдаси ортидан келаётган бошқа бир оломон – қишлоқлар, хунарамандчилик устахоналари ва тутқунлар кулбасидан чиқиб келаётганларни яхшилаб билиб олмоқ учун кўзни каттароқ очишга тўғри келади. Мана, Грециядаги овлоқ хилватгоҳ – Беотиядан муқаддас ризқ динига мансуб номаълум фидойилар меҳнати ва турмушини мадҳ этаётган Гесиоднинг овози янграмоқда. Қадим замонлардаёқ диққатга сазовор бўлган ходиса: мана шу икки шоирнинг ҳар бири бошқа-бошқа синфга суянган, уларнинг бири баайни ўз ўтмишдошининг хатосини тузатиш учун келгандек гўё. Афсоналар, қисса ва ҳикоялар, латифалар бутун антик давр мобайнида мана шу рақобат ҳақида сўйлаган ва одамларнинг фикрича, Ҳомер ҳар доим ҳам ғолиб бўлавермаган. Гесиод замона зўрларининг урф-одатлари, нотўғри тушунча ва хато фикрлари ҳамда хурофот, бидъатларига қарши ўлароқ, жонга теккан саройлар ва қасрларни тарк этиб, шаҳардаги камбағал-қашшоқларнинг уйларига, деҳқонларнинг хата (кулба)ларига кириб борган

¹ Штольня – ерости йўли.

² Колесница – қадимги юнон ва римликлардаларда икки ғилдиракли жанг ёки пойга араваси.

мана шу “бошқача” адабиётнинг энг қадимги ва энг хурматли намояндаларидан бири ҳисобланади. Илм-фан азалдан адабиёт учун материал етказиб беради. Ксенофонт ва Эмпедокл ажойиб гекзаметр¹ воситасида наинки ўз фалсафий концепцияларини, балки табиат устидан кузатувлари ҳамда ҳаёт ҳодисаларининг сирли жозибаси ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини ҳам баён қилишган. Лукреций уларнинг поэтик тажрибаларини “Нарсаларнинг табиати ҳақида” номли китобида, Данте эса – “Жаннат” қўшиқларида тақрорлашган. Деҳқончилик, ов қилиш, боғдорчилик, денгизда кема юритиш санъати, ҳатто грамматика ва гастрономия (озик-овқат маҳсулотлари) ҳам поэтик тимсол, тажассумни талаб қилган, бу эса охир-оқибат мазахомуз кулгига сабаб бўлиб, кейинчалик шоирлар бундан воз кечишган. Атом тузилиши ҳақида дoston ёзилмайди, деб ким ҳам кафил бўла оларди? Мен бунга ҳечам ҳайрон қолмаган бўлардим: замонавий физикада буюк поэзия учун имкониятлар яшириниб ётибди, муаммо фақат шундаки, физикада ҳамма нарса тез эскиради ва нейтрон флогистонга² қофия бўлиб янграй бошлайди. Лекин уларни мадҳ этувчи поэма ажойиб бўлса агар, Птоломей осмони “Илоҳий комедия”даги терциналарга³ путур етказмагани каби, буюм унга зарар қилмайди.

Агар адабиёт ҳозирги замон кишисининг Коинотга қойил қолиб, унга мафтун бўлишини ифодалай олмаса, бу давримизнинг маънавий бўшлиғидан дарак берган бўлур эди. Замонавий инсон Коинотни тадқиқ этиш, уни ўлчаб, чамалай олишни ўрганди, ўзининг кўриш қобилиятини такомиллаштира бориб, юзлаб миллион ёруғлик йили ажратиб турган туманлик (ғуж бўлиб кўринган олис юлдузлар тўпи)ни кузата олди ва атомдаги чексизлик шуъласини кашф этди. У табиатнинг шундайин кучларини юзага чиқардики, ўтган асрларнинг бутун демонологияси⁴ улар билан солиштирилганда, худди кўғирчоқ театрига ўхшаб қолади.

Поэтик тасаввурлар олдида илгари ҳеч қачон бу қадар бепоён кенгликлар очилмаган, уларга ҳатто Метерлинк прозасининг энг яхши саҳифалари ҳам тенг келолмайди.

Замонавийлик адабий хом ашё сифатида илгарилари биз яшаётган ҳозирги даврга қараганда камроқ кадрланган. Хомердан бошлаб, шоирларни ўтмиш ҳозирги замонга қараганда ўзига анча кучлироқ жалб қилган, ўтмишдан ўгитлар, панд-насиҳатлар излашган, баъзан ўтмиш ҳаёлларига чўмиб, бугунги кундан узоқлашиш пайида бўлишган. Эҳтимол, кимдир демак, бунга сабаб, ўша даврларда арзигулик муҳим ҳеч нарса қилинмаган бўлса керак-да, деб ўйлаши мумкин. Ҳечам ундай эмас. Айнҳард ўзининг “Буюк Карл ҳаёти”га ёзган сўзбошисида, асарим етарли даражада хайрихоҳлик билан қарши олинармикин, деган хавотирни билдирган, зеро, “одамлар ҳаддан ташқари янгиликни ҳам ёқтиришмайди”. Айнҳард сарой аёни, Буюк Карлнинг котиби ва дўсти сифатида императорнинг куч-қудратига ва фаолиятига яқин масофадан туриб назар ташлай олган ва дунё тарихининг энг ёрқин даврларидан бирини ўз нигоҳи билан қамраб олиш имконига эга бўлган. Орадан юз йил вақт ўтгач, ушбу давр ҳақида

¹ Гекзаметр – олти мисрали шеър, мусаддас.

² Флогистон – бир нарса ёнганда иссиқлик ҳосил қилувчи алоҳида модда ажралиб чиқади, деган асоссиз илмий назария.

³ Терцина – ҳар банди уч мисрадан қилиб ёзилган шеър, бунда биринчи мисра учинчи мисра билан, иккинчи мисра эса кейинги банднинг биринчи мисраси билан қофиядош бўлади.

⁴ Демонология – шайтон, дев ва иблислар тўғрисидаги уйдирма тасаввурларнинг умумий номи ва шундай тасаввурларни текшириш; ўрта асрда илоҳиётнинг шундай тасаввурларни ўрганувчи қисми.

қахрамонлик эпоси ёзишга киришадилар. Бу орада Айнҳард замондошларнинг эътиборини ўз қахрамонига қаратишига тўғри келди, унинг биргина камчилиги, бундан минг йил аввал яшаб ўтмагани эди. Тахминан худди шундай фикрга “Варшава салони”да бўлиб ўтган адиблар суҳбатларида келтирилган “Дзядалар”нинг учинчи қисмида ҳам дуч келамиз. Ўша суҳбатларда ҳам гап асосан, буюк давр ҳақида борарди. Наполеон даврининг шиддатли суронлари эндиgina босилган, поэтик сўз эса ҳали у билан шуғулланишга улгурмаган эди. “Пан Тадеуш” Наполеон ўлиmidан сўнг, орадан 13 йил ўтгач, чиқди, Наполеон урушлари ҳақидаги ҳақиқий эпопея – Толстой қаламига мансуб “Уруш ва тинчлик” эса – асрнинг иккинчи ярмидаgina чоп этилди.

Адабиёт кўпинча чинакам улуғ воқеаларга нисбатан гўё уларни сезмагандек, лоқайд муносабатда бўлиб келган. XVIII асрда Францияда техникага қизиқиш, учинчи табақанинг¹ интеллектуал ҳаётда тутган ўрни ва иштирокининг ўсиши тил сарҳадларини кенгайтирибgina қолмай, балки уни янги сўзлар билан бойитиб, жумлалар тузилишига ҳам эркинлик бахш этди, адабиёт эса ўз қонун-қоидаларига содиқ қолиб, ҳар хил хурофий бидъатлар остида эзилган кўйи ҳеч қандай ўзгаришсиз қолаверди, бунга фақат романтизм барҳам берди, аммо у ҳам XIX асрдаgina вужудга келиб, ўзича қахрамонона тузум – капитализм даврига замондош бўлишдан бошқа иложи қолмади. Дунёда курашлар, босқинчилик урушлари борар, янги дунёнинг, меҳнат ва капитал дунёсининг мағлубият ва музаффариятлари галма-гал алмашилиб турар, бунга қар ва кўр бўлиб олган романтизм эса, аввалгидек эски ашуласини айтишда давом этарди, чунки бу унга воқеликдан ҳам кўра қимматлироқ эди.

Ҳозир бу ҳолатни тушуниш анча мушкул. Биз шундай бир даврда яшаймизки, унда биринчилик замонавийликка берилади, шу жиҳатдан бизнинг давримиз ҳар қандай ўтмишдошларидан кўра устун туради. Замонавий одам адабиётдан ўрин талаб қилиб, ўзи ҳақида баланд овоз билан маълум қилади, алоҳида шахс, оила ва жамият аъзоси, давлат вакили сифатида ўзининг барча ўзига хос хусусиятлари, фазилатлари, ғам-ташвиш ва орзумидлари билан имкони борича тезроқ, тинчлик ё уруш, бахт ё бахтсизлик бўлсин, барча синфлар, табақалар, касб-ҳунарлар, бундан ташқари, ўзгаришлар, ислохотлар бўлсин, ҳали вужудга келаётган ва яна ўзгариши мумкин бўлган вазиятларнинг ҳаракатчан бир шароитида адабиётда ўз аксини топишни хоҳлайди. Мана шундай қайнаб турган, ўзгарувчан магма² кўпгина ёзувчилар ва танқидчиларнинг назарида адабиёт учун энг қимматли материал ҳисобланади.

Ҳозирги куннинг энг ўткинчи, оний, бебақо ва энг қисқа лаҳзасини хўрсиниш ёки ҳайқирик билан бўлсин, акс эттиришга қодир бўлган лирикадан ташқари, қолган барча адабий жанрлар, хусусан, эпопея ва унинг ворис давомчиси бўлган роман тарихий материал устида ишлаб, унга сайқал берадилар. Бу қайтариб бўлмайдиган муқаррарлик бўлиб, унинг кучини қандайдир чеклаш ёки чегаралаш мумкиндир, аммо буткул барта-раф қилиб бўлмайди. Фон, воқеалар, шахслар – буларнинг ривожланиш жараёни ёзувчи китоб устида иш бошламасидан олдин бўлиб ўтади, демак, улар ўтмишга тааллуқлидир.

¹ Учинчи табақа – феодализм давридаги Францияда: ҳеч қандай имтиёзга эга бўлмаган шахар ва қишлоқ аҳолиси (тарж.).

² Магма – Ер қаъридаги чўғсимон суюқ модда – тарж.

Бироқ ёзувчилар вақтдаги ушбу оралиқ масофани янаям аниқроқ бошқариб, тартибга соладилар. Чунки ҳар бир ходиса, қарор топган ҳар қандай ўзаро муносабат қачонки узил-кесил етилиб, шаклланиб, бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай ўзгаришлар кейинги, бутунлай янги фаза (давр) га тўғри келган тақдирдагина, адабиёт учун ҳақиқий ва чинакам материалга айланади. Мазкур жараёни олдиндан сезиш – ижодий интуиция (ички сезги) билан боғлиқ бўлиб, тарихчиларнинг тадқиқотларидан ёки сиёсатчиларнинг башоратларидан қолишмаслиги тажрибада кўп марта маълум бўлган. Қайсидир ёзувчи оташин қалб ва жозибали нигоҳ билан фақатгина бўлиб ўтаётган ўзгаришларнинг ферментланишига асосланиб, ҳаққоний ва кучли, ўткир асар яратиши ва худди бўроннинг алғов-далғов тартибсизлигини чакмоқ “ялт” этиб ёритгани каби, ҳозирги замонни тасвираб бериши мумкин. Лекин етук ва тўлақонли асар яратиш учун перспектива (узокдан кўриниш, манзара, истиқбол) бўлиши керак. Худди шунинг учун ҳам ёзувчилар бугунги кунни чуқур тадқиқ этиш учун кўпинча ўзларининг муаллиф сифатидаги кузатув “пункт”ларини, таъбир жоиз бўлса, олис ўтмишга кўчирадилар. Натижада ҳозирги замон китобхон кўз ўнгида баайни пилла (тухум)дан янги чиққандек, ёрқин намоён бўлади. Масалан, “Форсайтлар ҳақида сага”, “Тибо оиласи” (Мартен дю Гар), “Яхши ниятли кишилар” (Жюль Ромен), “Паскье оиласи хроникаси” (Дюамель), “Сехрли тоғ” (Томас Манн) ва бошқа кўпгина асарларда 1914 йилдан олдинги манзаралар чуқур тасвир этилган бўлиб, уларда замонамизнинг воқеа, ҳодисалари, ғоялари ва кишилари ўз бадиий ифодасини топган.

Адабиёт ўз йўлидан борар экан, баъзан ушбу давр йўллари билан айро тушса, баъзида улар билан кесишади, гоҳо ёнма-ён боради ва шундай кўчиб-кезиб юришларида “абдий одам” деб аташ мумкин бўлган шахсга дуч келади. Мен бу ўринда давр, муҳит ва ирқ (Ипполит Тэннинг фақат шу уч фетишлари ила кифояланамиз) билан боғлиқ бўлган барча тафовутларга қарамай, шу қадар ўзгармасдан қоладиган зотни назарда тутяпман, бунда инсониятнинг бутун тарихи ва халқларнинг бошқа жойларга кўчиб боришлари гўё маскарад либосида ўтказиладиган балдан ўзга нарса бўлмагандек туюлади. Мазкур шахс адабиётга одамзоднинг ўзгарувчан турларига қараганда бошқача, яъни биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган материал етказиб беради. Зеро, тақдир-қисмат томонидан тайёрлаб кўйилган тасодифий ҳоллар эмас, балки айнан мана шу зот, яъни “абдий одам” замирида инсоннинг энг муҳим сир-синоатлари яширинган.

Ўз-ўзидан маълумки, тасодифий ҳолларга наинки фақатгина сиртки, юзаки майда-чуйдаларга аҳамият берадиган анқовлар, балки мана шу майда-чуйдалар ортида яширинган маъно-мазмунни оча оладиган мутафаккирлар ҳам эътибор берадилар. Булар – табиатшунослар сингари оқил, доно тадқиқотчилардир. Эндиликда уларнинг у қадар қадимий бўлмаса-да, аммо бой аънаналари бор. Бальзак улар учун асосчи ҳамда ҳомий ўрнини боса олади. Тадқиқотчиларнинг яна бошқа бир тури – одамзодни вақтинчалик никоб, парда остида тадқиқ этувчилар бўлиб, уларнинг аънаналари Европа адабиёти қанчалик қадимий бўлса, шунчалик азалийдир, улар ўзларини фахр билан “одам” сўзидан олинган ном ила гуманист – инсонпарвар деб аташади.

Адабиётнинг ўзига тегишли бўлган вақти-соати бор, – у одатдаги, кундалик ҳаётни тартибга соладиган ва ҳатто тарих соатининг милларини суриб

турадиган вақт ҳам эмас. Адабиётда ўтган, ҳозирги ва келаси замонлар бир-бири билан ўзаро шунчаки изчиллик билан белгиланмайди, аслини олганда, уларда умуман чегара деган нарсанинг ўзи йўқ, улар умумий ва ягона, яхлит оқим бўлиб оқаверади. Ушбу фикрни янаям аниқроқ ифода-лаш учун тараққиёт тушунчасини келтириб ўтмоқчиман. Агар илм-фан, техника ва ижтимоий ҳаёт тузумидаги тараққиёт ҳақида қонун-қоидали қилиб гапирадиган бўлсак, адабий тараққиёт нимани ҳам англата оларди? “Тўзаллик ҳеч қачон қаримайди” деган ибора шунчаки қуруқ гап эмас. Ҳомер поэмалари билан Мицкевичнинг “Пан Тадеуш”и орасида йигирма олти аср вақт ётибди. Лекин шу қадар кўп ўзгаришларга тўла вақтнинг мазкур улкан бўлаги ушбу поэмаларнинг бадиийлиги ва ҳатто долзарблигини баҳолаш учун қандайдир аҳамиятга эгамикин? Ёки “Илиада” билан “Одиссея” поэмалари ва “Пан Тадеуш” бир-бирлари билан тенгдош, чунки уларнинг яратилишига поэзияга тегишли худди ўша лаҳзанинг ўзгинаси сабаб бўлган, дейилса тўғрироқ бўлмасмикин? Платон эрамиздан аввалги IV асрда ижод қилган, аммо фалсафий диалог санъатида, гарчи унинг издошлари жуда кўп бўлган бўлса ҳам, шу пайтгача у билан ҳеч ким тенглашолмаган. “Илохий комедия”даги шеър – терцина – Данте замонидан буён кейинги йигирма авлод шоирлар томонидан шу даражада такомиллаштириб ривожлантирилганки, улуғ флоренцияликнинг шеър ёзиш санъати улардан сўнг, худди Данте даврининг қуроли ҳозирги замонавий қурол-яроғлар билан таққослангани сингари, шунчалик бўш, ночор ва ғализ кўринадидеяиш мумкинми? Йўқ, ҳечам бундай бўлмаган.

Худди шунга ўхшаб, адабий асар ҳаёти вақт чегаралари билан туташмагани каби, ижодий фантазия ҳам ҳозирги ва ўтган замонларга бўлинишни билмайди. Қачонлардир бўлиб ўтган барча воқеа, ҳодисалар ёзувчи учун бардавом яшашда давом этаверади, бизни ўтган даврларнинг Коинотдаги дайдиб юрган саробларидан ажратиб турган ёруғлик йиллари эса поэтик таъсирчанлик хронометрида¹ сониялардан ортиқ қор қилмайди. Ёзувчи учун бугунги кун нафаси уриб турган ишларни муносиб деб, ўтмишга тегишли бўлган меҳнатни эса ўз қимматини йўқотган деб ҳисоблаш тушунарсиздир. Бутун ер юзида одамзод – Ерда яшовчи хилқат – томонидан босиб ўтилган барча замонлар мобайнида бирон-бир инсоний иш йўқки, у шеър банди ёки юксак насрий саҳифаларга сазовор бўлмаган бўлсин.

Тарих ўз жозибасини, тароватини йўқотмайди. Афсуски, бутун ер шариди бўлгани каби, унда ҳам бокира ҳудудлар аллақачонлар тугаб битган: адабиёт ҳамма жойга кириб бориб, ўрнашиб, жойлашиб олди. У баъзи бир шахслар ёки даврларни мумкатак – асалари уясига ўхшатиб, асал ва мум билан чаплаб, суваб ташлаган. Архивдан топилган ҳар бир янги ҳужжатга, қадимшунос белкурагининг ҳар бир зарбасига ёзувчилар қулоқларини динг қилиб туришади: бирор янги мавзу чиқиб қолмадимикин? Бу борадаги шошма-шошарлик эса баъзан бадиий хатоларга олиб келади. Бунга мисол қилиб, Мережковскийнинг “Тутанхамон Критда” асарини келтириш мумкин. Моддий маданият ёдгорликларига шу қадар бой бўлган мафтункор Эгей дунёсида маккорона тузоқ яширинган: Эгей қадимий ёзувларини ўқирканмиз – бу нарса исталган дақиқада бўлиши мумкин, – шу пайтгача сукут сақлаб келган ушбу оламнинг овозини эшитишимиз ва ундаги фақатгина моддий мавзуларга ва пуч ҳаёлларга асосланган тус ва

¹ Хронометр – жуда тўғри юрадиган, вақтни аниқ кўрсатадиган соат.

оҳангни англаб етишимиз билан, у кўз ўнгимизда кулгили бир ҳодисага айланади-қолади.

Тарих адабиётга шахс ва далиллардан ҳам кўра қимматлироқ бўлган нималарнидир, чунончи, мана шу далиллар ва шахслар тўғрисида маълумот берувчи асарларни етказиб беради, бироқ бу асарлар солномачиларнинг куруқ ёзувлари шаклида эмас, балки улуғ мутафаккирлар ва сўз санъаткорларининг талқинига йўғрилган бўлади. Ҳеродот, Фукидид, Цезарь, Саллюстий, Тацит, Комин, Макиавелли, Длугош – мен хаёлимга келган айрим номларнигина айтиб ўтяпман, – уларнинг барчаси аллақачонлар урфга айланиб, турлича нақлларда яшаб келаётган характерлар, руҳий таҳлиллар, ихтилофлар, сахналар, диалоглар ва мотивларнинг улкан хазинасидир, шу билан бирга, баъзи бир аслият матнлари деярли сўзма-сўз такрорланади. Худди шу нарса мемуарлар ва мактубларга ҳам тааллуқлидир. Лекин энг паст савияда ёзилган асарлар ҳам баъзан диққатни ўзига жалб этиб, уларга ишонган содда, кўнгилчан одамларни аҳмоқ қилиб, лақиллатиши мумкин: масалан, Светоний нималарни валдирамаган, Диоген Лаэртский эса қанчадан-қанча ақлга сиғмайдиган уйдирмаларни тўкиб ташламаган дейсиз! Аммо Таврот, Ҳомер, “Маҳобҳорат” сингари сон-саноксиз авлодларга асос солган китоблар ҳам мавжуд. Юнон мифологияси неча ўнлаб асрлар давомида адабиётда ҳукм сурган, унда шунчаки оддий тонгги шафақ эмас, балки фақат Эос ёки Аврора, ҳар бир шеърда эса Ой ухлаётган Эндимион узра эгилган маънос ва ғамгин Селена қиёфасида мадҳ этилган. Антик дунё маъбудларини қувиб юбориш ва черков азиз-авлиёларига жой ҳозирлаш, насроний афсоналар ҳамда агиография (авлиё-анбиёлар қиссаси – тарж.) ни адабиётга олиб кириш учун кўплаб поэтик салиб юришлари қилишга тўғри келди. Бироқ бугунги кунда адабиётга яна Эдиплар, Электрлар, Антигона ва Орфейлар қайтиб келмоқда.

Адабиёт ўз материали ҳисобига мунтазам равишда янгиланиб боради. Азалий мотивлар яна ва яна қайта такрорланмоқда, уларнинг аксарият кўпчилигидан қадим замонлардаёқ фойдаланилган. Жироду ўтмишдошларининг узун қаторини назарда тутиб, “Амфитрион” олдига кинояли қичиқ билан 38 рақамини қўйган. Лекин олдига уч хонали ёки ундан ҳам кўпроқ сон қўйиш мумкин бўлган мавзулар ҳам мавжуд. Баъзи бир адабий персонажларнинг узоқ умр кўриши одамни ҳам ҳайратга солади, ҳам қойил қолдиради: улар тўғрисидаги монографиялар ёрқинликда фантастик романлардан қолишмайди. Мисол учун, Фредро ва Сенкевич қахрамонлари – Папкин ва Заглобанинг ортида – барча даврларнинг либосига бурканган ва барча тилларда гаплашадиган мактанчоқ рицарь (қуролбардор)ларнинг тумонат тўдасини кўрамыз, фақат эрамыздан аввалги IV асрнинг олис қаеридадир уларнинг прототиби – ҳарбий юришлар фахрийси Улуғ Искандарга кўзимиз тушади.

Лекин ёзувчи ижодкорлигига келадиган бўлсак, биз адабий мавзулар ва мотивларнинг мана, икки минг йилдирки, эпослар, романлар, драмалар бўйлаб кўчиб юрувчи каталогларига эгамиз. Бу худди Хитой мумтоз театрини эслатади, унда ўзининг оғир кўргиликлар занжирини мандариннинг¹ тилла узугига омадли тарзда улаб юборган бечора талаба ҳақидаги томоша кўп асрлардан буён янгидан-янги сахнавий кўринишларда доимо бирдек зўр муваффақият билан намоиш этиб келинади. Гоцци драматурглар томо-

¹ Мандарин – бу ерда: Хитойда эски замонда катта амалдор.

нидан доимий равишда фойдаланиб келинадиган фожиавий вазиятларнинг ўттиз олтитасини санаб чиққан, Жерар де Нерваль ушбу сонни йигирма тўрттагача камайтирган ва уларнинг барчаси етти кечирилмас гуноҳдан келиб чиқишини қайд этган. Ҳар бир драматург Гоцци билан Жерар де Нервалнинг ҳисоб натижаларини бир текшириб кўрса, ёмон бўлмасди.

Америкалик илк шоирларнинг шеърлари булбуллар ва сўфитўрғайларнинг сайрашидан зириллайди, орнитологлар эса, Америкада бунақа кушларнинг йўқлигини тасдиқлашмоқда. Хўш, унда шоирлар уларни қаердан олишган? Албатта, ўзлари тақлид қилган инглиз поэзиясидан олишган, чунки у шеърятнинг булбулларсиз ва сўфитўрғайларсиз иши битмаган, айниқса, Жюльетта Ромео билан тортишиб қолган пайтдан бошлаб: “It was the nightingale and not the lark...” – “Сайраётган булбул, сўфитўрғай эмас...” Дадил, жасур новаторлар Америка поэзиясининг кўз ва қулоқларини каттароқ очиб, унинг қизиқишини ўз жонажон қораялоқларига қаратгунларича орадан кўп вақт ўтди. Худди ўшандай жараёни эндиликда Австралия ёки Янги Зеландия каби навқирон мамлакатларнинг шоирлари ижодида кузатиш мумкин.

“Дзядалар”нинг биринчи қисмида, панна (паннинг қизи) ўқиётган сентиментал “Валерия”да Испания элчихонасида Валерия “чойшаб билан рақс” тушадиган машҳур сахна бор. Дельфина худди шундай назокат билан полонез¹, Коринна – тарантелла², бошқа қахрамон кизлар – кадрили³ ёки менуэт⁴ рақсини ижро этишади, қахрамон йигит эса шу ерда ҳозир-нозир, у гўё яшин ургандек, ишқ домига тушади. Худди ўша мотив қандайдир ўн йиллар давомида ўша даврнинг кўплаб муҳаббат қиссаларида ўз ифодасини топишга муваффақ бўлган.

Кулмаймиз, келажак авлодларимиз китобчалардан ўзлаштириб олган образларимизни топиб олишлари шубҳасиз, чунки уларнинг атрофимизда йўқлигини ўзимиз ҳам сезмай қолганмиз. Адабий мерос сўз устидан, тасаввур устидан, дунёни ҳис этиш устидан мустабид ҳокимиятга эга ва воқеликни босиб кетишга ҳам қодир, ўрта аср шоирлари билан худди шундай бўлган, улар қадимгилардан саройлар ва ибодатхоналарнинг тасвирларини ўзлаштириб, ўз даврининг қаср ва соборларини эса “кўрмай” қолишган. Адабиёт ҳатто севимли асарлардан олинган биргина сўзнинг туб моҳияти билан ҳам яшаб ўта олади, буни гуманист шоирлар ижодида кузатиш мумкин. Унда Рим шоирларининг шеърлари ва иборалари узлуксиз равишда аралашиб кетган, шу боисдан бўлса керак, тинглаётганимиз тирик юрак овозими ёки давр марҳумларининг акс садосими, буни ҳеч қачон аниқлаб бўлмаган. Башарти шоир янги замон, янги одамлар образини, ўз кечинмаларини акс эттиришга журъат қилган бўлса, бу кўпинча бесабрлик ҳамда метрика⁵ ёки синтаксис қоидаларини бузиш оқибатида юз берган.

Бошқаларнинг ижодига ана шунга ўхшаш қарамлик (ва гуманистлар мозаикаси ҳамда Ҳомерни “ағдариб тикаётган” Вергилий) бизни ҳайрон қолдиради, аммо ўзимизнинг одат, қилиқларимиз умуман эмас, балки даражали бир тарзда ажралиб туради. Адабий материал ҳамиша ва ҳар доим бошланғич нуқта сифатида хизмат қилади. Қайси ёзувчининг қизиқиш доирасида муаллифлар ёки китоблар йўқки, улардан ички бир туртки,

¹ Полонез – полякча тантанали бал рақси ва шу рақсга ёзилган мусиқа.

² Тарантелла – шўх италян халқ рақси ва шу рақс мусиқаси.

³ Кадриль – жуфт-жуфт бўлиб ижро этиладиган бал рақси ва унинг мусиқаси.

⁴ Менуэт – французча қадимий рақс ва унинг мусиқаси.

⁵ Метрика – шеър вазни, ўлчови ва унинг назарияси.

рағбат, ёрдам ёки йўл-йўриқ изламаган бўлсин? Стивенсон “Ҳазиналар ороли”нинг яратилиши ҳақида ҳикоя қиларкан, ўзининг романига яққол таъсир кўрсатган беш-олтита китобнинг номларини ҳеч иккиланмай айтиб ўтган. Бундай очиқ гапириш, самимият кам учрайди, одатда бу вазифани муаллиф учун кейинчалик ижодининг тадқиқотчилари бажаради. Мутлақ ижодий ўзига хослик – миф ота-онаси бўлмаган, ердан ўсиб чиққан одамлар ҳақидаги юнон ривоятларини ёдга солади.

Фикрловчи индивид (шахс)лар қанча бўлса, дунё, оламлар ҳам шунчадир. Бу дунёлар ўз хилма-хиллиги билан одамни ҳайратга солади. Баъзи бирлари кичик ва тор бўлса, бошқалари бепоён, чексиздир, сийқа, зерикарли ва бефайз оламлар билан ёнма-ён ёрқин, чиройлилари ҳам бор, уларда кувноқ, жарангдор овозлар янграйди, айримларида узлуксиз ёғингарчилик, намгарчилик ҳукм сурса, бошқалари гўзал об-ҳаводан доимий равишда баҳраманд бўлади. Гипотезалардан маълум айрим туманлик (ғуж юлдуз)ларга ўхшаб, бу дунёлар баъзан бир-биридан шу қадар олисда жойлашган бўладик, ҳеч қандай нур биридан иккинчисига етиб бормайди. Улар ёлғизлик аро ўз йўллари бўйлаб ҳаракатланади ва чексизликда ҳалок бўлади. Инсон характерларининг мана шундай хилма-хиллиги борасида ёзувчилар нафақат истиснони ташкил этади, балки ҳатто бир-биридан ҳам бошқа одамларга қараганда кўпроқ фарқ қилади. Уларнинг ҳар бири ўз юлдузлари остида, пешонасига битилган, бошқа ҳеч кимникига ўхшамаган, мислсиз ўз тақдир-қисмати билан яшашга маҳкум. Ёзувчининг миясига ўзидан бошқа ҳеч ким олдиндан сезмаган ўй-хаёллар келиши ҳам тасодиф эмас, мабодо кимнингдир хаёлига шундай фикр келган бўлса ҳам, албатта, ёзувчига намоён бўлган шаклда бўлмаслиги мумкин.

Ҳеч ким бирданига ҳамма нарсани кўра олмайди, ҳар бир киши кўпгина нарсалар ёнидан ўтаётиб, уларни сезмай қолади, чунки унинг диққатини жалб қилмаган бўлади. Кимнидир ақлий ноқисликда ёки сўқирликда, хаёл, тасаввурнинг етишмаслигида, бағритошликда айблаш сабаблари ҳам шундан. Гёте Падуада Палладио китобларини ахтариб юриб, Жотто фреска (деворларга солинган расм, сурат – *тарж.*)ларини пайқамайди, уларни Ассизида Минерва черков ибодатхонасини қидириб юрган пайтда ҳам, кўрмай қолган эди. Ҳар қандай ёзувчи ҳам дунё бойликлари орасида ана шундай паришонхотирликка тушиб қолиши мумкин. У фақат ўзига керакли бўлган жиндаккина нарсани танлайди, бунинг устига, уни баъзан яна камайтириб ҳам юборади. Мицкевич ҳеч қутилмаган жойдан Литвани эслатадиган манзараларни қидириб топишга уринади, шу аснода эса бошқа шоирларга илҳом бағишлайдиган қолган барча манзараларни ва диққатга сазовор жойларни сезмай қолади. Даҳолар ҳар нарсага бениҳоя қизиқувчан дилетантларга қараганда анча талабчан, синчков, нозиктабиат ва инжик, терс, беқарор бўлишади.

Ирсий ёки орттирилган табиий ва руҳий ўзига хос хусусиятлар, меҳр-муҳаббат, яқинлик туйғуси ва майл, ҳавас, қизиқиш, иштиёқ ва ишқибозликлар илдизи гоҳо илк лик даврларига бориб тақалгани ҳолда турли хил одат, қилиқ, ўрганишлар: идиосинкразиялар¹ ақлимизнинг идрок қилиш механизмини шакллантиради ва диққатимизни нималар ўзига жалб қила олиши уларга боғлиқ бўлади, бу эса тафаккуримизни бойитади. Бу

¹ Идиосинкразия – организмнинг баъзи бир нарсалар таъсирини кўтара олмаслиги, ёқтирмаслиги – тарж.

нарса айниқса, ёзувчи қачонки ташқи шарт-шароитлар туфайли “ёпишиб” олган ўзига ёт, бегона мавзу устида ишлашга ўзини мажбур қилган пайтда яққол сезилади: эркин ҳаракатлар қила олиши учун ундаги бутун маҳорат ҳам камлик қилади, ўзига номаълум бўлган нарса, воқеа, ҳодисалар ўртасида адашиб, юзалаб сирғаниб юраверади, худди ўша дақиқада ўйлаб турган фикри бу ёқда қолиб, батамом бошқа мавзу ҳақида гапира бошлайди. “Одиссея”нинг XI қўшиғи ёдингиздами? Одиссей ерости дунёсига кираверишда Терезиянинг руҳини кутиб ўтирибди, у эса ҳадемай ҳозир бўлиши, қурбонликка янги сўйилган қўйнинг қонидан тўйиб ичиб, дадил, бақувват бўлиб олиши ва сўзлаш қобилиятига эга бўлиб, келажакни башорат қилиши лозим. Бу пайтда жилла қурса бир лахзага бўлса-да, сўзлай олиш қобилиятига эга бўлишни беҳад истаб, қонга ташна марҳумларнинг соялари бир-бирларини туртиб, ҳар томондан уймалашиб келарди. Аммо бир сўзли Одиссей фақат ўзи уни деб узоқдан келган бирдан-бир, ягона руҳни интиқ кутиб, қолган ўликларнинг руҳларини, ҳатто ўз онасининг руҳини ҳам рад этиб қайтаради.

Мана, ҳаётга ташна тимсол, тажассумлар томонидан енгилган ёзувчининг тасвир-баёни, у кўпчилик орасидан фақат ақли ёки қалби буюрган образни афзал кўриб, қолганларга сабот билан қаршилиқ қилади. Тўғри, агар вақт етса, бошқаларга ҳам навбат келиши мумкин. Лекин вақт қурғур ҳар доим ҳам етмайди. Ёзувчи марҳумлар дунёсини тарк этаркан, ўзи ҳаёт бахш этолмаган ва кейинчалик ўй-хаёлида узоқ вақт намоён бўлиб турган овозлар, шарпалар, қиёфалар ва чехралар ила чуқур қайғу билан видолашади.



Қадрдон журналимиз ривожига ҳисса қўшаётган истеъдодли таржимонлар сафи сондан-сонга кенгайиб бораётгани қувончли ҳол, албатта.

Бадиий таржимада қалам чархлаётган, хусусан, итальян ва испан тилидан қилган таржималари билан ўқувчиларда илиқ таассурот қолдираётган ёш мутаржим Аброр Умаров истиқболли ижодкорлардан саналади.

Ҳозир бу таржимон катта адабиёт йўлига қадам қўйиш арафасида – унинг бу борадаги саъй-ҳаракатларига барака ва унум ёр бўлишини тилаймиз.

Қуйида А. Умаровнинг янги таржимасини мутолаа қилиб, сўзимиз ростлигига ўзингиз амин бўласиз, деган умиддамиз.

Амир ФАЙЗУЛЛА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими, таржимон

Дино БУЦЦАТИ

(1906–1972)

Атоқли ёзувчи, мусаввир, журналист. Насрий асарларида тақдир жумбоқларини ечишга маҳкум ёлғиз, нотавон инсон образига кўп мурожаат қилади. “Татар сахроси”, “Муҳаббат”, “Кўҳна ўрмон синоати”, “Тоғлик Барнабо” романлари, “Олтмиш ҳикоя”, “Коломбр”, “Етти чопар” каби ҳикоялар тўплами кўп тилларга ўғирилган.

*Итальян тилидан
Аброр УМАРОВ таржимаси*

КЎЧКИ

Ҳикоялар

Жованни телефон қўнғироғи товушидан уйғониб кетди. Гўшакни кўтарса, бош муҳаррир экан.

– Дархол Ортика водийсига жўна! У ерда кўчки рўй берган. Горо худуди яқинида. Бутун бир қишлоқ кўчки тагида қолган эмиш, қурбонлар бўлиши ҳам мумкин. Қолганини борганда билиб оласан. Вақтни бекорга кетказма. Шошмасанг бўлмайди.

Бу унга юкланган биринчи жиддий топшириқ бўлиб, Жованни масъулиятдан бироз чўчирди. Аммо ўзини қўлга олиб, сафар вақтини чамалаб кўрди. Бу ёқдан икки юз километрлик йўл, тахминан уч соатда

* Манба: <http://m.bookfi.net/book/58119>. <http://www.twirpx.com/file/1377434>.

етиб олади. Пешинда у ерда тафтиш олиб боради ва мақола тайёрлаш учун маълумот йиғади. Бу иш унга ҳали катта шуҳрат келтиради.

Жованни февралнинг совуқ тонгида машинада йўлга чиқди. Кўчада ҳеч зоғ йўқлигидан фойдаланиб кўрқмай газни босди. Йўлнинг ён томонидан уни тепаликлар қарши олди, сўнг енгил туман орасидан қор билан қопланган чўққилар кўринди.

Жованнининг хаёли тоғ кўчкиси хабарида эди. Балки бу фалокат юзлаб одамларнинг ёстиғини қуритгандир? Агар шундай бўлса, ҳар куни икки устундан хабар ёзса бўлади. Жованни аслида бағритош эмас, лекин шунча одамнинг бошига тушган кўрғиликдан қалби сира ўртанмади. Бошқа газета мухбирларининг рақобатлашиши мумкинлиги ҳақида ўйлаганида эса хаёлига ёқимсиз фикрлар келди. Унинг айёр ва ишбилармон ракиблари аллақачон фалокат содир бўлган ерга бориб, кимматбаҳо маълумотларни йиғиб улгуришгандир. Жованни олдинда кетаётган машиналарни кўздан кечирди. Ҳойнаҳой, улар Горога, ҳалокат содир бўлган ерга кетишаётгандир. Йўлдаги барча машиналар унга шубҳали кўринар, уларга етиб олиш ва ичидаги одамни кўриш учун газни босарди. Ҳозир қандайдир мухбирни кўраман, деб турганида, улар қишлоқ аҳолиси, ижарачи, даллол ёки руҳоний ҳам бўлиб чиқарди. Уларнинг юзи ғамгин ва мудроқ, худди бу даҳшатли офат улар учун заррача аҳамиятга эга эмасдек.

Жованни машинани равон йўлдан чап томонга, тор ва чанг босган Ортика водийсининг йўлига бурди. Аллақачон тонг отганига қарамай, атрофда кулфат аломати кўринмайди: у тасаввур қилган аскарлар ҳам, тез ёрдам машиналари ҳам, ёрдамга етиб келган юк машиналари ҳам кўринмасди. Ҳамма қишки уйқуда, фақат қишлоқдаги баъзи уйларнинг мўрисида тугун чиқиб турарди.

Йўл четидаги устунларга “Горогача йигирма километр, ўн тўққиз километр, ўн саккиз километр қолди” деб ёзилган, аммо ҳеч қандай фожиа аломати кўринмасди. Жованни кўчки бошланган ерни топиш учун тоғнинг тик ёнбағирларини кўздан кечирди, аммо ҳеч нимани илғамади.

У Горога пешинга яқин етиб келди. Бу ғалати қишлоқ тараққиётдан юзлаб йиллар орқада қолиб кетгандай. Қаровсиз ва абгор бу маскан тоғлар чангалида қолган, дов-дарахт кўринмайди, фақат яккам-дуккам уйларгина кўзга ташланарди, холос.

Марказий майдон бўм-бўш. Қизиқ, деб ўйлади Жованни таажжубланиб, одамлар ҳойнаҳой ҳалокатдан ваҳимага тушиб, тумтарақай қочиб қолишган ёки уйларига беркиниб олишган. Ёки кўчки четроқда бўлгани учун ҳамма ўша ёққа кетдимикан? Қуёшнинг хира нури меҳмонхонанинг ташқи деворини ёритиб турарди. Жованни машинадан тушди, меҳмонхонага бориб ойнали эшикни очди, ичкаридан баланд овозлар қулоғига чалинди, худди қувноқ одамлар стол атрофида чакчақлашиб ўтиргандек.

Меҳмонхона эгаси ҳақиқатан катта оила даврасида нонушта қилаётган эди. Бундай мавсумда мижозлар афтидан келишмаса ҳам керак. Жованни ичкарига киришга изн сўради ва ўзини журналист деб таништирди ва кўчки ҳақида суриштиришни бошлади.

– Кўчки? – деди чорпахилдан келган, бақувват меҳмонхона эгаси хушмуомалалик билан. – Бу ерда ҳеч қандай кўчки бўлган эмас. Балки бир пиёла чой ичарсиз? Марҳамат, келинг, уялманг! Биз билан бирга ўтиринг, азиз меҳмон! Зал биров совуқроқ.

У Жованнини даврага кўшилишга ундади столдаги икки ўсмир бола, оила аъзоларининг гапидан кулиб, даврани қиздириб ўтирарди. Хўжайин Жованнига ўтиришни астойдил сўради, бу мавсумда водийда иссиқ овқат ва уй топиш қийин эканлигини уқтирди. Жованни эса безовта эди, албатта, овқатланишни истайди, аммо унинг мақсади кўчкининг қаерда бўлганини билиш. Нега гороликлар кўчки ҳақида ҳеч нима билишмайди? Бошлиғи унга аниқ кўрсатма берди-ку?

Стол атрофидаги иккала бола отаси билан тортишиб, Жованнининг саволига жавоб бермоқчи бўлишди.

– Кўчки? – деди ўн икки ёшли болакай гап нима ҳақда кетаётганини англагандай. – Ҳа-да, кўчки, билишимча, у юкорирокда, Сант-Эльмода содир бўлган, – болакай отасидан кўра жўяли гап айтгинидан қувониб кетди. – Сант-Эльмода, бу хабарни кеча Найнов айтди.

– Найнов ниманиям биларди, – эътироз билдирди отаси. – Жимгина ўтирсанг-чи. Охирги кўчки болалигимда, Городан анча пастда содир бўлганди. Балки жаноб ўша кўчкини кўргандир, бу ердан ўн километр нарида, йўл яқинида.

– Дада, ахир айтдим-ку, кўчки Сант-Эльмода бўлган деб!

Агар Жованни гапни бўлмаганда, улар тортишишда давом этишарди.

– Майли, мен Сант-Эльмога уни кўргани кетяпман, – деди Жованни.

Меҳмонхона хўжайини ва болалар янги русумдаги машинасини томоша қилиш учун уни майдонгача кузатиб қўйишди.

Горони Сант-Элмодан бор-йўғи тўрт километрлик масофа ажратиб турибди, аммо шу масофа ҳам Жованнига жуда узокдек туюлди. Илонизи йўл тик ва шунчалик тор эдики, машинани тез-тез орқага ҳайдаб, бурилишга тўғри келди. Водий борган сари қоронғи ва ваҳимали кўрина бошлади. Фақатгина олисдан жаранглаган кўнғирокдан у енгил тортди.

Сант-Эльмо Городан ҳам кичкина экан, ташландиқ ва аянчли бир қишлоқ. Соат ўн бештакам бир, аммо атрофга қараса, қоронғи тушаётгандек туюларди; балки осмонўпар тоғларнинг сояси водийга тушаётгандир. Бу ерлар кўчкилар туфайли ташландиқ бўлиб қолганмикан?

Жованни яна безовталана бошлади. Кўчки қаерда бўлган, ахир? Балки бошлиғи шошиб қолиб, хабарнинг тўғрилигини билолмагандир ёки манзилнинг номини айтишда адашгандир? Вақт аёвсиз ўтмоқда, у эса газетадаги ишидан қуруқ қолиши мумкин.

Жованни машинани тўхтатди ва бир боладан кўчки ҳақида сўради, бола уни дарров тушунди.

– Кўчки? Анави ерда! – деди болакай ва қўли билан юкорини кўрсатди.

– У ёққа йигирма дақиқада етиб олса бўлади.

Бола Жованнидан машинадан тушишини сўради ва огоҳлантирди:

– У ерга машинада боролмайсиз, пиёда юриш керак, у ёққа фақат бир сўқмоқ олиб боради.

Бола уни бошлаб боришга рози бўлди. Улар қишлоқдан ўнг томондаги тоғ сўқмоғи бўйлаб тепага кўтарилишди. Жованни болага эргашиб, ҳаллослаб қолди ва ундан бироз нафас ростлаб олишни сўради. Озгина юрса, кўчкини ўз кўзи билан кўради ва бу ҳақида биринчи бўлиб газетасида хабар чиқаради. Ҳамкасбларидан ҳеч ким ҳали кўчки бўлган ерга келмаган. Фақат одамларнинг у ёққа шошилмаётгани ғалати. Демак,

жабрдийдалар йўк, ҳеч ким ёрдам сўрамаган экан-да? Кимсасиз, хувиллаган иморатларгина бузилган шекилли.

– Мана шу ер, – деди бола ниҳоят ва тоғ тизмасида туриб, бармоғи билан кўчки бўлган ерни кўрсатди. Ён томондаги қизғиш ер кўчки бўлганидан далолат берарди. Чўккидан ер бўлаги ажралиб, водий ичкарисигача тушган, пастда йирик харсангтошлар йиғилиб ётибди, улар тахминан уч юз метрдан ўпирилган. Аммо пастда қишлоқ ёки уй борлигига ишониш қийин эди. Фақат тик қояда илдиз отган ўсимликлар бор.

– Жаноб, кўприкни кўряпсизми? – сўради бола, харсанглар орасида, водийнинг ичкарисиди ётган кўприк харобаларини кўрсатиб.

– Бу ерда ҳеч ким йўкми? – ҳайратланди Жованни атрофга қараб. Ҳеч ким кўринмайди. Фақат бўртиб чиққан қоялар, жилғадан намланган қияликлар, аллақандай деворлар қолдиғи ва тошлар уюми бор, ҳаммаёқ кўнғир рангда, осмонни эса аста-секин булутлар қопламоқда.

Бола унга анграйиб қаради.

– Бу кўчки қачон содир бўлган? – уни саволга тутди Жованни.

– Ким билади! – деди бола. – Баъзилар уч юз йил, баъзилар тўрт юз йил илгари содир бўлган дейди. Аммо ҳозир ҳам ер ўпирилиб-ўпирилиб туради.

– Жин урсин! – бақириб берди Жованни ғазабдан. – Буни нега бошида айтмадинг?

Уч юз йиллик кўчки, қара-я, буларни қанча одамлар кўрган, ҳатто Сант-Эльмонинг диққатга сазовор геологик ерлардан бири сифатида саёҳат китобчаларида ҳам кўрсатилгандир! Тор водийдаги деворлар қолдиғи эҳтимол римликлар давридаги кўприк харобаларидир. Қандай бемаънилик, ҳадемай кеч тушади. Кўчкидан эса ҳалиям дарак йўк.

Жованни сўқмоқдан шошиб пастга тушди, болакай йиғламсираб, чойчақадан қуруқ қолганидан чўчиб унга эргашди: бечора бола Жованнининг нимадан жаҳли чиқаётганини тушунмасди ва кўнгли юмшашига умид қилиб, ялинганнамо югурарди.

– Жаноб кўчкини қидиряпти! – дерди ўтган-кетганга Жованнини кўрсатиб. – Мен жаноб анави эски кўприкни қидиряпти деб ўйлагандим. Бизда яна қаерда кўчки бўлган?

– Тўхтанг, тўхтанг! – деди ниҳоят уйининг эшиги ёнида нарса сотиб ўтирган, бир кампир унинг гапини эшитиб. – Ҳозир эримни чақирман!

Бир зум ўтиб, ёғоч бошмоқларнинг тўқиллашидан сўнг эшик бўсағасида эллик ёшлардаги, хунук ва ғамгин киши пайдо бўлди.

– Воҳ, кўчкини кўргани келишибди-да! – деди у баланд овозда. – Саёҳатга келишгани етмагандек, яна текин томошани кўришга ҳам келадиган бўлишибди-да! Марҳамат, келсинлар, кўрсинлар!

Бу кинояли гаплар Жованнига қарата айтилган бўлса-да, бошқаларга ва ҳатто сўзловчининг ўзига ҳам дахлдор.

У Жованнининг қўлидан ушлади ва тор йўлакдан судраб кетди. Бу йўл ҳам боягисига ўхшайди, фақат қизғиш тошлар билан тўсилган. Жованни пальтога яхшироқ ўраниш учун чап қўлини кўтарди-ю (совуқ тобора кучайиб борарди), соатига кўзи тушди: соат бешу қирқ беш, кеч тушаяпти, кўчки ҳақида эса заррача ҳам маълумотга эга эмас, қаерда бўлганини ҳам билмайди. Ишқилиб, манави ёқимсиз кимса уни керакли жойга олиб борсин-да.

– Энди кўнглингиз жойига тушдими? Мана қаранг! Ўша лаънати кўчкингизни тўйиб томоша қилинг! – деди деҳқон тўхтаб, ташландик ерга нафрат билан қараб. Жованни бир неча юз метр квадратли майдончанинг четида турарди. Бу тик тоғ этагида машаққатли меҳнат эвазига қаричма-қарич текисланиб, ёввойи табиатдан тортиб олинган заминнинг кичик бир бўлаги эди, холос. Мана шу очик ернинг тахминан чорак қисмини тупроғу-тош уюми босиб қолганди. Балки ёмғир, нам мавсум ёки бошқа сабаб туфайли тоғнинг бир бўлаги пастга, майдонга сирғалиб тушгандир.

– Кўрдингизми, энди кўнглингиз жойига тушдими? – деб койинди деҳқон. Шунча меҳнат қилиб текислаган ерини кўчки босиб қолганидан унинг фиғони фалакда эди.

Жованни бу арзимас кўчкига тикилиб қолди. Ҳолбуки вақт ўтар ва қош қораяётганди, у эса журналга кўнғироқ қилиши керак.

Жованни деҳқонга қарамай, ундан узоклашди ва машинани қолдирган жойга югура кетди, у ерда машинасининг ғилдирагини пайпаслаётган уч чўпонни кўриб, “кўчки қаерда ўзи?” деб алампдан бақирди, бунга худди улар айбдордай. Ғира-ширада тоғлар кўринмай қолди.

Бинойидек кийинган бир новча эркак нарироқдаги черков зинасида тамаки чекиб ўтирарди, ўрнидан туриб, Жованнининг ёнига келди:

– Сизга буни ким айтди? Бундай хабарни ким етказди? – ўша кимса Жованни билан саломлашиб ўтирмай, уни сўроққа тутди. – Кўчки ҳақида гапириб юрган ким экан?

Худди кўчки ҳақидаги хабар жаҳлини чиқаргандек у дағдаға билан савол берарди. Ҳа, деб ўйлади Жованни. Бу тушунарсиз воқеада қандайдир сир борга ўхшайди. Маъмурият ҳам огоҳлантирилмаган, кутқарувчилардан ҳам дарак йўқ. Агар оддийгина офат тафсилотини билиш ўрнига, дунёдан четдаги овлоқ ерларда, қандайдир ғаройиб ва ҳайратли фитнани фош қилса-чи?

– Кўчкимиш! – Жованнининг жавобини кутиб ҳам ўтирмай бояги дароз ижирғаниб ўзи яна гап қотди. – Қандай сафсата! Биров айтган чўпчакка лаққа тушибсиз-да!

Ғапини гапириб, у ортига бурилди-да, нари кетди.

Унинг вазоҳатидан чўчиб, Жованни бирор нима сўрашга жазм этолмади.

– Анави киши нималар деяпти ўзи? – Жованни чўпонлардан бирига юзланди.

– Э-э... – деди-да, чўпон йигит кулиб юборди, – бунга анча бўлган. Яхшиси, гапирмай қўяқолай. Бошимга ғалва орттириб оламан.

– Ундан кўрқасанми? – деб эътироз билдирди шериги. – У ёлғончи-ку, сен буни яширмоқчимсан? Кўчкини кўчки деб аташ керак-да!

Жованни воқеани билишга ошиқди, чўпон тушунтира бошлади. Анави кимсанинг Сант-Эльмодан сал нарида сотиш учун икки уйи бор экан, аммо у ерларда тупроқ юмшоқ, эртами-кечми деворлар ўпирилиб тушаркан, аллақачон ёриқлар пайдо бўлибди, уларни таъмирлаш учун анча меҳнат, харажат керак эмиш, бунинг устига исталган вақтда кўчки босиб қолиши мумкин экан. Бу ҳақда авваллари кўпчилик билмас экан, аммо миш-миш тез тарқалибди, шу сабаб энди ўша уйларни ҳеч ким сотиб олишни хоҳламай қолибди. Шунинг учун ўша дароз киши кўчки ҳақида ким гапирса энсаси қотармиш.

Шунча сир-синоат нима учун керак? Аҳмоқ ва сирли одамлар орасидаги ғамгин оқшом. Салқин шамол эсяпти. Одамлар тарқала бошлади, ғариб

уйларнинг эшиклари ғичирлаб ёпилади, уч чўпон машинани томоша қилишдан чарчаб, йўларига равона бўлишди.

Кўчки ҳақида энди сўраб-суриштириш бефойда, деб ўйлади Жованни. Ҳамманнинг жавоби шундоғам маълум, кимдир уни яна арзимас жойга олиб боради, йўқ, булар газета учун янгилик эмас. Ҳар ким кўчкини ўз қаричи билан ўлчайди, кимнингдир ерига тоғдан ҳарсангтош ўпирилиб тушган, кимнингдир ўрасига тупроқ тўлиб қолган, хуллас, ҳар кимнинг ўз “кўчки”си бор, аммо булар Жованнини заррача қизиқтирмайди, унга газетанинг уч устунини тўлдирадиган шов-шувли ва обрў келтирадиган хабар керак.

Чексиз сукунатни олишдан эшитилган кўнғироқ жаранги бузди. Етар, бас. Жованни машинага миниб, моторни ўт олдириди-да, чирокларни ёқиб, тушкун кайфиятда йўлга тушди.

Тутуриқсиз машмаша, деб ўйлади у. Кимнингдир кафтдек экин майдонигами, уйиганми раҳна солган арзимаган кўчки ҳақидаги миш-миш тоғдан шаҳаргача ёйилиб, улкан фожеа тусини олибди-я. Ҳаётда шунақасиям бўларкан-да. Ишда эса ҳамма айбни Жованнига юклашади. Унинг заррача айби йўқ, ишига қуруқ қўл билан қайтяпти.

Машина Сант-Эльмодаги кулбалару, эгри-бугри йўлларни ортда қолдириб, нишабдан пастлай бошлади. Атрофда ҳеч зоғ йўқ. Уловнинг остида шағал ғичирлайди, унинг икки чироғи зулмат қўйнидаги тор водийни ёритиб бораётир, ғамгин қоялар, жонсиз дарахтларнинг қораси кўриняпти. Жованни худди ниманидир кутаётгандек ҳеч қаёққа шошмай бир маъромда олға кетиб борарди.

Тўсатдан машинанинг мотори тўхтаб қолгандай бўлди, Жованни ортидан нимадир гуриллаб келаётганини эшитди, балки бу саробдир, қандайдир шовқиндан ер силкинди. Бирдан Жованнининг юрагини чексиз ҳаяжон эгаллади, бу ғалати туйғу шодликни эслатарди.

Альберто МОРАВИА

(1907–1990)

XX аср итальян адабиётининг йурик вакили. “Лоқайдлик”, “Зерукиш”, “Ботиний ҳаёт”, “1934”, “Чочара” каби романлар, “Рим ҳикоялари”, “Ялқов тушлар”, “Нотавон ошиқ” каби ҳикоялар тўплами, қатор пьеса, эссе ва очерклар муаллифи.

МАЙ ЁМҒИРИ

Шу кунларда Монте Мариодаги овчилар емакхонасига қайтиб бораман, фақат бу сафар ёлғиз эмас, дўстларим билан қайтаман, улар одатдагидек якшанба куни аккордеон чалишади, рақсга тушишга қиз топилмаса, бир-бирлари билан ҳам тушишаверади. У ёққа ёлғиз боришга журъатим етмайди. Баъзан тунлари тушимга емакхона, дарахтлар орасидаги столлар устига тушаётган илиқ май ёмғири, ковоғи солиқ дарахтлар, уларнинг тепасидаги булутлар ва узок-узоклардан кўринаётган Рим манзараси кирарди. Тушимда емакхона хўжайинининг овози чалингандек бўлар,

худди ўша тонгдагидек ертўладан “Дирче! Дирче!” деган жаҳлдор товуш эшитиларди. Дирче менга ишора қилади-да, пастга, ертўлага қараб зинапояда тапиллаб тушиб кетади.

Бу ерларга тасодифан қишлоқдан келиб қолгандим; менга емакхонада официант бўлиб ишлашни таклиф қилишди. Яшашим учун хона ҳам беришар экан. Яхшилаб ўйлаб кўрдим ва ишлашга рози бўлдим. Пул беришмаса ҳам майли, улар билан бир оила бўлиб яшасам бўлгани. Афсуски, бу ерда аҳил оилани эмас, нақ жаҳаннамни учратдим. Емакхона хўжайини бўғирсоқдек дўмбоқ эди. Оппоқ, майда ажин босган юзи баркашдек, кўзлари кичкина, илонникига ўхшар, эгнида ҳар доим енгли кўйлак ва камзул, кулранг шапкани кўзларигача бостириб олганди. Қизининг исми Дирче, феъли отасиникидан бешбаттар, қайсар, аммо чиройли эди: жуссаси кичкина, лекин чайир, юрганида сонлари силкиниб юрарди. Юзи чўзинчоқ, кўзлари ва сочи қора, ранги совук, бўздек оқ эди. Оилада фақат онаси яхши одамга ўхшарди: ёши қирқларга борган бўлса-да, отмиш ёшли кампирдек қари кўринар, озгинлиги, қирра бурни ва сийрак сочлари уни қари кўрсатарди; бу аёл ғалатироқ эди, ҳар ҳолда ўчоқ бошида туриб, оғзи қийшайиб, соқовдек жилмайиб туриши ғалати эди; ўгирилганида оғзидаги икки ёки учта тиши кўринарди.

Айвони кўчага қараган емакхонанинг тепасига сарик рангда “Антонио Токкининг овчилар емакхонаси” деб ёзилган. Хиёбон бўйлаб келгач, дарахтлар остидаги столларда ўтириб, Римнинг ажойиб манзарасини томоша қилиш мумкин. Емакхона биноси оддий, деворлари дағал, бир-иккита деразаси бор, томи черепица билан қопланган. Ёз мавсуми мижозлар йиғиладиган энг яхши вақт; одамлар эрталабдан то ярим тунгача емакхонадан аримасди; турли оилалар, севишганлар, дўстлар давраси столга ўтириб, Токкининг мазали таомларини тановул қилишар, мусалласни симириб, манзарадан баҳра олишарди. Иш кўплигидан нафас ростлашга вақт йўқ: биз елиб, мижозларга хизмат қиламиз, икки аёл эса тинмай овқат пиширар ва идиш-товоқларни юварди. Кечқурун ҳаммамиз итдек чарчардик ва тўғри ётоқхонага кетардик. Ота ва қиз бири-биридан нафратланишар, нафрат ҳам майли-ку, бир-бирини ўлдириб қўйишга тайёр эди. Отаси бир гапда туриб олар, зикна ва аҳмоқ эди, пайт туғилди дегунча қизига қўл кўтарарди; қизи эса тошдек қаттиқ, писмиқ, тили узун ва сурбет эди. Балки улар бир-бирини қони битта бўлгани учун ҳам ёмон кўрар? Йўқ, бу ерда бошқа сабаб бор, яъни ҳамма гап бир-бирига зид манфаатларда. Қизининг фикрича, улар Рим манзараси кўринадиган сўлим гўшадан иложи борича унумли фойдаланишлари керак эди. У отасидан емакхона учун рақс сахнаси қуриб беришни, оркестр ёллашни, бизларга Венеция шарларини остириб, уйни ресторанга айлантиришни сўрарди. Аммо ота қизининг гапига қирай демасди, хасис ва янгиланиш душмани эди у; қизига енгилиб, таклифини қабул қилишдан кўра уни бўғизлаб қўйишга тайёр эди. Ота ва қиз ўртасидаги жанжаллар ҳар доим стол атрофида содир бўларди: қизи отасини койиб, хафа қилар, ҳатто шахсиятига тегарди, отаси эса овқатланаётиб кекирар, сўнг қизини бўралаб сўкиб кетарди; қиз уни тинч қўймасди; отаси бунга жавобан тарсаки туширарди. Тарсакининг аччиқ таъсири Дирченинг юзида дарров билинар, лабини тишлаб, кўзини қисарди. Аммо бу тарсаки унинг учун худди гулга сачраган совук сувдек оддий ҳол эди: унинг ғазаби янаям кучаярди. Шунда отаси унинг сочларидан

чангаллаб пастга судрарди. Товоқлар, стаканлар чилпарчин синар, онаси эса уларнинг орасига тушарди, аммо ўшанда ҳам онасининг тишсиз оғзидан ўша беъмани жилмайиш кетмасди; бунақа пайтларда ғазабдан ичим ёниб, ташқарига чиқардим ва Камиллуччага олиб борадиган катта йўлда сайр қилардим.

Бу ердан аллақачон кетворган бўлардим, аммо кутилмаганда Дирчени севиб қолдим. Ўзимни худди қопқонга тушгандай ҳис қилдим, ундан қутулиш учун қанча уринмай, тишлари эгимга янаям қаттиқроқ ботарди. Дирче аввал бошданоқ мен билан яқинлик қилиш ниятида бўлган, келган кунимдаёқ, ухлаётганимда хонамга кирганди; шундан кейин унга бўлган бефарқлик эҳтиросга айланди. Бизда севишганлардек ўз муҳаббатини изҳор қилиш учун қўл ушлашлар, меҳрли қарашлар, ширин сўзлар бўлмаган; у мақсадига эришиши учун ҳар қандай йўлга тайёр эди. Йўқ, уни бузук қиз демокчимасман, у жасур, такаббур ва бокира эди. Фақат мени деб номусидан кечди, шунинг учун ҳам унинг қопқонига илиндим.

Мен табиатан сабр-тоқатли, мулоҳазали одамман, аммо бирмунча зўравон ҳамман, агар кимдир жаҳлимни чиқарса, бирпасда қоним қайнаб, қизариб кетаман. Сочим малла, юзим оқ, аммо жаҳлим чиқса, қизариб кетади. Дирче нега ҳадеб жиғимга тегаётганини тез орада билиб олдим: мени отасига гиж-гижлаётган экан. Унинг айтишича, мен кўрқоқ эканман, отаси унга тарсаки тушириб, сочларидан тортганда, ҳатто бир марта бўлганидек, ерга итариб, тепа бошлаганда ҳам индамай турарканман. Албатта, унинг гапларида жон бор эди: бир-биримизни севардик, мен уни ҳимоя қилишим керак эди. Аммо унинг асл мақсади нимада эканини яхши билардим; жаҳл устида “кўрқоқ” деб ҳақорат қилиб, жаҳлимни атайлаб чиқаришга уриниши, агар жаҳлим чиқса унга нима дейишимни кутиб туришини сезиб турардим, унинг бу қилиғи ғашимга тегарди. Бир кун суҳбатимиз мавзусини ўзгарттирдим: “Агар турмуш курсак, икковимиз бирга яшаймиз, кейин ресторан очамиз”, дедим. Гапларимдан хурсанд бўлиб, мулойим, ёқимтой бўлиб қолди. Бу онлар муҳаббатимизнинг энг яхши дамлари эди; аммо кўп ўтмай у ўзгариб қолди, уни таниёлмай қолдим, шунда “бу ерда бир гап бор” деб ўйладим. Бир кун у: “турмуш қураимизми-йўқми, бир нимага умид қилолмаймиз, барибир отам бизни тинч қўймайди”, деди; кейин ичида ўйлаганини айтди-қўйди: “Биз уни ўлдиришимиз керак!”. Унинг бу дангал гапи биринчи келган кунимда кечаси хонамга тақиллатмай, уялмай кирганидаги онни эслатди: ўртага шундай таклифни ташлади-ю кетди, ўйлаб олишим учун мени ёлғиз қолдирди.

Кейинги кун унга адашётганини, унинг бу жиноятига шерик бўлмоқчи эмаслигимни уқтирдим, у эса менга ҳозироқ уйдан кетишимни ва у учун энди йўқлигимни айтди ва ўша кундан бошлаб менга қарамай қўйди. Дирче билан деярли гаплашмасдик, уларни четдан кузатсам, қизининг бундайлигига отаси айбдорлигини англадим. Отаси ҳар куни атайлаб Дирченинг жаҳлини чиқарарди.

Май ҳам кириб келди, бу паллада одамлар емакхонада вино ичиб, ловияли таом ейишади; аммо тинмай ёмғир ёға бошлади, шунда емакхонага ҳеч ким келмай қўйди, хўжайиннинг кайфияти бузилди. Бир куни эрталаб, у стол атрофида ўтириб, товоқни орқага сурди-да:

– Бу жирканч нарсани атайлаб беряпсанми?! – деди.

– Агар истаганимда овқатингизга заҳар солган бўлардим, – жавоб кайтарди Дирче.

У қизига бир мушт туширганди, зарбидан Дирченинг сочидаги қисқичи учи кетди. Ташқарида ёмғир ёғаётгани учун хона бироз қоронғи эди, Дирченинг пахтадек оппоқ юзи қотиб қолди, сочлари ёйилиб кетди. Токкига:

– Бас қилинг! – дедим.

– Бу сенинг ишинг эмас, – деди у менга бироз ажабланиб қараб. Чунки уларнинг жанжалига илк бора аралашгандим. Ўшанда довдираб қолдим, кўнглимда: “Ожиз қизни ҳимоя қилишим керак”, деган фикр уйғонди, аммо ота ва қиз ўртасига тушиш осон эмасди. “Агар жанжалга аралашсам, қизни яна ўзимники қиламан, бу менинг ёлғиз имкониятим”, деб ўйладим.

– Уни тинч қўй, билдингми, уни уришингга йўл қўймайман, – дедим Токкига. Оловдек ловуллаб, кўзларим қонга тўлди... Дирче стол тагида кўлимдан ушлади, шунда яна унинг меҳрини қозонганимни тушундим.

Отаси ўрнидан туриб:

– Ҳали сенга кўрсатиб қўяман, тирранча! – деди.

Токки юзимга урганди, столдаги стаканни олиб, ичидаги винони афтига сепиб юбордим. Бу ишни анчадан бери қилгим келиб юрувди, кирдикоримдан роса роҳатландим, бир вақтнинг ўзида Токкидан янаям кучлироқ нафратландим. У ҳўл башарасидан вино томаркан анграйиб қолди, мен эса зинадан юқорига чиқиб кетдим. Ортимдан унинг:

– Сени ўлдираман, мишиқи гадой, – деганини эшитдим. Хонани ичкаридан қулфладим-да, дераза ёнига бориб ёмғирни кузатдим, кейин жаҳл устида тортмадан пичоқни олдим-да, дераза тоқчасига санчдим, зарб билан урилган пичоқнинг тиғи синиб кетди.

Шундай қилиб, Дирче иккимиз режамизни пухта ўйлаб чиқдик, унинг отасини қаерда, қачон, қандай йўл билан ўлдиришни келишиб олдик. Токки бир кунлик винони олиш учун эрталаб ертўла зинасидан пастга тушади, Дирче катта шишани кўтариб у билан бирга боради. Вино сақланадиган жойга деворга маҳкамланган етти пояли нарвондан тушилади. Токки ертўлага тушгач, эгилиб шишага вино қуяётганда, мен косов билан унинг бошига орқа томондан ураман. Сўнг нарвонни олиб ташлаймиз ва ҳаммага Токки ертўлага йиқилиб, бўйнини синдириб ўлган деймиз. Отасидан ғазаблансам-да бу ишга қўл уришга юрагим бетламаётганди. Дирчега:

– Бунга фақат сен учун қиламан ва ҳеч нарсадан қўрқмаслигимни исботлайман, аммо кейин бу ердан бош олиб кетаман ва ҳеч қачон қайтмайман, – дедим.

У эса:

– Бу иш қўл қовуштириб ўтиргандан минг марта яхши, агар кетиб қолсанг... ундай қилма, сени жуда севаман, сени йўқотишни асло истамайман, – деди. У эҳтиросларимни қандай аланга олдиришни, ва менга таъсир этиш йўлларини яхши биларди.

– Отангни ўлдирсак, бирга яшаймиз ва ресторан очамиз, – дедим.

Нихоят, ўша кун етиб келди. Одатдагидек Токки Дирчега вино учун катта шишани олишни буюрди-да, емакхона ичкарисидаги ертўла эшиги томон кетди. Дирче идишни олиб, отасига эргашди; тушишдан олдин, мен томон бурилди ва бош силкитди. Ўчоқ олдида ўтирган онаси бизни кўриб хайратдан анқайиб қолди. Столдан турдим, онаси ўтирган ўчоқ томон



бориб, ерда ётган косовни олдим. У менга ғалати қаради ва бир нимани сезгандай бўлди, аммо чурқ этмади. Ертўладан Токки: “Дирче! Дирче!” деб қичқирди. Дирче отасига: “Кетяпман!” деди. Дирчени охирги марта кузатиш менга роҳат бағишлаганини эсламан: зинадан одатдагидек шахт билан қадам ташлаб тушиши, тўсин тагидан кўринган оппоқ бўйни...

Шу пайт, емакхонанинг боғга қараган эшиги очилди ва ичкарига елкасига қоп ортган эгни шалаббо бир кимса кирди. У извошчи экан. Менга:

– Болакай, қарашиб юбор! – деди. Қўлимдаги косов билан унга эргашдим. Емакхонага яқин ерда, бир молхона қурилатган экан, тош ортилган арава дарвоза ёнида лойга ботиб қолибди, от эса жойидан жилломай турибди. Бундан извошчининг ғазаби қайнарди, қўлимдаги косовни йўлка четидаги устунга қўйдим, иккита тошни ғилдирак тагига тикдим-да, аравани итара бошладим; извошчи отнинг юганидан ушлаб, олдинга итарди. Устимизга жала куйяпти, яшил ва қалин маржон бутаси, акация гулларининг хидлари димоққа уриларди; арава жойидан сира жилмас, извошчи эса бўралаб сўкарди. Шунда у калтакни олиб, отни савалади, сўнг баттар жини кўзиб, йўлка устундаги косовни олди. От унинг кўзига бало бўлиб кўринди. “Ҳозир уни ўлдиради” деб ўйладим ва “Ҳой, косовни жойига қўйинг”, деб бақирдим. Агар отни ўлдириб қўйса, менда айб йўқ. Танамни эгаллаб олган ва мени восвос қилиб қўйган ўша ғазаб бирданига извошчига ўтиб қолганди; у ўзини арава шотисига урди ва уни яна итарди, кимирлатолмагач, косов билан отнинг бошига бир урди. Бунга чидолмай, кўзимни юмиб олдим, у уришда давом этди, мен эса ўзимни енгил ҳис қилдим, ҳатто хушимни йўқотгандай бўлдим, кейин кўзимни очдим, от ҳолсизликдан ерга тиз чўқди, извошчи уни савалашда давом этарди, отни турғазиш нияти йўқ, уни ўлдирмоқчи эди. Бирдан от ён томонга йиқилди, оёқлари тепага кўтарилиб, жонсиз боши лойга тушди. Извошчи ҳансирарди, юзида ғазаб ўти сўнмаган, темирни ерга ташлаб, отни қаттиқ силтади. Йўқ, ачинаётганидан силтамади: у отни ўлдириб қўйганини яхши биларди. Извошчининг ёнидан ўтдим ва унга тегиб ўтирмай, катта йўлга чиқиб кетвордим. Римга борадиган трамвайни кўрдим-да, ортидан югуриб чиқиб олдим, шунда охирги бор дарахтлар орасидаги, май ёмғири ювган “Овчилар емакхонаси, хўжайини Антонио Токки” деган лавҳага кўзим тушди.



DRAMA



Александр ВАМПИЛОВ

(1937–1972)

ЎРДАК ОВИ

Уч пардали драма

*Рус тилидан
Муҳаммаджон ХАЙРУЛЛАЕВ
таржимаси*

Александр Вампилов 1937 йилда Иркутск вилоятининг Кутилик посёлкасида ўқитувчилар оиласида таваллуд топади. Аммо у отасини кўролмади – айти Александр туғилган кунларда Никита Вампилов туҳмат балосига учраб, “халқ душмани” сифатида қамалади ва отишга ҳукм этилади, 1957 йилда эса оқланади.

Александр ўрта мактабни тамомлагач, университетда таълим олади. Дастлаб кичик ҳикоя, очерк ва мақолалар ёзади. 1964 йилда эса илк драмтик асари “Июндаги хайрлашув”, 1967 йилда “Катта ўғил”, сўнг “Ўрдак ови” пьесалари билан рус драматургиясида ўзига хос услубга эга бўлган муаллифлардан бирига айланади. Бу асарларнинг асосий мавзуси – ижтимоий қоқоқлик, ёвузлик ва разилликка қарши курашдан иборат. Унинг асарларида ҳамиша, бир қарашда, тушуниш анча мураккаб бўлган муаммолар талқин қилинади.

“Ўрдак ови”ни таржима қилиш жараёнида драматург ҳақида ўзим тугал англай олмаган мавҳум бир фикр пайдо бўлди: унинг ўз вақтида кўпгина мунозараларга сабаб бўлган “Ўрдак ови” пьесасидаги бош қаҳрамон – ўша замоннинг фожиавий образларидан бири бўлмиш Зилов қисман муаллифнинг ўзи бўлса керак, деган фикрга келдим. Унинг бевақт, фожиали ўлими ҳам бу фикримни тасдиқлаб тургандек.

А. Вампилов 1972 йилда айти навқирон чоғида – 35 ёшида Байкал кўлига чўкиб, фожиали равишда ҳалок бўлади. Марҳум тугалланмаган “Тенги йўқ Наконечников” пьесасининг давоми ва бошқа орзуларини ўзи билан олиб кетади. Аммо ундан мерос қолган пьесалар нафақат Россия, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларида намойиш қилиб келинмоқда.

ИШТИРОКЧИЛАР

Зилов
Кузаков
Саяпин
Кушак

* Александр Вампилов. “Утиная охота”. – Москва. Изд. “Детская литература”. 1970 г.

Гагина
Вера
Валерия
Официант
Бола
Ирина

БИРИНЧИ ПАРДА

Биринчи кўриниш

Зиловларнинг иккита хонадан иборат янги уйи. Якка дераза рахида бўйнига тасма боғланган каттакон мовут мушук-ўйинчоқ турибди. Носаришталик.

Бир чеккадаги каравот-тахтада Зилов ухлаб ётибди. Унинг бош томонидаги пастак столга телефон аппарати қўйилган. Деразадан рўпарадаги уйнинг орқасида хира осмоннинг бир парчаси кўриниб турибди. Ёмғир ёгмоқда.

Телефон қўнғироғи жириглайди. Зилов ҳадеганда уйғонавермайди. Телефон қайта-қайта жириглагандан кейингина кўрпа тагидан бир қўлини чиқариб, гўшакни кўтаради.

Зилов. Лаббай?

Қисқа сукут. Қўнғироқ қилган одам гўшакни қўйиб қўйди шекилли, телефон жимиб қолади.

Қизик... (Гўшакни жойига қўйиб, иккинчи ёнбошига ўгирилиб ётади. Бир неча сониядан кейин эса кўрпани устидан сидириб, туриб ўтиради ва пайпоқларини ечмасдан ётиб қолганлигини кўриб ҳайрон бўлади. Кафтини пешанасига қўйиб кўради, сўнг бошини ушлар экан оғриқдан юзи бужмаяди. Бир нуқтага тикилганича хаёл суриб ўтиради, сўнг дераза олдида бориб, уни очади. Ёмғир ёгаётганини кўриб, норози қиёфада қўлини силтайди.)

Зилов – ёши ўттизга яқинлашиб қолган, бақувват гавдали, новчагина, одам. Унинг юришида, қўл ҳаракатларида, гапириши услубида жисмоний баркамоллигига ишонгани ҳолда ўзини эркин тутиши сезилиб туради. Шу билан бирга барча ҳаракатларию гапириши услубида атроф-муҳитга бефарқлик, зерикши мавжуд бўлиб, бунинг сабабини бир қараида аниқлаш қийин.

(Ошхонага кириб, шиша билан стакан кўтариб чиқади. Дераза олдида туриб пиво ичади, сўнг шишани қўлидан қўймаган ҳолда бадантарбия билан машгул бўлади. Телефон жириглайди. Гўшакни кўтариб) Эшитаман?... Гапирасизми-йўкми?...

Жавоб бўлмайди.

Шу ҳам ҳазил бўлди-ю... (Гўшакни жойига қўйиб, пивони ичиб тамомлайди, сўнг телефон рақамларини териб, қулоқ солади. Жавоб бўлмайди.) Аҳмоқлар... (Рақамларни қайтадан тиради. Об-ҳаво ҳақидаги маълумотларни хабарловчиларнинг овозига таассуф қилиб) Шу кеча-кундузда об-ҳавонинг ўзгариб туриши, енгил шамол эсиши, ўн олти даража иссиқ бўлиши кутилмоқда. (Ўзининг росмана овози билан) Тушундингми? Чеклақдан куйгандек, ёмғир ёғяпти. Дима, салом. Қария, табриклайман. Сен

ҳақ бўлиб чикдинг... Ёмғирни айтяпман. Бутун йил давомида кутган эдик. Келиб-келиб, мана, энди шовуллатиб қуя бошлади! (*Ҳайрон бўлиб*) Ким гапиряпти, дейсанми?... Зиловман... Албатта. Наҳот овозимдан танимаган бўлсанг?... Ўлган?... Ким ўлибди?... Мен?! Йўқ, ўлмаганман шекилли, тирикка ўхшайман... Шунақами? (*Кулади.*) Йўқ, йўқ, тирикман. Ов бошланай деб турган бир пайтда ўлиш – шу етмай турган эди!. Нима-а?! Бормайман! Бу гапни қаердан топдинг?... Ақлдан озибманми? Шошма, балки мен билан боришни хоҳламаётгандирсан?... Бўлмаса гап нимада?... Топган ҳазилингни кара-ю... (*Бошини ушлаб*) Бош-ку оғрияпти-я. Бу табиий. Лекин ҳозирча жойида... Кечами? (*Энтикиб*) Ҳа, эслаяпман... Йўқ, барини эслай олмайман. (*Яна энтикади.*) Жанжалми? Жанжални эслайман. Лекин нимага жанжал қилдим – билмайман. Нима сабаб бўлганлигини Худо билади. (*Афсусланиб.*) Айтма... Эслайман... Охири мутлақо эсимда йўқ... Милиция келмадими?... Ўзимизникилар, дейсанми? Бунисига ҳам шукур... Каттик хафа бўлишдими?... Нима бало, ҳазилни тушунишмайдими?... Бўлар иш бўлибди, на чора. Хўш, энди нима қиламиз? Қачон жўнаймиз? Кутамиз, дейсанми?... Қачон бошланган?... Кеча? Нима деяпсан?... Эслай олмайман – йўқ! (*Энгагини ушлаб кўради.*) Шундай! Кеча муштлашиш ҳам бўлди? Йўқ?... Таажжуб... Ҳа, кимдир тушириб қолганни биламан. Бир марта... Ҳа, башарамга туширди... Мушти билан бўлса керак... Қизиқ, бу ким бўлди экан, сен кўрмадингми? Майли, бунинг аҳамияти йўқ... Йў-ўқ. Ваҳима қиладиган ҳеч нарса бўлгани йўқ. Одатдаги мушт тушириш...

Эшик тақиллайди.

Дима, бунақа об-ҳаво бир ҳафтага чўзилса нима қиламиз? Ваҳима қилаётганим йўқ... Тушунарли... Уйда ўтирибман... Кутяпман... (*Гўшакни жойига қўяди.*) Кираверинг.

Эшик очилиб, қарагай шохчаларидан ясалган, йирик қоғоз гуллар билан безатилган, қора тасма ўралган, арзон нарҳда сотиладиган каттагина гулчамбар кўтариб ўн икки ёшлардаги бола кириб келади.

Бола. Мумкинми?

Зилов. Киравер. (*Қувноқ оҳангда*) Салом!

Бола. Ассалом алайкум. Зилов сизмисиз?

Зилов. Мен.

Бола (*гулчамбарни деворга суяб қўйиб*). Сизга бериб юборишди.

Зилов. Менга? Нима учун?

Бола жим.

Ҳой, йигитча, сен ниманидир адаштиряпсан...

Бола. Сиз Зиловмисиз?

Зилов. Ҳа, Зиловман. Хўш, нима бўпти?

Бола. Демак, бу сизга.

Зилов (*бир нафас эсанкираб*). Сени ким юборди? Қани, мана бу ерга ўтир-чи.

Бола. Кетишим керак.

Зилов. Ўтир.

Бола ўтиради.

(*Гулчамбарга қараб туради, сўнг қора тасмани тўғрилаб қўйиб, ундаги ёзувни овоз чиқариб ўқийди*) “Ишда бевақт куйиб адо бўлган Виктор Александрович Зиловга дардманд дўстларидан”... (*Жим бўлиб қолади, сўнг кулиб*) Гап нимадалигини англадингми? Виктор Александрович Зилов – бу

мен... Аммо, кўриб турганингдек, тирик ва соғман ... Бунга нима дейсан?
Шу сенга маъкулми?

Бола жим.

Улар қаерда? Пасда туришибдими?

Бола. Йўқ. кетишди.

Зилов. Ҳазил қилишиб, жўнаб қолишибди-да...

Бола. Мен борай

Зилов. Ҳа. боравер... Йўқ, тўхтаб тур. Айт-чи, сенга шунақа ҳазиллар маъкулми?.. Бу қизиқми-йўқми?

Бола жим.

Йўқ, ўзинг айт-чи, ҳали кайфи тарқаб улгурмай, боши гаранг бўлиб турган бир пайтда, яна шунақа об-ҳавода ўз ўртоғига бунақа нарсани жўнатиш ўта кетган разиллик эмасми? Дўст деган шунақа бўладими? Сен нима дейсан?

Бола. Билмадим. Илтимос қилишганди олиб кирдим...

Қисқа сукут.

Зилов. Сени қара-ю. Тирик одамга марҳумларга аталган гулчамбар кўтариб юрибсан, хойнаҳой пионерсан. Мен сенинг ёшингда бунақа ишларни қилмаган бўлардим.

Бола. Тирик эканлигингизни билмаган бўлсам...

Зилов. Билганигда олиб кирмаган бўлармидинг?

Бола. Йўқ, албатта.

Зилов. Шунга ҳам раҳмат.

Қисқа сукут.

Бола. Мен борай.

Зилов. Тўхтаб тур. Улар сенга нима дейишди?

Бола. Бешинчи қават, йигирманчи хонадон, дейишди... Яна, эшикни қоқиб, Зиловни чақирасан-да, гулчамбарни бериб орқангга қайтасан, дейишди. Бўлгани шу.

Зилов. Қара-я, жўнгина. Лекин қанчалик кулгили эканлигини айтмайсанми. (*Гулчамбарни бўйнига илади.*) Кулгили, а? (*Кўзгу олдида бориб, сочларини намойишкорона тарайди.*) Кулгилими-йўқми?.. Нега кулмаяпсан?.. Ҳазилни тушунмайсан шекилли. (*Фолиб спортчи сифатида ўн қўлини қисиб табриклайди.*) Витя Зилов! ЭС-ЭС-ЭС-ЭР. Биринчи ўрин... Лекин нима учун?.. (*Қўлини тушириб*) Кулгили эмасми?.. Унчалик эмас, тўғрими? (*Гулчамбарни ерга ташлайди ва каравотга бориб, дераза томонга қараб ўтиради.*) Балки ҳар иккаламиз ҳам ҳазилни тушунмайдиган бўлиб колгандирмиз?

Сукут.

Кетишинг керак-а?

Бола. Ҳа... Дарсимни қилишим керак...

Зилов. Тўғри... Дарс – бу жиддий иш... Айтгандек, исминг нима?

Бола (*бир нафасли сукутдан сўнг*). Витя.

Зилов. Шунақами? Сен ҳам Витя экансан-да... Бу сенга ғалати туюлмаяптими?

Бола. Билмадим.

Қисқа сукут.

Зилов. Ҳа. майли. Бора қол, дарсингни қил. Кириб тургин. Кирасанми?

Бола. Хўп.

Зилов. Бора қол.

Бола чиқиб кетади.

Қисқа сукут.

Демак, ҳазил қилиб кетишибди.

Зилов каравотда ўтирибди. Нигоҳи хона ўртасига қадалган. Мотам куйи эшитилиб, унинг товуши кучайиб боради. Чироқ аста-секин сўниб, бирин-кетин иккита чироқ ёнади. Улардан бири Зиловни, иккинчиси саҳна ўртасидаги доирани ёритади. Хонанинг жиҳозлари эса қоронғиликда қолади.

Прожекторнинг ёрқин нури билан ёритилган майдонда Зиловнинг ҳаёлий тасавуридаги кишилар пайдо бўлади, уларнинг овозлари эшитилади. Мотам куйи энгил, қувноқ куй билан алмашади...

Саяпин билан Кузаков пайдо бўлишади.

Саяпин. Йўғ-э, нима деяпсан. Бўлиши мумкин эмас.

Кузаков. Далил бор-ку.

Саяпин. Бўлмаган гап. Ҳар қачонгидек ҳазиллашган. Унинг қанақалигини билмайсанми?

Кузаков. Афсуски, бу сафар ҳаммаси жиддий. Бундан жиддийроғи бўлмайди.

Саяпин. Кел, баҳслашамиз. Унинг ўзи шунақа овоза тарқатган. Ўзи, мени айтди, дерсан, ҳозир “Незабудка”да ўтирибди.

Кузаков билан Саяпин гойиб бўлиб, Вера, Валерия, сўнг Кушак пайдо бўлишади.

Валерия. Тавба-а, кечагина овга боришга ҳозирлик кўраётган, ҳазил-хузул қилиб ўтирган эди... Бугун эса...

Вера. Бунақа бўлишини ҳеч ҳам кутмаган эдим. Йигитмисан-йигит эди.

Кушак. Қанақа бахтсизлик бу, даҳшат! Мен ҳеч қачон ишонмаган бўлардим. Аммо, биласизларми, у кейинги пайтларда бошқача бўлиб қолган эди. Мен риёкор эмасман, аммо шуни айтишим керакки, аллақандай бепарво, паришонхотир бўлиб қолган эди. Бунақа кайфият эса яхшиликка олиб келмайди.

Вера, Валерия ва Кушак гойиб бўлишади. Галина, унинг орқасидан Ирина пайдо бўлишади.

Галина. Ишонмайман, ишонмайман, ишонмайман... Нега бунақа қилди экан?

Ирина. Нима сабабдан?

Галина (Иринага). У сени яхши кўрармиди?

Ирина. Билмайман...

Галина. Мен у билан олти йил яшадим, аммо уни тушуна олмадим. (Иринага.) Биз дўст бўламиз. Розимисан?

Ирина. Ҳа.

Қучоқлашиб, ҳар иккаласи йиглайди.

Галина. Мен бу ердан кетяпман... батамом... Менга хат ёзасанми?

Ирина (йиги аралаш). Ҳа...

Галина гойиб бўлади. Кушак билан официант пайдо бўлишади.

Кушак (Иринага). Ғоят, ғоят мамнунман.

Официант. Бундай ҳолатда ўзингиз якка қолмаганингиз маъқул.

Кушак. Ҳа, лекин... Тўғри, албатта... Ҳар қалай...

Официант. Соат олтида “Незабудка” да кутамиз, келишдикми?

Ирина (*йиги аралаш*). Яхши...

Ирина, Кушак ва официант зойиб бўлишади. Кузаков пайдо бўлади.

Кузаков. Ким билади... Бундоқ ўйлаб қарасанг, ҳаёт яқунлангандек. (*Ғойиб бўлади.*)

Патнис кўтарган официант пайдо бўлади.

Официант. Хуллас, ўртоқлар, пул йиғишимизга тўғри келади. (*Илжаяди.*) Йўқ, мени нотўғри тушундиларингиз. Гулчамбарга пул йиғишимиз керак, деяпман.

Галина, Кузаков, Саяпин, Валерия, Вера, Кушак ва Ирина патнисга пул ташлаб, ўтиб кетишади. Қувноқ куй бирдан мотам куйи билан алмашади. Прожекторлар сўнади, мусиқа тўхтади. Қоронғиликдан танга пулларнинг патнисга тушиб жаранглаши эшитилади. Саҳна ёришади. Зилов каравотда ўтирибди. Нигоҳи ҳамон хонанинг ўртасига қадалган. Ўрнидан туриб, ошхонага кириб кетади ва бир шиша пиво кўтариб чиқади. Дераза олдида туриб, ҳализамон хаёлига келган мотам мусиқасини хуштак чалиб ифода этади. Дераза раҳига ўтириб, духоба мушукка, гўё уни биринчи марта кўраётгандек, диққат билан узоқ қараб туради, сўнг телефон ёнига бориб, гўшакни қўлига олади, рақамларни теради.

Зилов. Магазинми?.. Илтимос, Верани телефонга чақириб юборинг... Ким, дейсизми?.. Зилов, денг... Ҳа, Зилов. (*Кўтади.*) Банд экан, дейсизми?.. Тушунарли. (*Гўшакни жойига қўйиб, дераза олдига боради. Пиво ичиб, ўйчан туриб қолади.*)

Чироқ ўчиб-ёнади. Янги саҳна кўриниши намоён бўлади.

Зиловнинг биринчи хотираси.

“Незабудка” қаҳвахонасининг бир бурчаги. Катта бўлмаган дераза, ташқарига олиб чиқадиган эшик ва иккита-учта стол. Улардан бирида Зилов ва Саяпин ўтиришибди.

Саяпин Зилов билан тенгдош, лекин сочлари тўкила бошлаган, тўладан келган, кўриниши содда, ҳатто баъзи ҳолларда бесабаб ҳам кулаверадиган хушчақчақ йигит.

Саяпин (*баланд овозда*). Дима! Салом!.. Бизларга ҳам қараб қўй.

Официант (*Зиловларнинг олдига келиб*). Салом, йигитлар.

Официант

У Зилов билан Саяпинга тенгдош бўлиб, иш пайтларида ўзини ҳамиша бир меъёрда тутадиган, ўзига ишончи баланд, кадр-қимматини яхши билладиган, ишчан одам. Лекин ташқи киёфаси бир мунча ғалатироқ.

Саяпин. Салом, Дима.

Зилов. Қалайсан, қария?

Официант. Раҳмат, ҳаммаси жойида. Ўзинг қалайсан?

Зилов. Ёмонмас.

Официант. Тайёргарлик кўряпсанми?

Зилов. Тайёргарлик кўриб қўйганман.

Официант (*илжасийб*). Тайёрмисан? Балли-э!

Зилов (*аянч билан*). Яна бир ярим ой-а!

Официант (*илжасийб*). Ўша кунга етиб борасанми?

Зилов. Билмадим. У кунга қандай етиб боришни тасаввур қилмайман.

Официант. Яхши овчи бўламан, десанг, сабр-тоқат билан кут. Бехуда ҳаяжонланма. Муҳими – ҳаяжонмаслик.

Саяпин. Йигитлар, сенларнинг овларинг бошланишигага бир ярим ой бор. Танаффусимизнинг тугашига эса ўттиз беш дақиқа қолди. (Зиловга) Биз нимага келдик, унутиб қўйдингми?

Зилов. Дима, ярим соат вақтимиз бор. Бирон нарса ичиб, тамадди қилиб олишга улгураимизми?

Официант. Ҳаракат қилиб кўрамиз.

Зилов. Демак, учта салат, учта шашлик ва ичкилик... (Саяпинга). У нима ичади?

Саяпин. Менимча, ошкора ҳеч нарса ичмайди.

Зилов. Мусаллас-чи?

Саяпин. Ўзинг биласан, лекин ҳозир танаффус пайти, ичкилик масаласида у...

Зилов (Официантга). Раҳбаримизни кутяпмиз.

Официант. Тушунарли.

Зилов. Менимча, у ароқ симиради. Кечаси.

Саяпин. Умуман олганда, тўғри қилади. Буни ҳам билиш керак.

Официант. Янги келган пиво бор.

Зилов. Пивонинг кераги йўқ. Бир шиша вино. Йўқ, икки шиша. Квартира олдим. Байрам қилишга ҳаққим бор.

Саяпин (Официантга). Эшитяпсанми, квартира олди. Табриклар қўй.

Официант. Ростданми?

Зилов. Ўзим ҳам ишонмаяпман.

Официант. Қаерда?

Зилов. Кўприкнинг олдида.

Официант. Ростданми? Демак, кўшни бўлар эканмиз-да?

Зилов. Маяковский кўчаси, ўттиз етти, йигирманчи хонадон.

Официант. Зўр бўлибди. Табриклайман, қария. Қойил.

Зилов. Ҳовли тўйи: саккизу ноль-нолда Бугун. Кутаман.

Официант. Раҳмат, Витя. Лекин мен боролмайман. Бугун кечаси ўн биргача ишлашим керак.

Зилов. Биронтаси билан алмаштиргин.

Официант. Ҳозир ҳамма отпуссада.

Зилов. “Касал” бўлиб қол.

Официант. Йўқ, қария, бунақа қилолмайман. Кечиргайсан.

Зилов. Атаганг.

Официант. Кечирасан-у, лекин бугун иложим йўқ. (Қозога ёза бошлайди.) Иккита вино, учта салат, уч марта шашлик... (Зиловга) Лекин ҳисобга олиб қўй. Бир шиша...

Зилов. Гап бўлиши мумкинмас.

Официант кетади.

Саяпин (Официант ҳақида). Унинг қанақа бўлиб кетганига эътибор бергин. Мактабда мўминтой бола эди. Ундан официант чиқади, деб ҳеч ким ўйламаган.

Зилов. Қўлига милтиқ ушлаб ов қилганини кўрсанг эди. Даҳшат!

Саяпин. Шунақа, де...

Зилов. Ҳайбат. Эллик метр нарида учиб кетаётган нарса у учун ҳеч гап эмас. Эҳ, қани эди мен ҳам шунақа мерган бўла олсам.

Саяпин. Менга қара, зиёфатингга раҳбаримиз келадими?

Зилов. Ҳа. Йўлма-йўлакай сизларни ҳам олиб келади.



Саяпин. У қандай бизлар билан овқатланишга рози бўла қолди?

Зилов. Бўлмаса қаерда овқатланиши керак?

Саяпин. Уйи бу ерга яқингина-ку. Ўтиришингга яна хотини билан бирга келса керак. Усиз қадам босмайди, шекилли.

Зилов. Йўқ. Хотинини кеча дам олгани жанубга жўнатибди.

Саяпин. Гап бу ёқда экан-да... Демак, таралла-бедод бошланар экан-да... Йўғ-е, у ўта жиддий одам... Квартира масаласини олайлик. Ваъда қилдими – бажаради. Сен квартиралик бўлдинг. Мен ҳам оламан. Юқорида суянган одами бор, дейишади. Шу тўғримикин?

Зилов (*кимнидир кўриб қолиб*). Тўхта! Мана бу ерга ўтир... (*Унинг на-насига беркинади.*) Бери ўтир! Берирок!

Саяпин (*аланглаб*). Нима бўлди?.. Бу Верочка-ку. Янглишмасам, ўзингни севгилинг.

Зилов. Қимирлама, шундай ўтир. У билан бугун учрашмаганимиз маъкул. Умуман жонимга теккан у.

Саяпин. Беркинмай кўя қол, бефойда. Сени кўрди.

Зилов (*олдинги жойига ўтиради*). Ажина! Бу магазинлардаги тартиб-қоидаларни тушуниб бўлмайди. Ҳамиша иш пайтида санқиб юрган бўлади. (*Кўлини кўтариб*) Салом.

Вера пайдо бўлади. Унинг ёши йигирма бешларда. Бир мунча қўполроқ бўлса-да, хушсурат, ёқимли қиз. Айни чоғда саноат моллари магазинининг сотувчиси кийимида. Лекин, аслида башанг кийинади, чиройли тарашилган кўркам сочини кўз-кўз қилиб, мағрурона қадам босади.

Вера. Салом, аликлар. Сизларни кўрмаганимга анча бўлди-я. (*Ўтиради.*)

Официант вино билан салатларни олиб келади.

Мени кутаётган эдингизми?.. Жуда соз.

Официант (*Верага*). Салом, кичкинтой.

Вера. Салом, Димка.

Официант (*Зиловга*). Янглишмасам, яна бир карра шашлик?

Зилов. Ҳа, оғайни.

Официант кетади.

Вера. (*Зиловга*). Хурсандчилик қиялпман, де? Квартира олдингми?

Зилов. Олдим.

Вера. Ғоят хурсандман. Дарагинг йўқ, қаерларда юрибсан?

Зилов. Уйда, Верочка. Уйда ва ишда.

Вера. Сени соғинган бўлсам-чи? Ҳафталаб йўқ бўлиб кетишинг нимаси?!

Зилов. Ўта зарур, қисталанг ишлар бор эди. Кечаю кундуз иш ва яна иш.

Саяпин. Идорамиздаги барча одамлар таътилга кетишган. Икковимиз бир амаллаб турибмиз.

Зилов. Шундай. Меҳнатда ярақлаб ёняпмиз.

Вера. Алик, айтиб кўяй, бошқа бировни топиб олишим мумкин!

Зилов. Ўзинг топасанми ёки ёрдам берайми?

Вера. Раҳмат, ёш эмасман.

Саяпин. Менга қара, нима учун ҳаммани шунақа деб чақирасан?

Вера. Қанақа, алик дебми?

Саяпин. Ҳа. Сен учун ҳамма Алик. Буни қандай тушуниш керак? Алкоголик, деган маънодами?

Зилов. Буни унинг ўзи ҳам билмайди.

Саяпин. Балки биринчи севгилинг Алиқ бўлгандир?

Вера. Тўғри топдинг. Биринчи севгилим – алиқ. Иккинчиси ҳам алиқ. Учинчиси ҳам. Ҳаммаси алиқ.

Зилов (*Саяпинга*). Бирон нарса тушундингми?

Саяпин (*қимнидир кўриб*). Келяпти. (*Верага*) Бошлиғимиз. Бизнинг ўзаро муносабатларимизни ошкор қилиб ўтирмаларинг. Ўта талабчан ўрток. (*Ўрнидан туради.*)

Зилов (*унинг гапни маъқуллаб*). Ҳа, унинг олдида одоб сақлаб ўтириш керак.

Вера. Хўп, хўп. Тушундим.

Саяпин. Сиз иккалангиз шунчаки дўстсизлар, холос. Тушунарлими?

Вера. Тушунарли. Бизлар синфдошмиз.

Саяпин чиқиб кетади.

Кечга кўришамизми?

Зилов. Бугунми? Йўқ, Верочка. Бугун иложи йўқ.

Вера. Нега? Очик айтавер.

Зилов. Яширадиган ҳеч гап йўқ. Бугун янги квартирани ювмоқчимиз.

Вера. Шунақа де... Мени ҳам таклиф қилсанг бўлмайдими?

Зилов. Сеними?.. Жон-жон деб таклиф қилардим-у, лекин хотиним қаршилиқ қилади, деб ўйлайман.

Вера. Нима учун? Синфдошингни меҳмонга чақирсанг нима бўпти?

Зилов. Хотинимни аҳмоқ деб ўйлайсан, шекилли.

Вера. Нима, шунақа ақллими?.. Бизни таништириб қўй.

Зилов. Бу нимага керак?

Вера. Ундан ақл-фаросат ўрганардим. Нима, мумкинмасми?

Зилов. Шу етишмай турган эди. Бўлмаган гапларни гапирма. Эртага кўришамиз. Гап тамом.

Саяпин билан Кушак киришади.

Кушак эллик ёшига бориб қолган, салобатли киши. Ўз идорасида, ишда талабчан, қаттиққўл, ишбилармон шахс. Идорадан ташқарида эса анча бўшанг, хокисор одам. Бирон ерга меҳмонга борадиган бўлса шахсий машинаси бор аксарият кишилар каби, тез-тез деразадан ташқарига қараб қўяди.

Зилов. Вадим Андреевич, мана бу ерга ўтиринг.

Кушак. Хайрли кун.

Вера. Салом алайкум.

Зилов. Исмлари – Вера.

Кушак. Танишганимдан мамнунман.

Официант шашлик олиб келиб, столга қўйиб кетади.

Зилов (*шишани қўлига олиб*). Шашликдан олдин озгина-озгина қилсак, нима дейсиз?

Кушак. Ҳозир тушлик танаффус пайти. (*Верага*) Биласизми, бизнинг идорамизда бу масалада...

Вера. Ҳечқиси йўқ. Тартибдан мустасно равишда озгина ичилса, зарар қилмас.

Кушак. Шунақа деб ўйлайсизми? Ундоқ бўлса, майли. Айтгандек, бу ароқ ҳам эмас. (*Атрофга қараб қўяди.*)

Саяпин. Вадим Андреевич, бунинг устига нима муносабат билан деган гап ҳам бор. Сабаб катта. Бир одам квартиралик бўлди. Бу ҳазилакам гап эмас.

Кушак. Ҳа, жиддий сабаб бор.

Зилов (*ҳаммага вино қуюди*). Вадим Андреевич, буни кечга бўладиган ўтиришимизнинг дебочаси, деб билгайсиз. Ёдингиздан кўтарилиб кетмадимми? Сизни, келишганимиздек, соат саккизда кутамиз.

Кушак. Ростимни айтсам, борсамми-йўқми, деб ўйланиб қолдим. Биласизми, бу кунларда кайфиятим унчалик яхши эмас. Бунинг устига ёнимда хотиним йўқ, вақтинча, албатта.

Зилов. Вадим Андреевич, ваъда берган эдингиз-ку!

Вера. Агар сир бўлмаса, хотинингиз қаерда?

Кушак. У ҳозир Сухумида. Дам олгани кетган.

Зилов. Хотинингиз-ку дам олаётган экан. Сизга дам олиш мумкинмасми?

Кушак. Дарҳақиқат... аммо бир ўйлаб қарасангиз, хотиним у ерда ёлғиз ўзи, мен эса бу ерда меҳмондорчиликда ўтирибман – бу инсофданмас. (*Верага*) Сиз нима деб ўйлайсиз?

Вера. Сиз яхши эр экансиз. Музейга қўядиган камёб эркаклардан экансиз. Бунақа эрга ҳар қандай жойга боришга рухсат этилади. Ҳар қандай улфату гурунгда бўлса арзийди.

Зилов. Вера. Юз фоиз ҳақ. Масала ҳал бўлди – албатта келасиз.

Кушак (*Верага*). Демак, боришимни маслаҳат берасиз...

Вера. Ҳа, мен шунақа фикрдаман. Содиқ эрларни қаттиқ ҳурмат қиламан.

Зилов. Бунга нима дейсиз? Вадим Андреевич! Эҳтиёт бўлинг.

Вера. (*Кушакка*). Олинг. Билиб қўйинг, мен сизни алиқ дейман. Қарши эмасмисиз?

Кушак. Алиқ?.. Нима учун Алиқ?

Вера. Ёқмайдими?

Кушак. Билмадим, ҳар қалай...

Вера. Хўп, денг...

Кушак. Алиқ... Ғалати-ку... Лекин сиз учун... Сизга бу маъқул экан...

Вера. Ҳалитдан бери шунақа деб қўя қолмайсизми. (*Бармогини унинг бурнига теккизиб қўйиб*). Алиқ.

Сукут. Саятин илжасаяди. Зилов Вера билан Кушак-ни кузатади. Кушак атрофга аланглаб қараб қўяди.

Кушак. Биласизми, бу ернинг овқатлари менга маъқул. Ростини айтсам, анчадан бери келмаган эдим...

Вера. Келиб туринг. Кечқурунлари мусиқа ҳам бўлади.

Кушак. Нима, бугун ҳам бўладими?

Вера. Нимани сўраяпсиз?

Кушак. Мусиқани айтяпман.

Вера. Албатта. Лекин сиз бугун меҳмонга бормоқчисиз-ку.

Кушак. Сиз-чи?

Вера. Мени таклиф қилишгани йўқ.

Кушак. Наҳот?

Вера. Йўқ, бари бинойидай. Ҳовли тўйига, одатда, дўстлар йиғилишади. Биз Виктор билан шунчаки... Қачонлардир бир мактабда ўқиганмиз. Бугун тасодифан учрашиб қолдик.

Кушак. Шунақами?..

Вера. Шундай экан... боргим келиб тургани ҳам йўқ.

Кушак. М-м...

Саяпин Зиловнинг биқинига туртиб қўяди.

Қисқа сукут.

Зилов (*Верага*). Бўлмаган гап. Ҳали сенга айтишга улгурмаган эдим. Марҳамат, жоним билан...

Вера. Фақат, эланиб қолди, деб ўйламангизлар.

Кушак. Йўғ-э! Ким бунақа деб ўйлаяпти?

Саяпин. Ҳеч ким.

Зилов. Ҳа, сенинг қатнашишинг ҳаммамизга маъкул. Қувноқ гурунг бўлади. Қисқаси, айнан сен етишмай турган эдинг. Ёзиб ол: Маяковский кўчаси...

*Зиловнинг биринчи хотираси
давом этади*

Зиловнинг хонадони. Зилов билан Галина меҳмонларни кутишмоқда. Галина дастурхон ёзаётган столу бир дона стул, темир каравот, чамадон – бор жиҳоз шулардан иборат.

Галина йигирма олти ёшида. Қадди-қомати келишган, ихчам, нозик табиатли, ўта одобли, диди ўткир аёл. Аммо болалигидан сингдирилган бу фазилатлар енгил табиатли эр билан яшаи жсараёнию кундалик меҳнат, турмуш иқир-чиқирлари туфайли бир мунча сўнган. Унинг юзида доимо аллақандай ташиви аломатлари акс этиб туради. Мактабда ўқитувчилик қилади. Ўқитувчилик эса доимий ташивишлар блан боғлиқ. Айни пайтда эғнида қора кўйлак. Унинг устидан оқ фартук боғлаб олган, оёқларида – уй шиппаги.

Зилов (*стол олдида туриб*) Овқатлар зўр. Уларнинг, бошлиғимиздан ўзга, биронтаси бунақа тўкин дастархонга арзимаиди.

Галина. Бу-ку майли-я. Гап бунда эмас. Уларни қаерга ўтказамиз?

Зилов. Аёлларни каравотга, мен стулда ўтираман, бошқалар полда ўтиришади.

Галина. Бошлиқ-чи?

Зилов. У ҳам ерда ўтиради. Янаги сафар жиҳозланган квартира беришадиган бўлади.

Галина. Уят-э. Каравотда уч киши, стул, чамадон – бешта ўрин. Келадиганлар неча киши? Бир, икки, уч... олти киши.

Зилов. Етти.

Галина. Етти? Нега?.. Биз иккимиз, Саяпинлар, Кузаков ва Кушак – бўлди. Кушакнинг хотини келмайди, деб ўзинг айтдинг. Жами – олти киши.

Зилов. Яна бир одам келади.

Галина. Яна ким бўлди? Наҳот ўша ярамас Дима бўлса?

Зилов. Йўк, у бугун ишда. Унинг нимаси ёкмайди сенга?

Галина. Билмайман. Лекин... Одамга қарашининг ўзи... Мен ундан кўрқаман.

Зилов. Бўлмаган гап. Бинойидай йигит.

Галина. Хўш, еттинчи киши ким бўлди – қизиқ.

Зилов. Ёқимтой бир аёл.

Галина Шунақами?

Зилов. Сенга айтмаганмидим?

Галина Ажабки, айтмагансан.

Зилов. Ёдимдан кўтарилибди. Исми – Вера. Менинг назаримда, ёмон одаммас. Кўриниши ҳам бинойидай. Кушак унга маҳлиё бўлиб қолди.

Галина. Тушунарли. Қўшмачилик қилмоқчисан шекилли. Биринчи кечасиёқ уйимизни...

Зилов. Нима деяпсан?! Соф муҳаббат.

Галина. Уйда хотини ўтирса-ю... Соф муҳаббатмиш...

Зилов. Унинг хотини – қари ялмоғиз. Айтганча, у сен билан гаплашиб қўйишимни илтимос қилган эди. Ёдимдан кўтарилибди.

Галина. Нима тўғрисида?

Зилов. Бу ерда учрашиб туришларига рухсат беришингни илтимос қилмоқчи.

Галина. Йўқ, десам-чи?

Зилов. Энди кеч бўлди.

Галина. Рози бўла олмайман. Уйимизни бировлар учун...

Зилов. Бечора Кушак, дарвоқе, агар билмоқчи бўлсанг, бу квартирани бизга бошқа бировмас, айна шу Кушак ҳаракат қилиб олиб берди. Хўш, бу ерда бирор соат дам олиб, орзуга берилса, яхши кўрган аёлига икки оғиз ширин гап айтса, нима, уйингга бир нима бўлиб қоладими?

Галина. Бу менга ёқмаяпти.

Зилов. Гап бу уйда ҳам эмас. Сен ҳам шунақа деб ўйламасанг керак. Мен унга шунчаки раҳмим келганидан рози бўлдим. У бечоранинг аҳволини тушунсанг-чи, бунчалик тошбағир бўлма.

Галина (*столга қўшимча ликопча, қошиқлар келтириб қўяр экан*). Ҳа, сен дўстларинг учун ҳамма нарсага ҳозир турасан.

Зилов (*уни қучиб*). Бас қил. Кел, яхшиси сенга ёрдам берай.

Галина. Ҳамма нарса тайёр.

Зилов. Жуда яхши. Бўлмаса қиттак-қиттак ичиб олайлик.

Галина. Икковимизми?

Зилов. Бир қадахдан ичиб олсак, нима бўпти?

Галина. Йўқ, сабр қилайлик, меҳмонлар келсин

Зилов (*ишишларни кўздан кечириб*). Менимча, яхшиси, ароқдан бошлайлик. (*Қуяди.*)

Галина. Яхшимас. Меҳмонлар келганда иккаламиз қийшайиб турсак...

Зилов. Бу айбмас.

Галина. Витя, бугун ошириб юборма.

Зилов. Хўп, хўп.

Галина. Хонадошимиз қутлуғ бўлиши учун ичамизми?

Зилов. Кетдик.

Галина. Кеча бу ерга кўчиб келаётганимизда машинага ўтирар эканман, мана, ниҳоят бошпаналик бўлдик, деб ўйланиб туриб ўзимча: “Хайр сизга, Моти холалар, Пети амакилар!” деб қўйдим.

Зилов. Машғала ёқилсин!

Ичишади.

Галина. Бу ерда аҳил бўлиб яшаймиз, тўғрими?

Зилов. Албатта.

Галина. Дастлабки кунларимиздагидек. Кечалари китоб ўқиймиз, гаплашиб ўтираемиз... Шунақа бўлади-а?

Зилов. Шубҳасиз.

Галина. Энг ёмони шуки, сен кўп ҳолларда уйда бўлмайсан, қаерда юрганингни ҳам билиб бўлмайди.

Зилов. Телефон ўрнатиб оламиз.

Галина. Телефонни жиним суймайди. Биласанми, мен билан телефонда гаплашсанг ёлғон гапираётганга ўхшайсан.

Зилов. Бунинг ноўрин. Техникага ишонмай бекор қиласан. Ахир, одам-зоднинг келажаги ана шу техникага боғлиқ-ку!

Сукут. Галина дераза олдига боради.

Галина (деразага қараб). Мен бугун хат олдим. Ҳеч қачон кутмаган одамимдан. Кимдан деб ўйлайсан?

Зилов. Хўш? (*Стаканга ароқ қуюди.*) Кимдан экан?

Галина. Тасаввур қилиб кўргин-а, болалигимдаги дўстимдан. Мени шунақа таърифлаб эслабдики...

Зилов ичади.

Ота-оналаримиз дўст эдилар. Куёв ва келинчак эдик. Ўн икки ёшга етганимизда томонга кўчиб кетдик. (*Кулади.*) Кулгили қизиқ бола эди. Хайрлашган чоғимизда бирдан йиғлаб юборди, сўнг, биласанми, мутлақо жиддий равишда: “Галка, мени яхшилаб тишлаб қўй”, деди.

Зилов. Нима бўпти? (*Яна ароқ қуюди.*) Тишладингми?

Галина. Ҳа. Бармоғини тишладим.

Зилов. Қизиқ. (*Ичади.*)

Галина. Оилавий турмушимиз қовушмади, деб ёзибди. Энди бир умр бўйдоқ бўлиб қолишга қарор қилдим, дебди.

Зилов. Умуман, ёмон фикр эмас.

Галина. Кимдир келди шекилли. Янглишмасам бизникига. Менимча, меҳмонларимиз. Ҳа, ўшалар. Саяпин, хотини – Валерия, учинчиси?

Зилов (дераза олдига бориб). Хўжайин. Машина шуники.

Галина. Кузаков қани?

Зилов. Келади. Қаёққа кетарди?

Галина. Сен айтган хушсурат аёл-чи? Қани у?

Зилов. Ташвишланма. У кечроқ келади. (*Даҳлизга чиқиб кетади.*)

Галина шиппагини ечиб, туфли кийиб олади, сўнг фартукни ечади, кейин қайтадан тутиб олади. Даҳлиздан Зиловнинг овози эшитилади.

Овоз. Марҳамат.

Кушак, Саяпин ва Валерия киришади.

Валерия ҳаракатчанлиги кўзга ташланиб турадиган, йигирма беш ёшлардаги аёл. Эркакларга хос ташаббускорлиги унинг ёқимтой қиёфасига мос келмагандек. Қисқа қилиб тарашланган сочи бўялган, ҳозирги модаларга хос башанг кийинган.

Кушак (Галинага гўлдаста узатиб). Янги уйингиз муборак бўлсин! Чин қалбдан табриклайман!

Валерия (хонада у ёқдан-бу ёққа юриб). Қани, қани, кўрайлик.

Саяпин. Яхши, ярайди, маъкул.

Кушак. Зўр. Гап йўқ. Бу хонадонда яхши ҳаёт кечиришингизга тилакдошман.

Валерия оиҳонага ўтиб кетади.

Валериянинг овози. Совуқ сув?.. Иссиқ сув?.. Фаройиб!.. Газ! Гўзал!

Кушак. Уй зўр! (*Дераза олдига бориб, машинасига қараб қуюди.*)

Валерия бошқа хонага ўтиб кетади. Галина унинг ортидан юради

Саяпин (ҳавас билан). Гап йўқ, ҳаммаси кўнгилдагидек. (Кўшни хонага кириб кетади.)

Валериянинг овози. Бу ерда болахона ҳам бор экан. Бу томон жанубми, шимолми?

Кушак. Ҳа, квартира – бу катта гап. Яна бир марта табриклайман.

Зилов. Яна бир марта миннатдорчилик билдираман.

Валериянинг овози. Бари жуда ажойиб.

Кушак. Ғаройиб, ғаройиб... Хўш, ҳамма йиғилдими? (*Кўшни хонага бош суқиб, қараб қўяди.*)

Зилов (*хонанинг эшигини ётиб қўйиб*). Ҳали келгани йўқ, лекин, ишончингиз комил бўлсин, тезда келиб қолади. У сиз билан астойдил қизиқиб қолди, чамамда.

Кушак. Шунақа деб ўйлайсанми?

Зилов. Камтаринлик қилманг. Юрагидан уриб қўйганга ўхшайсиз.

Кушак. Виктор! (*Аланглаб олиб*) Бу билан нима демоқчисан?

Зилов. Алангсиб қолманг, демоқчиман.

Кушак. Шошма, ўзинг айт-чи, ахир менга нокулай-ку. Бу ерда Саяпинлар бор, хотининг бор. Одобдан бўлармикин?

Зилов. Бўлмаган гап. Дадил ҳаракат қилаверинг. Бунақа ишлар дадиллик, тезкорлик билан амалга оширилади.

Кушак. Ана холо-ос. Мен сени бунақа енгил табиат деб ўйламаган эдим. Виктор, сен мени йўлдан оздиряпсан.

Зилов. Қачондан бери сизга бирон яхшилик қилсам, деб юрардим.

Валерия, Саятин ва Галина пайдо бўлишади.

Валерия. Мебель! Зудлик билан жиҳозлар олиш керак. (*Даҳлизга ўтиб кетади.*)

Кушак. Ҳа, жиҳозлар зарур... Ҳечкиси йўқ. Ҳамма нарса ҳам бирдан бўлавермайди. Аста-секин... (*Дераза олдига бориб, машинасига қараб қўяди.*)

Галина. Ҳозир эса каравотда ўтиришга тўғри келади.

Ҳожотхонадан сувнинг шовуллагани, Валериянинг “Ғаройиб!” деган овози эшитилади, сўнг хонага Валериянинг ўзи кириб келади.

Валерия. Яна бир карра табриклайман. Энди хонадонингизда ҳақиқий росмана ҳаёт бошланади. (*Саяпинга*) Толечка, қасам ичиб айтаманки, агар ярим йилдан кейин шунақа уйга кўчиб кирмас эканмиз, сен билан ажрим қилиб кетиб юбораман!

Кушак. М-м... Ярим йилдан кейин бу масала... м-м... ҳал бўлиб қолар. Ҳар қалай, умид қиламиз...

Валерия (*ишва билан*). Вой, Вадим Андреевич! Мен сизни, билсангиз агар...

Зилов. Нимани?

Валерия. Сизга сиғинишга ҳозирман. Чин сўзим!

Зилов. Сиғингин, кизгинам, сиғингин...

Саяпин (*шошиб*). Хуллас, мана бу ерда телевизор, бу ерда диван, унинг ёнида музлаткич. Музлатгичда пиво ва бошқа нарсалар. Бари дўстлар учун.

Эшикнинг қўнғироги жириглайди.

Зилов даҳлизга чиқиб кетади. Қисқа сукут.

Зилов (*даҳлиздан кириб*). Вадим Андреевич! Кутиб олинг.

Кушак эшик томон юради.

Валерия (*Зиловга*). Ким экан?

- Зилов.** Вадим Андреевичнинг таниши. Дилбар бир аёл.
- Валерия** (*ажабланиб*). Қанақа таниш?
- Зилов.** Ёш ва хушрабо. (*Даҳлизга чиқиб кетади.*)
- Валерия.** Вой, азамат-эй.
- Галина.** Кимни айтяпсан?
- Валерия.** Вадим Андреевични айтяпман. Ёши қирқларга борган бўлса керак-а?
- Саяпин.** Қирқ олтида.
- Зилов, Вера ва Кушаклар киришади.*
Веранинг қўлида каттакон целлофан халта.
- Зилов.** Марҳамат.
- Кушак** (*Верага*). Марҳамат қилинг.
- Зилов** (*барчага қарата*). Танишинглар.
- Вера.** Менинг исмим Вера.
- Валерия.** Валерия.
- Вера.** Мамнунман.
- Зилов** (*Галинага ишора қилиб*). Хотиним.
- Кушак.** Шу хонадоннинг бекаси.
- Галина.** Галина.
- Вера.** Ғоят мамнунман. Янги уйлариңгиз билан табриклайман. Мана... (*Қўлидаги халтани Зиловга узатади.*)
- Валерия** (*Зиловга*). Нима экан? Нима?
- Зилов.** Бомба бўлса керак, деб ўйлайман.
- Валерия.** Қани, кўрсата қол, сабрим чидамаяпти.
- Зилов халтадан каттакон духоба мушук олиб кўрсатади. Саяпин мушук бўлиб миёвлайди.*
- Валерия** (*сесканиб*). Вой!
- Ҳамма кулади.*
- Одамни кўрkitиб юбордиларинг-ку. (*Мушукни қўлига олиб*) Лекин мушукмисан-мушук!
- Кушак.** Мўйловига қаранглар! Кўзлари-чи! Тирик мушукка ўхшайди-я. (*Верага*) Зўр совға.
- Валерия** (*мушукни Галинага беради*). Ғоят ёқимли мушук.
- Галина** (*Верага*). Катта раҳмат.
- Вера.** Тасаввур қилинглр, мен унга Алик деб от қўйдим.
- Зилов.** Вой, худойим-эй...
- Кушак** (*гинали оҳангда*). Верочка...
- Вера.** Маъқул бўлса, шунақа аташларингиз мумкин.
- Валерия.** Алик. Ажойиб от. (*Галина билан Зиловга*) У сизларга бахт келтиради.
- Зилов.** Ҳозирдан сезилмоқда бу.
- Кушак.** Энди навбат бизга, шунақами?
- Валерия.** Толя, олиб кир.
- Саяпин даҳлизга чиқиб, бир неча ўрам нарсани кўтариб киради ва уларни ечмоқчи бўлади.*
- Йўқ, аввал нималигини топсин.
- Эшикнинг қўнгируги жириңглайди.*
- Галина.** Кузаков. (*Даҳлизга чиқиб кетади*)
- Зилов** (*Валерияга*). Нимани топишим керак?

Валерия. Сенга нима совға қилмоқчимиз, шуни топ.

Кузаков билан Галина киришади.

Кузаковнинг ёши ўттизга яқинлашиб қолган. Ташиқи қиёфаси кўзга ташланадиганлардан эмас, пала-партиши кийинган. Кам гапиради, кўпроқ бошқаларни эшитишга мойил, Доим ўйчан ҳолатда бўлади. . Шу боис ҳам улфатчиликда одатда бир чеккада ўтиради.

Кузаков. Бу янги хонадонда барчангизни олқишлайман. (Олдинга ўтиб, столга қараб олади.) Кеч қолмабман.

Валерия. Вақтида келдинг. Совғаларимизни топширяпмиз.

Кузаков. Совғалар?... (Валерияга) Нега менга бунақа қараяпсан? Курук қўл билан келди, деб ўйлаяпсанми? (Зиловга) Витя! Юр, менга кўмаклашиб юборасан.

Зилов. Шунақами?

Кузаков. Фақат шунақа.

Валерия. Қизик.

Кузаков билан Зилов чиқиб кетишади.

Бир ўзи кўтариб кира олмасмиш, қаранг-а.

Кушак. Верочка, ўтиринг, марҳамат.

Вера. Раҳмат, алиқ.

Саяпин (тугунларга ишора қилиб Валерияга). Очайми?

Кушак дераза олдида бориб, машинасига қараб қўяди.

Валерия. Йўқ, йўқ. Аввал Кузаков нима олиб келганини кўрайлик.

Галина. Қўяверинглар. Яхшиси, дастурхонга ўтирайлик.

Эшик тақиллайди. Кузаков билан Зилов боққа қўйиладиган скамейка (узунчоқ курси) кўтариб киришади. Ҳамма кулади.

Кузаков. Мана, марҳамат.

Валерия. Ялангоёқ бечора.

Галина. Раҳмат, Кузя. Айни чоғда бундан яхши совға бўлмайди.

Зилов (курсига ўтириб). Модерн. (Кузаковга) Ўтир, дарбадар.

Галина. Столга яқин кўйинглар. Унга хонимлар ўтиришади.

Валерия. Мана энди – биз. Дикқат! (Зиловга) Қани, топ-чи, биз сенга нима совға қилмоқчимиз.

Зилов. Билмайман. Менга, зикна бўлмасаларинг, орол совға қилинглар.

Валерия. Йўқ, жиддий гап.

Зилов. Билмасам.

Валерия. Сенинг энг яхши кўрадиган нарсанг нима?

Зилов. Нима десам экан. Ўйлаб кўрай-чи.

Валерия. Хотинингни яхши кўришинг – бу ўз-ўзидан маълум...

Галина. Йўқ кўпдан бери яхши кўрмайди мени.

Вера. (илжайиб). Балки ўйнашини яхши кўрар?

Саяпин хохолаб кулади.

Кушак (ажабланиб). Верочка...

Валерия (Зиловга). Хўш? Топдингми?

Зилов. Каллам ишламаяпти.

Валерия.... Айта қолсанг-чи, нимани кўпроқ яхши кўрасан?

Галина. У дўстларини кўпроқ яхши кўради.

Вера. Аёлларни яхши кўради. Унга бирон аёлни совға қилинглар.

Кузаков. Бўлмаган гап. Витя ўз ишини ҳамма нарсадан аъло кўради.

Баравар кулги.

Кушак. Бунинг нимаси кулгили? Тўғри, хали тажриба унчалик етишмайди. Лекин, умуман олганда, қобилиятли йигит.

Валерия. Йўқ, ундан бир гап олиш қийин. Ҳа, майли. Сен билмасанг, биз биламиз нимани яхши кўришингни. (*Саяпинга.*) Толя, қани, ол бу ёққа.

Саяпин тугунни ечади ва пичоқ, ўқ териладиган камар, бир нечта ёғочдан ишланган ўрдак шакллари каби овчилик ашёларини олиб, атрофдагиларга кўрсатади.

Зилов. Во-о!

Ҳамма кулади.

Саяпин (*Зиловга*). Ушла.

Зилов (*совгаларни олиб*). Бу бошқа гап! Мана бу чинакам совға! Мен аҳмоқ, ўзимнинг қалламга келмаган экан.

Галина. Ҳа, айти унга хуш ёқадиган нарсалар.

Зилов. Рост айтасизлар. Ўрдак ови – бу ҳазилакам гапмас. (*Ўқлар камарини белига бозлаб, унга ёғоч ўрдакларни осиб қўяди. Уларни кўринишининг охирига қадар эгнидан туширмайди.*)

Валерия. Сентябрда уйингга парранда гўшти егани келамиз. Шуни билиб қўй.

Зилов (*тўлқинланиб*). Келинлар. Лекин, олдиндан айтиб қўяй, парранда магазиндан олиб келинган бўлади.

Кушак. Бу, энди, қанақаси бўлди?

Галина. Бу одатдаги ҳол. Унинг учун муҳими: овга тайёргарлик кўриш, ов ҳақида гап сотиш.

Зилов. Унинг гапига қулоқ солманглар.

Галина. Ўзинг айтақол, Бирон марта бирон нарса отиб олганмисан? Тан олақол. Ақалли кичкинагина, (*бармогини кўрсатиб*) мана бунақа қушча?

Кузаков. Сен нимани кўрсатяпсан? Бунақа кичкина нарсага бир умр ўқ теккиза олмайди.

Ҳамма кулади.

Зилов (*совгалардан мамнун, шу боис ўз устидан қулишларига эътибор бермайди*). Хўп, майли, кўрамиз. Бу ёғи бир гап бўлар.

Саяпин. Витя! (*Унинг белида осиглик турган ёғоч ўрдакларга ишора қилиб*) Сен ҳар эҳтимолга мана буларни нишонга олавер. Булар учиб кетишмайди.

Кулги.

Зилов. Бўлди-э. Сизлар овчилик ҳақида нимани тушунардиларингиз.

Галина (*кафтини кафтига уриб*). Дикқат. Меҳмонларни столга таклиф қиламиз. Марҳамат!

Барча стол атрофига ўтиради. Кушак дераза олдида бориб, машинасига қараб қўяди.

Вера. (*Кушакка*). Алик, нега ҳадеб деразадан қарайверасан? У ерда нима қолдирган эдинг?

Кузаков. Автомобиль. Бор-йўғи шу.

Кушак (*хижолат чекиб*). Йўқ, яъни ҳа. Автомобиль!

Валерия. Вадим Андреевич, ташвишланманг. Бизлар деразанинг олдида ўтирибмиз. Қараб туриш бизга қулай. (*Саяпинга*). Кўз ташлаб тур.

Кузаковдан ўзга ҳамма ўтиради.



Вера. (Кузаковга) Сиз-чи? (Бир томонга сурилиб, жой беради.) Ўтиринг, Алик, тортинманг.

Кузаков. Раҳмат. (Ўтиради.) Лекин сиз янглишдингиз, менинг исмим Николай, сиз эса Алик дедингиз.

Вера. Фарқи нима.

Кушак (ажабланиб). Верочка?

Валерия. Мутлако тўғри. У ростдан ҳам мушукка ўхшайди. (Кузаковга) Баҳслашма, ўхшайсан. Мушукни кўрсатиб юборинглар.

Галина Кузаковга духоба мушукни кўрсатади. Ҳамма кулади.

Валерия. Айнан ўзи.

Кузаков. Ҳеч қандай ўхшашлик жойи йўқ. Бу ифвогарлик.

Зилов (Кузаковга). Баҳслашиб ўтирасанми, хўп, деб кўякол, қария.

Кузаков. Яхши. (Верага) Лекин кейинроқ сиздан аниқлик киритишингизни талаб қиламан.

Вера. Гаплашамиз.

Зилов. Шундай қилиб, дўстлар... (Қадаҳни қўлига олади.) Кетдикми?

Саяпин. Жилдик.

Валерия. Тўхтанглар! “Кеттик”, ”жилдик”! Бу нимаси! Нима, пивохо-нада ўтирибмизми? Янглишмасам, уй тўйида ўтирибмиз.

Зилов. Хўш, сен нима таклиф қилмоқчисан?

Валерия. Қандайдир одат, расмлар бор-ку. Кимдир билса керак.

Ҳамма жим. Зилов барчага вино қуяди.

Вера. Масалан, мен стол устида ўйнаб беришим мумкин. Истасаларингиз.

Кушак. Верочка! (Зиловга) Эътибор бердингми?... М-м... (Валерияга) Ҳазиллашишда ҳеч ким унга бас келолмаса керак.

Кузаков. Элас-элас эслайман. Тўртбурчак учун тўрт марта ичишади. Расм-одат шунақа.

Валерия (Кузаковга тегишиб). “Элас-элас эслайман”. Бечора дарбадарлар. Вадим Андреевич, бутун умидимиз сиздан.

Кушак (ўрнидан туриб). Дўстлар! Бошимизни қотириб ўтирмайлик. Ҳаммаларинг ёшсизлар...

Валерия (ажабланган бўлиб). Сиз-чи? Вадим Андреевич!

Вера. Тўғри, алик, ўзингни ерга урма, ҳали бақувватсан.

Кушак (Вера билан Валерияга). Миннатдорман, миннатдорман. Хуллас, ёш кишилар эканмиз, боболаримиздан қолган ҳар хил расм-русумларнинг нима кераги бор? Содда қилиб айтганда, дўстларимизни янги бошпана билан табриклайлик, янги квартира учун ичайлик.

ХИТОБЛАР: “Янги уй муборак бўлсин!”, “Салют!”, “Раҳмат!”

Зилов. Кетдик.

Саяпин. Жўнадик.

Салобатли куй янграмоқда. Нур сўниб, бир неча сониядан сўнг қайтадан ёнади. Куйнинг товуши пасаяди.

Биринчи хотиранинг давоми мусиқа жўрлигида давом этади. Меҳмонлар хайрлашади.

Зилов ва ёмғирнўш кийиб олган Вера туришибди.

Вера. Хотининг менга ёкиб қолди. Қандай қилиб шунақа аёлга уйлана олдинг, ҳайронман.

Зилов. Билмайман. Тўғрироғи, билмасам керак. Бунга кўп бўлган, олти йил олдин...

Вера. Сен билан қанчалик азоб чекиб келаётганини тасаввур қила оламан. Ахир сен алиқларнинг алигисан-ку.

Зилов. Хўп, майли. Ишхонага телефон қил. Эртага.

Вера. Қиламан... вақтим бўлса

Зилов. Яна ўзинг биласан.

Вера. Ана у сипойи чамамда, мендан умидвор шекилли.

Зилов. Умид қилаверсин, сенга нима.

Вера. Балки у билан кетарман? Нима дейсан? Қарши эмасмисан?

Зилов. Бўлди, кўп вайсама. У қиладиган ишини қилиб бўлди. Энди аравабини тортсин.

Вера. Балки, ростдан ҳам... Ҳарқалай, бошлиқ.

Зилов. Билганингни қил. Барини бошлаган ўзинг.

Даҳлизда ширакайф Кушак пайдо бўлади.

Кушак. Ажойиб кеча. Сехргар кеча, деган бўлардим... Такдирдан миннатдорман...

Вера. Сиз такдирга эмас, меҳмондўстлик учун ва умуман барчаси учун Викторга миннатдорчилик билидиришингиз лозим.

Галина оишхонадан чиқади.

Сизга ҳам, Галина Николаевна, катта раҳмат. Мен бу кечани бир умрга эслаб қоламан.

Вера. Мен ҳам.

Галина. Ғоят хурсандман. Бизникига келиб турасиз, деган умиддаман. Хурсанд бўламан.

Вера. (Галинага). Бахтли бўлинг. (Зилов билан Кузаковга). Хайр, алиқлар.

Кушак билан Вера чиқиб кетишади.

Галина. Кузатиб кўяман. (Уларнинг орқасидан чиқиб кетади.)

Зилов (Кузаковга). Ҳаммаси жойида бўлди. Ҳаммага маъқул, ҳамма хурсанд. Қувноқ кеча бўлди.

Кузаков. Ана у Вера ким ўзи, қаёқдан келиб қолди?

Зилов. Ёқиб қолди шекилли?

Кузаков. Ростини айтсам, шундай.

Зилов. Шунақа экан, кўнглини овла.

Кузаков. Бир нарсани тушунмаяпман: Кушакнинг нима алоқаси бор унга? Ё уларнинг ўртасида...

Зилов. Уларнинг ўртасида? Деярли ҳеч нарса. Маст-аласт хаёл.

Кузаков. Ўзим ҳам шунақа деб ўйлаган эдим.

Зилов. У боёқиш бекорга жонини жабборга беряпти, деяпман-ку.

Кузаков. Демак, ўзини енгилтак қилиб кўрсатиши шунчаки ўйин экан-да.

Зилов. Шунақа деб ўйлаяпсанми?

Кузаков. Нима кўрмадингми? Бунақаларни учратмаганмисан?

Зилов. Қанақаларни?

Кузаков. Ўша Верага ўхшаганларни. Биласанми, улар атайлаб ўзларини енгилтак қилиб кўрсатишади, аслида эса...

Зилов. Аслида нима?

Кузаков. Витя, у менинг назаримда, аслида батамом бошқача аёл.

Зилов (Кузаковнинг елкасига қоқиб). Қария, сен ҳар қачонгидек, янглишяпсан.

Даҳлизда Кушак пайдо бўлади.



Кушак. Виктор!.. М-м... Сен билан гаплашсам бўладими?

Кузаков. Бўлади, бўлади. Биз гаплашиб бўлдик. (*Зиловга*) Хайр, Витя.

Зилов. Саломат бўл, Коля.

Кузаков чиқиб кетади.

Кушак. Биласанми, у... м-м... Мен унга қойил қолдим Аммо... қандай қилиб?

Зилов (*дангал*). Наҳот билмасангиз? Ваъдалар беринг, эланинг, пўписа қилинг. Одатдагидек...

Кушак. Лекин... М-м... қанақа шаклда?

Зилов. О, худо! Дунёга кўмиб юбораман, уйланаман, ўлдираман – яна нима лейишингиз мумкин? Дадил бўлинг.

Кушак (*эшик томон елади, сўнг орқасига қайтиб*). Ишончинг комилми... м-м... Бирон ишкали чиқиб ўтирмайдими?

Зилов. Вой, худойим, ёш болага ўхшайсиз-а.

Кушак. Йўқ, сен мени тўғри тушун, мен иккиюзламачи эмасман, лекин... Ҳар қалай...

Зилов. Эркаклардек иш тутинг, бари жойида бўлади.

Кушак чиқиб кетади, Зилов ёлғиз қолади.

Совгаларни кўздан кечиради. Галина киради.

Галина. Маст бўлиб қолдим шекилли.

Зилов. Бўлмасам-чи. Ғирт мастсан.

Галина. Жиддий гапиряпсанми? Мехмонлар нима деб ўйлашади?

Зилов. Бари жонимга тегди. .

Қисқа сукут.

Галина. Биласанми, нима демоқчиман?

Зилов. Нима экан?

Галина. Болам бўлишини истайман.

Зилов. Яна бошладингми?

Галина. Аллақачон вақти келган, эшитяпсанми?

Зилов. Шунақа деб ўйлайсанми?

Галина. Фарзандимиз бўлишини ҳеч қачон бугунгидек орзу қилган эмасман. Хўш, сен нима дейсан?

Зилов. Менми? Вақти келган бўлса... шунақа экан...

Галина. Йўқ, биламан, сен истамайсан.

Зилов. Нега энди? Қаердан ўйлаб топдинг бунини? Мен қарши эмасман... Нега кайфиятинг ўзгарди? Ахир бу муаммо эмас-ку. Шунга қарор қилсак – бас.

Галина. Сенга Бола керакмас.

Кушак пайдо бўлади, Галина қўшини хонага кириб кетади.

Кушак (*аламли қиёфада*). У йўқ... ғойиб бўлибди!

Зилов. Нима? Ким ғойиб бўлибди? Аёлми ё машинами?

Кушак (*шошиб дераза олдига боради ва машинасига қараб олиб*). Вера йўқ. Қочиб кетибди... Бу нимаси? Бунини қандай тушунмоқ керак?

Зилов. Динамо.

Кушак. Нима?

Зилов (*жаҳли чиқиб*). Динамо. Бунини динамони айлантириш дейишади... У динамонгизни буриб қўйибди. Тушунмаяпсизми?

Кушак (*хушёр тортиб*). Виктор, сендан кўнглим қоладиганга ўхшайди.

Қувноқ мусиқа қайғули куйга айланади. Саҳна қоронгилашиб, биринчи кўринишдаги саҳна тикланади.

Зилов дераза раҳида ўтирган ҳолатда пиво ичар экан, тўсатдан ўрнидан туриб, духоба мушукни бир чеккага отади.

Иккинчи кўриниш

Зилов (*телефон рақамларини териб*). Кузаков сизлардан олисда эмасми?.. Кузаков йўқ, дейсизми?... Майли. (*Янги рақамларни теради.*) Ахборот бюросими? Гўшакни Саляпинга беринг.. Йўқми? Ишга келмадимми? Тушунарли. (*Гўшакни жойига қўяди.*) Мана, сизга хизматчилар! (*Хаёл суриб ўтиради.*)

*Нур қоронгилашиб, янги саҳна пайдо бўлади.
Чироқ ёнади*

Зиловнинг иккинчи хотирлаши

Идорадаги ёлғиз деразали хоналардан бири. Иккита қўполгина жавон ва тўртта курси. Улардан бирида Саяпин ўтирибди.

Зилов пайдо бўлади.

Зилов. Хўжайиннинг кайфияти чатоқ. (*Олдинга ўтиб, стуллардан бирига ўтиради.*) У нима ўйлаб топибди, де? Иш услубини модернизация қилишни талаб этишяпти. Ривожланаётган навқирон корхона бўлсин экан. Зудлик билан амалга ошиши керакмиш!

Саяпин. Буни ўтган ҳафтада ўйлаб топган эди. Нима, эсингдан чиқдимми?

Зилов. Шунга ўхшаш бирон корхона борми?

Саяпин. Чинни заводи бор. (*Стол галадонидан бир даста қозғоз олади.*) Бир йилдан бери ётибди.

Зилов. Бер-чи. Мен бир кўрай. (*Варақлаб кўради.*) Реконструкция режаси... Бизга айни кераги ҳам шу.

Саяпин. Бу лойиҳа, холос.

Зилов. Кимнинг иши? (*Лойиҳани варақлаб*) Смирнов. Бош инженер. Уни Танийман. Ўта жиддий шахс.

Саяпин. Лекин бизга лойиҳалар керак эмас. Бизга далиллар керак.

Зилов. Далиллар? Бу далилларни қаёқдан оламиз? Эртага-чи?.. Шошма... Шошма! Инженер ҳаммасини ҳозирги кунда деб баён қилган.

Саяпин. Нима бўпти?

Зилов. Бу нима деганинг? (*Қозғозларга ишора қилиб*) Бу ерда изоҳланишича, гўё ҳамма нарса тайёр. Тушунарлими?.. Хўш, бунга қанча вақтимиз кетади?.

Саяпин. Ўрта ҳисобда – бир йил.

Зилов. Жуда соз. Бу ажойиб лойиҳал бир йил ичида амалга ошди, деб ҳисоблаймиз. Орзулар амалда намоён бўлди. Имзо чекаман. (*Имзо чекади.*)

Саяпин. Зўр, лекин... хавфли.

Зилов. Ваҳима қилма. Ўтиб кетади. Бунга ҳеч ким эътибор бермайди. Кимга ҳам керак бу?.. Имзо чек.

Саяпин. Жоним билан, лекин...



Зилов. Дадилроқ бўл. Бизнинг ишимиз зўр, лекин бир мунча куруқроқ. Озгина дадиллик ва ижодий хаёллар зарар қилмайди.

Саяпин. Барибир текшириб кўришга тўғри келади. Заводга, инженерга кўнғироқ қилиш лозим бўлади.

Зилов. Инженер умидимизни пучга чиқариб қўймаса, деб кўркаман.

Саяпин Гаплашиб кўрамыз.

Эшик тақиллайди. Зилов очади.

Овоз. Почта!

Зилов. Олиб келинг.

Овоз. Мана бу ерга қўл қўйинг.

Зилов бир даста пакетларни столга ташлайди.

Саяпин. (пакетларни титкилаб). Сенга хат.

Зилов. Аёл кишими?

Саяпин. Зиловдан. (Хатни стол устидан Зиловга қарата отади.) Хат олибди Федот набирасидан бугун...

Зилов. Отамдан. Қани, кўрамыз, кекса аҳмоқ нима дебди. (Хатни ўқийди.) Ана холо-ос... О, худо. Яна ўлаётган эмиш. (Хатни бир чеккага қўйиб туриб) Эътибор бергин, қария ҳар йили бир ё икки марта ўлгани ётиб олади. Бу койда тусига кириб қолган. Мана, эшит. (Хатни ўқийди.) "...бу сафар энди тамом – юрагим сезяпти. Келгин, ўғлим, кўришиб қолайлик. Бир йўла онангининг кўнглини овлаб кетасан. Ахир кўришмаганларингга ҳам тўрт йил бўляпти. "Биласанми, нима қилади? Худди шунақа хатларни турли томонларга жўнатиб, кутиб ётади. Қарабсанки, қариндошлар йиғилиб, ох-воҳ қилишади, у эса бундан хурсанд бўлиб ётади-ю, бир пайт, қарабсанки, бирдан оёққа туриб кетади – соппа-соғ. Ароқ ичишни бошлайди. Бунга нима дейсан?"

Саяпин. Нафақачими?

Зилов. Фаҳрий нафақачи.

Саяпин. Ёши неччида?

Зилов. Етмишдан ошган. Етмиш икки ё етмиш беш. Шунақа.

Саяпин. Қари экан. Ростдан ҳам ўлиб қолиши мумкин.

Зилов. Уми? Йў-ўқ, отам ҳали бақувват.

Саяпин. Ҳар қалай, бориб келсанг ёмон бўлмасди.

Зилов. Қачон?

Саяпин. Масалан, отпусканг пайтида, сентябрда.

Зилов. Иложи йўқ. Сентябрь – дахлсиз ой – ов мавсуми бошланади.

Қисқа сукут.

Саяпин. Хўш, мақолани нима қиламиз?

Зилов. Келишиб олдик, шекилли. Топширамыз. Мен имзо чекдим.

Саяпин. Сенга осон, мен эса... Ҳозир квартира масаласа кўндаланг бўлиб турган бир вақтда... ўзинг биласан...

Зилов. Бўлмаса, кел куръа ташлаймиз – вассалом – иш тамом. Пукка тушса – топширамыз, чикка тушса – бизда ҳеч қанақа мақола йўқ, деб тан оламыз.

Саяпин (чуқур нафас олиб). Бўпти...

Эшик тақиллайди.

Зилов. Марҳамат. (Тангани отади.)

Ирина киради. Танга эътиборсиз қолади. Унинг ёши ўн саккизда. Қувлиқ-шумликни билмайдиган, соддадил, ҳаётда ўзининг илк мустақил қадамини босаётган қиз.

Ирина. Салом алайкум.

Зилов. Хайрли кун.

Ирина. Бу ер редакциями?

Қисқа сукут.

Зилов. Хизмат?

Ирина. Эълон бермоқчи эдим.

Зилов. Эълон? Қанақа эълон?

Ирина. Мен битта одамни йўқотиб қўйдим. Биз учрашмоқчи эдик...

Зилов. Ўтиринг, шошмасдан гапириб беринг. *(Уни ўтқазиб, Саяпинга имлаб қўяди.)* Сизга ёрдам бера оламиз, деб ўйлайман.

Ирина. Ростданми?

Зилов. Ҳаракат қиламиз.

Саяпин. Ҳа, у барча имкониятларини ишга солиши мумкин.

Ирина. Ростданми? Раҳмат, катта раҳмат...

Зилов. Марҳамат. Лекин гап нимада?

Ирина. Биласизми, бир одамни топишим жуда зарур. Биз у билан бир вагонда келдик. Исми Костя, фамилиясини эса билмайман...

Зилов. Кейин нима бўлди?

Ирина. Мен уни алдадим. Лекин бунга мен айбдор эмасман, чин сўзим.

Зилов. Нима бўлди?

Ирина. Биласизми, биз у билан бугун соат ўн иккида почтамп олдида учрашишга ваъдалашган эдик. Аммо аксига олгандек, бизда бугун иншо бор экан.

Саяпин. Кириш имтиҳоними?

Ирина. Ҳа, чет тиллар институтига киряпман. Агар почтампларингизнинг қаердалигини билганимда, иншони олдинроқ ёзиб топширган бўлардим. Қисқаси, чопқиллаб почтампга бордим. Аммо у йўқ эди...

Саяпин. Бўлгани шуми?

Ирина. Яхши бўлмади.

Зилов. Ҳа, қулоқ эшитмаган алдакилик бу. Бизнинг шаҳарда бунақа қилишмайди. Қаердан келгансиз?

Ирина. Михалёвқадан.

Зилов. Михалевкангиз қаерда ўзи?

Ирина. Олисда. Шимолда.

Зилов. Исмингиз нима?

Ирина. Ирина.

Саяпин. Чиройли исм экан.

Зилов. Хўш, Ирина, энди нима қилмоқчисиз?

Ирина. Газеталарингизда эълон берсаларингиз, балки...

Зилов. Қанақа эълон?..

Ирина *(шошиб).* Ўйлаб қўйганман. Масалан: “Костя! Мен айтилган вақтда етиб келолмадим. Мени саккизинчи август куни соат ўн иккида почтамп олдида кут. Ирина...” Шунақа бўладими?

Саяпин. “Мени кут, мен албатта қайтаман, фақат орзиқиб кут”.

Ирина. Наҳот мумкин бўлмаса? Албатта ўқиган бўларди. У барча газеталарни ўқиб борар экан. Барча бекатларда газета олиб чиқарди. Унинг ўзи ҳам шеър ёзар экан.

Зилов. Э-э, шоир экан-да. Балки Константин Симоновдир?

Ирина. Ҳазиллашяпсиз. Симонов қари, Москвада яшайди.



Зилов. Бўлмаган гап. Илгари Москвада яшаган, ҳозир эса – шу ерда.

Ирина (*ажабланиб*). Ростданми?

Зилов. Бўлмасам-чи. Москвада яшаш жонимга тегди. Шовқин-сурон, ғала-ғовур, шунча яшадим – бўлади-да, Энди, рухсат берсангиз, тинчроқ бир ерда яшасам, деган эмиш.

Ирина. Йўқ, у Симонов эмас. У бор-йўғи иккита шеър ёзибди. Учин-чисини вагонда ёзди.

Зилов. Ва уни сизга бағишлаган. Тўғрими?

Ирина. Қаёқдан биласиз?

Зилов. У сизга бағишлаб шеър ёзган, шунинг учун ҳам уни севиб қолгансиз. Ё шунақа эмасми?

Ирина. Севиб қолдим?.. Йўқ, нималар деяпсиз...

Зилов. Нима, сиз уни яхши кўрмайсизми?

Ирина. Йўқ, албатта.

Зилов. Ундай бўлса уни қодирингизга нима ҳожат?

Ирина. Тушунтиришим керак. Бўлмаса, алдаб кетди, деб ўйлаши мумкин.

Зилов (*Саяпинга*). Бунга нима дейсан?

Саяпин. Озодлик чоғимда сев мени, қизалоқ, сев мени ҳозирча сеники эканман...

Кушак киради.

Кушак. Мақола қани? Нима билан шуғулланяпсизлар? (*Иринага қараб*) Сиз нима масалада келиб турибсиз?

Зилов. Исми Ирина. Шахсий масала бўйича.

Кушак. Фақат синфдошим деб айта кўрманг.

Зилов (*Иринага бошдан-оёқ қараб олиб*). Жимман. Лекин, шунақа десам, барибир ҳеч ким ишонмаган бўларди.

Саяпин. Дўстини қидириб юрган экан.

Кушак. Бу ерда-я? Сизларнинг ораларингиздами?

Ирина. Йўқ. Газеталарингизга эълон бермоқчиман.

Кушак. Эълон? Қанақа эълон?

Саяпин унсиз кулади.

Ирина. Ахир бу ер редакция-ку.

Кушак. Редакция?.. (*Зилов билан Саяпинга муштини кўрсатади.*) Синглим, адашибсиз. Бу ер редакция эмас.

Ирина. Йўғ-э?

Зилов. Редакция ёнгинамизда.

Ирина. Шунақа экан нега мени... Ҳайронман.

Кушак (*жаҳли чиқиб*). Ҳайрон бўладиган нимаси бор? Сизга редакция керак, бизнинг идорамиз эса – ТАМБ. Техникавий ахборотлар марказий бюроси.

Ирина (*ўрнидан туриб*). Кечирасизлар. (*Эшик томон юради*).

Кушак (*бир мунча майинлашиб*). Ҳеч қиси йўқ... Сизни “ахборот” деган сўз адаштирган. Муваффақият тилайман.

Ирина (*эшик олдида борганида, Зиловга*). Нимага бунақа қилдингиз?

Зилов (*Иринанинг орқасидан бориб*). Ирина, ташвишланманг, бари жойида бўлади. (*Кушак билан Саяпинга ўгирилиб*) Мен ҳозир кираман. (*Чиқиб кетади.*)

Кушак. Мақола тўғрисида ўйлаяпсизларми?

Саяпин. Ўйлаяпмиз.

Кушак. Нима тўғрисида ўйлаётганларингизни кўриб турибман. Бу ер висол кўришадиган уйми ё идорами? Неча марта огоҳлантириш керак сизларни!

Саяпин. Менинг айбим нима? Мени биласиз-ку, аёллар билан деярли кизикмайман.

Кушак. Бемаънилик бу. Ҳамма нарсанинг ўз жойи, вақти-соати бўлади. Охирги марта огоҳлантираман. Ишни жадаллаштиринг. Мақолани тушдан кейин редакцияга жўнатмоқчиман. *(Чиқиб кетади.)*

Саяпин. Унга – кизлар, менга эса – хайфисан. *(Кўнгироқ қилади.)* Редакция?.. Кузаков?.. Салом. Йўғ-э, жин урсин ўша шахматларингни. Зилов ёнингдами?.. Йўқ? Ҳавои!.. Йўқ, сен эмас... Шунақа экан, истасанг, сен ҳам!

Зилов киради.

Зилов. Хўш, у ҳақида нима дейсан?

Саяпин. Ўша қизинг билан бирга кўшмозор бўлмайсанми! Жўна!

Зилов. Қаёққа? Маслаҳат бер. Кинога тушсак бўлади. Бошланиши учун ёмонмас.

Саяпин. Йўкол-э! *(Кушакнинг хонасига ишора қилиб).* Мақолани талаб қиляпти. Нима қиламиз? Бунақа колдирмайди... Шуни ҳисобга олиб қўйгинки, сенда қасди бор унинг. Ўша, уйингдаги ўтиришдан кейин... Нима, эсингдан чиқдими?

Зилов. Кўркадиган жойим йўк. *(Ёмғирпўшини кияди.)* Бунақа кизлар хамиша ҳам учрайвермайди. Ҳеч нарса тушунмабсан шекилли. Фаришта-ку... Балки, мен уни бир умрга яхши кўриб коларман, ким билади. *(Эшик томон юради.)*

Саяпин. Тўхта! Тўхта, деярман сенга!

Зилов. Нима демоқчисан? Қисқа қил. Мени кутиб турибди.

Саяпин. Улар мақолани талаб қилишяпти. Нима қиламиз?

Зилов. Яна мақола! Минг лаънат ўша мақолага. Бериб юборамиз, вас-салом. Имзо чек.

Саяпин. Ўзинг биласан, бу мен учун ўта хавфли.

Зилов. Жин урсин! Биринчи марта таваккал қилаётганимиз йўқ-ку. *(Эсига тушиб)* Тўхта-тўхта! Қуръа нима бўлди? Танга! Қани у?

Ҳар иккаласи ҳализамон ташланган тангани қидиришади.

Қанақа эди?

Саяпин. Пукка – топширамиз, чикка – йўк... Мана. Чикка. Ўзинг кўр.

Зилов. Юришмади. Ишим ўнгидан келмади... Тўхтаб тур, менимча, сен адашдинг, чалкаштириб юбординг. Чикка – топширамиз, пукка – йўк... Кел, қайтадан ташлаймиз! Чикка – топширамиз, пукка – йўк. *(Тангани осмонга отади.)*

Саяпин. Пукка.

Зилов *(алам билан)* Жин урсин!.. Начора – тақдир экан. Ўша аҳмоқона мақола билан шуғулланамиз. *(Эшик томон юради.)*

Саяпин. Бўлмаса, унинг олдига биргаликда кирамиз. Унинг даккиларини бир ўзим эшитишни истамайман.

Зилов. Яна бир даҳшат!... Менга қара! Худо учликни яхши кўради, дейишади... Учинчи марта ташлаб кўрамиз... Чикка – тан оламиз, пукка – йўк. *(Тангани осмонга отади.)*

Саяпин. Пукка

Зилов (*енгил тортиб*). Худога шукур, хеч курса бир ишни уддаладик. (*Эшик томон юради.*)

Телефон жиринглайди.

Саяпин (*гўшакка*). Ха... Ҳозир... (*Зиловга*) Тўхта! Сени сўрашяпти.

Зилов. Ким?

Саяпин. Менимча, хотининг.

Зилов. Мен йўқман.

Саяпин. Шу ерда, деб айтиб қўйдим-ку.

Зилов. Тентак! (*Гўшакни қулоғига тутиб*). Нима?... Нима гап? (*Гўшакни кафти билан босиб*, *Саяпинга*) Илтимос, бир дақиқа уни гапга солиб тур. Кўча эшик олдида турибди. Қўполлик қилиб юрма. Уни ҳуркитиб юбориш хеч гапмас. Бор...

Саяпин чиқиб кетади.

Хўш, нима бўлди? Учрашишимиз керак?... Ҳозирми? Бунинг иложи йўқ... Қисталанг иш бор. Ҳисобот... Ҳамма таътилга кетган. Ҳамма учун икки киши терга ботиб ўтирибмиз... Йўқ. Йўқ... Шунчалик куйиб-ёниб бораётган нима экан? Сенга нима бўлди?... Бирон нарса бўлдими?... Нима?... Фарзанд?... Аниқми?... Жуда соз. Табриклайман... Ўғил, ишончим комил... Бўлмасамчи... Хурсандман, албатта... Ҳа, хурсандман, беҳад хурсандман... Нима қилишим керак? Қўшиқ айтайми, рақсга тушиб берайми? Кўришиш?... Бугун кўришамиз. Айни чоғда туғилмайди-ку... Нима?... Тўхтаб тур! (*Алоқа узилади. Афсусланиб*) Ана, хафа бўлиб қолди. (*Чиқиб кетади.*)


Нур сўниб, саҳна алмашади. Чироқ қайта ёнади.

Зилов ўз хонасида телефон олдида ўтирибди. Ўрнидан туриб, у ёқдан бу ёққа юради. Гулчамбар олдида тўхтаб, бир неча сония туриб қолади.

Зилов. Шу ҳам ҳазил бўлди-ю! Лаънатилар!..

Парда тушади

(Давоми кейинги сонда)



СЕН БИЛАН ГЎЗАЛДИР ЮРТИМ ДАЛАСИ

Диёримизда китобхонликка ва қолаверса адабиётга эътибор қаратиш энг муҳим вазифалар қаторида эътироф этилмоқда. Шу ўринда ёш ижодкорларнинг Зомин семинари бундан йигирма йил илгари ўша пайтда Жиззах вилояти ҳокими, ҳозирда Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев ташаббуслари билан ўз фаолиятини бошлаганини мамнуният билан айтиш мумкин.

Сўлим Зомин тоғлари бағрида янғитдан иш бошлаган ёш ижодкорлар анжумани иқтидорли ёш қаламкашларни маҳоратини ошириш ва уларни элга танитишни ўзига мақсад қилган. Семинарда қатнашган ҳар бир ёш ижодкорнинг ижод намуналари адабиёт аҳлининг назаридан ўтказилди. Уларнинг кўпчилиги адабиётшунос ва устоз адилларнинг эътиборини қозонди.

Адабий семинарда мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган 70 га яқин ёш ижодкор қатнашди. Эътиборингизга анжуман қатнашчиларининг илк қораламаларидан намуналар ҳавола этилмоқда.

Феруза ХАЙРУЛЛАЕВА
(Самарқанд вилояти)

* * *

Уйга борсам ҳаётимнинг
Кувончлари кўринади.
Том ортига тоғлар келиб
Юрагимни тўлдиради.
Битиб кетар яраларим,
Чандиқ қолмай эслагани.
Қўшни қизча кулча тутар,
Ёқиб кетар йўқлагани.
Олислайди шаҳар мендан,
Олислайман мен шаҳардан.

Яшамоқни ўрганаман,
Аямдан ва тонг саҳардан...
Оддийлашар бари маъни,
Силлиқлашлар йўқолади.
Қуриб кетар, “қув” хаёллар
“Анаш” қизча уйғонади.
Ҳаёт мендан рози бўлар –
Ҳаётлигим билинади!
Уйга борсам ҳаётимнинг
Иссиқлари кўринади!

* * *

Узун йўлнинг қошида дарё,
Адоғида, бошида дарё,
Шу заминнинг ёши-да, дарё –
Дарё одам, кўряпман сени.

Йўлинг узун юрганнинг сайин,
Қақраб қолдинг турганинг сайин,
Товшинг ширин, товушинг майин,
Дарё одам, бияпман сени.

Сени кимлар чўлга бурмади,
Лойлар отиб, булгаб тўймади,
Қиргоқ бўлиб эрка қўймади,
Дарё одам, сезяпман сени.

Аммо, ишон олдинда уфқлар,
Сен яралган макондек шонли.
Сени кутар жилгалар, боғлар –
Дарё одам, кутяпман сени!

Шоҳинур УСМОНОВА
(Тошкент шаҳри)

СОВҒА

Бу соат
Шунчалар қадрдон менга.
Мен усиз нечундир чорасиз, гариб.
У доим ёнимда ўз бурчин адо
Этмоққа шай турган аскар сингари.

Бу соат
Йўлдошим ҳар қадамимда.
Рўёбин истайди тилақларимнинг.
Доимо ҳадикда, маҳкам сиққанча
Ҳеч кимга ишонмас билақларимни.

Бу соат
Ҳаттоки аллалаб тунни
Оромим ҳақида ўйлар, қайгурар.
Боқсам ҳам бетоқат нигоҳлар билан
Доимо самимий жилмайиб турар.

Бу соат
Кимгадир хуфя ёрдамчи,
“Ким” десам, эшитмас сўроқларимни.
Таъкидлар: “Ўзимни кечирмам асло,
Кишанларга тутсам бармоқларингни”.

Руҳиона АШУРОВА
(Сирдарё вилояти)

ЧЎЛНИНГ ЛОЛАСИ

Дилларга хуш ёқар баҳор ҳавоси,
Сен билан гўзалдир юртим даласи,
Ўзингсан баҳорнинг сулув си,
О, чўлнинг лоласи, чўлнинг лоласи.

Майин шамолларда тебраниб турган,
 Кўёш ёғдусида товланиб турган,
 Сулув келинчақдай нозланиб турган,
 О, чўлнинг лоласи, чўлнинг лоласи.

Майлими, мен сени эркалаб қўйсам, Ижодим, гул каби очилса эди,
 Ҳусн-у, жамолинга суқланиб тўйсам, Муаттар ҳид бўлиб сочилса эди,
 Қанийди, ёнингда бир умр қолсам, Билсанг, мен ҳам чўлнинг эрка оласи,
 О, чўлнинг лоласи, чўлнинг лоласи. О, чўлнинг лоласи, чўлнинг лоласи.

Меҳринисо ИКРОМ қизи
 (Фаргона вилояти)

ҚИШЛОҚ

Қишлоқ...
 Ўрикзор бағрида ўсган сулувлар,
 Майсазор йўлларинг ажиб манзара.
 Самога туташиб кетади йўллар,
 Қалдирғоч тупроғинг ўпяпти, қара.
 Қишлоқ...
 Майсаларинг юзларин силаб,
 Оҳиста куй чалиб аллалар шамол.
 Бағринга бир бора қўнмоқлик тилаб,
 Кўкда таъзим айлаб эгилган ҳилол.
 Қишлоқ...
 Муҳаббатга кўмилган гўша,
 Булоқлар бағрингдан отилган меҳр.
 Чумолига донлар улашиб, ўша
 Тойчоқлар ўйнидан яйраётган дил.
 Қишлоқ...
 Асли барча юртнинг отаси,
 Гиёҳ ўстирмоқ-чун ёқар жонини.
 Бугдойзорни қучиб ўсар лоласи,
 Асли дунё ейди қишлоқ нонини.
 Қишлоқ..
 Муҳаббатга кўмилган гўша,
 Булоқлар бағрингдан отилган меҳр...

Зебо НУР
 (Хоразм вилояти)

* * *

Ҳаёт дарахтини чизиб бер менга,
 Шохлари эгик ва синиқ бўлса ҳам.
 Майли, қуртаклари етмасин мингга,
 Аммо бўронларга беролсин чидам.



Баҳор гулларини шамоллар тақсин,
Офтоб куймалансин барглари ичра.
Кузак ҳосилига таҳсинлар айтсин,
Қишининг келбатидан қўрқмасин сира.

Ҳаёт дарахтини чизиб бер менга,
Дўстим, орзуларни қандоқ асрагум?..
Чизолсанг, раҳматлар ёғдириб сенга,
Қараганим сари келсин яшагим...

Ҳаёт дарахтини чизиб бер менга...

Ҳафиза АБДУМАЛИКОВА
(Тошкент вилояти)

ЯХШИЯМКИ...

Яхшиямки, тонглар отади,
Яхшиямки, кўнда қуёш бор!
Яхшиямки, юраклар сокин
Туйғуларга тўла, безубор...

Яхшиямки, йиқилганинда
Суянгувчи гамгусорлар бор.
Яхшиямки, дунёда севиб
Севилмоқнинг гамлари бисёр...

Яхшиямки, дунёнинг ранги
Оқ ва қора эмас, англадим!
Бугун қоқиб кўнгиллар чангин
Ранго- ранглик йўлин танладим...

Яхшиямки, хотираларнинг
Энг яхшиси сақланиб қолгай!
Яхшиямки, қуёшсиз кунлар
Замонлар чангида йўқолгай!

Яхшиямки, сен бор кўнглимда!
Токи ишқинг поклагай танни.
Яхшиямки, кенг дунёсидан
Мен топганман сен ва ватанни!..

Севинч АВАЗОВА
(Тошкент вилояти)

ЗАБТ ЭТИШ

Нафис кўнгилларга ўхшайди тупроқ,
Ундан таралади яқинлик иси.
Ариқ ёқасида ўсган сингиллар —
Толлар — бахтга интиқ муҳаббат қизи.

Кеча безуборлик келарди қордан,
Бугун оқсоч тогдан ҳикмат таралар.
Ҳар нарса ифорга эга бу замон,
Жўшқин иштиёқнинг куйи яралар.

Нурли манзилларга ошиқ юракка
 Ватан истиқболи ишонч беради.
 Эй буюк чўққилар, ахир ёшлардан
 Сизни забт этишининг иси келади...

* * *

Ёмғир юриб чиқди томда тун бўйи
Шухрат Маткарим

Йиллар ва йўлларни қолдириб ортда
 Ғоялар улғаяр бўйга етгандай.
 Кекса тол мисоли ўйга чўмаман,
 Томчилар дарёга чўкиб кетгандай.

Ва ёдимга тушар мунис онажон,
 Қўллари дуода, жилмайган кўйи.
 Балки онам айтган: қоровул бўлиб
 Ёмғир юриб чиқди томда тун бўйи.

Алишер БОЙМУРОДОВ
 (Навоий вилояти)

* * *

Қовоқ уйган ҳалигача у,
 Оппоқ қорни чақирган ерга.
 Таниб олинг ўша бўлади,
 Олиб келган илҳомни шеърга.
 Мақтанади юлдуздан ошиб,
 Мақтаб дилин хушлаб қўяман.
 Юзин силаб қўлларим билан,
 Сочларини ушлаб қўяман.

ОНА ҚИШЛОҚ

Устида ёғ, гуруч биқирлар,
 Қора қозон, тагида олов.
 Хаёл ўтмай пишиб қолади,
 Онажоним дамлаган палов.
 Кичик укам ўтиндан ариб,
 Қўлларига олибди челак.
 Юмушлардан безор укамни,
 Молхонага бошлайди йўлак.
 Сўнг сигирни суғоради у,
 Емиш берар тагини кураб.



Кетолмайди бир зум кўчага,
Юмушлардан ижозат сўраб.
Пешонаси қора қишлоқнинг,
Меҳнат билан кутар баҳорни.
Ёзда тинмас, кузда тинмайди,
Қишда ҳориб кузатар қорни.
Ой жойида, қуёш жойида,
Гир айланар курраи замин.

Қораяди қора қишлоқнинг,
Манглайи ҳам кун ўтган сайин.
Тўғри таъриф: содда, оқкўнгил,
Ичларида йўқдир нотаваон.
Мен шаҳардан келдим қишлоққа,
Қишлоқдадир ҳақиқий ован.
Онажоним қўлида кесов,
Тўдалайди ёнган оловни.

Азамат ХУДОЙБЕРГАНОВ
(Хоразм вилояти)

САРИМСОҚПИЁЗ

Дўстларимдан ҳеч бири
Мос келмайди дидимга.
Чунки қочар бариси
Чидолмасдан ҳидимга.

Нима қилсам экан, деб
Жуда кўп ўйга толдим.
Сўнг бозордан энг хушбўй
Зўр атир сотиб олдим.

Энди чиқмас ноҳуш ҳид,
Чин ҳақиқат сўзларим.
Келинг, энди бошқатдан
Дўстлашамиз, дўстларим!

ЎРМОН ТАБИБИ

Қизилишитон эшик қоқар –
Тўқ-тўқ-тўқ.
Ичкаридан жавоб келар
– Ҳеч ким йўқ!

Барча қушлар
Яхши билар читтакни.
Табиб келса
Ростлаб қолар жуфтакни.

Қизилишитон ажабланмас
Бу ҳолдан.
Ахир айтинг, ким ҳам қўрқмас
Уколдан.

Зилола ГОШЕВА
(Бухоро вилояти)

ЙЎЛОВЧИМАН

*Мен бир йўловчиман дунёда, ахир,
Шаит ила отландим толеим сари.
Йиллар – елкадошим, устозим – тақдир,
Бирма-бир очилди умрим дафтари.*

*Қай бир саҳифага битилган инжу,
Қай бир кўчаларда талошдир тақдир.
Бирида гам-алам, бирида кулгу,
Қайси бир кўчада яширинган сир.
Наҳотки кўчалар ўхшамас сира,
Бир-бирин заррача этмайди такрор.
Қайсидир кўчада тароват хира,
Бошқаси зулматга битади ашъор.*

*Гарчи тор бўлса-да умр йўллари,
Кўнгилда умидлар яшар барҳаёт.
Орзулар чўзади мадад қўлларин,
Кўчалар тор гарчи, бепоён ҳаёт.*

Дадаҳон МУҲАММАДИЕВ
(Самарқанд вилояти)

ЎҚИТУВЧИМГА

*Осмоннинг қаҳрини келтирдим,
Воз кечдим осмоннинг баҳридан.
Осмонга осмондай гапирдим,
Титради овозим зарбидан.*

*Қайнашим, титрашим шарт эди,
Келтирдим осмоннинг қаҳрини.
“Ҳой, йигит, йўлингдан қайт”, – деди,
Ва лекин сочмади заҳрини.*

*Гуноҳим юлдузлар билан тенг,
Бошимни ҳар тошга ураман.
Қаҳрини келтирдим осмоннинг –
Ерда қай юз билан юраман?!.*



*Мен кўнглингни ололмай сарсон,
Сен кўп нарса сўрамадинг – рост.
Асли кўнглинг тўлмаган жойдан
Фожеалар ясадинг, холос.*

*Кўнгил тўлмас, тўлмайди багир,
Лаҳзаларга бердим умримни.
Кетаман деб айтдим-ку, ахир,
Узиб олай аввал кўнглимни.*

*Маҳфуза ИБРОҲИМОВА
(Хоразм вилояти)*

МУСАВВИР

Ҳикоя

Чақалоқ туғилганида ота-онаси қанчалар севинган эдилар. Ўрик дарахтлари гулларга бурканганда у дунёга келганди. Сочлари сариқ, кўзлари тим қора чақалоқ ўсиб-улғайиб мусаввир бўлишини ким ҳам хаёлига келтирибди, дейсиз. Чунки ҳеч ким тақдирда нима бўлишини олдиндан билган эмас.

Ота-онаси чақалоққа Умид деб исм қўйишди. Нусрат ака ўғлини қўлига олганича: “Катта бўлсанг машҳур одам бўласан, балки ёзувчи, балки рассом. Кўнглим сезиб турибди, ким бўлсанг ҳам ноёб истеъдод соҳиби бўласан!”, – дея чақалоқнинг жажжи бармоқларини ўпиб қўйди. Бу пайт Нусрат аканинг қалбида орзу кўз очганди. Раъно опага бу ҳол бошқача таъсир қилди шекилли:

– У рассом бўлади, – деди қатъий. – Бўлганда ҳам буюк рассом бўлади! Мен шуни истайман ва уни шундай тарбия қиламан!

Раъно опанинг сўзлари кескин эди. Шу билан бирга овози ҳам қатъий чиқди. Сўзларидан ни мусаввир қилиб тарбияламоқчи бўлгани сезилиб турарди.

Кун сайин улғая борди. Бир ой ичида анча улғайиб, овозларни пайқаб, ён-атрофга қарайдиган бўлди. Олти ойлигида уч ҳарфли сўзларни айта олар, тўққиз ойлигида юриб, бир ёшга тўлганида гапира оладиган бўлди. Нусрат ака ва Раъно опа сидаги бу ўзгаришлардан қувонар, келажакда унинг мусаввир бўлиб етишишига ишоничарди.

Умид тўрт ёшларда эди, чамаси, бир куни Раъно опа сурат чизиш билан овора бўлиб, бўёқлар Умиднинг қўлига тушиб қолди. Умид оқ саҳифага қизил, сариқ, яшил, мовий ранглардан чизиклар торта бошлади. Бир зумда оппоқ саҳифада камалак сурати ҳосил бўлди. Умид қоғозни олиб, Раъно опанинг ёнига борди ва қўйлаги этагидан торткилаб, онасини чақирди:

– Ойи, қаранг, мен ҳам сурат чиздим. Жуда чиройли.

Раъно опа ўгирилиб қаради-ю, оппоқ қоғоз юзига чизилган рангларни кўрди. Эгилиб чизилган рангларни камалакка ўхшатди.

- Бу бошланиши, Умиджон. Шу рангларни ажрата оласанми?
- Йўқ, – деди Умид кўзларини онасига тикканича.
- Унда буни қандай эпладинг?
- Билмайман. Ўзимга ёққанини олиб чизавердим, – деди Умид.

Бу рассомларда бўладиган ички туйғу эканини Раъно опа биларди. Ранглар ҳам руҳиятдан келиб чиққан ҳолда танланади. Камалак рангларини Умид танлаган. Беғубор, самимий, қизиқувчан ва интилувчан, орзулари осмон Умиджон. Бу Умиднинг биринчи сурати эди.

Умиджон етти ёшида мактабга қадам қўйди. Бу пайтда у кўп шеърлар, эртақлар билар, ўз билганларини ҳикоя қилганида эса шунчалик аниқ тасвирлаб сўзлар эдики, бу ҳол ота-онасини биров чўчитиб қўярди. Умидни илк бор мактабга отаси олиб борди. Янги костюм-шим, оқ кўйлак, қора бўйинбоғ, оёқларида қора туфли. Умидга бу кийим жуда ярашиб турарди. У рўмолча билан туфлисини тез-тез артар, қалбида ҳаяжон билан мактаб остонасига қадам қўйганди. Қўлидаги турфа ранг нафис гуллар дунёнинг бор жозибасини, анвойи бўйлар тароватини ўзида мужассам қилгандек, Умиднинг нигоҳларини ўғирлаб олар, у беихтиёр қўлидаги гулдастага тез-тез қараб қўярди. Умидни ўзига жалб қилган яна бир нарса стол устида турар, кимлар учундир оддий матоҳ бўлган бу нарса Умид учун мўъжиза каби эди. Қўнғироқ оддий мисдан ясалган бўлишига қарамай, Умидни ўзига жалб қилар ва унинг кўзига ғаройиб ҳам гўзал бўлиб кўринарди.

Умид синф хонасига кирди. Синф доскасида катта қилиб қўнғироқ сурати чизилиб турарди.

– Қани, ким шундай қилиб чиза олади? Хоҳловчилар борми? – деди устоз ларга қараб.

Ўқувчилар бирин-кетин бўрни олиб чиза бошладилар. Аммо, ҳеч бири бунинг уддасидан чиқа олмади. Доскада эса қинғир-қийшиқ тасвирлар пайдо бўлди, холос. Устоз уларни ўчириб ташлади-да:

– Қани, Умиджон, сен ҳам бир уришиб кўр-чи, – деди.

Умиднинг юраги тез-тез урар, ҳаяжондан қўллари титрарди. Аммо нигоҳини бир нуқтага тикканича бўрни қўлига олиб, доска юзаси бўйлаб ҳаракатлантди. У шошмас, тўхтаб, узоқ тикилар ва узук-юлуқ чизиқлар торгарди. Устоз бу ҳолни кўриб ҳайрон бўлиб қолди. Умидни чалғитмаслик учун секингина стулга ўтириб олди-да, нима қилишини кузатди.

Умид узук чизиқларни бир-бирига бирлаштираркан, доскада ажойиб қўнғироқ шакли пайдо бўлди. У қўнғироқ расмини чизиб бўлди-ю, яна чизиқлар чиза бошлади. Қўнғироқнинг бир томонида сояси пайдо бўлди. Устоз эса таажжубда эди. Умиднинг мактабга келган куниёқ ижоди олам юзини кўрди. Аммо илож қанча! Устоз қўлига матоҳ олди-да, бу суратни ўчириб ташлади. Умиднинг кўзи ўнгида артилган доска ялтираб турарди.

Дарсдан сўнг у уйга келди-ю, тушлик ҳам қилмасдан расм дафтарига қўнғироқ суратини чизиб қўйди.

Умид кўм-кўк осмонни, қуёш ва ойни, юлдузлар, булут, камалак, ёмғирни, дарахтлару майсалар, жониворларни... қўйингки, бутун борликни қандай бўлса, шундайлигича яхши кўрарди. Табиат гўзаллигидан завқланар, ёмғирдан сўнг пайдо бўлган камалакнинг турфа ранг жилосидан бир мўъжиза ахтарарди. Бу мўъжиза дунёнинг энг катта сири бўлиб кўринар, уни ушлаб бўлмаслиги, унга етиб ҳам бўлмаслигини биларди. Умид бирор манзарага кўзларини катта-катта очиб қарар, сўнгра секин



ярим юмган ҳолда тикилар, киприклари орасидан элас-элас кўринишларини қайта-қайта такрорларди. У ҳатто куёшга ҳам тикиларди. Бошида кўзни қамаштиради ва ёш оқади. Кейин сап-сарик, думалоқ бўлиб кўринади. Айлана иккита бўлиб қўшилиб турганга ўхшайди-ю кўкимтироқ тусга киради. Умид кўзларини юмиб олади. Шунда куёш олдин сарик, кейин қизил, ундан кейин эса қора доғ ҳосил қилади-да, йўқолади. Лекин кўзни юмган ҳолатда ҳам ёруғлик сезилиб туради. Умид кўзларини очмай ҳам нарсаларни фарқлай олар, қандай шаклдалигига эътибор қаратар, юмшоқ ёки каттиқлигига аҳамият берар ва қўли билан унинг нима эканлигини билиб оларди. У биринчи синфдалигидаёқ чизган суратларида табиат уйғунлиги, борлиқнинг ўзаро боғлиқлигини акс эттирарди. Унинг сурат чизишга иштиёқини уйғотган кўнғироқни ҳар хил суратларда турлича ифодалашга уринар ва ҳаёлида: “Қанийди, шу жарангдор товушни ҳам чизишнинг иложи бўлса!” – дея ўйлаб қоларди. Кўнғироқ садоси билан юрагининг ҳаяжон билан уриши бир-бирига уйғунлашиб кетганди. Бу ҳол унинг ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолди.

Умид мактабда энг маҳоратли мусаввир сифатида танилган, ҳамма унга ҳавас қиларди. Бир куни у туманда бўлиб ўтган “Ёш рассомлар” анжуманида қатнашди. Анжуманда биринчи синф ўқувчиларидан тортиб, саккизинчи синф ўқувчиларигача иштирок қилишди. Умид бироз ҳаяжонланди. Қулоқларига кўнғироқ садоси эшитилгандек бўлди. Сурат “Ватан” мавзусида чизилиши маълум бўлганидан сўнг ҳамма лар ўз дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда сурат чиза бошладилар. Кимдир мовий осмон, шаҳарлар, иншоотлар, яна кимдир умумхалқ байрамини ифода қилган, яна қатор-қатор уйлар, хуллас, мавзу ҳар бир суратда турлича талқин қилинган эди. лар суратларининг деярли ярмини чизиб битказишганида Умид ҳали оппоқ саҳифага тикилиб турарди. Умиднинг кўзи ўнгида ўзи туғилиб ўсган дунё ва табиатнинг гўзал тасвирлари намоён бўлди. Деразадан кўриниб турган тоғлар, мовий осмон, булутлар, камалак, яйлов, қўйлар суруви, сурувдан сал нарида оқ ит ва Умиднинг ота-онаси, янги туғилган кўзичок, кўзичок бўйнида эса кўнғироқча. Кўм-кўк само бўйлаб чиққан камалакка қараб югуриб бораётган Умид. Қўлларини баланд чўзганича орзулари осмон қадар юксак, оёқлари остидаги кўм-кўк майсалар эса Умидни бағрида эркалаётгандек эди....

Умид суратни чизиб тамомлар экан, остига “Ватан” деб ёзиб қўйди.

Ҳайъат аъзолари бу суратни кўздан кечирар экан, Умидни саволга тутдилар. Тўладан келган, паст бўйли, семизгина аёл:

– Хўш, бунинг нимаси Ватан? – деди.

– Мана бу мен туғилиб ўсган уйнинг деразаси, яъни, менинг хонамдан ушбу манзара кўриниб туради. Бу – менинг Ватаним! Мовий осмон. У тиниқ ва осойишта. Камалак – бу мўъжизалар яширинган сир. Биз унга интиламиз. Дунёни турлича кўришни истаймиз. Сирларини билишни, уни очишни истаймиз, юксаламиз. Қанча сирларни билишни истасак, дунёни шунчалик ўргана борамиз. Мана бу кўзичок – дунёга кўз очиш, янгилик, яшаш ва тириклик тимсоли. Бўйнидаги кўнғироқ эса ҳаётга чорлов. Қўйлар суруви эса Ватанимизда жонзотлар яшаши учун қулай шароит мавжудлиги ва уларнинг кўплиги. Ота-онам эса дунёни авайлаб, севиш, олам қандай бўлса, шундайлигича қабул қилган Меҳр тимсоли. Мен эса Умидман. Қўлимни баланд чўзиб, мана шу Ватаннинг кўксидан орзу сари учмоқчи

бўлиб югуриб боряпман. Вафодор оқ ит эса садоқат рамзи. Мен бу суратга “Ватан” деб ном бердим. Мен ҳамма борлиқ ва мавжудликни севаман! Ахир бу – менинг Ватаним-ку!

– Сенга буни ким ўргатган? – деб сўради новчадан келган, кўзойнак таққан киши.

– Ҳеч ким ўргатмаган. Мен буларни эшитаман, – деди Умид.

– Эшитармиш. Кимни алдаётирсан, нимани эшитасан? – сўради халиги семизгина аёл.

– Аввал эшитаман, кейин кўра бошлайман, ундан кейин қўлларим ишора қилади. Қўлларимни нигоҳларим орқали ҳаракатга келтираман. Ҳамма ишни нигоҳларим орқали бошқараман.

– Мазах қияпсанми? Ўзга сайёралик эмасмисан? – кулди семиз аёл.

Гулдурос кулги кўтарилди. Беихтиёр Умиднинг кўзларига ёш қалқди. Ахир, у тўғри гапиряпти-ку, нега ишонишмайди?! Умиднинг юраги каттиқ-каттиқ, гурсиллаб ургандек, кулоқларига кўнғироқнинг овози узоқ-узоқлардан элас-элас эшитилаётгандек, кўнглида бир маҳзунлик уйғонди.

Ҳайъат аъзолари суратни безътиборлик билан четга суриб кўйишди. Бу “Нолойиқ” дегани эди. Умид суратга яна бир бор тикилди. Бўйнига кўнғироқ осган кўзичоқ энди ҳаётдан шод эмасдек, маънос тортиб қолгандек кўринди. Аммо Умидга ички бир овоз далда бераётгандек эди. Умид биринчи бор ҳаётда кўзга кўринмас қаршилиқлар борлигини қалби билан ҳис қилди. Йиғлаётган кўзлари, киприклари орасида у рангларни кўрар, камалак ранглари кўз ёшларига уйғун акс этаётгандек эди...

Орадан йиллар ўтиб, Умид ўн олти ёшга тўлган ўсмир йигит бўлди. У кўлида бўёқлар билан бир сурат устида ишламоқда. У танлов учун тайёргарлик кўрмоқда. Ички бир овоз уни курашга чорлар, қалбининг бир чеккасида эса қандайдир кўрқув ҳам бор эди. Умид ўзи чизган суратларга гоҳ узоқдан, гоҳ яқиндан синчковлик билан қарар, “Композиция яхши, ранг танлашда диққатли бўлишим шарт!”, дея ўзига ўзи уқтирарди. “Ғолиб бўлишим, учун шунга яраша ҳаракат қилишим керак!”, дея ўз олдига мақсад кўйганди.

Танлов эркин мавзуда эди. Ёш рассомлар ўз суратларини ҳайъат аъзоларига тақдим қилишди. Бу суратлар ичида энг чиройли, энг ажабланарли сурат ҳам бор эди. Бу сурат инсон кўли билан яратилганига ишониш қийин. Усталик билан чизилган суратда шундай тасвирлар бор эди. Осмон, булутлар, тоғлар, қоялар, кушлар галаси, пастроқда дарахтлар, ўсимликлар билан қопланган далалар.. ва катта чинор дарахти бўлиб, ҳар битта шохлари аниқ ва равшан тасвирланган. Янги чиққан новдада кўнғироқ тасвири. Чинор танаси ғадир-будир чизиклардан иборат. Дарахт остида ёввойи ўтлар сарғайган, аммо улар орасидаги кип-қизил гул баҳордаги сингари очилиб турар, гўё у суратда матонат тимсолини намоён этиб тургандек эди. Йилнинг тўрт фаслини ичига олган бу суратни тўртга бўлишнинг иложи йўқ эди. Инсон кўнгли шуни англар, беихтиёр “Ҳа, бу – Ҳаёт!” деб юборгиси келарди.

Ҳайъат аъзолари бу суратни “Ҳаётга чорлов” деб номладилар. Бу нафис ва жозиб манзарага тикилганда гўё енгил шабада эсаётгандек, ва шабада тиниб, тонгнинг бемисл мавариди шабнам майсалар юзига кўнғандек, кўнғироқ эса ҳаёт ҳақида сўзлаб, кўнглини Умид эркига бериб чорлаётгандек...

Умид танловда ғолиб бўлди. У йиғлади. Ўз қўллари, қалби унга ғолибликни тухфа қилганидан, ҳаётидан мамнунлигидан севиниб йиғлади.

Умид чизган суратлар газета ва журналларда чоп қилинарди. Буни кўрган Нусрат ака ўзида йўқ қувонган. Раъно опа кўнглида Умидни олийгоҳда ўқитишни ният қилиб қўйди. У ўғлининг ишларини кўраркан, кўнглида “Шундай ўғилни ато қилган Тангримга шукур!” деб шукроналар қилар, “Илоҳим, кўз тегмасин. Ёмон кўзлардан Ўзинг асра!”, дея шивирлаб кўярди.

Умиднинг мухлислари кўпайиб борар, кўрғазмалари ташкил қилинар, бунда энг зўр рассомлар томонидан Умид чизган суратлар сараланиб олинарди. Танловларнинг “Энг яхши рассом” номинациясида Умиднинг “Нигоҳ” номли сурати олий ўринга муносиб деб баҳоланди. Суратда кўзлар шундай акс этганди: куюқ киприклар билан қуршалган кўз. Ғаройиб нигоҳ. Тим қора қорачиқлар ва унда нур каби камалак ранги жилоланиб турарди. Кўзлар эса қараётган ҳар бир нигоҳга маъноли тикилиб тургандек, яна маҳзунлик ва умид билан боқаётгандек... ҳатто киприклар устидаги билинар-билинемас шаффоф томчи камалакка уйғун эди. Яъни ёмғир ва камалак кўз қорачиқларида акс этганди. Умиднинг маҳорати шунда эдики, кўзларда ҳаётнинг турфа ранглари, инсоннинг турфа туйғулари акс этганди. Умид шу суратни чизаётиб, руҳиятида бир хижиллик сезганди. Негадир кўзлари толиб қолар, оғрир, шунда ҳам парво қилмасдан, сурат устида эринмасдан, ухламасдан ишларди. Суратни чизиб битказганида эса бошида қаттиқ оғриқни сезди. Бир ойдирки, боши қаттиқ оғрир ва кўзлари хира тортиб борарди. У кўзларини юмиб олар, бир неча дақиқа шу ҳолатни такрорлар эди.

Нусрат ака Умидни шифокорга кўрсатди. Шифокорлар бу ҳолат кўзда эмас, бошнинг мия қисмида эканлигини айтишди. Бу ниманинг аломати эканлиги жумбоқ эди. Аниқлай олмадилар.

– Шифосиз дард эканми? – деди Раъно опа кўзёшларини тўхтата олмай. Ич-ичидан “Ўғлимни ёшгина ҳолида ожиз қилиб қўйма, Худойим! Дардини берган Ўзинг, шифосини ҳам бергин!”, дея Оллоҳга ёлворарди. Нусрат ака ҳам маънос тортиб қолган, яқкаю ёлғиз ўғлининг аҳволига қараб, кун сайин сикилар, озиб, сочларига ҳам оқ оралаб қолганди. Умиднинг кўзларини нур тарк этгани сари унда ички бир сезиш қобилияти кучайиб бораётганини ҳис қилар, қўлига қалам олиб, сўнгги лаҳзаларда ҳам сурат чизиб қолишга ҳаракат қиларди. Кун, ойлар ўтгани сари ота-она қайғуси ортар, аммо бутунлай ожиз бўлиб қолган Умид дунёга шундай ишонч билан боқар эдики, бу ҳолат унинг сўзларидан сезилиб турарди.

Бир куни Нусрат ака ишдан келди-ю, Умиднинг хонасига мўралади ва юзларига табассум югурди. Шу тобда у ўғлини бағрига босгиси, юзларидан ўпиб олгиси келди. Умид янги ижоди қиррасини ошкор қилган, ўз ички кечинмалари ва чизишга улгурмаган суратларини сўзлар орқали “чизаётган” эди. У шундай аниқ ва равшан қилиб тасвишлаб гапираркан, эшитган инсон қалбан кўз ўнгида гўзал манзарани кўра оларди. Чиройли ва бетакрор суратларни ўз сўзлари орқали инсонлар қалбига гўзал мисралар билан етказа олишига ишонган Умид ижод қила бошлади. Умид ҳикояларини сўзлар экан, чиройли ва бадиий мукамал асарлар ярата бошлади. Унинг ҳикояларида Ҳаёт акс этарди. Бутун борлиқ, истеъдод, ишонч, матонат ва яшашга даъват барқ уриб турарди. У ўзининг бутун ҳаётини асарларида акс

эттирарди. Ўз ҳаётининг маънос ва маҳзун, шодлигу бахтли дамлари чиройли бадий ифодасини топарди. Тенгдошлари ва дўстлари Умидни йўқлаб келишар, узоқ суҳбатлар орасида Умиднинг ижодидан ҳам тинглашарди.

Бир пайтлар гўзал суратлар, нафис ранг-тасвирларни маҳорат билан чизган бу йигит, кун келиб Нусрат аканинг “Ўғлим, бир куни машҳур одам бўласан. Балки ёзувчи, балки рассом”, дея Умидни қўлига олиб айтган сўзларидан хабарсиз эди. Ота орзусини рўёбга чиқарганини ўзи ҳам билмасди.

Умиднинг ҳаётида янгилик содир бўлди. Бир пайтнинг ўзида расмлар кўрғазмаси ва ижодий учрашув ўтказиладиган бўлди. Умид бу кечага яхшигина тайёргарлик кўрди. Учрашув жараёни бошланди. Ҳар бир рассом ўз суратларини маҳорат билан тасвирлаб, саволларга жавоблар берардилар. Навбат Умидга келди. Умид ўзининг бетакрор суратлари ҳақида гапирар экан, уларни мислсиз маҳорат билан тасвирлади. Гўёки бир жуссада икки жон яширингандек, рассом ва шоир маҳорати уйғунлашиб кетганди. Умид гапираркан, хона жим-жит эди. Фақат унинг овози хона бўйлаб янграрди. Ҳамма сукутда. Бу сукутни Умиднинг умид тўла қалби даричаларидан отилиб чиқаётган сўзлар бузарди, холос. Умид сўзини якунлади. Унга на савол беришди, на бирон сўз айтишди. Қанча нигоҳлар Умид чизган суратларга тикилганича қараб турарди. Умиднинг қулоғига қўнғироқ садоси эшитилгандек бўлди. Юраги қўнғироқ садоси билан ҳамоҳанг ураётгандек, биринчи синфдаги ҳолат рўй берди. Умид нимадир юз беришини сезди. Шу пайт таниш бир овоз унга савол берди:

– Илтимос қиламан, “Ватан” номли суратингни яна бир бор кўрсата оласанми?

Бу синиқ ва хижолатли овоз соҳибасини Умид таниди. Ўтмишга айланган илк анжумандаги ҳайъат аъзоларидан бири – ўша семиз аёлнинг овози эди.

– Уни кўрсата олмайман. Аммо сўзлар орқали чизиб бераман, – деди Умид ва тасвирлаб берди.

– Ўғлим, аслида ўшандаёқ сенинг “Ватан”инг энг олий ўринни эгаллаб турганди. Ундаги беғуборлик, самимийлик, умид, орзу ва ҳаётга ташналик... бари-бари меҳр билан ҳаётга чорлов бўлиб, бундай суратни ҳеч қачон кўрган эмасман. Ўшанда “Нигоҳларим билан чизаман”, деганинда тушунмаган эканман. Бугун эса қалбинг билан чизяпсан. Орадан шунча йил ўтса-да, виждон азобидаман. Энг гўзал, нафис ва бетакрор, ноёб дурдона асар – сенинг ликда чизган суратинг “Ватан” деб биламан. Бугун сен очик ва тиниқ қалбинг билан қалб кўзимни очдинг. Узр сўрайман. Қўнғироқ эса асарнинг энг етук чўққиси – ҳаётга чорловдир.

Йиллар давомида Умиднинг қулоқлари остида жаранглаб келган қўнғироқ садоси уни ҳаётга чорлаб турар, яхшию ёмон кунларида унга далда бўларди. Рухиятига муҳрланиб қолиб, юрагига ҳамоҳанг бир сир бўлганлигини биларди. Шу сабаб ҳар бир суратда қўнғироқ тасвирлари бор эди.

Умид мўъжизага ишонарди. “Кўзим очилади”, дерди ўзига ўзи. Унинг қалбида шундай қатъий ишонч бор эди. Чунки у камалакни кўришни истарди. “Дунёнинг еттита мўъжизаси! У кўзларимда жо бўлган. Уни албатта кўраман. Олам ва инсон бир-бирига боғланиб яшайди. Демак, қалб билан истак ҳам бирга. Қулоқларим остида жаранглаётган қўнғироқ садоси бунга ишонтирмоқда!”, деди ўзига ўзи ва аста юра бошлади. Бу пайтда залда

одамлар сийраклашиб қолганди. Ҳамма суратлар билан овора бўлган бир пайтда Умид нимагадир қоқилди. Боши айланиб, юраги безовталанди. Бехосдан ерга йиқилди. Кўз ўнгида “ярк” этиб чакноқ ёруғлик пайдо бўлдию яна зулмат эгаллаб олди. Боши ерга қаттиқ теккани сабаб, бошини кўтара олмади. Оғрик кучлилигидан у ҳушидан кетди.

Умид ўзига келганида “Қаттиқ ухладимми?”, дея ўйлади. Боши қаттиқ оғрир, вужуди қизиб, ўзини оғир ҳис қиларди. Кўзларини очолмас, қовоқлари оғирлик қилаётгандек эди.

Нусрат ака ва Раъно опаларнинг ёнида эканидан беҳабар Умид “Отанамнинг овози эшитиляпти шекилли”, деб ўйлади. Негадир йиғлагиси, бақириб дод солгиси келди. Ҳеч қачон ҳаётда енгилмаган Умиднинг сабри тугади, дунё кўзига тор кўринди. Умиднинг юмуқ кўзлари ёшланди. Киприклари намланиб, ёш оқа бошлади.

– Ўғлим ўзига келди! Худога шукур, – деди Раъно опа.

Умид ўзини онасининг бағрига отгиси келдию, кўзларини ярим очган ҳолда овоз келган тарафга ўгирилди. Кўз ўнгида сарик, яшил, қизил, бинафша ранглар намоён бўлди. Кўзларини аста очаркан, бу ранглар бир-бирига бирлашиб кетдию шифтда осилиб турган қандил ичидаги лампага нигоҳи тушди. Умиднинг юзида табассум пайдо бўлди.

У Умид! Умид! Умид! – дея такрор ва такрор айтар, унинг бу ҳолатидан беҳабар ота-она ўғлининг дард устига яна дард орттириб олди деб ўйлаб кўз ёш тўкардилар.

Умиднинг лаблари қимирлади ва шундай деди:

– Умид, кўряпсанми дунёнинг рангини? У қалбинг ранги, сенинг рангинг! Эшитяпсанми дунёнинг овозини? У сенинг овозинг, сенинг юрагинг! Кўнғироқ бўлиб ҳаётга чорламоқда!

Умиднинг кўзлари қорачиқларида камалак ранглари акс этар ва бир томчи шудринг кўриниб турарди.

2014 йил. Янгибозор.



JAHON MADANIYATI VA SAN'ATI

Муҳаббат ТўЛАХЎЖАЕВА

КУЛГИ ОРТИДАГИ ДАРД

ёхуд режиссёр Олимжон Салимов ижодига чизгилар

Таниқли театр режиссёри, Ўзбекистон Санъат арбоби Олимжон Салимов етмиш ёшни қаршилади. Бутун онгли ҳаётини сахна санъати, унинг бугунию истиқболига бағишлаган санъаткор доимо халқимиз ва маданий жамоатчилик эътирофида. Олимжон акани яқиндан кўрган-таниганлар яхши билади: у камтар, хокисор, оддий ва самимий инсон. Аммо ўз соҳасининг ҳақиқий билимдони, кенг тасаввурга эга ижодкор. Айни пайтда театрни бутун вужуди, борлиғи билан севади, бор дунёси, қувончу қайғусини шу ерда кўради ва фақат театрдагина ўзини руҳан хотиржам сезади. Режиссёр кундалигидаги қайдлар ҳам фикримизни қувватлайди: “Театр – бу жуда қизиқ, жуда содда ва жуда мураккаб организм. Азалдан театрнинг заҳматини тортиб, ўзини бахшида қилган кишилар уни катта оилага ўхшатганлар. Бу оилада ҳамма бир-бирини жуда яхши билади. Ҳамма ҳамма тўғрисида ҳамма нарсани билади. Лекин ҳамма ўзини ҳеч нарса билмайдигандек тутади”.

Дарвоқе, Олимжон Салимов “Жаҳон адабиёти” журналининг доимий ўқувчиси ва фаол тарғиботчиларидан бири. Журналимизнинг 20 йиллиги муносабати билан водий бўйлаб ўтказилган ижодий учрашувларда Олимжон ака ҳам иштирок этиб, тadbирларга ўзгача файзу шуқуҳ бағишлади, китобхонлик, журналхонлик ҳақидаги мулоҳазаларини ёниб-куйиб сўзлаб берди. Журнал таҳририяти ҳам атоқли режиссёримизни қутлуғ ёши билан табриклаб, тўйхат сифатида театршунос олима Муҳаббат Тўлахўжаеванинг мақоласини тақдим этади.

Таҳририятдан

Ҳозирги замон ўзбек театрининг қиёфаси ҳақида мулоҳаза юритар эканмиз, энг аввало, жаҳон театр санъатининг ўзбек сахна маданияти, хусусан, режиссурага таъсири, шу орқали янги мавзулар, шакллар, ифода воситаларининг кашф этилиши ҳақида гапирмоқ жоиз. Ўзбек театр санъатида дунё режиссурасининг илғор анъаналари руҳида ижод қилаётган режиссёрлар йўқ эмас. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Санъат арбоби, Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати, “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳиби Олимжон Салимов ана шундай режиссёрлар сирасига киради.

Олимжон Салимов режиссура соҳасига хийла кеч кириб келди. У Наманган вилоятининг Косонсой туманида, катта деҳқон оиласида туғилиб ўсган.

* Муҳаббат Тўлахўжаева – санъатшунослик фанлари доктори, профессор.

Олимжон болалигида расм чизишга ишқибоз бўлиб, Тошкентда ўқишни орзу қилади. Мактабни тугатгач, ўзининг пейзажлари, натюрмортлари, портретларини олади-да, “Қайдасан, Тошкент” деб йўлга тушади. Театр олийгоҳининг бадий куллиётида у дастлабки омадсизликка учрайди – Олимжоннинг ишлари синовларга бардош беролмади. Унга, аввал билим юртини тамомлаб, сўнг олийгоҳга ҳаракат қилиш лозимлигини айтишди.

У уйга мағлуб ҳолда қайтишни истамасди. Кимдир Салимовга

актёрлик бўлимига ҳужжат топширишни маслаҳат берди, аммо бу ерда ҳам ишлари юришмади. Сўнгра бўлажак режиссёр Муқимий номидаги театрда саҳна ишчиси бўлиб ишга келди. Бир йил ўтиб, у барибир театр олийгоҳининг актёрлик курсига ўқишга киради. Олий ўқув юртини тамомлагач, Қўқон театрида роль



ўйнашни бошлаб юборади. Салимовнинг ўзи эътироф этишича, ушбу театрда унга режиссёр етишмасди. Олимжон театр саҳнасида кўплаб жиддий ролларни ижро этади, аммо аксарият ҳолларда ўйнаган ролларидан кўнгли тўлмас, шу боис кўпинча постановкачи режиссёрлар билан баҳслашиб қолар, уларнинг спектаклларини аямай танқид қиларди. Охири унга роль бермай кўйишди ва у режиссёр бўлишга азму қарор қилди.

Ниҳоят унга илк бор омад кулиб боқди. Олимжон театр олийгоҳининг драма режиссёрлиги бўлимида сиртдан ўқиди. Курсга таниқли режиссёр, мўътабар ёшдаги мураббий Иосиф Радун раҳбарлик қиларди. Биринчи мустақил ишини у талабалик чоғи Қўқон театрида саҳналаштирди. Александр Вампилов пьесаси асосида “Қишлоқ хангомалари” номли диплом спектаклини ҳам шу театрда саҳнага кўйди.

1984 йили Олимжон Салимов Фарғона мусиқали драма театрига постановкачи режиссёр бўлиб ишга жойлашади. Кўп ўтмай у шу театрда раҳбар этиб тайинланади. Фақат репертуарнигини эмас, балки спектаклнинг бадий яхлитлиги, бадий ва ғоявий мазмун-мундарижасини аниқлаш ҳамда шу асосда муайян ижодий вазифаларни белгилаш бўйича мураккаб ва машаққатли иш бошланиб кетди. Режиссёр ижодида аҳамияти муҳим, айтиш мумкинки, энг долзарб масала кўндаланг турарди – актёрларнинг образ устида кунт ва сабот ила иш олиб бориш масаласини узил-кесил ҳал этиш!

Истеъдодли режиссёр Олимжон Салимов ижодининг ўзига хос, бошқалардан фарқ қилувчи жиҳати – каттаю кичик ҳар бир ишга сабр-тоқат ва кучли иштиёқ билан ёндашишдир. У спектаклларини мавжуд шароитдан келиб чиқиб саҳналаштирмайди, балки “ўз” пьесасини узоқ вақт кидиради.

Драматург Шароф Бошбековнинг “Темир хотин” трагикомедияси муаллиф кўтариб чиққан муаммоларининг ўткирлиги билан уни ўзига тортди. Режиссёрнинг таъкидлашича, мана шу пьеса шарофати билан гапириш ман этилган нарсаларни сахнада айтиш мумкин эди. Томошабин оддий тракторчи, катта ва бечорахол оила бошлиғининг омадсиз тақдири ҳақидаги мунгли комедияни кўрди – у ҳар қандай орзу рўёбга чиқишига ишонади. Асар қаҳрамони Кўчқор омадсиз ва пала-партиш ҳаёт кечиради, ўзининг бахтли бўлишига кўзида ёш билан кулади. Унинг оққўнгил, соддадил ва боёвгина ҳаёти ана шундай кулгили ва қайғули ҳолатлар қоришмасини ўзида мужассам этган.

Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида театр танқидчилари О.Салимовнинг ушбу спектаклини кескин муҳокама қилди. Спектакль Бишкекдаги “Наврўз–89” минтақавий фестивалида томошабинлар томонидан қизгин кутиб олинди, яқунда Гран-При мукофотига сазовор бўлди. Ҳали унчалик номи чиқмаган режиссёр театр кўригида бирданига қаҳрамонга айланди, унинг спектакли эса ўша давр учун долзарб бўлган муаммони ёрқин ифода этди.

Бишкекдаги театр фестивалида “Темир хотин” эришган муваффақият санъатда ўз ўрнини мустаҳкамлашга ҳаракат қилаётган жиддий режиссёр Олимжон Салимовнинг обрўсини кўтариб юборди. Энди олға қараб юриш учун йўл очилган эди. Ҳамза пьесаси бўйича сахналаштирилган “Тошкентга саёҳат” спектакли кўпчиликни хушёр торттириб қўйди. Услуби жихатидан мазкур томоша “Темир хотин”нинг мутлақо акси эди. Спектакль жанри “масхарабозлар томошаси” деб номланган бўлиб, унда ҳазил-мутойиба, кизиқчилик устуворлик қиларди. Аммо томошабин режиссёр ечимини тўғри қабул қилди, у оддий шаҳарлик одамнинг таниш, овсар бойни аҳмоқ қилиши устидан қотиб-қотиб кулади.

1993 йил Олимжон Салимовни пойтахтдаги Ёш томошабинлар театри бадий раҳбарлигига таклиф қилишди. Бироз ўйлаб кўргач у рози бўлди ва кўп ўтмай ўзининг азалий орзусини рўёбга чиқаришга киришди. Таниқли ўзбек адиби Тоғай Муроднинг икки қиссаси бўйича ишланган “От кишнаган оқшом” спектакли инсценировкаси учун анча вақт ва куч сарфлади. Бўлажак спектаклнинг талқини, услубини аниқлаш осон бўлмади. Бош роль ижросини топиш ҳам ўзига яраша муаммоларни келтириб чиқарди. Аммо барчаси изга тушгач, ажойиб спектакль дунёга келди – унда инсон ҳаётининг фожиали тарихи ўз ифодасини топди, инсоннинг табиат билан ўзаро мurosаси бузилиб, бир-бирига қарама-қарши ҳолатлар пайдо бўлгандаги салбий оқибатлар томошабинни чуқур ҳаяжонга солди.

Мазкур спектаклда Олимжон Салимов ташбеҳий-рамзийлик ва шартлилик йўлидан борди. Асарда инсонларнинг ўзаро муносабатларида мутаносибликларнинг йўқолиши муаммоси аниқ ифода этилади ва ор-номус, кадр-қиммат сингари энг оддий тушунчалар оёқости қилинган жаҳолат оламида бахт ҳақидаги неқбин орзуларнинг емирилиши мавзуси ёрқин аксини топади. Оддий, бахтиқаро инсон ҳақидаги фожиали кечинмаларга бой, қайғули ва ғамгин қиссани театр жамоаси бадииятга бой, кескин, романтик жанрда ҳал қилади.

Ф.Аминов ижросидаги спектакль қаҳрамони Зиёдулла бу – оққўнгил, содда-баёв, оддий одам, у инсонлар зулмига бардош беролмай, ўзбошимчалик ва сурбетлик олдида ожиз қолади. Ёмонликка бас келолмай, пировардида,

ҳаётни тарк кетади. Финал ҳам қайғули, аммо унда инсонлар қалбининг тозариши, покланишига умид сақланиб қолади.

Шунингдек, Олимжон Салимов Ғарбий Европа мумтоз драматургиясини ҳам эътибордан четда қолдирмади. У Мольернинг машҳур “Зўраки табиб” комедияси оҳанглирида “Учар табиб” спектаклини саҳналаштирди. Режиссёр яна майдон театри анъаналарига мурожаат қилади ва қувнок, истехзоли, турфа ҳаракатлар юзага келтиради, унда қаҳрамонлар тасодифий офатдан қутулиб қолган одамлар бўлиб улғаядилар. Шунини айтиш керакки, айнан мана шу спектаклда Салимов ўтган асрнинг 20-йилларида В.Тихонович асос солган анъаналарни давом эттирди, ўшанда у Ҳамза номидаги театрнинг бош режиссёри эди. К.Гольдонининг “Икки бойга бир малай”ини саҳналаштираётганида В.Тихонович актёрларга ўзбекча либос кийдирган, ўзбек уй-рўзғор анжомларидан фойдаланган, маҳаллий ҳаёт воқеаларини гавдалантирувчи интермедияларни спектаклга синдириб юборган эди.

2001 йилда Олимжон Салимов япон драматурги, театр назариётчиси Д.Киноситонинг “Турна патлари” пьесасига мурожаат қилди. Мазкур асарни муаллиф халқ афсоналари руҳида ёзган бўлиб, у Японияда илк бор 1949 йил саҳналаштирилади ва шундан кейин дунёнинг кўплаб театрларида саҳна юзини кўради. “Турна патлари” бугун ҳам жаҳон театрлари афишаларини безаб турибди.

“Турна патлари” – гўзал япон эртақларидан бири бўлиб, унда ярадор турнани сақлаб қолган инсон ҳақида ҳикоя қилинади. Турна бир думалаб соҳибжамол қизга айланиб қолади. Оққўнгил ва пок виждонли йигит қизни севиб қолади ва у билан оила куради. Бироқ қиз оқ ва қора кучлар мураса қилолмайдиган муҳит ҳукмрон, балойи нафс йўлида одамлар бир-бирини “гўштини еяётган” жойда яшашга тоқати чидамайди. Бундай дунёда бахтли бўлиш мумкин эмас, деб ўйлайди-да, қиз севган йигитидан ҳам, бахтини тополмаган ёруғ дунёдан ҳам бирваракайига воз кечади.

Ниҳоятда мунгли эртақ, аммо режиссёр хулоса чиқариш имконини томошабиннинг ўзига қолдиради. Режиссёр спектакль услубини безакларда, сценографик ечимда ифодалайди, қаҳрамонлар учун япон миллий либосларидан фойдаланади ва буни актёрларнинг ишончли, моҳирона ижроси билан уйғунлаштириб юборади, натижада шонли, жўшқин, ҳиссиётга тўлиб-тошган, тўлақонли рамзлар вужудга келади.

Ўзбек Миллий академик драма театри саҳнасида О.Салимов турли йилларда Саид Аҳмаднинг “Уфқ” романи, Абдулла Ориповнинг “Соҳибқирон Темур”, Винна Дельмарнинг “Омон бўлгин, азизим” асарлари асосида спектакллар саҳналаштирди.

1996 йили Ҳамза номидаги (ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театри) театрда Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Ориповнинг “Соҳибқирон Темур” пьесаси асосидаги постановкага О.Салимов бор кучгайратини сарфлади десак, хато бўлмайди. Режиссёр фикр-мушоҳадага бой спектакль яратиш йўлидан борди, унда буюк саркарда ва ҳукмдор Соҳибқирон Амир Темурнинг фожиали воқеаларга бой, мураккаб тақдири бадий тусда гавдалантирилди.

Бундан бир неча йил муқаддам Олимжон Салимов Ўзбек Миллий академик драма театрида “Омон бўлгин, азизим” (Вина Дельмар) спектаклини саҳналаштирди.

Хамза (ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театри) театрида эса 1977 йилдан “Ғариблар” номи остида сахнага қўйилганди. Афсонавий актёрлар Сора Эшонтўраева ва Наби Раҳимов яратган образлар ҳали-ҳануз улуғ ёшдаги театр ихлосмандлари қалбини ҳаяжонга солади.

Мазкур пьесага ёндашар экан, О.Салимов ўз спектаклига бошқача ном қўйди: “Омон бўлгин, азизим”. Бу билан режиссёр драматургия манбасини ёлғизликка маҳкум этилган кекса ёшдаги одамлар фожиасини очиб бериш миссиясида талқин этмайди. У бутун фикру зикрини қаҳрамонлар ботини, уларнинг руҳий изтироблари ва ниҳоят, ҳар қандай қийинчилик, майший биқиқликка қарамай, бир-бирига бўлган муҳаббатини йиллар оша омон-эсон сақлаб келаётган икки улуғ одамнинг борлиқ дунёсини ифодалашга ҳаракат қилади.

Режиссёр пьесанинг асосий ғоясини имкон қадар чуқурроқ, аниқроқ ифодалашга, унинг бугунги ижтимоий ҳаёт, давр учун нечоғлик зарур эканини кўрсатишга ҳаракат қилади.

Мустақиллик йиллари ўзбек театрида театр маданиятларининг ўзаро ҳамкорлик жараёни кучайди. Репертуар манбаларининг кенгайгани, сахна ижодкорларининг янги-янги воситалар устида изланишлар олиб бораётгани фикримизни тасдиқлайди. Бу ўринда рамзийлик ва шартлиликка қурилган театрни ҳам, рақс ва нафосат театрининг жўшқин бадииятини ҳам кўриш мумкин. Бу жиҳат яна театримиз режиссёрларининг Ғарбий Европа мумтоз драматургиясига мурожаатида ҳам кўзга ташланмоқда.

Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси саъй-ҳаракатлари ва кўмаги билан Тошкент театрлари сахналарида итальян драматургияси асосида сахналаштирилган томошалар пайдо бўлди. К.Гольдонининг “Икки бойга бир малай” ва “Меҳмонхона бекаси”, Н.Макиавеллининг “Мандрагора” асарлари Ўзбекистон давлат рус академик драма театрида, К.Гоццининг “Маликаи Турандот”и Ўзбекистон Ёшлар театрида сахналаштирилди. 2001-2002 йилги мавсумда О.Салимов Респубика Ёш томошабинлар театри сахнасида К.Гоццининг эртак-пьесаси бўйича “Қирол оху” спектаклини сахналаштиради.

Режиссёр олдида ўз ечимини кутаётган икки муҳим вазифа турарди. Бир томондан, эртакнинг мантӣкий асосини иложи борича кескин ва долзарб шаклда очиб бериш, иккинчидан эса актёрлик ижросида театр ниқобининг маълуму машҳур усулига аниқроқ амал қилиш зарур эди. Сахналаштирувчи режиссёр театрнинг комедия дель арте услубига мурожаат қилади, ниқоблар табиати, унинг фавқулодда хусусиятларини ўзлаштиришга ҳаракат қилади. Шуни айтиш керакки, К.Гоццининг мазкур пьесаси ўзбек сахнасида ҳеч қачон қўйилмаган. Жаҳон театрлари сахналарида муттасил муваффақият ила ўйналиб келинаётган “Маликаи Турандот”дан фарқли ўлароқ унинг сахна қисмати турфа талқинларга бой эмас. Воқеалар ҳам жўшқинлик билан содир бўлмайди, аммо у эртакнинг тасодифий эврилишларни қандайдир фусункор муҳит билан ифодалаб беради. Қолаверса, унда Гоцци фақат бир мартагина дель арте театрининг тўрт машҳур ниқобидан бири бўлмиш Тартальяни фожиали шахсга айлантиради.

О.Салимов пьеса матни устида жиддий ва машаққатли иш олиб борди, уни “Икки мўъжиза” номи билан сахналаштиради ва спектакль жанрини “қайғули кулги” дея белгилади. Дарҳақиқат, спектаклдаги мутақаббир бош

вазир ва қирол Дерамонинг шахсий котиби Тартальянинг тақдири қайғули ва шу билан бирга кулгили ҳамдир. Унинг ҳаётдан кўзлаган мақсади ҳокимиятни қўлга киритиш, қиролнинг тан маҳрами, соҳибжамол ва ёш Анжеланинг юрагини зўравонлик йўли билан забт этишдир.

Лекин спектакль фақат шундангина иборат эмас. Ундаги асосий ғоя ҳокимиятга эга бўлиш хоҳишининг соф ва самимий муҳаббат қудрати, вафо ва ихлос кучи билан тўқнашувидир. Барча эртақларда бўлганидек якунда эзгулик ёвузлик устидан ғалаба қилади. Ва, албатта, ҳаммаси яхшилик билан тугайди, унда гўзал муҳаббат устун келади, қабоҳат эса мағлуб бўлади. Қирол Дерамо ва гўзал Анжеланинг қалблари яна туташади, Тарталья эса ҳалок бўлади. Бор гап шу. Бироқ ушбу спектаклнинг киши қалбини ўзига ром этувчи яна бир жиҳати мавжуд.

Авалло шуни айтиш ўринлики, эртақ сюжети оддий бўлиб кўрингани билан Гоццининг мазкур пьесаси ўзига яраша мураккаб асар. Бу сахна воситаларини танлашда, актёрларнинг ижро услубида яққол кўринади. Биргина шўх-шодон ва ишқий сахналар афсонавий манзаралар билан шундай уйғунлашиб кетадики, қирол Дерамонинг охуга, Тартальянинг қиролнинг ўзига айланиб қолишига ишонмасдан иложингиз қолмайди.

Карло Гоцци драматургиясига, дель-арте театри услубиятига мурожаат қилар экан, О.Салимов ўз олдига ғайриоддий вазифалар қўяди. Ботинан театр учун бу спектакль энг аввало актёрлар кучининг синови бўлиб хизмат қилган. Асосий натижалар эса кутилганидан ҳам аъло даражада бўлди. Режиссёрнинг актёрлар билан олиб борган машаққатли, пухта иши, унинг сабр-тоқат ва бир мақсадга йўналтирилган саъй-ҳаракатлари ўз самарасини берди. Шу билан бирга “Қирол оху” спектакли постановкаси О.Салимов ижодий фаолиятида режиссёрнинг янги-янги имкониятлари учун йўл очди. Мазкур спектакль режиссёрнинг ижодий новаторликка асосланган ноёб тажрибасини акс эттирди.

Режиссёр Олимжон Салимов босиб ўтган ижодий йўлга назар ташлар эканмиз, аввало, унинг янги ғоялар, мавзулар, янги ифода воситалари, янги сахна тилини қидириб топишдаги жасорати яққол кўзга ташланади. Ўзининг ижодий амалиётида режиссёр сахнанинг теша-тегмаган қонунларига амал қилади – драматургик ашёга ҳаққоний ва чуқур кириб боради ва шундан кейингина сахна кенглиги, актёрлар ижросига ўзининг тушунчаси, қарашлари, нигоҳи билан ёндашади. Ўйлаймизки, режиссёрни олдинда кўплаб ижодий ғоялар, ҳал этилмаган вазифалар кутиб турибдики, уларнинг амалий рўёби ўзбек театрини юксак парвозларга чорлаши аниқ.



ФАРҶОНАДА АДАБИЁТ КУНЛАРИ

Жорий йилнинг 3 август куни Президент Ш.Мирзиёев бир гуруҳ адабиёт, санъат ва маданият ходимлари билан учрашиб, соҳаларнинг ривожини, халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятига кенг қамровли таъсири, юртимиз номини дунёга танитишдаги аҳамияти хусусида атрофлича суҳбат ўтказди. Бу учрашув миллат маънавияти, маърифати тақдирига бефарқ бўлмаган кишининг руҳида кўтаринкилик, ғурур ва ифтихор туйғуларини тўлқинлантирди десак, хато бўлмас.

Учрашувдан кейинги маданий ва адабий тадбирлар юртимизнинг барча ҳудудларида юксак савияда ўтказилаётганлиги ҳам фикримиз исботи бўла олади. Очик мулоқотдан ҳеч қанча вақт ўтмай, яъни 8 – 10-август кунлари Фарғона вилоятида ўтказилган адабиёт кунлари маърифатга ошно кўнгилларни бирлаштирди. Анжуман ва тадбирларда юртимиз ва кўшни Қирғизистондан ташриф буюрган адабиёт, санъат ва маданият ходимлари иштирок этдилар.

8 август – адабиёт кунларининг биринчи куни – Қўқон шаҳри шоиру ёзувчилар, адабиётшунос олимлар ва санъат аҳли билан гавжум бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши, 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори



ижросини таъминлаш мақсадида ўзбек мумтоз адабиётининг йирик намо-
яндаси Умархон Амирий таваллудининг 230 йиллиги, Зиёвуддин Ҳазиний
таваллудининг 150 йиллиги, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор
таваллудининг 110 йиллиги, Йўлдош Сулаймон таваллудининг 80 йиллиги,
Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон таваллудининг 70 йиллиги му-
носабати билан пойтахтдан ва республикамизнинг турли вилоятларидан
келган меҳмонлар “Ўрда” мажмуига ташриф буюриб, “Китоб байрами”да
иштирок этдилар. Ёш ижодкорлар томонидан тайёрланган сахна кўриниши,
мушоира, мумтоз кўшиқлар уларга кўтаринки кайфият улашди.

Амирий ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий-ижодий анжуманни
вилоят ҳокими Ш.Ғаниев очди. Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммадали Аҳмедов, Ўзбекистон
Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ўзбек
мумтоз адабиёти бўлими бошлиғи, филология фанлари доктори Иброҳим
Ҳаққул, Тошкент давлат шарқшунослик институти профессори Боқижон
Тўхлиев, Ўзбекистон халқ шоири Энахон Сиддиқова, Кўкон давлат педа-
гогика институти доценти Зебо Қобилова ва бошқаларнинг Амирий ҳаёти
ва ижодига бағишланган маърузалари тингланди.

Шоирнинг таваллуд кунига муносиб тухфа сифатида 2 қисмдан иборат
шоир девони биринчи марта тўлиқ ҳолда чоп этилди. Уни нашрга тайёр-
лашда З.Қобилова ва О.Давлатовларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш
жоиз. Лирик турнинг ўнга яқин жанрларидан иборат мазкур девон янги
тадқиқотлар учун муҳим манба вазифасини ўташи шубҳасиз.

Театр жамоаси томонидан Амирий ва Нодира ҳаёти, шеърляти асосида
тайёрланган “Назм кўёши” номли спектакль томошаси анжуман иштирок-
чиларида катта таассурот қолдирди. Меҳмонлар Амирий ва Нодира дафн
этилган “Даҳмаи шоҳон”ни зиёрат қилдилар. Илмий-назарий анжуман
материаллари тўплам ҳолида чоп этилди. Анжуман адабиётшуносликдаги
янги йўналиш – амирийшуносликка қўйилган муҳим қадам бўлди.

Чиндан ҳам Умархон Амирий яшаб, ижод қилган даврда Кўкон ва
унинг атрофида кўплаб адабиёт ва санъат намояндалари етишиб чиқди.
Бу давр маданий ҳаётини Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро,
Заҳириддин Бобур каби илм-маърифатни қўллаб-қувватловчи ҳукмдорлар
салтанатига қиёслаш мумкин. Ўзбек адабиёти тарихида, айниқса, Ҳусайн
Бойқаро даври Алишер Навоий ва унинг атрофига бирлашган ижодкор-
лар туфайли ўзининг “олтин давр”ини бошдан кечирди. Умуман, бундай
жараёнлар жаҳон адабиётида ҳам кузатилади. Масалан, рус адабиётида
“олтин давр” XIX асрда, “кумуш давр” эса XIX аср охири XX аср бошла-
рида рўй берди. Рус адабиётининг “олтин давр”ида Н.В.Гогол, И. Бунин,
А.П.Чехов, И.С.Тургенев, Ф.М.Достоевский, Л.Н.Толстой сингари ижод-
корлар яшаган бўлса, “кумуш давр” Валерий Брюсов, Фёдор Сологуб,
Иннокентий Анненский, Александр Блок, Максимилиан Волошин, Андрей
Белый, Константин Бальмонт, Анна Ахматова, Николай Гумилёв, Марина
Цветаева, Вячеслав Иванов, Борис Пастернак, Георгий Иванов каби жаҳон
адабиётида ўз овозига эга шоир ва ёзувчиларни етиштириб берди.

Куннинг иккинчи ярмида меҳмонлар “Жомеъ” мажмуасида Абдулла
Қаҳҳор таваллудининг 110 йиллигига бағишланган илмий-ижодий анжу-
манда иштирок этдилар. Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо, адабиёт-
шунос олимлар Иброҳим Ҳаққул, Шухрат Ризаев, Отабек Жўрабоев ва

бошқаларнинг адибнинг ижод маҳорати, асарлари юзасидан билдирилган фикрлари, театр жамоасининг Абдулла Қаҳҳор асарлари асосида тайёрлаган сахна кўринишлари Кўкон ахлида фахр ва ифтихор туйғусини янада ўстириб юборди.

9 август – Адабиёт байрами Учкўприк тумани Кенагас қишлоғидаги Зиёвуддин Ҳазинийнинг макбараси зиёрати билан бошланди. Шоирнинг уй-музейида шеърят кечаси билан бошланган илмий-адабий анжуманни Энахон Сиддиқова олиб борди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо, адабиётшунослар Шухрат Ризаев, Отабек Жўрабоевлар Ҳазиний ижоди ҳақида қимматли фикрларни билдирдилар.

Кунинг иккинчи ярмида меҳмонларни Ўзбекистон туманининг Ойдинбулоқ қишлоғи ахли кутиб олишди. “Яхшиларнинг яхшиси” дея ном олган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ҳассос шоир ва драматург Йўлдош Сулаймон ҳаёти ва ижодига бағишланган ижодий анжуман ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Шоирнинг сеvimли шогирди Иқбол Мирзонинг устози ҳақидаги хотиралари, Шухрат Ризаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Ашурали Жўраев, Хулкар Ҳамроева, Отабек Жўрабоевларнинг драматург тўғрисидаги фикрлари, “Қалдирғоч” адабий тўғарагининг ижодий чиқишлари, шоир шеърларига басталанган куй-кўшиқлар адабий анжуманга файз бағишлади.

10 август куни Олтиариқ тумани марказий Маданият саройида Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон таваллудининг 70 йиллигига бағишланган адабий анжуман олиму шоирларнинг кутлови, шоир асарларига чизгилар олтиариқликларни янада руҳлантириб юборди. Ёш ижодкорларнинг шоирга бағишлов шеърлари, Анвар Обиджон шеърларига басталанган куй-кўшиқлар мароқ билан тингланди. Адабиёт байрамининг якуний қисми Ислом Каримов номидаги вилоят Театр-концерт саройида ўтказилиб, бу анжуман ҳам Анвар Обиджон таваллудига бағишланди.

Фарғонада ўтказилган уч кунлик Адабиёт байрами барчанинг кўнглида ўчмас из қолдирди.

*Мунисжон ҲАКИМОВ,
Ўз РФА Алишер Навоий номидаги
ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
институтининг илмий ходими*





ШАМСИРЎЙ ҲАСАНОВА: РАНГЛАРДАГИ ИШҚ САРГУЗАШТИ

Ўзбекистон тасвирий санъати тарихида Шамсирўй Ҳасанова биринчи ўзбек профессионал аёл рассоми сифатида эътироф этилади.

У 1917 йил Тошкент шаҳрида туғилган. Онаси – каштадўз, отаси эса ёғоч ўймакор ва ганчкор уста бўлган. Бўлажак мусаввира 1933 йили ўрта мактабни тугатиб, П.П.Беньков номидаги рассомлик билим юртига ўқишга киради. Мазкур даргоҳни 1938 йилда муваффақиятли тамомлаб, меҳнат фаолиятини Ўзбекистон давлат санъат музейида бошлайди. Шахсий қайдларида рассом шу музейни ўзи учун бутун ижоди давомида илоҳий мактаб бўлганини таъкидлаган. Музейда ишлаш жараёнида у нафақат миллий тасвирий санъат ва унинг намояндалари, балки жаҳон тасвирий санъати дурдоналари билан ҳам яқиндан танишади. Экскурсия олиб борувчи ходимдан музей директориғача бўлган лавозимларда ишлайди.

Айни чоғда Шамсирўй Ҳасанова Ўзбекистон халқ рассоми, маҳобатли рангасвир устаси Чингиз Аҳмаровнинг рафиқаси эди. 1950 йилнинг кузида улар турмуш қуришган.

Шамсирўй Ҳасанова тақдир тақозоси билан узоқ яшамади (1917-1956), бор-йўғи 39 ёшида бу ёруғ дунёни тарк этди.

Шамсирўй Ҳасанованинг тарихий сиймолар образи акс эттирилган машҳур асарлари бугунги кунда ўзи раҳбарлик қилган Ўзбекистон давлат санъат музейида сақланмоқда. Булар Зебуннисо, Нодира, Мутриба, Увайсий каби давлат арбоблари ва шоираларнинг тимсоли бўлиб, улар рассом тасаввурининг маҳсули ҳисобланади. Шу боис ҳеч иккиланмай, ушбу ижод намуналарини портрет жанрига мансуб десак, хато бўлмайди. Чунки, портрет – бирон кишига (моделга) қараб чизилади. Мусаввиранинг асарларини кузатар эканмиз, биронтаси тугалланмагандек таассурот уйғотади. Яратилган йили турлича бўлса-да, гўё бир вақтда чизилгандек...

1944-45 йилларда Шамсирўй Ҳасанова Нодира портретини яратади. Шу кезлари у мумтоз шоиранинг ижоди билан жиддий қизиққан эди. Портретда дастгоҳли рангасвир ва Шарқ миниатюрасининг илғор анъаналари уйғунлигини кўриш мумкин. Ушбу асар устида муаллиф узоқ изланишлар

олиб борди, қаҳрамонининг чехраси, шакл-шамойили, бош, қўл пластикасининг мукамал чиқиши учун кўплаб этюдлар, хوماки қораламалар чизди.

Шоиранинг сиймоси аниқ контур чизикларда берилиб, ўйноқи ранглар орқали Нодира лирикаси бор бўй-басти билан кўз олдимизда гавдаланади. Бир томондан бу усул портретдаги қаҳрамоннинг ички дунёсини очиб берса, иккинчи жиҳатдан асарга шарқона рух бағишлайди.

Зебуннисо портрети эса 1946 йилда яратилган. Унда шоира қиёфаси бошдан-оёқ табиат фониде тасвирланган. Бир қарашда бу иш бошқа маҳобатли (монументал) деворий сураг учун яратилган хумаки эскизга ҳам ўхшаб кетади. Фикримизча, асарнинг пластик ечимига Ш.Ҳасанованинг турмуш ўртоғи Чингиз Аҳмаров ижоди сезиларли таъсир кўрсатган. Чунки асар учун танланган бадий образ дастгоҳли картинадан кўра кўпроқ маҳобатли рангтасвирга хос. Чингиз Аҳмаров эса айнан маҳобатли рангтасвир устаси эди.

Зебуннисо портретида шоира бир қўлида қўлэзма тутиб, иккинчи қўлининг кўрсаткич бармоғини юзига яқинлаштириб, хаёлан йўлда давом этаётган ҳолатда тасвирланган. Тушунамизки, бу вариант шоира портретининг 1943 йилда яратилган аввалги талқинидан шаклан ва мазмунан ажралиб туради (биринчи портретда шоира бел қисмигача тасвирланган эди).

Юқоридаги портрет қаҳрамонлари турли даврларда яшаган бўлса-да, уларнинг барчасини тематик жиҳатдан ягона ип боғлаб туради. Бу – мардонавор Шарқ аёлининг маънавий озодлигидир.

Журналимиз муковасида акс этган Шамсирўй Ҳасанова автопортрети алоҳида эътирофга молик. Унда ижодор ўз чехрасини романтик руҳда тасвирлашга эришган ва одам анатомияси, академик қаламтасвир борасидаги билимларини кўрсата олган.

Портретнинг яна бир муҳим жиҳати – фигурани холст юзасига жуда кизиқарли жойлаштирилиши билан изоҳланади. Аёлнинг торси бир томонга қия қилиб, нигоҳи ён тарафга қаратилган. Рассом ён қисмдаги бўшлиқни бошқа рассомлар каби текис қолдириб, фазони кенгайтиришга ҳаракат қилмайди. Аксинча, фонни ҳали тугалланмаган картина билан тўлдиради. Бу билан тасвирланган чехранинг касб-кори ҳақида томошабинда муайян таассурот уйғонади.

Бу янги топилма билан Шамсирўй Ҳасанова портрет жанри табиатини ўзининг ижодий изланишлари билан бойитиб, соҳадаги мавжуд анъаналарни бир поғона юқорига кўтаради.

Бу йил биринчи ўзбек аёл мусаввираси Шамсирўй Ҳасанова таваллудига 100 тўлди. Ижодкор ўзининг қисқа умри давомида гўзал асарлар яратди, камтарона ижоди билан Ўзбекистон дастгоҳли рангтасвирига муносиб ҳисса қўшди. Санъаткор қолдирган бой маданий мерос ҳали узоқ йиллар санъат муҳибларини гўзалликка чорлаб, бадий ва эстетик дидини шакллантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

*Равшан ФАТҲУЛЛАЕВ,
санъатшунослик фанлари номзоди*



УЛАР ҲАМ ШУ ОЙДА ТУҒИЛГАНЛАР..

5 АВГУСТ

1844–1930 йиллар. Илья РЕПИН, Рус реализмининг энг ёрқин намояндаларидан бири, педагог ва публицист сифатида ҳам ном қозонган. “Бурлоқлар Волгада”, “Кутилмаган учрашув” ҳамда “Иван Грозний ва ўгли Иван” каби асарлари машхур. Гоголь, Тургенев, Толстой ва бошқаларнинг портретлари орқали Репин рус адабиётини улуғлаган.

1941–2013 йиллар. Ўткир ҲОШИМОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси. “Баҳор қайтмайди”, “Икки эшик ораси”, “Тушда кечган умрлар”, “Қалбингга қулоқ сол”, “Дунёнинг ишлари”, “Одамлар нима деркин...” каби қатор асарлар муаллифи. “Тўйлар муборак”, “Сиздан угина, биздан бугина”, “Қатағон” пьесалари Ўрта Осиё театрларида сахналаштирилган.

8 АВГУСТ

1937 йил. Дастин ХОФФМАН, “Тутси”, “Эпидемия” ҳамда “Капитан Крюк” фильмидаги роллари билан дунёга машхур. АҚШлик кино ва театр актёри, режиссёр ва продюсер. “Крамер Крамерга қарши” ва “Ёмғир одами” фильмидаги роллари учун Оскар мукофотини қўлга киритган. Бундан ташқари, 6 карра “Олтин Глобус” ва 3 карра ВАҒТА мукофоти совриндори бўлган.

10 АВГУСТ

1895–1958 йиллар. Михаил ЗОШЧЕНКО, драматург, ёзувчи, сценарийнавис ва таржимон, рус адабиётининг классикларидан ҳисобланади. “Қайтарилган ёшлик”, “Зангори китоб” каби асарлари билан машхур.

16 АВГУСТ

980–1037 йиллар. Абу Али Ибн СИНО, ўрта асрларда Марказий Осиё халқлари илм-фани ва маданиятини дунёда юксалтирган буюк мутафаккир. Европада Авиценна номи билан машхур, тиббиёт илмининг асосчиларидан бири. “Китоб ал-қонун фит-тиб” (Тиб қонунлари), “Китоб аш-шифо” асарлари жаҳон илм-фани ривожига катта ўрин тутган. Унинг фалсафа, табобат, ботаника, математика, мусиқа, кимё ва бошқа кўп соҳаларга оид 242 та дурдона асарлар яратгани маълум.

1934 йил. Пьер РИШАР, Франциялик кино актёри ва режиссёр “Қўғирчоқ” фильми ва яна кўплаб комедия жанридаги кинороллари орқали кўпчиликка маълум. Жумладан, унинг Жерар Депардьё билан бош ролни ижро этган “Омадсизлар” фильми рекорд даражада кассабоп бўлган. “Ошиқ ошпазнинг минг бир рецепти” картинасидаги роли учун Карлови Варида

Энг яхши эркак актёр мукофотини олган. “Менга Че ҳақида гапириб беринг” хужжатли фильми ва “Ҳардамхаёл” каби бидийий фильмларга режиссёрлик қилган.

25 АВГУСТ

1924–2009 йиллар. Павло ЗАГРЕБЕЛЬНЫЙ, атоқли украин адиби, Украина Қаҳрамони. Ижодкорнинг “Диво”, “Киевдаги ўлим” каби асарлари нафақат китобхонларга, балки тарихчиларга ҳам манзур. Усмонли турк султони Сулаймоннинг асли рус бўлган турмуш ўртоғи ҳақида ҳикоя қилувчи “Роксолана” асари кенг шуҳрат топган.

1930 йил. Георгий ДАНЕЛИЯ, “Мимино”, “Кузги марафон”, “Кин-дза-дза!” каби ажойиб фильмлари орқали танилган Россия режиссёри. “Ўттиз уч” номли ҳажвий фильм муаллифи. “Ритм” киностудиясининг бадий раҳбари. “Георгий Данелиянинг анъаналарни сақлаш ва янги кинони ривожлантириш фонди” президенти.

26 АВГУСТ

1870–1938 йиллар. Александр КУПРИН, атоқли рус ёзувчиси ва таржимони, “Олеся”, “Беллашув”, “Жарлик”, “Ёкуткўзли билагузук” каби ёрқин асарлари билан машҳур. Асарларининг аксарияти, айниқса дастлабкилари ҳарбий мавзуда. Шўролар инқилобидан кейин Францияда муҳожирликда яшаб, “Вақт ғилдираги”, “Юнкерлар”, “Жанета” каби яна қатор киссалар яратди.

27 АВГУСТ

1871–1945 йиллар. Теодор ДРАЙЗЕР, Америкалик ёзувчи ва жамоат арбоби. “Сармоядор”, “Титан”, “Даҳо”, “Америка фожиаси” асарлари муаллифи. 1930 йили адабиёт бўйича Нобель мукофотига номзоди қўйилган.

28 АВГУСТ

1749–1832 йиллар. И.В. ГЁТЕ, Олмониялик буюк шоир, файласуф ва драматург. Унинг “Ёш Вертернинг изтироблари”, “Фауст” асарлари дунё адабиётининг дурдоналари ҳисобланади. Гёте физика ва геологияга оид жиддий ишлар муаллифи ҳамдир. “Морфология” атамасини айнан Гёте яратган ва оммалаштирган. “Ёруғлик назариясига” асарида Гёте Исаак Ньютоннинг ёруғлик борасидаги қарашларига танқидий ёндашган. Бу асар ҳалигача илмий аҳамиятини йўқотган эмас. Адибнинг “Фауст” асарини ўзбек тилига атоқли ўзбек шоири Эркин Воҳидов таржима қилган.

31 АВГУСТ

1811–1872 йиллар. Теофиль ГОТЬЕ (Пьер Жюль Теофиль Готье), шоир ва танқидчи. Франциялик дайди қизиқчилар ҳақидаги “Капитан Фракасс” романи ўқувчилар орасида машҳур.

Оловиддин СОБИР ЎҒЛИ
тайёрлади.



РЕЗЮМЕ

●● Трагическая смерть принцессы Дианы останется одним из самых скорбных событий в истории Великобритании. Таинственный белый «Фиат», послуживший, по всей видимости, причиной автокатастрофы 31 августа 1997 года, в которой погибла любимица миллионов британцев принцесса Диана, так и не был найден. Французская писательница Лоранс Коссе предлагает свою версию событий. В романе «31 августа» автор выстраивает захватывающую историю, связанную с катастрофой.

●● Пьеса известного русского драматурга Александра Вампилова «Утиная охота» популярна не только в России, но и за рубежом. Главный герой произведения Зилов – редкостный образец цинизма и эгоизма. Произведение написано в духе протеста против пороков, присущих современному поколению. В рубрике «Драма» представлены начальные сцены пьесы, в переводе Мухаммеждана Хайруллаева.

●● Автор статьи «Путешествие по Европе: изумление и благодарение» народный поэт Узбекистана Махмуд Таир делится впечатлениями, описывая природные и географические особенности европейских стран, менталитет, обычаи и устои разных народов, а также их отношение к книге и литературе.

●● Зааминский семинар творческой молодежи имеет 20 летнюю историю. Данный форум который традиционно проводился в Зааминском районе Джиззакской области послужил трамплином для многих молодых талантов. На очередных творческих занятиях, прошедших в начале июля, приняли участие около 70 молодых писателей и поэтов из разных уголков страны. В рубрике «Колыхание Заамина» представлены первые наброски участников мероприятия.

●● Герой рассказа популярного итальянского писателя Дино Буццати «Обвал» Джованни впервые получает ответственное задание: «Немедленно выезжайте. В Валле-Ортика сильный обвал...» Удастся ли молодому журналисту «выстрелить» сенсационным репортажем с места страшной трагедии?.. Любовь способна на многое, даже избавить человека от злобы и ненависти. В рассказе Альберто Моравиа «Майский дождь» в ярких красках описаны переживания любящего сердца. Читайте в рубрике «Проза».

RESUME

●● A tragedy of princess Diana is one of the most terrible days in history of United Kingdom. A tragic death of princess who gained thousands of admirers in Great Britain and in foreign countries for her beauty, intellect and patience was represented in a novel “August 31” written by French writer Lourance Cosse.

●● Well-known Russian playwright Aleksandr Vampilov’s “Duck Hunting” drama presented in “Dramatic Art” rubric was a sensation not only in Russia, but all over the world. The first part of the play written against violence, cruelty, conflicts between people and social backwardness is presented in Muhammadjon Khairullaev’s translation.

●● The People’s poet of Uzbekistan Mahmud Toir’s “European Travel: Surprise and Gratitude” article is about poet’s impressions and surprises gained during his European travel. Author writes in his special manner about nature of the West, geographic features of European countries, a mindset, traditions, book reading culture and literary attitudes of various nations.

●● Zomin seminar of young talents was founded twenty years ago. A lot of gifted young authors recommended themselves to well-known masters in this seminar.

●● Regular creative trainings of the seminar took place from July 5 till July 7. About 70 young authors from different regions of our country took part in it. Some works by these young participants presented in “Zomin Waves” rubric.

●● Well-known Italian writer Dino Buzzati’s “Landslide” story is about adventures of a young journalist. Alberto Moravia in his story named “May Rain” wrote about love which forces a man to serious acts and at the same time clears his heart from every crime and violence.



Жаҳон АДАБИЁТИ

2017 йил август сони

Навбатчи муҳаррир: Д.РАЖАБОВ
Техник муҳаррир: О.СОБИР ўғли
Мусахҳих: Д.АЛИЕВА
Компьютерда саҳифаловчи: М.АЛИЕВА

ИНДЕКС 828, 829

2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189.
Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.
“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда
ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олиниши шарт.

Таҳририят манзили:

100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Телефонлар: (0371) 244-41-60, 244-41-61, 244-41-62.
Сайт: www.jahonadabiyoti.uz
E-mail: jahonadabiyoti@list.ru

Босишга рухсат этилди 13.09.2017 й. Бичими 70x108^{1/16}. Офсет қоғози.
Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.
Адади 2210 нусха. 4983 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.
“Жаҳон адабиёти” журнали компьютер марказида териблиб, “Sharq” НМАҚда чоп этилди.

Босмахона манзили:

100000, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

© **Жаҳон адабиёти, 2017 й.**